

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
МАДАНИЯТ ВА СПОРТ ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ САНЪАТ ИНСТИТУТИ

**Жўра Махмудов, Хамида Махмудова**

**РЕЖИССУРА АСОСЛАРИ**

**Дарслик**

Тошкент – 2008

## **АННОТАЦИЯ**

“Режиссёрлик асослари” номли дарслиги Олий санъат билим даргоҳларидағи талабаларга мұлжалланған бўлиб, унда режиссёрлик касбининг ўзига хос нозик томонлари, бу соҳани эгалламоқчи бўлган талабалардан лаёқат ва кенг кўламли билимлар талаб қилиниши, шу билан бирга, бўлажак режиссёр сабр матонатли, фалсафий мушоҳада юритишга қодир бўлиши кераклиги мисоллар билан кўрсатиб ўтилган.

Ўзбекистон Давлат стандартлари Олий таълим тизимида 5210400- режиссура (санъат тури)йўналиши бўйича бакалаврларни тайёрлашга бўлган зарурий талаблар асосида ишлаб чиқилган. Дарслик 4 йиллик ўқишига мўжалланган.

Дарсликни яратишда кўплаб манбалар қаторида Б.Е.Захаванинг “Мастерство актёра и режиссёра” ва Ю.Мочаловнинг “Композиция сценического пространства” китоблари ҳамда шу давргача режиссура соҳасида еришилган энг илғор тажрибаларга таянилди.

Дарслик режиссурага бағишлиланган илк китоб эканлиги, муаллифларнинг бу соҳадаги изланишлари жараённида хато ва камчиликлар бўлиши табиий бир ҳолдир. Ана шундай камчиликларни кўрсатиб ўтмоқчи бўлган ҳамфикирларга аввалдан миннатдорчилик изҳор қиласиз.

Режиссёрлик асослари дарслиги Ўзбекистон Давлат санъат институтининг Илмий Кенгаши томонидан 2008 йил тасдиқланган ва нашрга тавсия этилган.

## КИРИШ

Режиссёр санъати ўз ичига спектакльнинг турли унсурларини уйғулаштириш орқали ягона ечимга эга бадиий саҳна асар яратоалиши билан баҳоланади .Ушбу мақсадга эриши учун режиссёр ўз ниятини саҳналаштириш жараёнида иштирок этадиган барча ижодий жамоани ягона мақсад сари сафарбар эта олиши керак.

Шу нүктаи назардан қаралганда режиссёрлик санъати( гарчанд у даврда бошқача ном билан аталган бўлсада) алоҳида санъат тури сифатида узоқ тарихга эга.

Антик театрда асосий ўринни **хор** эгаллаган. Яъни омманинг фаолияти,кўшиқ,ракс,турли техник воситаларни ҳаркатга келтириш ишларини **хор бошловчиси** томонидан бошқарилган.Хозирги тушунчада антик театр томошаларига Хор бошловчиси режиссёрлик қилган.

Хор бошловчиси ташкилий ишлардан ташқари, драматик асарнинг ғояси,мақсади,сиёсий-ижтимоий талабларга жавоб бериш-бермаслиги борасида ҳал этувчи овозга эга бўлган.Шунингдек актёrlар билан ишлаш,мизансаҳналар ўйлаб топиш каби вазифалар ҳам Хор бошловчиси-режиссёр зиммасида бўлган.

Демак,театр ижодий жамоаси оммавий ўйин, майдон томошаларида ҳамиша кофармон-иш тақсимотчиси бўлган.Чунки бу томошаларда энг камида 500 дан ортиқ одамлар қатнашган.Унинг ичida цирк ўйинлари,пантомима,масхарабозлик,кўз бойлағич,турли хайвонлар ўйнатиш,жанг саҳналари мавжуд бўлиб уларни яхлит томоша шаклига келтириш ишларини албатта, бир одам яъни иш бошқарувчи ягона дастур асосида тартибга солиб турган. Бундай томошалар ҳалқ ҳаваскорлик артистлари,ишқибозлар,қизиқувчилар иштирокида ўтказилган.Бундай байрамлар,диний марсимлар,ҳалқ сайиллари,турли байрамлар ҳар бир ҳалқ ва миллат орасида йилнинг турли фаслларида ўтказиб келинган.Бунинг учун албатта байрам лойиҳаси,кўринишлар,иштирокчилар,кийимлар,бадиий безаклар реквизит ва бутафория, қўғирчоқлар лойиҳаси тузилган ва улар устида иш борган.Сўнгра байрамдан бир неча кун олдин,жарчилар шаҳар майдонлари,бозорларда жар солишган ҳамда бўлажак томошаларнинг ҳомаки шакли репетиция қилинган.

Томошалар вақтида эса иш бошқарувчи-режиссёр томоша кўрсатувчилар орасида бўлиб унинг уст-боши бошқаларнидан ажралиб турган, қўлида маҳсус узун таёқ –кўрсаткич ҳам бўлган.

Ўн саккизинчи асрга келиб Германияда режиссура касб сифатида расман тан олинади.Чунки, театр санъати шу даврга келиб ижтимоий-сиёсий аҳамият касб этабошлайди.Бу албатта Германияда ишчилар синфиини шаклланиши ва театр тарғибот ва ташвиқот воситаларининг бири сифатида майдонга чиқиши билан боғлиқдир.

Театр санъатида ҳам адабиёт, тасвирий санъат ва мусиқа каби жамиятда ўз ўрнини эгаллайбошли билан, профессионал режиссурага кучли эҳтиёж туғилади.

Режиссёрлик дастлаб икки йўналишда шакллана бошлайди .

А) Экгофа .Бу режиссёр Королини Нейбер труппасида ишлаган ва ўз қарашларини шу труппа иштирокчилари билан амалга оширган.

Б) Шрейдер.У ўз қарашларини германиянинг турли театр труппаларида татбиқ этабошлайди.

Бироқ ҳар иккала режиссёр услугларини Гёте умумлаштирган ҳолда ягона режиссёрлик мактаби йўналишини назарий жиҳатдан ишлаб чиқади.

Гётенинг қарашлари қўйидагича:

*-Саҳна асарининг спектакль сифатида яхлит гоявий йўналиши ва мукаммал шаклга эга бўлиши зарур. Томошабингга таъсир кўрсатиш учун режиссёр турлича усуллар ишлаб чиқиши керак. Актёрларнинг таъсирили ижросини таъминлаш учун тасвирий санъат ва хайкаллар шакли ва ҳолатини ўрганиши зарур. Саҳнада юриши-туриши, баҳс мунозара олиб бориши, кириб-чиқишилар театр санъати талабларига жавоб бериши керак бўлиб у кундалик хаётий шаклдан фарқ қилмоги лозим. Спектакль томошабингга фақат актёрлар ижроси билангида эмас, бадиий безаги, яхлит ечими билан ҳам таъсир ўтказмоги зарур.*

*Пиеса билан ишлашда аввал асарни яхшилаб ўрганиши, ролларни тахлил этиши сўнгра актёрлар билан стол атрофига ҳар бир образ устида эринмай ишлаш керак. Чунки бу жараён репетиция жараёнининг энг муҳим бўгини сифатида қаралиши керак. Саҳнада бир қарич ҳам бўши жой қолмаслиги керак*

Шу мақсадда Гёте ўз асарлари учун ўзи мизансаҳналарни майдачуйдасигача ишлаб чиқкан ва актёрлардан шунга эътибор беришлини талаб қилган. У саҳна иштирокчиларини ярим доира шаклида ҳаракатланишларини маслаҳат берган.” Мизансаҳналар доимо узлуксиз ўзгариб туриши керак Спектаклнинг бадиий яхлитлигини таъминлаш учун эса кийимлар, чироқ турли шовқилардан фойдаланган ҳолда уларни бир услуб, бир жанрга бўйсиндириш керак” деган.

Ўн тўққизинчи асрга келиб Венадаги Бург театрининг ижодий йўналишида ўзгариш пайдо бўлабошлайди. Театрнинг бадиий раҳбари Шрей Фогель ўз устози Зоннельфельс назариясини амалда татбиқ этабошлайди. У театрни ягона ижодий жамоа сифатида шакллантиришга эришади. Барча ижодкорлар бир мақсадга ҳизмат қилиш кераклигини амалда исботлашга ҳаракат киласди. Актёрларда пауза-(тин олиш сукут )дан унумли фойдаланиш кераклигини ва унинг натижасини амалда исботлайди. Актёр томонидан ижро этилган ҳар бир рол пиеса таркибидан ажралмаслиги, образ-тимсол ўзининг яхлитлиги билан асарга ҳамоҳанг бўлиши, бу ҳамоҳнаглик бутун спектакль давомида узлуксиз ҳаракат орқали томошабинга сезилиб туриши керак деган фикрни олға суради. Бунинг учун аввал пиеса бўлакларга бўлиниб ишланиши сўнгра режиссёр шу бўлакларни бирлаштиририб бир бутун яхлит спектакль ҳосил қилиши керак, дейди.

Навбатдаги босқич, Германияда Шекспир театрини ташкил этилиши билан боғлиқдир.

Бу театрни ташкил этилиши Иммерман,Йоган,ва Тик каби буюк реформатор режиссёрларни майдонга чиқишига сабабчи бўлди.Улар режиссура тарихида алоҳида ўрин эгаллайдилар.

Иммерманнинг хизматлари тўғрисида шуни алоҳида таъкидлаш жоизким,у саҳнада *оддий ҳаётий воқеаларни эмас,бадиий шаклга солинган воқеалар саҳнадан туриб акс этиши керак* дейди.Шекспир писсларида поэтик *шакл ва ҳолат* уни шундай фикрга келишага ундейди.У Шекспир шеъриятига урғу қаратади.У саҳнадаги *оддийлик ва табиийликка* кескин қарши чиқади.Унинг фикрича *драманинг асосини инсоний хатти-ҳаракатлар* ташкил этиши керак.Шу билан бирга драма асарларида опера жанрига хос бўлган шартлилик бўлмаслиги зарур.

Драма жанрининг асосий вазифаси *томушабинга тўғридан тўғри таъсири ўтқазишдан* иборатdir.Айниқса *оммавий саҳналарнинг таъсири қучли бўлиши керак* дейди ва ўзи оммавий саҳналарни ишлашга алоҳида эътибор беради.Оммавий саҳна иштирокчиларининг ҳар бири билан алоҳида-алоҳида ишлаган.Драма шаклида *мусиқадан кенг фойдаланган ҳолда, спектаклга қўшиқлар киритишга уринган*.Томушабинга кучли таъсири ўтқазиш йўлида изланишлар олиб бориб,*томуша давомида декорацияларни ҳаракатга келтиришга уринган*.Улар *томушабин кўз ўнгидагачайқалган,хатто боши қаҳрамон фожеаси билан боғлиқ вазиятда декорациялар қулаб тушган*.

Немис режиссурасининг яна бир вакили **Лаубе**.

Лаубе сўз *қудратига* алоҳида эътибор қаратади.У Гёте фикрини давом этдириб *стол атрофида ўтириб ишлашга* алоҳада аҳамият беради.Сўзларни ўзи *талаффуз қилиб,мизансаҳналарни қўрсатиб берган*.Лекин у *театрбозлик,баландпарвозликка* тамоман қарши бўлган.Сўз ва ҳаракат замирида *чукур фикр ётган бўлиши керак деган*.Сўз устида ишлашда,*овоз,талаффуз,ургулардан* фойдаланиш таъсирчанликни оширади, дея таъкидлашдан чарчамаган.У *кийим ва декорацияларга иккинчи дараҷали унсурлар сифатида қараган*.

Яна бир гурух режиссёрлар **Мейнингчилар**.

Уларнинг спектакллари декорация ва костюмларнинг ранг-баранглиги билан ажralиб турган. Спектакллари тантанавозлик, улуғворлиги билан ажralиб турган.

На фақат декорациялар,хатто овоз ва турли шовқинларга ҳам дикқат эътибор билан қарашган.

Тарихий спектаклларни саҳналаштиришда декорация ва костюмларнинг даврига мослиги муҳим аҳамиятга эга бўлган.Шунингдек Мейнингчилар театр ичидаги интизоми,репетициялар жараёниларини,актёрлар интизомини қаттиқ назорат қилганлар.Парда орти, кулис,ортларида қатъий интизом ўрнатилган.

Йигирманчи аср бошларига келиб опера ва драматик театрларда режиссёр биринчи ўринга чиқиб театр санъати йўналишини белгиловчи кучга айланади.Чунки бу даврга келиб спектаклларнинг яхлитлиги томошабин ақл-заковотига таъсири этиш муаммоси асосий омиллардан бири дея қаралади.

Шу даврдаги етакчи режиссёрлардан Отто Брамнинг номи алоҳида эътиборга моликдир.У театрга адабиёт танқидчиликдан кириб келади. Брам

энг аввало намойишкорна ташки ренжиссурага қарши чиқади. Унинг учун актёрлар билан стол атрофида ишлашдан фойда йўқ. Энг асосий иш саҳнадаги репетициялар жараёнида бўлиши керак. Актёр, саҳнада репетициялар бошлангунга қадар рол устида ўйламаслиги, умуман ролни ёд олмаслиги зарур. Факат саҳнадаги репетиция жараёнида актёр ҳамрохи билан мулоқатга киришини орқали керакли оҳанг ва ўйинлар топилиши керак, деган фикрни олға суради.

*Режиссёрнинг асосий вазифаси актёрлар ижроси орқали спектакль майдон ва макондаги муҳитни яратиб берииш* бўлган. Шу йўл билан жонли мулоқат ва ҳәётий хақиқат вужудга келтирилган. Брам Ибсеннинг “НОРА”, Гауптманнинг “ТЎҚУВЧИЛАР” каби спектаклларни муваффақиятли саҳналаштирган.

Кейинги режитссёр Рейнгард бўлиб у қўшимча воситалар, безаклар орқали спектакллар таъсирчанлигини оширишга ҳаракат қилган. У ҳар бир спектаклни саҳналаштиришга киришишдан аввал бўлажак спектаклнинг мукаммал партитурасини ишлаб чиқсан. Спектаклни бошланиши, кўтарилиш нуқтаси (кулминация) ечимни, ҳар бир иштирокчининг у ёки бу сўзни қайси ҳолатда қандай талаффуз этишигача эринмай ёзиб чиқсан. Шундан сўнг ҳар бир спектакль учун алоҳида режиссёр ва асисентлар гурухини тузган ва ҳар бирига маълум вазифа юклаган. Режиссёр ва асисентлар Рейнгард ишлаб чиқсан партитурадан оғишмай репетиция олиб борганлар. Рейнгард ишланган парчаларни бирлаштириб яхлит спектакль ҳолатига келтириш билан шуғулланган.

Рейнгардчилар ҳам оммавий саҳналарга алоҳида эътибор берганлар. Улар бош рол ижрочилари ва оммавий саҳна иштирокчилари деган тушунчаларни йўқотишига, бош рол ижрочиси ҳам омаавий саҳна иштирокчилари ўртасида бўлиши керак, деган таълимотни ишлаб чиқадилар.

“Юлий Цезарь”, “Орлеан маликаси” “Валленштейн” каби оммавий саҳналарга бой асарлар устида ишлаш жараёнида оммавий кўриниш иштирокчисининг ҳар бири учун алоҳида мизансаҳналар яратишган.

Шундай қилиб; XIX аср охири XX аср бошларида жаҳон театр оламига, Германияда Кронек ва Рейнгард, Францияда Антуан, Англияда Крэг, Россияда Ленскийларнинг номи танила бошланади.

**Режиссёр** тушунчаси К.С.Станиславский унинг шогирдлари Мейрхольд, Вахтанов, Таиров ҳамда Маннон Уйғур бошлиқ бир гуруҳ Москва театр студиясининг битирувчи талабалари билан ўзбек миллий театрига кириб келган. Бу даврга қадар жадидлар томонидан саҳналаштирилган “Падаркуш” (Беҳбудий), “Адвокатлик осонми?” (Авлоний), “Захарли хаёт” (Ҳамза) каби спектаклларда режиссёр вазифасини муаллифнинг ўзи ёки ўқитувчи бажарган бўлиб (хозирги кунда ҳам айrim вилоят театрларида режиссёрга “муаллим” дея мурожат қилишади) роллар тақсимоти, актёрларга қаердан чиқиб, қандай гапириш ва ҳоказоларни ўргатган. Аксарият ҳолларда актёрларнинг ўзи пъеса сўзларини ёд олиб, томоша кўрсатишган. Иш боши (режиссёр-саркор) эса ким қандай кийим кийиши, қаердан кириши, қайси

жойда ўтириб-туриши ,қаерда чироқ ёқиб, қаерда мусиқа чалинишини назорат қилиб турган.

Бундай шаҳс топилмаган тақдирда барча ижрочилар бир бўлиб спектакль чиқаришга уринишган. Гарчанд бу каби спектаклларда айрим ижрочиларнинг муваффақияти,декорация(саҳна кўринишлари) яхши ишланса ҳам мазкур саҳна асарларида стилистик яхлитлик ва ғоявий юксаклик (К.С.Станиславский ибораси билан айтганда спектаклнинг “Олий мақсади”)кўринмас эди.

Спектаклдаги барча унсурлар бирлигига эришиш тўғрисида ёзар экан К.С.Станиславский “катта салоҳиятга эга бўлган турли касб эгалари бир саф бўлиб,катта куч билан томошабинга таъсир кўрсатади ва минглаб инсонлар юргини бир маром, бир хил уришга мажбур қиласди.”Шунча инсонларни ким бир мақсад, бир маслак йўлида бирлаштира олиши мумкин?

**Сўзсиз:-режиссёр!**Фақат режиссёргина барча ҳаракатларни мақсад ва бир ғоя атрофида бирлаштира олади.

**Режиссёр-ташвиқотчи,режиссёр-кўзгу,режиссёр-ташкилотчи,-деб** ёзган эди,В.И.Немирович-Данченко.

## **БИРИНЧИ БОСҚИЧ**

### **Режиссёрлик қобилиятыни тарбиялаш.**

*Бадий ижоднинг умумий шартлари*

Режиссёрлик касби кўп тармоқли ижодий фаолият ва тасаввур қилаолиш салолҳиятига эга ,чукур билим ҳамда актёрлик маҳорати сирларини мукаммал эгаллашликни талаб қиласди. Режиссёрлик касби каби бир қанча соҳа мутахассислиги,кўп қиррали иқтидор ,маҳоратни талаб қиласдиган соҳа кам учрайди.

Шунинг учун режиссёрлик касбини эгаллашга бел боғлаган талаба.кўплаб ижодий соҳа билимларига эга бўлишидан ташқари ,табиатан шу соҳага лаёқатли бўлиши зарур. Режиссёрлик соҳасига лаёқати бўлмаган талабани ,турли узлуксиз машқлар ёрдамида маълум кўнималарга ўргатиш соҳага зарур билимлар билан қуроллантириш мумкин.Бироқ талабанинг ўзида туғма профессионал лаёқат бўлмаса,хеч қандай машғулот ва билим унга ёрдам берсаолмайди.

Профессионал лаёқат деганимизда нималарни назарда тутамиз?

Профессионал лаёқатни шартли тарзда уч гуруҳга ажратиш мумкин.

1.Бу гуруҳга санъатнинг ҳар бир соҳасига таълуқли бўлган (мусиқа,тасвирий санъат,театр,адабиёт) ижодкорлик салоҳиятини киритиш мумкин.

2. 2.Бу гуруҳга санъатнинг барча соҳаларига хос бўлган салоҳият билан биргалиқда,режиссёрликка хос бўлган ташкилотчилик қобилияти бўлмоғи лозим.

3.Бу гуруҳга режиссёрликка хос бўлган салоҳият билан бирга актёрлик маҳорати,актёрликка хос энг асосий қобилият мавжуд бўлишлiği зарар.

Бадий ижод учун зарурий бўлган қобилитянинг нечоғлик ривожланганлигини кўриб чиқайлик.

Бундай қобилиятнинг биринчи шарти,ижодкорни ўз ички ҳис –хаяжони бадий таъсуротини изҳор этиш,кўрсатиш,айтиб беришга бўлган кучли ихтиёждир.Манга шу ихтиёждан келиб чиққан ҳолда ,ўз билими,тафаккурини,хаётин кузатувларини тинимсиз бойитиб боришга бўлган изланишларидан иборатдир.Агар кўрган ва билган нарсаларини ихзор этиш учун қалбининг ич-ичидан тинимсиз ташқарига чиқишига, одамларга айтишга,одамлар билан баҳам кўришга ўзида кучли ихтиёж бўлмаса,бу соҳадаги барча сайъи ҳаракатлари зое кетади.

Лев Толстой,-*агар ёза олмасанг,яхиси ёзмаганинг маъқул*”деган сўзини режиссура соҳасига тўғриласак.”Агар **саҳналаштираолмасанг,яхиси саҳналаштирамаганинг маъқул**”дейиш мумукин.Режиссёр ўзи ўқиган пеъесадан олган таъсуротларини,хаётин воқеалар силсиласидан олган таъсуротлари остида ўзининг айтмоқчи бўлган фикрларини саҳнадан туриб баралла хайқиришга ўзида кучли эътиёж сезмугунча асар устидаги ишни амалга оширишга киришмаслиги зарур.

Айтмоқчи бўлган фикрнинг самиймийлиги,мазмундорлик, санъаткор лаёқати бир-бирини тўлдириб,бойитиши натижаси ўлароқ.яхши асар дунёга келиши

мумкин.Булардан ташқари ҳар бир забардаст ижодкорда бўлганидек,бадиий-фоявий дунёқарашнинг кенг шаклланганлиги,ижтимоий,фалсафий мушоҳаданинг теранлиги ,хаётнинг пасти-баландини яхши тушиниши асар муваффақиятида ҳал қилувчи ўрин эгаллади. Режиссёрнинг илмий салоҳиятини ўстиришда санъатшунослик илмини яхши тушиниши,таҳлил қилаолиш қўламининг кўпқиравлиги муҳим омил ҳисобланади. Санъатшунослик фанлари бўйича режиссёр замонавий билимлардан хабардор бўлиши зарур. Санъатнинг барча турларини яхши билиши,уларни таҳлил қилаолишиликни ўрганмоғи лозим бўлади.

Булардан ташқари режиссёрда эстетик дидининг мукаммал шаклланганлиги ёлоғонни -ростдан,сохталикни –хақиқийдан ажратаолишида ёрдам беради. Маълумки,режиссёрнинг асосий қуроли-актёрдир.Бунинг учун эса,актёр психологиясини яхши билган бўлиши,актёр яратмоқчи бўлган тимсол-образ психологияси унга яқин бўлмоғи зарур.

### ***Кузатувчанлик ,тасаввур,фантазиянинг касбий аҳамияти***

Санъатнинг қайси соҳасида бўлмасин ижодкорнинг синчковлиги катта аҳамиятга эга.Синчков бўлмай туриб хаётни чуқур билиш мумкин эмас.Хаётни чуқур билмай туриб яратувчанлик билан шуғулланиш,санъат билан шуғулланиш мумкин эмас .

***“Шундай инсонлар борким,-деб ёзган эди К.С.Станиславский-бундайлар табиатдан ўта сезгир ва синчиков бўладилар.Улар беихтиёр тарзда кузатувчан бўлиб,атрофида рўй бераётган ходиса ва воқеларани сезадилар кўрадилар хотираларида умрбод сақлайоладилар .Устига-устак кўрган ва сезган.кузатганлари орасидан қизиқроқ,муҳимроқ,гузал ва типик хусусиятга эга бўлганларини саралаб оладилар.Бундай инсонлар билан сухбатлашганингда,кўпчилик одамларнинг эътиборидан четда қолган воқеа ва ходисаларни,сезмасдан кўрмасдан ўтқазиб юборганликларини гувоҳи бўламиз.”***

Сезгирлик ва кузатувчанликнинг бир неча қирраси бор.У ёки бу санъат тури тўғрисида фикр юритсак,кузатувчанликнинг ўша соҳага таълуқли қиррасини кўрамиз.Факат айрим мураккаб санъат турларигина кузатувчанлик ва сезгирликнинг барча қирралари иштирокини талаб қилас экан. Шунга қарамай барibir кузатувчанлик ва сезгирликнинг алоҳида бир қирраси устивор бўлишлигини талаб қилас экан.

Мисол учун тасвирий санъатда рассомдан ранглар,чизиқлар,хошиялар,нур ва сояларни сезишликини талаб қилса,хайкалтарошдан буюмларнинг ташки пластик шаклини ,майдон макон ва замондаги ҳолатини.ҳажми баланд-пастлигини сезишликини талаб қилас экан.Мусиқачи эса.кўриш ва сезишдан ташқари атрофдаги оҳанг,товушларни эшитаолишилик қобилиятини талаб қиласи.

Ёзувчидан эса бунданда мураккаброк,сезгирлик кузатувчанлик талаб қилинади.Ёзувчи томонидан яратилган тимсоллар,воқеа ва ходисаларни ўқувчи кўз олдига келтирибгина қолмай,тасвирланган манзараларни

сезиши,гўзалликни,ҳис этиши нафис ҳидлар димоғига урилиши,тамини татиб кўргандек бўлиши керак.

Актёрлик санъатидаги кузатувчанлик ва сезгирилик ўзгачароқ сифатга эга бўлиши керак. Сабаби актёр саҳнадан туриб инсоннинг хулқи одоби,юриш туриши,хатти-ҳарақатини акс этдириши лозим бўлгани сабабидан,актёр инсоннинг табиатига хос бўлган хусусиятларнинг турли кўринишларини ўрганиши кузатиши керак бўлади. Актёр инсон табиатини ўрганар экан,бошқа санъат турлари мутахисслиари каби бешта сезгисни ишга солади. (албатта бунда кўпроқ кўриш ва эшиши каби фаолиятга кўпроқ ўрин берилади) Лекин бошқа санъат мутахассисларидан фарқли ўлароқ актёр яна бир сезгисини ҳам ишлаталиши талаб қилинади. Худди мана шу сезги актёрлик санъатида муҳим аҳамиятга эга . Бу сезгини қабул қилишнинг **мушаклар ёки мотор** сезги ҳам дейиш мумкин.

Инсон ҳатти-ҳарақатини кузатётган актёр,ҳаёлан ўша ҳарақатларни тақорлашга “ўйнашга” интилади. Гарчанд актёр ўз обьектини кузатар экан, ташқаридан қараганда у, ҳарақатсиз турган бўлсада, унинг ички мушаклари кузатилаётган обьектнинг ҳарақатларини келтириб чиқарувчи **бошланғич туртқиларини тақорлашга интилади.Худди мана шу бошланғич туртқилар** орқали кузатилаётган обьектнинг ҳатти-ҳарақатлари актёрнинг мускуллари хотирасида сақланиб қолади. Актёр мазкур шахсга ўхшаган образларни саҳнада акс этдиришига тўғри келган вақтда мушаклар хотирасида сақланиб қолган бошланғич ҳарақатлар ишга тушади ва тимсолнинг қиёфаси тўлалигича намоён бўлади. Демак актёр обьектни фақат кўз ва қўлоқлар орқалигина ўрганиб қолмай, мушаклари орқали ҳам кузатар экан. Агар инсонда табиатан шундай мушаклар кузатиши бўлмаса бундай одамдан актёр чиқиши амри маҳол.

Мушаклар орқали кузатиш фақат аткёрларгагина хос бўлиб қолмай, санъат ва ижоднинг бошқа соҳа мутахассиларининг асарларида инсон фаолиятининг вақт ва замон бирлигига кечадиган жараёнини акс этдирса мушаклар орқали кузатиш жараёни иштирок этади. Ёзувчи қаҳрамоннинг ҳарақатини сўзлар ёрдамида акс этдиради. Тасвирий ва хайкалтарошлик санъатида инсонлар ҳиссиётига таъсир ўтказиш орқали, тасвирланган шахс ёки буюмни гўё айни ҳарақатланиб турган вақтида хаёт бағридан юлиб олиниб расмда акс этдирилгандек туюлади. Демак улар томоша қилувчининг ҳаёлида ҳарақатлана бошлайди. Ҳарақат жараёни рассомнинг тасаввурнида пайдо бўлади, сўнгра уни кўраётган томошабин тасаввурига кўчади.

Хақиқий санъатнинг қудрати ҳам шундаки, у томошабин тасаввурини уйғотади, ҳарақатсиз манзара, тасаввур қудрати орқали ҳарақатланувчи манзарага айланади.

Театр санъатида ҳам шундай манзарани кузатиш мумкин. Саҳнадаги актёр ҳам вақт ва замон бирлигига ҳарақат қиласи.

Спектаклнинг гармоник ҳамоҳанглигини таъминлаш учун актёрларнинг вақт ва макондаги ҳарақатлари маълум тартиб ва бир-бири билан мутаносибликда кечиши зарур бўлади. Режиссёرنинг асосий вазифаси мана шу уйғунлашган ҳамоҳангликни таъминлашдан иборатдир. Яъни актёрларнинг саҳнадаги вақт ва

маконда кечадиган хатти-ҳаракати орқали маълум бадий ғоявиликни таъминлаш мақсадида улар фаолиятнин ижодий ташкил этаолишлик талаб қилинади. Мана шу ўз аро мутаносиблик спектакль деб аталади.

Режиссёр ҳам актёр каби инсон фаолиятини унинг ҳаракатларини кузатув орқали ўрганиши, кўрганларини хотирасида сақлай билиши зарур. Актёр каби режиссёри ҳам инсон табиатининг турли томонлари қизиқтириши керак. Яъни уларнинг юриши, қадам ташлаши, ўтириши-

туриши, овқатланиши, баҳслашиши, севги изҳор этиши, овутиши, буюриши, дўқ – пўписа қилиши, рад этиш, ишонтириш, хийла ишлатиши, лаганбардорлик қилиши, алдаши, мўғомбирлик қилиши, ва х.к.з.лар. Шунингдек жисмоний, руҳий, ҳиссий, содда ва мураккаб ҳаракатларни ҳар бири ўз инсонийлик хусусиятидан келиб чиқиб турли усул ва шаклда бажариши мумкин.

Шунга қарамай актёр билан режиссёрик кузатувлари ўртасида сезиларли фарқ ҳам бор. Агар актёр ўз диққатини алоҳида бир шахс, инсон фаолиятини кузатишга қаратса, режиссёр эса ўз диққатини хатти-ҳаракатларни келтириб чиқарувчи вазиятлар, тўқнашув шаклларини, макон ва замон бирлигидаги мейёр ва суратини ҳам кузатув орқали хотирасида сақлаб қола билиши талаб қилинади. Инсонлар ўртасидаги муносабатлар, курашлар, тўқнашувлар ҳамиша режиссёр кузатувининг диққат марказида бўлиши керак экан. Масалан биттаси сўраса-иккинчisi бермайди, бири зорланса- иккинчisi уни овутади, бири таъна қилса, бошқаси ўз айбини рад этади, бири дўқ қилса, иккинчisi ундан баланд келишга ҳаракат қиласди, бири исбот қилишга ҳаракат қиласди-учинчisi қаршилик қиласди, бири уялтиromoқчи бўлса, бошқаси уни масҳара қиласди, в.х.к.з. Бундай вазият икки киши ўртасида бўлиши мумкин. Улар учтўртта, ўн - ўнбешта бўлиши мумкин. Уларнинг ҳар бири ўзича ҳаракат қиласди. Ана шу ҳаракатларни ягона мақсадга бўйсиндириш, улар ҳамоҳанглигини тъаъминлаш – режиссёрининг зиммасидаги вазифадир. Ана шу ягона мақсад йўлидаги ҳаракатлар оқимини маълум йўналишлар бўйича интилишини тъаъминлаш орқали яхлит спектакль шаклини яратиш режиссёрининг иши. Актёр юқорида кўриб ўтганимиздек, инсон фаолиятини ўрганиш жараёнида асосан мушаклар орқали кузатувини амалга оширади. Бу жараёнда унинг кўриш ва эшитиш аъзолари кузатув мушакларига ёрдам беради. Режиссёрининг кузатуви анчайин мураккаб жараёнда кечади. Кўриш орқали кузатиш худди тасвирчининг кузатуви каби кечиши керак. Чунки у саҳнада манзараларнинг жонли оқими жонли акс этдириши зарур бўлади. Унинг устига жонли ҳаракат оқимининг барча манзара ва кўринишлари бир-бирини тўлдириши, бир-бирига мос келиши зарур.

Агар режиссёр кўриш орқали кузатмаган бўлса, бундай хаётийликни саҳнада қандай акс этдириши мумкин?

Шунингдек режиссёр учун эшитиш орқали кузатиш ҳам керак бўлади. Агар драматург учун одамларнинг гапини эшитиш, нималар тўғрисида баҳслашаётганига диққатини қаратиш лозим бўлса, режиссёр буларга қўшимча равища уларни қандай гапириши, оҳангига, талаффузига ҳам диққатини қаратиши зарур. Буларга қўшимча режиссёр турли овоз ва талаффузларда

гапираётган ижрочилар товушидан оркестр ҳам ташкил этаолиши керак.Мусиқий қобилияти-(слух) бўлмаган одам ҳам режиссёр бўлаолмайди. Ва ниҳоят хайкалтарош каби режиссёрда ҳам нафис, ифодавийлик ҳиссиётлари ривожланган бўлиши лозим.”Мизансахналар усталик билан қурилган спектакль экан”деган ибора беҳуда бўлмаса керак.К.С.Станиславский, Е.Б.Вахтангов, В.Э.Мейерхольд, М Уйғур, Я.Бобожонов,Т.Х.Хўжаев каби устозлар асар қаҳрамонларининг таъсирчан ва ифодали-пластик рамзий хусусият ва ҳолатларини саҳнада маҳорат билан акс этдира билганлар.Юкорида айтиб ўтганларимиздан хулоса қиладиган бўлсак режиссёрнинг бешта сезги аъзолари ҳамиша фаол ишлаши борлиқни фаол кузатиш ва ўрганишдан тўхтамаслиги керак экан.Булардан ташқари режиссёр саҳнадаги актёрнинг ижодий фаолиятини бошқаришни ҳам билиши керак бўлади. У ҳаётни ҳам актёрдек кузатишни ўрганиши,хотирада сақлай олиши зарурдир.

Демак режиссёрнинг кузатувчанлик қобилияти серкирра ва ўта мураккаб экан.Шунинг учун режиссёрнинг ижоди бир томондан қизиқарли бўлиши билан бирга кўп қиррали қобилиятни талаб қиласа экан.

Айтиб ўтилганларга қўшимча равишда режиссёрда яна иккита муҳим ҳислат мавжуд бўлиши зарурдир.

**Булар: -Тасаввур**

**-Фантазия.**

Бу атама бир-бири билан ёнма-ён ишлатилиши туфайли улар бир маънони англатади деган тушунча ҳам мавжуд.

Ҳар бир ижодкорда шу икки нарса бўлиши зарур.Хатто бошқа илм соҳасида фаолият олиб борувчилар учун ҳам бу нарса керак.

Хўш фантазиянинг ўзи нима экан?

Ижодий фантазия -ортирилган тажрибаларни умумлаштирган ҳолда маълум мақсад йўдида фойдаланишдир.Фантазиядан бундай усулда фойдаланиш санъатдан ташқари бошқа соҳаларда ҳам илмий изланишлар олиб бориш жараёнида фойдаланилади.Яъни фантазия ортирилган тажрибаларни умумлаштириб турли шаклларда фойдаланилар экан.

Мисол учун шарқ эртаклари қаҳрамонлари тимсолини олиб кўриш мумкин.Улар фантастик қаҳрамонлар бўлиб хақиқий хаётда учрамайдилар.

Кўп эртакларда баҳайбат **дев** тимсоли бор.Хақиқий ҳаётда **дев** бўлмайди.Лекин девнинг ўзи ким?Унинг ташқи кўриниши баҳайбат,аъзойи баданини қалин жун қоплаган,Пешонасида битта кўзи бор.Оёқлари туёқдан иборат.Хаётимизда кўз бор,туёқ бор.Аммо уларнинг одамда бўлиши эҳтимолдан узок.Лекин унинг ички дунёси бизга яхши таниш.Ўта раҳимдил.Эгасига сидқидилдан беминнат хизмат қиласа.Бундай шахслар ҳам хаётимизда мавжуд.Демак унинг ташқи ва ички фазилат ва нуқсонлари кундалик хаётда кўрган билган тажрибалардан келиб чиқиб фантазия ёрдамида бир шахсда мужассамлаштирилган.Энди **тасаввур** фантазия ёрдамида яратилган объектнинг ҳаракатини,хистуйғуси,сезгиларини яъни ички кечинмаларини яратади.**Фантазия** ижодкорнинг ақлий фаолияти билан боғлиқ бўлса, **тасаввур** унинг ички кечинмалари билан боғлиқ экан.Бундан шундай хулоса чиқариш мумкин экан.

Режиссёрда ҳам санъатнинг бошқа соха мутахассиларида бўлганидек инсон сезгилирининг бештаси иштирок этган ҳолда қўшимча тарзда унинг фантазия ва тасаввuri ҳам ишлар экан. Тасаввур ва фантазия ёрдамида режиссёрнинг тимсолий тафаккури ишга тушади. Ишга тушишининг ўзи камлик қиласи. Режиссёр тимсолий тафаккур ёрдамида яратган вазиятда, хаёлан воқеа иштиркчиларига айланиб тасаввурий ҳаракат ҳам қилабошлайди. Режиссёр тасаввурида яратилган тимсоллар кўради, эшитади, сезади, хид, таъм билади, хис этади. Режиссёр учун бунинг ўзи камлик қиласи. У ўз тасаввурида яратган тимсол қиёфасига кириб, мушаклар сезгиси ёрдамида ҳаёлан ҳаракатга ҳам келтиради. Ана шу мушаклар сезгиси орқали бошланғич туртки бўлган хиссиётларни режиссёр актёрга ўтказишга ҳаракат қиласи.

Шунингдек режиссёрлик фаолиятида вақт ва макон, замонни доимо хис этишлик, уларнинг узлуксиз ҳаракат динамикасини сезиб туришлик муҳим аҳамиятга эга. Режиссёр шу ички (интуитив) сезгиси орқали спектакль мейёр ва маромини ҳамиша назорат қилиб туради. Ҳар бир одам ёки одамлар жамоаси маълум маром билан ҳаракат қиласи. Унинг сурати турлича тезликда бўлиши мумкин. Шунингдек мушаклар ҳам ички асаб хужайраларининг ҳарорати турлича бўлиши табиий бўлиб вазият тақозасидан келиб чиқиб ҳамиша ўзгариб туради. Маром инсон фаолиятининг ташки кўриниши бўлибгина қолмай у ички хиссиётларини ҳам тартибга солиб туради. Шу билан бирга ҳар бир одамнинг ўзигагина хос бўлган маром ва сурат бордир. Турли вазиятда турли одам турлича хис этади, муносабат билдиради.

Бир сўз билан айтганда, ташки ва ички ҳаракат мейёри ҳар бир инсонда ўзгача бўлганидек, ҳар бир миллатда, ҳалқда, ўлка ва шаҳарда, минтақада, жой ва шароитда (тўйда, азада, ошхона, ресторан, бекат, аэропорт, хиёбонда) турлича бўлади. Шунинг учун саҳнада кечадиган ҳар бир ходиса, воқеанинг маром ва сурати ҳам турлича бўлиши керак. Спектаклнинг ана шу мейёр ва суратини топмасдан туриб асарни саҳналаштириш мумкин эмас.

Бўлажак режиссёrlарда профессионал салоҳиятни тарбиялаш ўстириш учун маълум шароит ва машқлардан фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга.

Машқлар билан жиддий шуғулланишдан қўзланган мақсад, бўлажак режиссёrlарда, хаётни саҳнада хаққоний акс этдира олиш билан бирга томошабинни чукур фикрлашга ундейдиган, саҳнада бўлиб ўтадиган воқеаларга режиссёрнинг муносабатини таъсирчан воситалар орқали акс этдира олиши салоҳиятига эга бўлишдан иборатdir

Дастлабки машқларда режиссёrlарда кузатувчанлик салоҳиятини ўстириш ва тарбиялашга қаратилгандир.

**Амалий машғулотларга ўтишдан олдин ўқитувчилар учун айrim эслатмалар тавсия қилинади.**

Режиссура фанидан ўтиладиган дарснинг дастлабки соатида режиссёrlарда саҳнага нисбатан ҳурмат ҳиссини уйғотиш, кейинги дарслар учун дастлабки босқич бўлиши зарур.

Дейлик, дарсга кирган ўтқитувчи саҳнада(дарсхонадаги саҳна учун ажратилган бўлак) икки-уч талабани бемалол гаплашиб, қўлни чўнтакка солиб тургани ёки икки талаба бир-бири билан ўйнашаётганини кўрган ўқитувчи, уларни уришмасдан, талабаларни жой-жойига ўтқазиши ва дастлабки сухбатни саҳнага бўлган ҳурмат, бошқа ҳалқларда саҳнага билдирадиган эҳтиром, уни муқаддас эканлиги, бундай саҳналарда буюк актёрлар ижод қилганлиги ва ниҳоят режиссёр ўз санъатини иқтидорини, салоҳиятини шу саҳнадан туриб намойиш этаолиши мумкинлигини уқдирмоғи лозим.

Иккинчидан: Театрда режиссёр юриш-туришда, кийинишида, муомила маданияти ва ҳулқи-одоби билан театр жамоаси ўртасида ўrnак кўрсатиши лозим. Демак бўлажак режиссёrlарнинг эстетик ва этик тарбиясига талабаликнинг ilk соатлариданоқ эътибор қаратмоқ зарур. Режиссёrlик курсининг талабалари ўқув ютидаги бошқа талабаларга шарму-ҳаёси, ҳулқи-одоби, қўпчилик орасида ўзини тутиши билан муентазам ўrnак кўрсатмоғи муҳимдир. Бунда сухбат ва тарбиявий соатлар ўқитувчи томонидан, вақти-вақти билан олиб борилмоғи шарт.

## *Кузатув машқлари*

*1.Кузатиши дафтари.* Ҳаётда тўқнаш келадиган воқеа ва ҳодисаларни **кундалик дафтарда** мунтазам равишда қайд қилиб боришга одатланиш ,кейинги ижодий фаолият давомида жуда қўл келади.

Дафтарга нималарни ёзиб бориш лозим?

-Инсон зотига хос бўлган барча фазилат ва нуқсонлар (гаплашиш оҳангি,қўл харакатлари,чехрасидаги ўзгаришлар) уларнинг ташқи кўриниши,уст-боши,одати,шеваси,кутилмаган воқеа-ходисага рўпара бўлганида ўзини тутиши ҳолатлари,турли воқеалар кечган жойлар,табиат ҳодисалари в.х.к.з.лар.

Қайд этиладиган ёзувлар қисқа, лўнда,сермазмун,ўқиган одамга таъсир ўтказадиган бўлиши муҳимдир.Ёзувда, кишининг идрок ва ҳиссиётига таъсир кўрсатадиган иборалар,вазиятлар,сезги аъзоларини қўзғатадиган унсурлар қайд этишили лозим, токим бу ёзувларни кўздан кечириш чоғида кишининг фантазия ва тасаввурни қўзғатишга туртки берсин.

Кундалик тутишга ўзида кўникма ҳосил қилиш учун талаба ўзи учун маълум тартиб ўрнатиб, унга итоат этишга одатланса ,бундай ёзувларни ёзиб бориш кундалик заруриятга айланиб қолади.

Мисол учун:Бир куни одамларнинг юриш-туришини қузатса,эртасига уларни қандай овқатланиши,еб-ичишини қузатади,учинчи куни китоб ёки газета ўқиётгандаги кўринишини дафтарга қайд этиши мумкин.

Агар режиссёрлик курси талабаси ўз олдига шундай мақсад қўйса,зарур бўлган жойларда ҳам кундалик ишини бажариш баробаринда , ижодий қузатувни ҳам олиб бориши мумкин.(магазин,сартарошхона,маҳкама-идора,ошхона)Ўзи бўлган жойларида инсонларнинг бир-бирига бўлган муносабатини,муомиласини,юриш-туришини,хордик чиқаришини,якка ўзи қолгандаги хаётини бемалол қузатиш имконига эга бўлади.Айни шундай жойларда инсонларнинг ўзи учун муҳим бўлган типик ҳолатларини илғаб олади.Кўрган эшитганларини айнан қандай бўлса шундайligicha ёзмай,ўзи учун зарур бўлган қисқа, лўнда ибораларда қиёсий мисоллар билан тимсолий кўринишда акс этдириши лозим. Талабада расм чизиш қобилияти бўлса нур устига аъло нур бўлади. Айрим вазият ҳолатларни аксини тушириб қўяди.Агар талаба суръатга олишни билса, бундай қузатувларини расмга тушириб қўйши керак .

*2.Режиссёр ҳикояси.* Режиссёр қизиқарли тарзда ҳикоя қилиб беришни ўрганса,дафтардаги ёзувларининг қиймати яна ҳам ортади. Талаба кўрган эшитганларини дафтарда қайд этганидан сўнг, уларни ўртоқлари,таниш-билишлари,яқинларига гапириб берса хотирасида мустаҳкам ўрнашиб қолади.На факат таниш-билишларга гапириб бериш, балким биринчи курс талabalари машғулот жараёнида “ким қизиқарлироқ гапириб бериши мумкин” деган мусобақа тарзда ўтқазилса яна ҳам фойдалироқ бўлиши аниқ.Бундай гапириб бериш чоғида ҳикоянинг жонли,қизиқарли,муқояса,ўхшатма ва рамзий маъноларига эътибор қаратиш лозим.Чунки, кейинчалик режиссёр актёр билан

ишлаш жараёнида .албатта актёрни қизиқтира олиши,ўз ортидан эргаштира билиши зарур бўлади.

Кундаликдаги ёзувлар ҳам, ҳикоя қилиб беришлар ҳам талабанинг бешта сезги аъзолари иштирокидаги фаолияти маҳсали ҳисобланади.Аммо режиссёр актёр каби олтинчи- мушаклар турткиси орқали ҳам кузатиш,қабул қилиш салоҳиятига эга бўлиши зарур.

*3.Режиссёрнинг кўрсатиб берииши.*Талаба ўзи кўрганларини ҳаёлан ўзи бажариб кўришга ҳаракат қилиши керак бўлади.Аввалига ички мушаклар ҳаракати орқали, бошланғич турткиларни ҳис этиши, сўнгра ташқи жисмоний хатти-ҳаракатлар орқали ўзи кўрган ходиса ,воқеаларни ижро этишга одатланиши лозим. Яъни ўзини ўзи кўрган одам ўрнига қўйиб,ўша ҳаракатларни, ўша ҳарактерда ижро этишга уриниб кўриш керак.Бунда ўша одамнинг ўзига таъсир қилган ҳаракати,имо-ишораси,кўл ва кўз қарashi,овқат ейиши,кетмон,теша ушлашини эсда қолган хусусиятларини,фақат ташқи жиҳатларини эмас,айни ўша ерда ўзи тургандай ва бу ҳаракатларни ўзи томонидан ўша шароитда қандай бажариши мумкинлигини такрорлаши керак.Бунда ўзининг ички ва ташқи ҳолати,хатти-ҳаракатини ишга солиши зарур.Ҳар сафар маълум хатти-ҳаракатни бажаришда унинг ички ва ташқи психофизик ҳолатини,айни шундай шаклда ҳаракат қилишга туртки бўлган омилларни ички кучни,турткини топишга интилиши лозим.Нима учун шундай вазиятда, айни шундай ҳаракат қилишга мажбур бўлди?Нима учун оёқларини шундай ташлади,бир гап эшитганда юзини буриши,қошини чимиришига нима сабаб бўлди, деган саволларни ўзига бериб, уларга ўзи жавоб топиши керак.

“Шундай” ходиса рўй берганда,инсонда қандай ҳиссиётлар пайдо бўлади? деган саволларга,тафаккур орқали оғзаки жавоб топиш ўрнига,ўша ҳиссиётни ўзида уйғотишга, акс этдиришга ҳаракат қилиш керак.

Агар бўлғувси режиссёр аввалига ҳикоя қилиб, аста-секин, кўрсатишга ўтса машқнинг фойдаси кўпроқ бўлади.Бундай машқларни сони қанчалик кўпайса шунчалик яхши бўлади.Бироқ,режиссёр талабалар актёрлик маҳоратининг бошланғич унсурларини яхши ўзлаштириб олган бўлишлари шарт.Акс ҳолда бундай машқлар “таклидчилик”дан бошқа нарса бўлмай қолади. Шунинг учун бундай машқларни одатда биринчи ўқув йилининг иккинчи ярми,иккинчи курслардан бажарилса мақсадга мувофиқ бўлади.

Ўқитувчи бундай машғулотларни қуидагича ташқил қилиши мумкин.

Яъни талабалар бир ҳафта давомида инсонларга хос бўлган **юришини** кузатиб,сўнгра кузатганларини кўрсатиб берадилар.Бошқа сафар,қандай овқатланишни,телефонда гаплашишни,спорт мусобақалари вақтида,телевизор рўпарасида ўзларини қандай тутишларини кўрсатиб берадилар.(Ҳар бир талаба ўзи кўрган ўргангандаражасида кўрсатади.)

Кейинчлик талалабалар ўзлари танлаган,ўзларига ёқсан воқеа,ходисаларни кўрсатишлари мумкин бўлади.Бундай машғулотларни кўпайиб кетишидан сира қўрқмаслик керак.Талабалар қанчалик кўп машқ-этюд кўрсатсалар шунчалик фойдаси кўпроқ бўлади.

Режиссёрлик кузатувининг сўнгти босқичи бу мураккаброқ кўрсатувлардан иборат бўлиши керак. Яъни инсонларнинг айrim вазиятлардаги қисқа

ҳолатларини кўрсатишдан секин-аста тугалланган воқеалар билан боғлиқ вазиятлардаги ҳаракатини кўрсатишга ўтишиликдир.(яъни этюд шаклида)

Этюд инсон фаолиятининг ижтимоий,маънавий,мафкуравий сифатларини кўрсатиб беришиликни ўз ичига олиши керак бўлади. Инсон қандай фикрлайди,эхтиросли вазиятларда ўзини қандай тутади? Аввалига **гапириб** беришдан бошлаб,кейинчалик шундай ҳолатларни **кўрсатиб** беришга ўтиш керак. Ўқитувчи, воқеалар танлашни талабалар ихтиёрига топширади.Манбани,воқеларни талабаларнинг ўзи танлаб, кўриб ўзи кузатади.Сўнгра ўзи кўрсатади. Мисол учун бири сартарош,иккинчиси дўхтири,учинчиси этикдўз,тўртингиси бокс майдонидаги судья.Бундай машқ ва этюдларнинг сон-саноғи йўқ.

Исонларга хос бўлган хусусиятларни,энг қизиқ,таъсирли дақиқаларини бир кўришда ёдда сақлаб қолиш. уни гапириб бериш, сўнгра кўрсатиб бериш биз ўйлагандай осон иш эмас.Бунинг учун кўникма,тажриба керак.Бу нарсалар эса узлуксиз машқлар натижасида вақт ўтиши билан эгалланадиган қасбdir.Бунинг учун эса ўқишдан машқ қилишдан чарчамаслик зарур.

К.С.Станиславский шундай деб ёзган эди:

*“Атрофингизда бўлаётган воқеа ва ходисаларни кузатиб уларда ўзингиз учун зарурий ижодий манба сифатида фойдаланашини ўзлаштирганингиздан сўнг, ўзингизга керак бўлган манбаларни қидириб топши ва уларни ўрганишини ўзлаштиришингиз керак. Сизнинг касбингиз ва санъатингиз шундай фаолиятга асосланган. Мен , одам бир-бири билан тўқнашганда ўзига юқтирадиган ҳиссиётлар, сезгилар, одатлар тўгрисида гапиряпман. Бундай манбалар ва билимларни қидириб топши осон иш эмас. Чунки бундай ҳиссиётлар инсонларнинг ичидаги, руҳияти, қайфиятида, инсон кўзидан яширинган бўлади.*

*Исонлар камдан-кам вазиятларда ўз юракларини бошқаларга очиши мумкин. Шунинг учун уларнинг ташки бошқа-ю , ичи бошқа бўлади. Кўпинча инсонлар ўз изтироб, ғам ташвишиларини инсонлар кўзидан яшириши учун, хотиржам кўринишга ҳаракат қиласидилар. Бундай вазиятларда исоннинг ичидагини билиши жуда ҳам қийин. Сиз кузатаётган шаҳсининг ички ҳолати, қайфияти, унинг муомиласи, ҳатти-ҳаракати, муносабатида сезилади. Ана шундай дақиқаларда обектни дикқат билан кузатинг. ”Нима учун мавжуд вазиятда у бундай оҳангда гаплашиди, бундай қўлини силтади. бундай қадам ташлади. бундай қаради” дея ўз ўзингизга савол бериб уни шундай қилишга мажбур қилган ички туртки, ички омил, сабабини топшига ҳаракат қилинг. Шу йўл билан ўзингиз кузатаётган обьектнинг кўнглида нима борлигини аниқлашига ҳаракат қилиб кўринг. Агар обьектнинг ўй-фикрини, кўнглида нима борлиги топшига муваффақ бўлсангиз бу сиз учун бебаҳо ҳазина ҳисобланади.”*

Биз тавсия этаётган машқлардан кўзлаган мақсадимиз ҳам айни шудир. кўзлагандир.

4. Кузатувлар билан алмашиниши. Маълумки режиссёр ўз кўрган -кузатганларини сахнада бевосита томошабин билан баҳам кўрмайди(агар режиссёр бир вақтнинг ўзида актёр бўлмаса).

Режиссёрнинг вазифаси ўзи кўрган қузатганларини актёрга ўтқазиши,уни ижодий қуроллантириш ҳамда тасаввурини бойитишдан иборат.Бундай вазиятда актёр тайёр маълумотларни бевосита ҳаётнинг ўзидан эмас режиссёрдан олади.Бу кўрсатувлар,актёрнинг шаҳсиятига салбий таъсир кўрсатмаслиги,иззат-нафсига тегмаслиги ,ижодий томондан унимли бўлиши учун, режиссёр ўз кўрган, қузатганларини қизиқарли тарзда тушинтириши,кўрсатиб бериши, шу йўл билан актёри ўз ортидан эргаштира билиши зарур. Актёри қизиқтирибгина қолмай,унинг юрагини қизитиши,таъсирлантира олиши,илҳомлантириши керак.Лекин кўрганларини механик тарзда, шунчаки кўрсатиб беришнинг фойдадан кўра зарари кўпроқ бўлади.

Бундай **кўрсатиб** бериш самарадорлиги ошириш мақсадида қуйидаги машқларни тавсия этамиз:

Ўқитувчи талабалар орасидан ўз қузатувларини яхши кўрсатиб берган талабага шу кўзатганларини актёр ҳамрохига ўргатишликин топширади.Актёр эса ўз курсдоши бўлиши ҳам мумкин.Бунда **режиссёр** ўз қузатувларидан олган таъсуротини аввалига кўрсатиб бериш орқали,тушинтириш орқали,ўргатиши керак бўлади.Бу машқ бир неча марта ҳатто бир неча кун давом этиши мумкин.Асосий мақсад **режиссёр** ўзи кўриб тасаввурияда яратган воқеликни ишонарли тарзда актёр томонидан ижро этиб беришидир(майлин бу машқ давомида актёр сезгиларни хаққоний чиқараолмасин,аммо ташки ҳатти-ҳаракатлар айнан ўша қузатганидай бўлиши керак).Сўнгра кўрсатиб берган билан ижрочи ўрин алмашинадилар.

Мазкур машқлардан кўзланган мақсад,талабанинг кундалигини текшириш,кузатганларини гапириб бериши,кўрсатиб бериши орқали учта нарсага эътибор қилиш керак бўлади.

**1.Хаққоний** ва ёрқин таъсирчанлиги (кўрсатиб берганида ўзига хос оригиналлиги)

**2.Кўрсатиб** берилаётганга нисбатан талабанинг ўз муносабати (фиқри,муносабати ва ҳиссиёти)

**3.Бадиийлиги.**

Ўқитувчи буларни бирданига талаб қилмай,бирин- кетин бу талабларни қўйиши керак бўлади.

### ***Режиссёрда тасаввур ва фантазияни ўстириши машқлари.***

“Бу қандай рўй берди”(Адабий асар асосидаги кинолентани тасаввурда яратиши)Воқеалар батафсил ёзилган биронта адабий асардан парча ўқиб чиқилади.(Мисол учун Ойбекнинг “Навоий”романидан ёш Алишерни чўлда бир ўзи ўхлаб қолиб кетиши)Энди китобни ёпиб бир чеккага қўйингда,қадам ба қадам воқелар тафсилотини бу ходисани қандай тарзда рўй берганини тасаввурингизда намоён қилишга уриниб кўринг.Бунда ходиса тафсилотини ипидан -игнасигача кўз олдингизга келтиришга, чўлда эшитилиши мумкин бўлган овозларни эшитишга,атрофда нималар борлигини кўришга ҳаракат қилиб кўринг.

Мазкур вазифани бажариш жараёнида қатор тўсиқларга дуч келишингиз табиийдир. От устида ухлаб қолган Алишерни қандайлигини кўз олдингизга келтиришга уринишингиз билан бу қийин муаммо эканлигига амин бўласиз. Алишер ёшлигига қандай кўринишга эга бўлган? Табиий яна романни ва рақлашга тушасиз. Лекин романда бу хақда етарли маълумот топаолмайсиз. Бунинг учун даставал унинг устида қандай, қайси рангдаги чопон борлигини, бошидаги кийими қандай шаклда, қайси рангда эканлигини, оёғида қандай пойафзал борлигини ва ниҳоят Алишер минган от қандай, қайси рангда, кўриниши қандай эканлигини аниқлаш керак бўлади. Лекин қандай қилиб? Фақат ўз тасаввур ва фантазиямизни ишга солиш орқали буни кўз ўнгида келтириш мумкин.

Яъни китобдан ўқиганларимиз, бошқа манбаълардан олинган маълумотлар, расмларда кўрган эшитганларимизни ҳаёлан бир ерга тўплаб уларни бир-бирига солиштириш орқали яхлит манзарани тасаввурда гавдалантириш мумкин бўлади.

**Алишер уйқудан уйғониб атрофида бепоён сахрони қандай кўради?** деган савол қўйсан, яна қатор саволлар пайдо бўлади. Аввало Алишернинг турган жойи қандай кўринишга эга? Ундан сўнг Алишер қаерда эканлигини билиши керак. Унинг кўзи дастреб нимани кўрди? Шу атрофда оти ўтлаб юрипти дейилган. Ўша отнинг катталиги-ранги устидаги ёпинчиқлари, узангиси, югани, эгари қандай?

Яна тасаввурни ишга соламиз. Агар тасаввуримиз бизга керакли маълумотни тўғри етказиб берса, иш юришади. Борди-ю тасаввуримиз оқсаётган бўлсачи? Сўнгра, Алишер отни тутишга ҳаракат қиласи. Отнинг қайси томонидан яқинлашади. Отнинг муносабати қандай бўлди?

Алишер отга минмоқчи бўлди. Нега мина олмади? Шунга ўхшаш саволлар бирин-кетин режиссёрнинг фикрида туғилиши керак.

Юқорида келтирган мисолларимиздан кўриниб туриптики романни дастреб ўқиганимизда ишга тушган тасаввуримиз жуда ҳам ночор ишлар экан. Сабаби бу соҳадаги билимларнинг ўзи ночор экан. Шунинг учун даставал, тасаввурда воқеа ходисанинг умумий кўринишига алоқадор вазиятлар намоён бўлабошлайди. Саволлар чукурлаштирилган сари аниқликлар билан бўш жойлар тўлдирилади.

**Бадиий асар воқеалари хақида мана шундай кинолентани тасаввуримизда яратса олсаккина уни бошқаларга гапириб, кўрсатиб беришимиз мумкин бўлади.**

Демак режиссёрлик курсининг биринчи ўкув йилида машғулотлар талабанинг тасаввурини, фантазиясини ўстиришга қаратилган бўлиши керак экан. Ўқитувчи ҳар бир талабага маълум бир адабиётни ўқиб чиқиши ундан парча танлаши ва ўша парчани маълум муддат ичидаги кинолента шаклида гапириб, тушинтириб бериши кераклигини топширади.

Талабанинг ҳикоя қилиб бериши жараёнида ўқитувчи унга турли (уст-боши қанақалиги, об-ҳаво қанақалиги, қайси фасл эканлиги ва шунга ўхшаш) саволлар бериб, гапириб берувчининг тасаввурини қитиқлаб ўйғотиб, фаоллаштириб борса фойдадан ҳоли бўлмайди.

Юқорида тавсия этилган машқни бажарыш жараёнида ҳикоя қилиб берувчининг тасаввурини тўғри йўналтириш,мақсад сари етаклаш учун талаба ҳикоянинг мавзусидан четлашиб кетишига,қаҳрамон шаклу-шамойилига,руҳиятига тескари бўлмаган сифатларни беришига,хаётий ҳақиқатдан узоқлашиб кетмасликка,бадиий асар жанри ва руҳиятига салбий таъсир кўрсатмасликка ҳаракат қилиши керак.

Шу билан бирга ҳикоя қилиб берувчи ҳикоя жараёнида воқеа-ходисаларга ўз муносабатини ҳам билдириб,сездириб кетиши зарур бўлади .

Кейинги машғулот тасвиrlанаётган манзара *rўй бергунча* ва *rўй бергандан* сўнг воқеа қандай *давом этиши* керак,деган кинолента.

Яъни бирон-бир таниқли рассом томонидан тасвиrlанган манзарани дикқат билан кўздан кечирилади.Сўнгра расмда тасвиrlанган манзарага қадар қандай ходиса бўлиб ўтган эди,деган саволга тасаввур ва фантазия ёрдамида кўз ўнгига гавдалантириш. Қандай ходиса натижасида расмда акс этдирилган ҳолат пайдо бўлиши мумкинлигини тасаввур ойнасида яратишга уриниб кўринг. Яъни воқеалар ўзлуксиз занжирини тасаввур орқали яратиш натижасида расмда тасвиrlанган мизансаҳна пайдо бўлиши мумкин экан?

Мизансаҳна деганимизда *қаҳрамонларнинг берилган майдон ва маконда бирбирига нисбатан ҳамда мавжуд буюмларга нисбатан жойлашуви ҳамда шаклий ҳолати (ракурс)* назарда тутилади.Бу тушунчани янада кенгайтирадиган бўлсак,қаҳрамоннинг шаклий туриши- ҳолати(ракурс) ҳам назарда тутилиши керак.Шундай йўл билан мизансаҳналарнинг олдинма-кетин ўзгариб туриши орқали,манзаранинг пластик таъсири-нафис ифодавий шакли вужудга келади.

Мана шундай узлуксиз ҳаракатлар у ёки бу тасвирий асар-расмни ўрганиб тасаввур ва фантазия қилиш орқали пайдо бўлиши лозим.

Бундай натижага қандай йўл билан эришиш мумкин?

Аввало, мазкур мизансаҳнани унинг мазмун - моҳияти ҳамда шаклини синчиковлик билан ўрганиб таҳлил қилиш талаб қилинади.

Яъни мазкур манзарада акс этдирилган қаҳрамонлар, айни дамда кимлар хақида ўйлашмоқда,нималарни қўнглидан ўтказмоқда?

**Ўртада турган одам ким?**

**У қаердан келди?**

**Қамоқданми? Урушданми? Даладанми? Тогдан тушибими?**

**Уни бу хонадонга қандай алоқаси бор?**

**Рассом шу асрари билан нима демоқчи?**

Юқоридаги саволларга жавоб топиш учун рассомнинг ўз асари хақидаги фикрлари билан танишиб чиқиши керак.Ундан ташқари мазкур тасвир хақида кимлар нималар деган?

Токим қўйилган саволларга тўлиқ жавоб топилмагунча .фантазия мудраб ётаверади.Фантазия билан тасаввур ҳам уйқуда бўлади.

Қачонки расмда тасвиrlанган қаҳрамоннинг ички дунёси,ҳар бир ҳолатнинг келтириб чиқарган сабаб, қаҳрамоннинг юзи,кўз қарашини чукур ўрганиш орқали у шу хонага кириб келгунга қадар бўлиб ўтган ҳодисаларни кўз ўнгимизга келтиришимиз мумкин экан.Биз воқеаларни расмда тасвиrlанган

дақиқаларини ҳаёлан орқага қайтариш орқали, манзарада акс этдирилган ходиса бошлангунга қадар бўлиб ўтган воқеаларни билишимиз мумкин.

Мазкур вазифани кўнгилдагидай бажариб бўлганимиздан кейин уни шундай тасвирлаб бериш керак бўладиким, токим уни эшитувчи ҳам қўз олдига келтираолсин. Тасаввурида ўша манзарани аниқ-тиник кўраолсин.

Шундан сўнг машғулотлар натижаси ўлароқ шу мавзуда кичик бир новелла шаклида ҳикоя ҳам ёзиб қўйиш керак бўлади.

Кейинги босқичадаги машқлар иштирокчиларсиз амалга оширилади.

**Мазкур жойда ҳозир нима воқеа бўлди ёки қандай воқеа рўй беради.**

Бу машқ, фақат буюм ва нарсалар ёрдамида бажарилади.

Талаба ихтиёрида маълум буюм ва нарсалар(улар сони 10 дан ошмаслиги керак) бўлиб шу буюмлар ёрдамида шундай бир сахна яратилиши керакки, уни кўрган одам, **бу қайси жой?**, ҳозир бу ерда **қандай ходиса бўлди?** Ёки қандай **ҳодиса бўлиши керак?** деган саволларга жавоб топиши лозим. Яъни бу машқда одамлар ўрнида буюмлар тилга кириши керак.

Дастлаб бу вазифани талаба ўз тасаввурида яратиб кўриши керак бўлади.

Мисол учун:

**“ТУҒИЛГАН КУН” Стол устига ёзилган оқ дастурхоннинг бир чеккасига қизил вино тўкилган. Бокал дастурхон устида ёнбошлиб ётипти. Торт устида ўчирилган шагамлар тутаб турипти. Учига торт санчилган бир санчиқ ерда. Совга ўралган қоғоз парчаси ва қизил лента курси устида ва ерда. Каттакон гулдаста ҳам сочилиб ётипти. Эшикка яқин жойда аёлнинг бир пой туфлиси. Стол устида иккига бўлинган пиёла синиги.**

Шу тарзда режиссёр томонидан акс этдирилган манзарада чил-парчин бўлган муҳаббат, севги драмасининг асоратини кўриб турибмиз.

Агар режиссёр ўзи яратган манзарани ўринли ёритишга ҳаракат қиласа манзара яна ҳам таъсирли бўлиши мумкин. Яъни столдаги шағам лишиллаб ўчай-ўчай деб турипти. Оппоқ дастурхон устига қизил чироқ йўналтирилган.

Шунга ўхшаш этюд манзарапарни бошқа мавзуларда ҳам акс этдириш мумкин. Масалан: “Тўйнинг эртаси”, ”Байрам олдидан“ “Ийд хайит арафаси”, ”Ҳамма ишга кетган“, ”Чегарада“ ва.х.к.з.

Бўлғувси режиссёр шунга ўхшаш этюдларни қанчалик кўп ўйлаб топса. уни амалга оширса, ёрқинроқ таъсирлироқ, мазмунлироқ бўлишига эришади. Бу эса ўз навбатида режиссёр учун спектаклнинг ташқи безагини яратишда ёрдам беради.

(*Кейинги йилги (2 курсада) жараёнида танланган мавзу бўйича ўз тасаввуридаги манзарани ўқув устахонасида акс этдиришига ҳаракат қилиши бошланади.*)

Талаба томонидан бажарилган машқ- манзара типик ҳолатга мансубми йўқми, мавзу юзасидан таъсирли ва ёрқин манзара яратилдими, муҳит тўғри яратилдими йўқми, ўқитувчи томонидан хисобга олиб борилиши керак бўлади.

Кейинги машғулотлар вақтида талаба томонидан ишлатиладиган аксессуарлар-буюмлар сонини камайтиришга яъни улар сонини қисқартиришга ҳаракат қилиш керак. Яъни оз микдордаги буюмлар билан кўп маъно берадиган манзара яратишлик.

**Динамик лаҳза** (динамическое мгновение) берилган мавзу юзасидан жонли саҳна яратиш бўйича навбатдаги машғулот.

Тасвирий санъатда маълум воқеликнинг энг қизиган нуқтасида, бир лаҳзалик ҳаёт оқими, расмда муҳрланиб қолади.

Ана шундай воқелик **динамик ривожланиш** дейилади.

Кўлига мўйқалам олмаган одам ҳам тасавурида ,маълум фикрни англатишга ҳизмат қиласидиган “**Муҳрланиб қолган**” воқеликни ўз тасавурида яратиши,кўз олдига келтриши мумкин.Кўпчилик бўлиб хордиқ чикармоқчи бўлган кишилар,”Тоққа чиқмоқчи”,”Чўмилишган бормоқчи”, “Чойхонада ўтироқчи”бўлганлар ҳали уйдан қўзғалмай туриб олдиндан бўлажак “дам олишни” кўз олдиларига келтирадилар.Гарчанд бундай одамлар театр тўғрисидаги тушунчадан узоқ бўлсалар-да, бажариши лозим бўлган ишни ҳар кимнинг лаёқатига қараб аввалдан бўлашиб оладилар. Худди шундай бўлғувси режиссёrlар маълум мавзуларда “қотиб қолган “манзарани-тасвири” бўлғувси актёрлар-режиссёrlар билан бажаришлари мумукин.

Масалар:”Харбий ҳизматдан қайтиб келган зобит.”,Муваффакиятсиз жарроҳлик”,”Ўғил туғилди”,”Чақирилмаган меҳмон”,”Институтга кираолмади” в.х.к.з. Мана шу мавзуларда кутилмаган ижрочилар,саҳна реквизитлари ёрдамида мизансаҳналар яратиш устида машғулот ўтқазиш,талабаларда шакл,ритм,муҳит,жанр,мақсад,ғоя тушунчаларини чуқурроқ ўзлаштиришларига катта ёрдам беради.Айни шунга ўхшаша мавзуларда мизансаҳналар яратишиликни такомиллаштира бориб умумий тушунчаларга эга фалсафий фикр ва ғояларни илгари сурувчи мавзуларда ҳам этюд-мизансаҳналарга ўтиш керак бўлади.

Масалан:”Номус”,”Севги”,”Ҳиёнат”,”Рашк”,”Бурч”,”Бахт”,”Оналик бахти”,”Гўзаллик”,”Ижодий лаҳзалар”,”Жиноят”,ва.х.к.з.

Мазкур машғулотлардан кўзланган мақсад,берилган мавзунинг моҳият-мақсади ғояси.айтилмоқчи бўлган фикрни қандай воситалар ёрдамида тимсолий ёритиб бермоқчи эканлигини амалда кўрсатишга ҳаракат қиласиди.

Шу усул билан **жонли расмлар** ёрдамида режиссёрнинг дунёқарашини шакллантиришга ўргатади.Масалан “Бахт”деганда режиссёр нимани тушунади?уни қандай тасаввур қиласиди?Тўғри бирор “Бахт”деганда лотореяга ютуқ чиқишини тушунар,бошқаси янги машина сотиб олишни тушунар.Бундай тушунчалар майший аҳамиятга эга бўлиб,унда режиссёрнинг тор доирадаги тушунчага эга эканлиги аён бўлади.Аслида”Бахт”тушунчаси фалсафий фикр билан уйғунлашган бўлиши билан бирга умум инсоний муаммолар,қадриятлар,сиёсий тушунчалар билан боғлиқ бўлиши керак.

“**Динамик ривожланиш**”туркумидаги “жонли расм”машқларда масаллар,маталлар,мақоллардан ҳам фойдаланиш мумкин. Бунда албатта қиссадан хисса бўлиши ,яъни шу асар орқали муаллиф нима демоқчи бўлганлиги очиқ ойдин акс этдирилиши ва айтилмоқчи бўлган ғоя аниқ-тўлиқ ифодаланиши зарур.

“Кескин ҳаракат” мавзусидаги машқларни таҳлил қилишда албатта танқидий ёндошув керак бўлади.Биринчидан унинг мавзуси ва тўқимаси,ғояси танқидий руҳда муҳокама қилиниши лозим.

Иккинчидан унда акс этдирилган воқеа ёрқин, таъсирчан, тушунишга осон бўлмоғи керак. Ана шундай танқидий муҳокамадан сўнг ўқитувчи албатта талабалага ютуқ ва камчиликларини бирма-бир тушинтириши лозим бўлади. Тушинтириш жараёнида кўзланган мақсадга қанчалик эришилган эришилмагани, нима учун эришилмагани камчиликлар нималардан иборат, қайси ифода воситалари тўғри танланган, қайсилари нотўғри эканлигини кўрсатиб ўтиши шарт. Машғулотларнинг худди мана шу босқичида бўлғувси режиссёrlар “таъсирли мизансаҳна” билан “ифодали-пластик мизансаҳна” ҳамда ”фақат ташқи кўринишга эга намойишкорона” мизансаҳналар ўртасидаги фарқ нимада эканлигини тушиниб ётиши керак. Агар режиссёр томонидан яратилган **жонли расм** ҳеч бир изоҳсиз тушинарли бўлса мақсадга эришилган дея ҳисоблаш мумкин.

**Буюмлардан фойдаланиши.** Саҳнага шундай бир буюм қўйилиши керакким токим у актёр руҳий ёки жисмоний алоқага киришсин деган театр қонунияти бор. Режиссёр саҳнада ана шундай муносабатларни яратошлиши керак. Шунинг учун ўзи фойдаланмоқчи бўлган ҳар бир буюмни яхши ўргангандан бўлиши лозим .

Дейлик, бир режиссёр саҳнага саноқли буюмларнигина чиқаради ва ундан ҳар томонлама унумли фойдаланади. Иккинчи бир режиссёр эса саҳнани буюмлар билан тўлдириб ташлайди, аммо улардан унумли фойдаланишни билмайди. Яъни буюмлар иштирокчи актёр билан руҳий-жисмоний муносабатга киришади. Бошқача қилиб тушинтирадиган бўлсак, саҳнада “жонли ва жонсиз” буюмлар пайдо бўлади.

Мисол учун, ҳаммамиз яхши биладиган ва кундалик турмушимизда фойдаланадиган оддий курси-стулни олиб кўрайлик. Бир қарашда курси фақат унда ўтириш учун мўлжаллангандек кўринади. Аслида ҳам шундай кундалик турмушда ундан асосан ўтириш учун фойдаланилади. Лекин унда ўтирган одам ҳеч бир ҳаракатсиз ўтирмайдику. Хатто унда ҳаракатсиз ўтирган одам ҳам дам олиши, орзу-хаёлга берилиши, ёки бирон муаммо устида бош қотириши, бирон нарсани эслашга уриниши, ёки бирон ишга тайёргарлик қўриши мумкин бўлган ички ҳаракатни амалга оширади. Мазкур ҳаракатларга монанд ички ва ташқи ҳолатлар (кайфият) кўзга ташланиши муқаррар. Бу кайфият ёки ҳолат унинг ташқи кўринишида, гавдасини тутишда ўз аксини топади. Ички руҳий ҳолатдан келиб чиқиб одам курсида ҳар турли шаклда ўтириши мумкин.

Масалан:

-стулнинг бир чеккасида оёқларини жипслаштириб, тиззасига қўлини қўйиб, ғоз ўтириши мумкин.

-курси суянчигига бутунлай ястаниб қўлларини икки томонга ёйиб, оёқларни узатиб ўтириши

-юзини кафтлари орасига олган ҳолда тиззасига тирсагини тираб икки букилган ҳолда ўтириш

мириқиб сухбатлашиш учун туфли пошнасини ўтиргичнинг четига қўйган ҳолда иккала қўли билан тиззасини қучоқлаб олган ҳолда ўтириш.

-оёқларини узатиб бир-бирининг устига қўйиб қўлларни ёзиб ўтириш

-бир оёғини курси остига букиб ниманидир ўйлаш.

-иккала оёгини курси тагида бир бирига чалиштириб, қўлларини кўкрагида чалиштириб ўзини курси суюнчиғига ташлаб сухбатдоши гапларига истеҳзо билан қулоқ солиш.

-курсига тескари ўтирган ҳолда қўлларни унинг суюнчиғига қўйган куйи сухбатдошига куйиниб нимадир тушинтиш.

-ўриндан туриб бир қўли билан курси суюнчиғини ушлаб нимадир уқдириш.

-курсига бир оёгини қўйган ҳолда ўзи тик туриб бирон нарсани исботлашга ҳаракат қилиш.

Бу ҳаракатлар инсоннинг биргина курси ёрдамида ўзининг ички хисҳаяжони изтироби ва хурсандчилигини изхор қилиши мумкинлигини исботлаб турипти.

Худди шу мисолдан келиб чиқиб ўқитувчи талабларга қуидагича машғулотни таклиф қилиши мумкин.:

-Биргина курси-стул ёрдамида турли этюд-машқлар бажариш.

Бунда курсидан ўз вазифаси атрофида фойдаланиш керак бўлади. Курсидан бошқа буюм сифатида фойдаланиш мумкин эмаслигини ўқитувчи талабаларга аввалдан тушинтириши керак. Гарчанд курси ёрдамида одамни ўлдириш, дераза пардасидан кафандик ўрнида фойдаланиш, ястиқни ичига қимматбаҳо буюм яшириш каби этюдларни ҳам бажариш мумукин. Аммо биринчи курс талаблари учун бундай талаб қўйиш учун ҳали вақт эрталик қиласиди. Бундай этюдларни иккинчи курсда бажаришлиқ тавсия этилади. Чунки бу вазият ва шартшароитлар талабалар табиатидан анча йироқ. Уларни ишониш ва ишонтириш бир оз мураккаброқ.

Биринчи курсда асосий дикқат эътибор турли-тумиан, ифодали ҳаракат ва мизансаҳналар яратиш бўлиб, бу ҳаракатлар олдинма-кетин мантиқий тарзда пайдо бўлиши мақсадга мувоғиқ ҳисобланади.

Тавсия этилган машқларни бажаришлиқдан кўзланган мақсад, талаба оз миқдордаги буюмлардан кўп сонлит ҳаракатлар шаклини мизансаҳналарни яратолишилик салоҳиятини тарбилашдан иборатдир.

Худди курси каби талаба шкафдан, ойнадан, деразадан ҳам турли қайфият ва ички ҳолатларни акс этдиришлиқдан фойдаланиши мумкин. Шунингдек, бош кийим, хасса, чойнак-пиёла, қошиқ, кетмон, ўроқ, теша, болта, арра каби буюмлардан ҳам фойдаланиш тавсия этилади. Саҳнага чиқариладиган бундай буюмлар-**реквизит** дейилади.

Бир тимсол учун зарур бўлган хасса, кўз ойнак, тасбех, қамчин, гувоҳнома каби буюмлар **шаҳсий реквизит** деб аталади ва ундан реквизитлар актёрнинг костюми билан бирга актёр кийимхонасида бўлади. Умумий фойдаланиш учун мўлжалланган реквизитлар саҳнага чиқарип қўйилади. Бундай реквизитларни **саҳна аксессуари** ҳам дейилади.

Саҳна аксессуарларидан ҳам саҳнада ўрнида унумли фойдаланилса таъсирчан восита ҳисобланади. Улар ёрдамида томошибинга кўп нарсаларни сўзсиз гапириб бериш мумкин.

Мисол учун: сўзлашиб туриб бирон-бир буюм, қурол ёрдамида маълум жисмоний ҳаракат қилаётган актёр, қўлидаги буюм, қурол ёрдамида ажойиб ҳаракатлар, таъсир воситалари топиши мумкин.

Мисол учун уй супираётган қиз,онасининг ўзи севмаган йигитга турмушга бермоқчи бўлганига шу супирги ёрдамида ўз норозилигини тушинтиришга,онасининг таклифини қабул қилаолмаслиги,мутлақо қаршилигини билдириши мумкин.Бунда шу оддий супурги унга ҳамфикр сифатида таъсирли ифода воситаси бўлиб ҳизмат қиласади.Ёки бошқа бир мисол.”Бой ила хизматчи” асаридаги Солиҳ бой билан Ғофир ўртасидаги мунозарада оддий чўт қандай ўрин эгаллашини синаб кўриш мумкин.Бундай мисолларни театр санъати тарихидан жуда кўплаб келтириш мумкин.

Вс. Мейерхольд А.Островскийнинг “Ўрмон” спектаклини саҳналаштириш жараёнида Аксюшанинг характеристини унинг қатъийлиги,мардлиги,иродаси мустаҳкамлиги,жасурлигини ёрқинроқ намоён этиш учун Буланов билан гаплашиш сахнасида унга кирларни дорга ёйиб туриб гаплашиш вазифасини юклайди.Натижада Аксюша кир ёяр экан Булановга нисбатан муносабатини уни менсимаслигини,кўрқмаслигини хўл кирларни силкитиб,жаҳл билан қоқиб,бепарво дорга илган ҳолда акс этдиради.

Шу спектаклининг бошқа бир сахнасида Аксюша Гурмижская билан кирларни ёғоч тўқмоқда текислаш билан биргаликда гаплашади.Натижада ёғоч тўқмоқни гурсиллаши,уни жаҳл билан ишқалаш орқали Аксюшанинг меҳнатсеварлиги,бу хонадонда ҳечкимга боқиманда эмаслигини акс этдиради. Бундай усуслни Мейерхольд “*буюмлар билан ўйнаш*”деб атайди.

Бундай усулдан  
К.С.Станиславский,Е.Б.Вахтанговлар,М.Уйғур,Я.Бобожонов,Т.Хўжаевлар ҳам унумли фойдаланганлар.

Сахнадаги буюмлар билан муомила қилиш маҳоратини ошириш учун қуидаги машқларни тавсия этамиз.

### ***Аксессуарлар билан муомила қилиши.***

Ўқитувчи талабанинг қўлига биронта буюмни бериб, ундан қандай ўринларда фойдаланиш мумкинлигини яхшилаб ўрганиб чиқишлиқни, сўнгра шу буюм билан боғланган бирон-бир этюд тайёрлаб намойиш этишлиқни тавсия этади.

Мисол учун оддийгина аёллар ўрайдиган рўмолни олиб кўрайлик.

Икки севишган, илк учрашувга чиқкан ойдин кечада, шу рўмол орқали қанчадан қанча дил изҳори,изтиробларни,шарм-ҳаё,уят ва андишани,нафрат ва муҳаббатни акс этдириш мумкин.

Қиз юзини рўмол билан ним тўсиш орқали шарм-ҳаёсини кўрсатади...рўмолининг учини ўйнаб бошини эгган ҳолда ер чизиши иккиланаётганлигини билдиради...рўмолини варрак қилиб учирмоқчи бўлиб боши узра ҳилпиратиши баҳтиёргишини билдиради.Рўмолини жаҳл билан бошига ўраб пешонасидан ёки томоғидан тез боғлаши аччиқланганлигини билдиради ва х.к.з.л.

Ўқитувчи шунингдек талабага гугурт,сигарета,пол латта,қошиқ,чойнак пиёла каби аксессуарларни ҳам бериб улар билан муносабатга киришишлиқни вазифа қилиб юклаши ҳам мумкин. Бундай машқларни дарсхонада шунингдек уйда мустақил равишда мунтазам равишда бажариб бориш керак.

Дарсхонада ўтқазиладиган машқларни, бир неча иштирокчи билан кичик воқеага боғланган ҳолда диққат марказида саҳна аксессури иштирокида этюд ўйлаб топиши орқали бажариш мумкин.

Лекин буюм билан ўйнаш фақат буюмни ўйнатиш маҳоратини намойиш этишга ўтиб кетмаслигини алоҳида таъкидлаб ўтмоқчимиз. Саҳнадаги аксессуар актёрнинг ички хис-туйғусини, кечинмаларини қувонч-изтиробини ёрқинроқ, таъсирироқ акс этдиришга қўмаклашиши асосий мақсад бўлиши шарт.

### **Жанр билан боғлиқ машқлар**

Ўқитувчи талабалга икки-тўрт жумладан иборат сўз тавсия этади. Бу жумлалардан икки киши фойдаланган ҳолда кичик этюд ўйлаб топиши керак бўлади.

Этюдда таклиф этилган жумлалардан турли жанрларда, турлича фойдаланиш керак бўлади.

Яъни:

**1. майший драма**

**2. комедия жанри**

**3. водевил-музиқий комедия**

**4. трагедия-фожеа жанри.**

Талабага шундай жумлалар таклиф этилади:

*Йигит-Мен сизни севаман*

*Қиз-Ёлғон, сиз мени севмайсиз...*

Талаба ўзи танлаган қиз билан шундай бир этюдни ўйлаб топиши керакки мазкур шарт-шароитда, жанрдан келиб чиқиб берилган жумлаларни гапирсин. Жанрдан келиб чиқиб шароит ўзгармаслиги ҳам мумкин.

Шекспирнинг “Ромео ва Джулъетта” асарида икки севишигандарнинг қовушишларига тўсқинлик қилган нарса икки оила ўртасидаги ўз аро душмалиқдир. Шекспир ўз фожеавий асарини шу асосга қуради. Айни худди шундай вазият комедия учун ҳам асос бўлиши мумкин.

Бу ерда масала шароитдан ҳам кўра театр ва режиссёр актёрларнинг берилган мавзуга қандай муносабатда бўлишига боғлиқ. Агар пъесанинг жанрига нисбатан унда акс этдирилган ҳаётга театрнинг муносабати ўзгача бўлса спектакль билан пъеса ўртасида жанр ўзгариши рўй бериши мумкин.

Ўзбек милий театри тарихида бундай ҳолатлар кам учраса-да, лекин рус театр тарихида бундай ҳолатлар тез-тез учраб туради.

Мисол учун таниқли режиссёр Н.П.Акимов ижодининг дастлабки йилларида Евг.Б.Вахтангов театрида Шекспирнинг “Гамлет” фожеасини комедия жанрида талқин этган эди.

Гап бу ерда пъесанинг тўқимаси, шарт-шароитида эмас экан. Энг муҳими пъесада акс этдирилаётган воқеа ва ходисаларга театр ва ижодий жамоанинг ёндошуви муносабатидир.

Мисол тариқасида Хамзанинг “Майсарапининг иши” комедиясини драматик жанрда талқин қилиш ёки Ш.Бошбековнинг “Темир хотин” комедиясини драма жанрида талқин этиш мумкин.

Одатда “актёр” деганимизда кўпчилик рол ижро этувчи дея тушунади. Аслида бу жуда ҳам тўғри эмас. Актёр саҳнада икки кўринишда ҳаракат қилади.

Яъни:

**Актёр-яратувчи**

**Актёр-тимсол (образ)**

Актёр – яратувчи, ўз юртининг фуқароси сифатида, ижодкор шахс сифатида, фикрловчи инсон сифатида хаётда рўй бераётган воқеаларни кузатар экан унга муносабат билдиради, ҳамдард бўлади.

Актёр-тимсол сифатида образ қиёфасида қаҳрамоннинг муносабатлари билан яшайди унинг фикри ва мақсади билан ҳаракат қилади.

Масалан К. Яшиннинг “Нурхон” спектаклида Нурхоннинг отаси ролини ижро этган Анвар Юсупов, *Хожининг хатти-харакатларидан газабланаман Нурхоннинг онасига раҳмим келади* “деган эдилар.

Актёр-яратувчи сифатида раҳм шафқатли бўлиши, оддий инсонларга хос ҳамдардлик муносабатида бўлиши, беозор кулги ёки захарханда кулги билан қараши, ғазабнак бўлиши, ёки бутунлай ундан ҳазар қилиши, фаҳрланиши ёки нафратланиши, қаҳри келиши ёки мазаҳ қилиши, қўйингчи, бу ерда турли-туман муносабатлар билдириши мумкин. Аммо иккала муносабат ҳам ижодкор актёр ва яратувчи актёр бир-биридан ажралмаган ҳолда ёнма-ён ҳаракатда бўлади. Иккала муносабат бир-бирини тўлдирган ҳолда бир-бирига таъсир ўтказиш орқали бир бутун яхлит, жанрга муносабатни ҳамда ижро усулини вужудга келтиради. Албатта комедия билан фожеа жанрини бир ҳил шаклда ижро этиб бўлмайди. Ҳар бир жанр учун актёрнинг алоҳида ижрочилик усули, ички ва ташқи аъзолари шу жанрга мос равишда созланган бўлиши зарур. Ҳаммага маълумки берилган шарт-шароит ва ролга саҳнадагидек эмас ҳаётда қандай тўқнаш келса худди шундай муносабат билдиromoғи лозим. Худди мана шу жараёнда актёрнинг “агарда” (К. С. Станиславский) деган вазиятни тасаввур қилаолиши яъни тўқиб чиқарилган шарт-шароитга қанчалик ишониш ва ишонмаслиги намоён бўлади. Актёрнинг хақиқий ижодкор эканлиги, лаёқати қобилияти ва маҳорати аён бўлади. Бироқ актёрнинг бу лаёқати, қобилияти турли жанрларда турлича бўёқларда акс этади. Комедия жанридаги жиҳодийлик, трагедия жанридаги жиҳодийликдан фарқ қилади. Яратувчи актёрнинг ҳам саҳнада рўй бераётган воқеаларга, шунингдек ўзи яратадиган образга муносабати ўзини саҳнада қандай тутиши берилган спектаклнинг жанридан келиб чиқиб турлича бўёқларда акс этиши мумкин. Ҳар бир жанрнинг ўзга хос ички ҳиссиёти бўлади. Ана шу ички ҳиссиётсиз комедияни ҳам фожеани ҳам ўйнаш мумкин эмас.

Тўғри комедия жанрига актёр ўта жиддий ёндошмоғи зарур аммо шу ижро этилаётган ролга актёрнинг шахс сифатида ўз муносабати, ички кулгиси ҳам бўлиши керак. Буни баланд дор устидаги дорбознинг ўйинига муқояса қилиш мумкин. У. баланд дор устидан туриб пастдаги томошабинларни ҳар турли ўйинлар билан ҳаяжонга солиши, ваҳима қўзғатиши, ўзини гўё ҳозир қулаб тушадигандай қилиб кўрсатиши, шу билан бирга бир вақтнинг ўзида томошабинларни кузатиши ҳар бир босаётган қадамини ўйлаши, ҳаракатларини ҳисобга олиб дор устидаги мувозанатини ушлаб туриши керак бўлади.

Шунингдек драма ва трагедия-фожеавий спектаклда ўйнаётган актёр ўзини мутлақо бошқача ҳис этиши лозим. Ўзи акс этдираётган қаҳрамоннинг ички изтироблари, ҳис-хаяжонига ҳамдард бўлиши, раҳми келиши мумкин. У саҳнада кўз ёши тўкар экан, қаҳрамоннинг кўз ёши билан ижрочи актёрнинг кўз ёшини бир-биридан ажратиш мумкин эмас. Ижрочининг ҳам яратувчининг ҳам ҳис-хаяжони, армон ва қувончлари бир-бири билан қоришиб, бир бутун яхлит қаҳрамон қиёфасида намоён бўлади, кўз ўнгимиизда гавдаланади. Тажрибали актёрлар ҳар бир спектаклда саҳнага чиқишидан олдин ўзларини шу ролга тайёрлайдилар.

Масалан, машхур трагик актёр Аброр Хидоятов “Отелло” спектакли ўйналадиган кун театрга, гарчанд спектакль кеч соат саккизда бошланишига қарамай, соат уч-тўртданоқ театрга келар ва ўз роли тўғрисида ўйлар шу билан бирга асар қаҳрамони қиёфасига кириш, ролнинг руҳий кайфиятини ҳис этиш учун ҳаракат қилар эди. Театр ҳодимлари, асар иштирокчилари билан спектакль бошланишидан олдин Отелло қиёфасида сухбатлашар, ҳазил-мутойиба қилар эди. Ҳудди шундай Шукур Бурҳонов ҳам ҳар спектаклга асар бошланишидан камида уч соат олдин келар ва таёргарлик кўрар театр ҳодимлари билан бугун ўзи ижро этиши керак бўлган қаҳрамон қиёфасига кириб сухбатлашар эди.

Актёрни ҳар жанрнинг ўзидан келиб чиқиб руҳий ва ҳиссий таёргарлик кўришда режиссёрдан кўра бошқа ҳечким тўғри ва самарали ёрдам бераолмайди. Шу мақсадда актёрга керакли бўёқларни топишда. ҳис-туйғуларни жанрга мос тарзда қўзғатишида, актёр қаҳрамоннинг дунёсига кириб боришига, берилган шарт-шароитда қандай ҳатти-ҳаракатлардан фойдаланиш, жанр қонунлари асосида мақсад сари интилишида режиссёрдан кўра бошқа одам актёрни тўғри йўл сари етаклаб бораолмайди.

Актёрни ролга тайёрлашда режиссёр икки томонлама ҳаракат қилади. Ички ва ташқи таъсир воситаларини топишда актёрга ёрдам бериши мумкин.

Мазкур жанрга тегишли ранглар ва бўёқларни актёрга уқдириш орқали унинг ҳис-туйғусига таъсир ўтқазади. Ўз навбатида ҳис-туйғусига таъсир ўтқазиши орқали, актёрнинг саҳнавий ҳатти-ҳаракати учун турли мосламаларни топишига кўмаклашади.

Тавсия этилган машқлар ўқувчиларни турли жанрларнинг ўзига хос қонунлари ва ижрочилик йўлларини амалда синаб кўриш, ҳар бир ўқувчида жанрни ҳис этиш туйғуларини тарбиялаш, ҳар бир жанрда ижро этиладиган рол учун актёрга тўғри хиссиётларни топишликда кўмаклашиш, мазкур жанрга хос бўлган хусусият ва сифатларни ўз вақтида актёрга айтиб туриш, жанрга мос сифат ва хусусиятларни танлаш, танланган жанр бадиийлигини ошириш, янада таъсирли бўлишига ёрдамлашишдан иборатdir.

### *Сўзсиз ҳатти-ҳаракат учун машқлар*

Кундалик турмушимизда гоҳо **кўриб қотиб қолди, эшишиб қотиб қолди** деган сўзларни эшишиб қоламиз. Яъни бирон ходиса ёки сўз таъсирида ҳаяжоннинг энг юқори ҳолати назарда тутилади. Бунда мийя қобиғида қабул қилиш рўй

беради, мушоҳада юритиб бирон қарор қабул қилиш учун бир муддат тўхтаб қолади.

Мазкур машғулотдан кўзланган мақсад, бўлғувси режиссёrlарда баъзи спектаклларнинг айрим кўринишларида рўй бердиган ходисаларга нисбатан қаҳрамонларнинг муносабатини англатувчи мизансахлар яратишилик салоҳиятини ўстиришдан иборатdir. Режиссёр ҳар бир пъесани таҳлил этиш жараёнида катта -кичик воқеа, воқеачалар мавжудлигини кўради. Одатда катта воқеалар пъесадаги узлуксиз ҳаракатнинг бурилиш нуқтаси ҳисобланади. Шундай катта воқелар асар иштироқичиси учун кутилмаган ходиса бўлса, қаҳрамоннинг ҳиссиётiga сўзсиз кучли таъсир ўтказади. Гоҳо бундай ходисалар қотиб қолишга ёки асаблар таранглашувига сабабчи бўлади. Бундай ходисаларни қабул қилгандан сўнг то қаҳрамон ўзига келгунча маълум муддат ўтиши табиийdir. Сўзсиз сахна (пауза) ёки ҳаракат, шу сифатда тўхтаб қолади. Лол қолиб, қўл оёқ бўшашиши жонсиз бўлиб қолиши шунданидir. Ходиса қанчалик кучли таъсир этишига қараб **қотиб қолиши** ёки **ҳаракатдан тўхтаб қолиши** шунчалик чўзилиши мумкин.

Мисол тариқасида Н.В.Гоголнинг “Ревизор” пъесасидаги сўзсиз сахна (немая сцена) муаллиф томонидан маҳорат билан ишлаб чиқилганлигининг ёрқин исботидир.

Деярлик ҳар бир пъесада ана шундай **сўзсиз тўхтам** жойларини исталганча топиш мумкин.

Бундай вазиятларда режиссёр, керакли тўхтамларни топиб улар устида ишлашни бир неча босқичда олиб бориши керак.

Сахнада ана шундай **қотиб, анграйиб, ташқи ҳаракатдан тўхтаб қолиши** каби мизансахналарни яратошлишик режиссёр салоҳияти ва иқтидорининг бир белгиси эканглигини эътироф этган ҳолда, машғулотларни этюд шаклида ўтказишилик мақсадга мувофиқdir.

**A). Кутилмаган ходиса рўй бериши мумкин бўлган мизансахнани олдиндан тайёрлаш;**

**Б). Иштирокчиларни ана шундай кутилмаган ходисаларга рухий жисмоний, овозли муносабатини топиши ва ташкиллаштириши (ҳаракат, бақириқ, қичқириши, хайқириши, қотиб қолиши, кўп нуқтали пауза)**

**В). Бўлиб ўтган ҳодисани қабул қилиб, тафаккурдан ўтқазиб, муносабат билдириши учун қотиб, қимир этмай туриб қолишининг муддати (паузатўхтам)**

**Г). Қотиб тўхтаб қолишидан кейинги, хатти-ҳаракат қандай давом этдирилиши (кейинги ҳаркатга ўтишини топиши)**

Машғулотдан кўзланган мақсад, талаба пъеса танлаб ундан иштирокчиларнинг хаётида муҳим ўрин эгаллайдиган ахборот ёки ходисани қандай қабул қилиши ва унга муносабат билдириши керак бўлган кўриниш-воқеача аниқлади.

Режиссёр-талаба **кескин вазият** га этюд топганидан сўнг курсдошлари орасидан ижрочилар танланайди. Ўзи тасаввур қилган кўринишни ижрочилар билан **амалга ошишига ҳаракат қилиши зарур.**

Мазкур машқ-этюдни бажариш жараёнида режиссёр-талаба ҳар бир иштирокчи билан талқин этмоқчи бўлган тимсол тақдирида мазкур ходиса-ахборот қандай ўрин эгаллаши ва унинг таъсир кучи алоҳида-алоҳида ҳолда ишланади.Шундан кейин барча ижрочилар биргаликда сўзсиз саҳнани акс этдиришлари лозим бўлади.Бу ерда энг муҳим масала, сўзсиз саҳнани шунчалик механик тарзда акс этдирибгина қолмай,табиий тарзда қаҳрамоннинг ички дунёсига қанчалик таъсир ўтказганлини намойиш этаолишлиқдан иборат бўлмоғи лозим.Режиссёр-талабалар олдига қўйилган вазифа айни шу мақсадни кўзлайди.

Талабалар юқорида келтирилган машқларни қанчалик кўп ишласалар,ундан тўғри хулоса чиқаришга одатлансалар шунчалик тажрибалари ортади, бу эса кейинги ижодий ҳаётларида ўз самарасини кўрсатади.

**Қўйидаги машқлар режиссёрларда  
“актёрлик маҳорати”ни ўстириш  
учун тақдим этилмоқда.**

***Саҳнавий диққат учун машқлар***

“Актёрлик маҳорати” ўқитувчисининг асосий вазифаларидан бири ҳар бир талаба ўз диққатини саҳнада изчил тўплашликни,бора-бора бу изчиллик қундалик табиий эхтиёжига айланиб қолишини ўз ўқитувчиларига сингдира билишдан иборатдир. Талаба саҳнага чиқиб ўз диққатини тўплашга ҳаракат қилас, вазифаси **диққатни жамлаш** эканлигини ҳар лаҳза ёдда тутиб турмоғи, ўқитувчи томонидан берилган вазифани уddyалашга интилмоғи зарур. Қачонки талабада саҳнавий диққат,кундалик беихтиёрий заруриятга айланмас экан,бу борадаги иш давом этиши керак.Саҳнага чиқиб келган актёр диққат манбасини танлаб, фикрни ўша манбаъда тўплашга тайёр бўлиши шарт.Актёр саҳнага чиқиб келишиданоқ диққат манбаи бўладиган обьектни қўз остига ола билиши ва шу манба билан ўзини қизиқтира олиши лозим.Агар талаба саҳнада туриб ўзига берилган манбани дарҳол илғаб, ўзини ўша манеба билан қизиқтираолса мақсадга эришилган дейиш мумкин.Яна ҳам аниқроқ қилиб тушинтирадиган бўлсак,талаба диққат манбасиз саҳнада туришга хаққи бўлмаслиги керак.

Бироқ театр мактабида **диққат** учун ажаратилган қисқа вақт ичида талаба барча машқларни тўла тўқис ўзлаштириб олиши керак деб ўйлаш мутлақо нотўғридир.Одатда бундай машқлар билан ўқув жарёнининг биринчи йилида бир ойга яқин вақт ажартилган бўлади.Табиийки бу қадар қисқа вақт ичида талабалар “диққат” учун қўйиладиган барча талабларни ўзлаштриб олишлари мумкин эмас Қачонки актёрлик санъатининг **ички техникаси** тўғрисидаги машғулотлар тўлалигича ўзлаштирилмагунча бундай талабларни ўзлаштириб бўлмайди.Ўқув йилининг биринчи йилида талабалар олдига қўйиладиган талаблар “**саҳнавий диққат**”нинг дастлабки босқичи бўлиб,бу диққат тушунчасининг асоси хисобланади. Шунинг учун ўқитувчининг бу босқичдаги асосий вазифаси саҳнага чиқсан талаба олдиндан белгиланган манбага хақиқий диққатини тўплашни ўзлаштириши лозим. Ҳали олдинда

саҳнага чиққан қаҳрамон берилган шарт-шароитда тимсол мақсадидан келиб чиққан ҳолда унга зарур бўлган манбани қандай қидириб топиши кераклиги тўғрисидаги тушунчалар бор.(чунки тимсол тўғрисидаги машғулотлар ҳали олдинда.Лекин диққат тўғрисидаги дастлабки тушунчалар ва уларни ўзлаштиришнинг аҳамияти жуда каттадир.Бу тушунчалар театр санъатининг асосий таг- заминини ташкил этади.Бу машқларни қанчалик ўзлаштирилганига қараб кейинги машғулотлар натижали бўлиши мумкин.

Талабалар берилган машғулотларнинг мақсад ва моҳиятини ўқув жараёнининг дастлабки кунлариданоқ яхши тушиниб олишлари учун кичик бир тажриба ўтқазиб кўриш фойдадан ҳоли бўлмайди.

Бунинг учун ўқитувчи гуруҳ талабаларини навбати билан саҳнага таклиф этади.Талабани икки-уч дақиқа курсдошлари кўз ўнгидан ўз ихтиёрига ташлаб қўйиш керак бўлади.Яъни кўнгли нимани хоҳласа шуни қилсин.

Ҳеч бир муболагасиз айтиш мумкинки,талаба саҳнага чиқиши билан ўзини йўқотиб, нима қилишини билмай қолади.Бирлари қўлини қаерга қўйишни билмай, у ёқдан, бу ёққа юрабошлайди,бошқалари эса гўё ўзини эркин ҳис этаётган қилиб кўрсатиш мақсадида турли қилиқлар қила бошлашади.Ҳар икки гуруҳдаги талабалар ҳам саҳнадан тушиш вақтида терлаб-пишиб,бу азобдан қутилганларидан енгил нафас олгандай бўлишади.

Бу синовдан барча талабалар ўтиб бўлишганидан сўнг улар орасидан ўзини саҳнада энг **эркин тутмоқчи бўлган** талабани яна саҳнага таклиф этиш керак бўлади.Саҳнага чиққан талаба яна бир неча дақиқа давомида жуда оддий бўлган вазифани бажариши керак бўлади.Мисол учун ўзининг кафтидаги чизиқларни санаб чиқсин,ёки саҳнага тўшалган тахталар сони нечта эканлигини ҳисоблаб чиқсин.Ўқитувчи талаба токим ўз диққатини бир жойга жамлаб ўта жиддий равишда топширилган вазифани бажаришга киришмагунча, кўплаб турлича вазифалар бериб бориши керак бўлади.Хўш талабани ўзини босиб олганлигини қандай билиш мумкин?

Ўзини босиб олган талабанинг нафас олиши равонлашади,мушаклар бўшашиб,кўл ва оёқлари, қарашлари табиий ҳолга келади.Ҳеч бир соҳталик ва носамиймийликка ўрин қолмаслиги керак.

Мазкур машқни, токим курснинг ҳар бир талабаси саҳнага чиқиб ўзини синаб кўрмагунча давом этдириш керак.

Бу амалий машғулот тугаганидан сўнг, ўқитувчи актёр учун саҳнавий диққатни бир жойга тўплаш қанчалик аҳамиятга эга эканлигини тушинтириб бериши зарур бўлади.Чунки ҳар бир ўқувчи саҳнада туриб диққатни тўплаб, маълум бир вазифани, борингки бу вазифа жуда оддий ва содда бўлсин,бажарса ўзига нисбатан ишончи ортади.

Бу ҳақиқатнинг исботи ўлароқ саҳнада ҳаракат қилаётган курсдошининг хатти-ҳаракатидаги ўзгаришларни кўзатган талабалар ўқитувчининг гапи хақ эканига яна бир бор иқрор бўладилар.

Тавсия этиладиган машқларни икки гуруҳга ажратиш мумкин.

А)кундалик ҳаётда диққатни бир жойга тўплаш.

Б) саҳнавий диққатини бир жойга тўплаш.

Машқларни шундай ажратишликтан мақсад, талабада **саҳнавий дикқатни** бир ерга тўплашликка кўникма ҳосил қилишдан аввал, **кундалик турмушда** дикқатни бир жойга тўплашни ўрганиши керак .

**Биринчидан,** талаба дикқатини ўзи танлаган манбада ушлаб туриши,

**Иккинчидан,** дикқатни узоқ ушлаб турган ҳолда ,аста- секинлик билан **фикр юритишга** ўтиши ва ниҳоят уни изчишлаштириши,

**Учинчидан,** иҳтиёрий фаол дикқатни энг юқори погонасига кўтариш орқали иҳтиёрий дикқатни **бейхтиёрий дикқат** даражасига олиб чиқиш талаб қилинади,

**Тўртминчидан,** дикқатни осонлик билан **бир манбадан иккинчи манбага** ўказиши, иҳтиёрий дикқатни **бейхтиёрий дикқатга** айлантира олиши, дикқат доирасини **кенгайтириш ва торайтира** олиши зарур.

Юқорида санаб ўтилган вазифалар амалда қўлланилиб, талаблар томонидан қониқарли даражада ўзлаштирилганидан сўнг , саҳнада этюд кўринишида амалиётда қўллашга ўтиш тавсия этилади.

Биринчи босқичдаги машқларни бутун гурух бирлан биргаликда ўтқазиш ҳам мумкин. Бу машқларни уч гурухгу ажратса ҳам бўлади.

**1.** Ўқитувчи дарсхонада мавжуд бўлган бирон-бир буюмни биргаликда кўздан кечиришликни таклиф этади: курси, эшиқ, стол, ширма ва шунга ўхшаш буюмлар. Ҳар бир талаба то “**етар**” деган кўрсатма берилмагунча ўз дикқатини таклиф этилган буюмда ушлаб туриши зарур.

Орадан бир-икки дақиқа ўтиб, ўқитувчи машқни тўхтатиб. талabalarning ҳар бири топшириқни қанчалик бажаролганлигини синаб кўриши керак.

Одатда талabalар таклиф этилган манба кўп ҳам қизиқ эмаслигини , шунинг учун дикқатни узоқ ушлаб туриш мумкин бўлмай, ўз-ўзидан дикқат бошқа томонга кетиб қолаётганлиги тўғрисида шикоят ҳам қилишлари мумкин. Бундай жавобга нисбатан ўқитувчи ўқувчилардан бирини таклиф этилган манба хақида кўрганларини батафсил гапириб беришликни таклиф этади.

Натижа дарҳол ўзини кўрсатади. Таклиф этилган манбадаги жуда кўп жихат ва сифатлар талабанинг дикқатидан четда қолганлиги маълум бўлади.

**2.** Сўнгра ўқитувчи талabalарга яна ўша буюмни кузатишни, ундан иккинчи, учинчи манбаларга ўтишни ва кузатиш учун белгиланган вақт оралигини ошириб боради. Машғулот бир карра қайтарилганидан кейин ўқитувчи талabalardan нималарни кўрганини сўрайди. Талabalар кузатиши лозим бўлган манбани қанчалик узоқ кузатсалар. аввал кўрмаган нарсалар сони шунчалик кўпайиши керак бўлади. Кузатгандари аниқ ва яққол кўз ўнгидагавдаланиши керак бўлади. Демак ўқувчилар ўз дикқатларини таклиф этилган манбада ўзоқ ушлаб туришга ўрганабошлайдилар.

**3.** Навбатдаги машқдан кўзланган мақсадни аввал ўқитувчи талabalарга тушиностириб беради. Яъни дикқат билан кузатув жараёнини фикрлаш билан ёнма-ён олиб бориш керак бўлади. Мисол учун дикқат билан кузатиш учун танланган манбни кузатиш жараёнида, шу буюмнинг ташқи кўриниши қандай, у қайси хомашёдан тайёрланган, ундан қандай мақсадларда фойдаланиш мумкин, унинг ранги қандай рангда, уни тайёрлаш жараёни қандай кечган, у нечта бўлакдан иборат, шу буюмни таёrlашда яна қандай хомашёлардан

фойдаланилган, мазкур буюмнинг фойдали ва заарли томонларни нималарда акс этган?

Диққат билан кузатиш учун белгиланган вақт тугаши билан ўқитувчи юқоридаги саволларга ҳар бир ўқувчидан жавоб талаб қиласди.

**4.** Навбатдаги машқ учун ўқувчилар манбани ихтиёрий танлаб ўзлари режа тузадилар. Шу тариқа талабаларнинг бир манбада ушлаб туришлари керак бўлган диққатлари машқдан -машққа ўтган сари мустаҳкамланиб бориши ҳамда кўзланган мақсад аниқ ва самарали бажарилишига эришилди. Ўқувчи ўзи ўрганиши керак бўлган манбадаги диққатини ўз ихтиёри билан бошқаришга, ундан ўзига керакли маълумотларни тўлиқ олмагунча диққат бошқа манбаъга ўтиб кетмаслиги керак. Бу машқлар кўпроқ кўриш орқали қабул қилинадиган машқлар сирасига киради. Худди шундай машқларни бошқа сезги аъзолар учун ҳам яъни эшитиш, таъм билиш, ҳид билиш учун ҳам бажарилиши керак.

**5.** Эшитиш аъзолари учун бир неча машқларни кўриб чиқиши мумкин. Яъни ўқувчилар эътиборини машғулот ўтқазилаётган синфдан ташқарида бўлган товушларни, йўлакда, ҳовлида юқори қаватда, пастки қаватда, қўшни синфдан эшитилаётган товушларга диққат қилиш орқали уларни тавсифлаб бериш. Мазкур машқни бажариш жараёнida талабалар кўплаб товушлар орасидан айнан ўзига керакли товушни ажратиб олабилиши, уни бошқалардан фарқ қилувчи жихатларини аниқлаши лозим бўлади. Бу машқ ҳам худди кўриш орқали бажарилиши лозим бўлган машққа ўхшаш бўлиб, аввалига фақат эшитиш аъзолари ишга тушади сўнгра аста -секин эшитилган товуш хақида фикр юритилиб, товушни тавсифлаб бериш талаб этилади.

Машқ бажаришнинг дастлабки босқичида ташқаридан эшитилаётган барча товушлар аниқланади, сўнгра уларнинг ҳар бири алоҳида – алоҳида ажратилиб тингланади. Бу ташки қабул бўлиб, кейинчалик ички қабул яъни товушни ички эшитиш аъзолар орқали қабул қилиниб, шу товуш тўғрисида фикр юритилиб тавсифланади. Яъни бу жараёнда ташки эшитиш ва тасаввур орқали фикр юритилади.

Юқорида келтириб ўтилган барча машқларда диққат қаратилиши, кўрилиши ва эшитилиши лозим бўлган манбаъ биздан ташқаридан эди. Уни ташқаридан кузатилиб ички фикрлаш орқали унга тавсиф берилган. Демак бу жараёнда **ҳам ташки, ҳам ички диққат** иштироқ этган.

Навбатдаги босқич машқларини фақат ички диққатни ишга солиш орқали бажарилади.

**6.** Ўқитувчи айни чоғда синфда мавжуд бўлмаган нарсанинг номини айтади.

Мисол учун “мажнун тол”, “қизил мармар тош”, “пахса девор”. Ўқувчилар ҳаёлан ўз диққатларини номлари келтирилган буюм ва ўсимликларга жамлаши керак бўлади. Машқ бажаришнинг дастлабки босқичида ўқувчилар номлари зикр этилган буюмларда ўз диққатларини узоқ ушлаб турсалмасликлари мумкин.

Бир нарса тўғрисида ўйлаб туриб ҳаёл бошқа томонга кетиб қолганини киши гоҳо сезмай қолади. Яъни мажнун тол тўғрисида ўйлар экансан, беихтиёр ариқ ёки анҳор ҳаёлга келади. Сўнгра унда шилдираф оқаётган сув тўғрисида ундан

анхорга қуйиладиган жилғалар,жилғалар ҳосил бўладиган тоғдаги қорлар бирин-кетин ҳаёлни олиб қочиб ,охир-оқибат бошлаб нима тўғрисида ўйлаётганимиз ҳам эсдан чиқиб кетиши мумкин.Шунинг учун ўқитувчи ўқувчилар билан зикр этилган машқ устида ишлар экан, энг аввало ўқувчилардан ички диққатни бутунлай бир жойга тўплашликни талаб қилиши ва шунга эришиши керак. Бунинг учун машқларнинг дастлабки босқичида ўқувчиларнинг эркин фикрлашига йўл қўйиб бериш лозим.Шу тариқа астасекин ўқувчилар ўз диққатларини маълум бир тартибга солабилишни ўрганишлари ва уни назорат қилишга ўтишлари лозим бўлади.Демак ўқувчи номи зикр этилган нарсани **ички диққат** билан назорат қилиб турар экан, ўзини фақат ўша нарса тўғрисида ўйлашга ўргатиши ,гарчанд фикр бошқа томонга чалғиб кетган тақдирда ҳам уни яна ўша нарсага қайтара билишликни ўзлаштириши зарур.Бу машқни узлуксиз такрорланиши натижасида талаба ўз фикрини маълум бир манбаъ,нарса,муаммо устида тўхтамай бош қотириб ўйлашга,фикрлашга ўрганиши керак.Бора-бора талабада берилган мавзу,буюм,манбага қизиқиш уйғониши,сўнгра ўқувчининг ўзи танлаган белгилаган манбага қизиқишини уйғотиш йўли ўзлаштирилади.

**Демак диққатнинг даражаси.қизиқиши даражасига боғлиқ бўлса, ўз навбатида қизиқиши даражаси ҳам диққат қилиши даражасига боғлиқ бўлиб қолади.**

7.Навбатдаги машқ изчил қизиқиши сусайтирган ҳолда бир манбадан иккинчи манбага диққатни енгиллик билан изчил ва фаол кўчиришлик.Ана шу фаоллик бу ерда асосий мақсад ҳисобланади.Диққатнинг сустлиги,фикр тарқоқлиги,актёр учун энг катта тўсиқлардан бири ҳисобланади.Шунинг учун ҳам актёрнинг асосий қуролларидан бири, диққатнинг ҳамиша фаоллигини оширишдан иборат бўлиши лозим.Яъни актёр томонидан ихтиёрий танланган манбада бўлган диққатни тезлик билан бошқа манбага ихтиёрий равища кўчира билишдан иборат бўлиши зарур

Агар юқорида келтириб ўтган машқларимизда актёрнинг диққатини бир манбада узок ушлаб туришга ҳаракат қилган бўлсак ,эндиликда ўша манбада маҳкам ушлаб турилган диққатни ажратиб бошқа манбага енгил ўтқазишига одатланиш керак бўлади.Актёр диққатини ўзгарувчанлиги, унинг фаолияти билан боғлиқ бўлган иккинчи хусусияти яъни ҳаракатчанлик шиддати билан узвий боғлиқдир.

8.Бу машғулот тахминан қуйидагича бўлиши мумкин:

Ўқитувчи талабаларга ўзларидан узокрокда бўлган манбага,(эшик дераза,девордаги расм) диққат қаратишликини тавсия этади.Талабалар мазкур вазифани бажарганларидан сўнг, ўқитувчи бошқа манбани, яъни яқин масофада бўлган қўлнинг кафтлари, эгнидаги кийимнинг тугмачаси,оёқ кийимнинг ипи,қўл соатга диққатини кўчириш кераклигини тавсия этади.Бу вазифа бажарилганидан сўнг орадан маълум вақт ўтиши билан, ўқитувчи ўқувчилар диққатини яна эшикка,ундан тугмачага,яна эшикка ва яна тугмачага кўчиришликини тавсия этди.Бу машқ бажарилиши давомида диққатни кўчириш учун берилган вақт борган сари қисқариб бориши керак бўлади.Токим талабалар, ўз диққатини бир манбадан иккинчисига енгиллик билан кўчиришга

одатлансинлар.На фақат кўчириш, шу билан бирга ҳар сафар ўзлари диққат қаратган манбаларида, янги-янги жиҳатларни, унсурларни топишга ўрганишлари зарур.

Худди шундай машқни **эшиитии** учун ҳам бажариш керак. Бунда ўқитувчи аввал кўчадан эшитилаётган овозга диққат қаратишни, сўнгра диққатни хона қўшни хонадан эшитилаётган товушга кўчириши лозим бўлади. Сўнгра ўқитувчи машқни такрорлаш жараёнида оралиқдаги вақтни қисқартира бориб “Кўча”. “Хона”дек буйруқ берабошлайди.

Ушбу машқларни яна ҳам мураккаблаштириш мумкин.

Масалан:

- кўриш учун :-манба ўзокда.(*эшик,дераза*)
- эшитиш учун:- манба яқинроқда(*хона ичи,тугма,туғли*)
- кўриш учун:- манба (*олисда кўчада,деразадан ташқарида..*)
- ҳид билиш учун:- манба (*яқинда,костюм ёки кўйнакнинг ҳиди..*)
- эшитиш учун:- манба(*кўчада...*)
- кўриш учун:- манба яқинда (*қалам,ручка...*)
- ҳид билиш учун:- манба (*хона ичи...*)
- кўриш учун:- манба яқинда(*стол усти,китоб...*)
- сезиш учун:- манба (*ердаги полнинг тахталари....*)

Табиий бундай машқларни исталганича бажариш мумкин.

Биз юқорида актёрнинг **умумий диққати** тўғрисида, уни тарбиялаш учун машқлар тавсия қилдик.

Эндиgi босқичда актёрнинг **саҳнавий диққатини** тарбиялаш учун машқлар тавсия этилади.

Бу машғулот жараёнида юқорида тавсия этилган вазифалар ўзгармайди.Агар олдинги машқларни гурух бўлиб бажаришга харакат қилинган бўлса, эндиgi машқларни ҳар бир талаба якка тартибда ўзи бажариши зарур бўлади.Фақат машқлар саҳнада ўтказилиши талаб қилинади.Агар машқлар аудитория шароитида ўтказилса “актёр” олдинга чиқади қолганлар эса бир тарафга ўтиб машқ бажарувчини томошабин бўлиб кузатадилар.

Кўпинча талabalар машқларни гурух бўлиб бажарганда ўзларини эркин хис этадилар.Қачонки якка тартибда саҳнага чиқсалар-у,бошқалар томошабин бўлиб уни кузатишга ўтсалар дарҳол эркинлик йўқолиб,диққатнинг кучи сусаяди.

Эндиgi вазифа ана шу **йўқолган** диққатни **қайта тиклашдан** иборат бўлади.Бунинг учун юқорида такрорланган машқларни яна бошидан бошлаш зарур.Фақат энди уларни якка тартибда,саҳна шароитида бажариш керак .

Албатта саҳна билан кундалик ҳаёт шароити ўртасида катта фарқ бор. Талаба ана шу саҳнавий шартлилик шароитида ҳам ўз диққатини белгиланган манбада ушлаб туроалиши учун яна бир қатор машқлар бажаришга тўғри келади.Бунинг учун бутун гурух талabalariга соддароқ математик масала ечишлик тавсия этилади.Талabalар орасидан масалани ким биринчи бўлиб ечса,дарҳол бу ҳақда ўқитувчини огоҳлантириши керак бўлади.Ўқитувчи эса масалани ечишга сарфланган вақтни дарҳол белгилаб қўйиши зарур.Сўнгра ўша талаба саҳнага таклиф этилади ва мураккаблиги аввалгиси даражасида бўлган бошқа масалани

тавсия этилади. Қолган талабалар саҳнадаги талабанинг хатти- ҳаракатини дикқат билан кузатишлари керак. Натижа қўйидагича бўлиши мумкин. Саҳнада турган талаба масала ечишга сарфлаган вақти ёки чўзилиб кетади, ёки масала нотўғри ечилади. Худди шундай тажрибани яна бошқача усулда синовдан ўтказиш мумкин.

Масалан: Гурухдаги талабаларнинг ҳар бирiga алоҳида-алоҳида китобдан бир-икки саҳифани ўқиши тавсия этилади. Китобдаги саҳифани ким биринчи бўлиб ўқиб чиқса, сарфлаган вақт белгилаб қўйилади, ва ўқиганларини гапириб беришлик таклиф этилади. Сўнгра ўша талабани саҳнага таклиф этиб яна аввалги микдордаги саҳифани ўқиб, гапириб беришликни таклиф этинг. Талабага, биринчи сафар ўқиган саҳифаларга сарфланган вақт тугаши билан уни тўхтатиб ўқиганларини гапириб беришликни таклиф этиб кўринг. Яна олдинги кўрганимиздек, саҳифани ўқишига сарфланган вақт кўпайиб кетиши ёки ўқиганларини тўлиқ гапириб бераолмаслик ҳолати такрорланади. Бу машқни синов машқи ҳам дейиш мумкин. Чунки мазкур тартибдаги машқ ёрдамида талаба дикқат тўплашда қанчалик натижага эришганлигини аниқлаш мумкин.

Шу тариқа талаба ҳаётий машқларда дикқат тўплашни аста-секинлик билан ўзлаштирган бўлса, саҳнавий дикқатни тўплашда ҳам шошилмасдан “дикқат тўплаш” машқини ўзлаштириб олишига ишончимиз комил. Қачонки талаба топширилган топшириқни ҳаётий шароитда қай даражадаги тезлиқда ечган бўлса, саҳнавий шароитда ҳам ўша тезлиқда топшириқни ечишга эришса, мазкур машқлардан кўзланган мақсад кўлга киритилган деб ҳисоблаш мумкин. Шуни ҳам эслатиб ўтиш жоизким, талаба бу машқарни қанчалик ўз курсдошлари орасида бажарса у шунчалик ўз аудиториясига кўнишиб ўз дўстларини ҳис этмай қўйиши мумкин. Ўз дўстлари даврасида дикқатни бир ерга тўплаш борган сари осонлашади, ҳаётий дикқат билан саҳнавий дикқат орасида тафовут сезилмай қолдади. Лекин ўқитувчи талаба, ушбу машқларни қанчалик пухта ўзлаштирганликларини синаб кўриш учун тажриба ўтқазиб кўриши мумкин. Яъни машғулот чоғида аудиторияга бошқа курс талабалари ёки ўқитувчиларини таклиф этиши ва улар кўз ўнгидага мазкур машқларни такрорлаб кўриши мумкин.

Ёки бошқача йўл тутиш мумкин. Аудиторияга ташқаридан одам таклиф этмай талабага саҳнага чиқиб газета ўқишиликни топширинг. У газетани ўқиб бўлганидан кейин сарфланган вақт ва ўқиганидан хотирада қолганларини белгилаб туриб, шу машқ яна такрорланади. Энди аудиторияда ўтирган бошқа талабалар саҳнадаги газета ўқиётган талабага халақит бериш учун, бор овозлари билан гапирадилар, ўз аро бахслашадилар, унга саволлар берадилар, бир сўз билан айтганда уни чалғитишига уринадилар.

Натижа текшириб қўрилади. Агар талаба саҳнада ўзини йўқотмай белгиланган муддатда газетани ўқиб, хотирада қолганларини гапириб берса ва машқни сарфланган вақт ҳаётий вақт ўртасидаги тафовут камайган бўлса, натижадан қоникиш мумкин. Акси бўлса, машқларни кўпроқ такрорлашга тўғри келади.

Машқларнинг навбатдаги босқичида саҳнавий дикқатни тўплаш жараёнига **тасаввурни** ҳам қўшиш керак бўлади. Шу вақтга қадар биз талабадан ички

диққатни айни дамда мавжуд бўлган манбада тўплашликни талаб қилган эдик. Эндиликда диққат тўпланиши керак бўлган манбага ҳаёлан бошқа сифатларни яъни хозирда унда бўлмаган сифатиларни ҳам менгазабошлаймиз. Шу тариқа биз диққат тўпланиши керак бўлган манбага талабанинг қизиқишини ,уни атрофлича ва чуқурроқ ўрганишга уринишни бир неча карра орттиришга ҳаракат қиласиз.

Яна энг муҳим нарсалардан бири, бу талабларни мустақил ишлашга одатлантиришдан иборатdir.

Агар машғулотлар фақат аудиторияда ўқитувчи раҳбарлигида ўтқазилиш билан чегараланса, кутилган натижага эришиш жуда мушкул бўлади.

Ҳар бир талаба асосий дарслардан ташқари, ҳар куни камида 20-30 минут мустақил равишда ўз **диққатини тўплаш** устида ишлаши керак бўлади. Мустақил машғулотнинг афзаллик томони шундаки , машқ ўтқазиш жараёнида бегона одамлар бўлмайди. Диққат тўплаш керак бўлган манбани ўқитувчи эмас талабанинг ўзи танлайди. Талаба ўзига ўзи вазифа юклайди ва ўзини-ўзи назорат қиласи. Бундай машқларни ўтқазиш учун маҳсус жой бўлиши шарт эмас. Талаба йўлда, автобус, метро, ёлғиз қолганида ҳам юқорида келтирилган машқларни тақрорлаши мумкин. Тасодифий учратиб қолган чиройлик қизнинг чехрасини эслаб қолишлиқ, нотаниш кўчани қаерда жойлашганини, автобус ёки трамвай номерини, бирорнинг ёмғирпўши, ранги бошқасининг костюм рангини, бозорда кўрган мевалар ранги ва ҳидини эслаб қолиши ҳам юқорида тавсия этилган машқлардан ҳисобланади. Талаба шу йўл билан беихтиёрий диққатни тарбиялаш билан бир қаторда, кузатувчанлик салоҳиятини ўстириш ва тарбиялаш имкониятига эга бўлади. Талabalар билан бўладиган ҳар сафарги машғулот чоғида, актёр узлуксиз ўз маҳоратини - техникасини ошираборишлигини уқдириб туриш зарур. Агар тинимсиз машғулот ва машқлар бўлмаса, унинг ижоди бир жойда тўхтаб қотиб қолиши ҳеч гап эмас. Созанда, ашулачи, рассом тинимсиз равишда машқ қилиб турмаса ўз маҳорати ва қобилиятидан ажralиб қолиши мумкинлигини яхши билади. Худди шундай актёр ҳам тинимсиз машқ қилиб туриши талаб қилинади. Бу машғулот ва машқлар орасида **диққат** биринчи ўринда туради.

Талабада диққатни тарбиялашга қаратилган машқлар тўғрисидаги сўзимизни муҳтасар қилишдан аввал, ўқитувчи этиборини яна бир нарсага қаратмоқчимиз. Яъни ҳар бир талаба ўзи бажарган машқлар тўғрисида ўқитувчининг ҳолисона фикрини билиши керак бўлади. Ўқитувчининг баҳоси, талаба диққатини **тўғри** тўплайлодими **йўқми**, вазифа **тўғри** бажарилдими ёки **бажарилмадими?** Агар талаба ўқитувчининг баҳосидан қониқмаса, уни саҳнага таклиф этиб янги вазифа бериш керак. Вазифа бажарилганидан кейин томошабин бўлиб ўтирган талabalарга сўз бериш ва бажарилган вазифа юзасидан ўз фикрларини очик-ойдин билдиришликни таклиф этиш керак.

## *Саҳнавий эркинликни тарбиялаш машқлар*

Юқорида кўриб ўтганлармиздан маълум бўладики, берилган манбага диққатни тўплаш ва уни берилиб ўрганишга киришиш ички эркинликни пайдо қиласи,ички эркинлик эса ўз навбатида ташқи жисмоний эркинликни туғдиради.Лекин актёрда мушаклар эркинлиги бўлмай қотиб қолса,ҳеч бир куч, диққатни берилган манбага тўплашга ёрдам бераолмайди.Шунинг учун кўпинча саҳнадаги актёр диққатини тўплаш ўрнига ,қотиб қолган мушакларни бўшатиш билан овора бўлиб қолади.Айрим ҳолларда актёр ички эркинликни пайдо қилаолган бўлса ҳам мушаклар қотиб қолишидан сира халос бўлаолмайди.Агар бадан аъзоларидағи тарангликни бир оз бўлса ҳам бўшатишга эришилса,қолган аъзолар ҳам ўз-ўзидан бушашади,ички эркинлик диққатни бир жойга жамлашга ёрдам берабошлайди.

Лекин ички ижодий эркинликни тарбиялаш кўп вақт талаб қиласиган мураккаб жараёндир.

Буни у ёки бу курсда олиб бориладиган машғулотларнинг ўзи билангина тарбиялаб бўлмайди. Актёр амалий машғулотлар натижасида ички ва ташқи техник унсурларнинг барчасини мукаммал эгаллаб олганидан сўнгина ички эркинликни қўлга киритиш мумкин.Бироқ талабаларда ортиқча тарангликдан холос бўлишнинг оддий йўлларини кўрсатиб бериш унча кўп бўлмаган вақт талаб қиласи.Навбатдаги машғулотларимиз айнан шу мақсадни ўз олдига қўйган.

Мазкур мушакларни бўшатиш машқларини саҳнавий диққатни тўплашда қийинчилик туғдирадиган манбалардан бошлишни мақсадга мувофиқ деб ўйлаймиз. Одатда кўпчилик ўртасида ўзини йўқотиб қўядиган,диққатини сира бир жойга тўплайламайдиган бир неча ўқувчи бўлади.Бундай талабаларда ижодий ва жисмоний таранглик даражаси шу қадар кучли бўладики,диққатни тўплаш учун берилган машқлар ҳам уларга фойда бермайди.Бундай кезларда ўқитувчи аввало уларнинг мушаклар таранглигидан ҳалос бўлишига ёрдам бериши керак.Бунинг учун ўқитувчи ўша талаба танасининг қайси аъзоларида таранглик ўта кучли бўлса, талабага ўша ерни бўшатишликни тавсия этиши лозим бўлади.Шу йўл билан шошилмасдан бирин-кетин таранг мушаклар бўшатилиши зарур.

Бу машқлар давомида ижобий натижага қўлга киритилганидан сўнг,*саҳнавий диққат* машқларини бериш мумкин.Агар бу сафар ҳам яна мушаклар таранглашадиган бўлса тарангликни бўшатиш машқларини яна бошидан бошлиш керак.Бу машғулот, талаба берилган манбага ўз диққатини тўплашга одатлангунга қадар давом этиши керак. Агар берилган машқлар изчиллик билан олиб борилса албаттта ижобий натижага эришилади.

Шундан сўнгина талабалар мушакларни бўшатиш машқларини бажаришга ўтишлари мумкин.

**1Машқ.** Навбат билан тана аъзоларини: қўл,оёқ,бўйин,бел умуртқаларини, гоҳ таранг тортиб, гоҳ бўшатиш машқларини бажаришга ўтилади.Мазкур

машқлар давомида талабаларнинг таранглашуви ва ундан ҳалос бўлиши, мумкин қадар тўкис бўлиши зарур.

Ушбу машқлар ёрдамида талабалар ўз тана аъзоларининг қайси қисмида таранглик борлиги ва қайси қисми бўшатилганлигини назорат қилишни ўрганадилар.

**2Машқ.** Ўқитувчи талабларни курсида қулай ўтириб олишга таклиф этади. Сўнгра сира шошилмай юқоридан пастга ёки пастдан юқорига қараб навбатма-навбат тана аъзоларини бўташни буюради. Яъни, оёқ бармоқларидан бошлаб то бош қисмининг қулоқ учларигача навбати билан бўшатиб чиқиш керак бўлади. Тана аъзолари шу даражада бўшашлиги керакки, фақат танани ушлаб турадиган умуртқадан бошқа аъзолар бўшлигидан гавда йиқилиб тушиш даражасигача келиши лозим. Айниқа юз мушакларига алоҳида эътибор бериш керак бўлади. Агар талаб қилинган даражадаги бўшликка эришилса, бош кўкракка осилиб тушиши, оғиз очилиб, пастки жағ осилиб қолади, пешона мутлақо бўш бўлиши керак. Қошлар умуман чимирилмаслиги керак. Машқни нечоғлик тўғри-нотўғри бажарилаётганлигини текшириб кўриш учун ўқитувчи талабанинг қўлинини кўтариб ташлаши, бошини чайқатиб кўриши мумкин. Агар тана аъзолари тўғри бўшатилган бўлса кўтарилиган қўл ўз-ўзидан аввалги жойига тушиши, бош эса чайқалиши муқаррар. Агар ўқитувчи талабални туртиб юборса у худди қум тўлдирилган қопдек енгил ва эркин ағдарилиб тушади. Талабаланинг шу ҳолатдаги танаси ухлаётган ёш боланинг танасига ўхшайди. Ҳечким ухлаётган боладек эркин бўлмайди..

К.С.Станиславский бола уйқусини қуидагича таърифлайди. *“Агар бола қум устига ётқизилиб уни тинчлантирилса. ёки ухлатилса, сўнгра уйготиб юбормасдан аста қумдан кўтарса, қум устида тўлалигича бола танасининг изини кўриши мумкин. Шу машқни катта одам билан бажариб кўрилса қум устида уч-тўрт ботиб қолган изларни кўриши мумкин. Бу унинг елка ва бел суякларининг изи бўлади. Кўм устида ётган боланинг қолдирган изига ўхшиши из қолдирни учун тана аъзоларини бутунлай эркинлиги ва бўшлигига эришиши зарур. Мана шундай ҳолатда инсон беши-үн дақиқа ухласа ёки дам олса бир кеча-кундуз ухлагандек ором олиши мумкин.”*

Юқорида келтирилган машқнинг биринчи босқичи ўзлаштирилгандан сўнг машқнинг иккинчи босқичини бажаришга киришилади. Бунда тана аъзоларини юқорида келтирилган тартибда бўшатиб яна ўша тартибда таранглашувига ҳаракат қилиш керак.

**Учинчи босқичда** мушаклар мумкин қадар таранглашади сўнгра кундалик ҳаёт талаб қиладиган нормал даражада бўшатилади.

Нормал ҳолатда мушакларнинг қувват даражаси инсон аъзоларининг ҳаётий фаолият кўрсатиши учун етарли миқдорда таъминланган бўлиши зарур. Бу аъзолар зарур бўлиб қолган замоноқ, хотиржамлик ҳолатидан изчил ишchanлик ҳолатига ўтишга тайёр бўлади.

Ишchanлик ҳолати деганимизда икки нарсани назарда тутиш керак: **сафарбарлик ва хотиржамлик**.

Бир томондан сиқиқликни йўқлиги,

Иккинчи томондан лоқайдлик ва бўшанглик ҳолати.

Тани –жони соғ одамнинг ҳамиша тийрак ва тетик бўлиб, ҳар қандай вазифани бажаришга доимо шай бўлиб турган вазияти назарда тутилади. Бундай вазиятда унинг биронта ҳаракати ортиқча, ёки зое кетмайди.

Таклиф этилган машқларнинг моҳиятини ўзлаштириб олинганидан сўнг машқлар ўқитувчининг саноғи остида бажарилади.

Мисол учун: **1-10 гача мушакларни мутлақо бўшатиш,**

**10-20 гача мушакларни мумкин даражада таранглаштириши,**

**20-30 гача мушакларни нормал ҳолатга келтириши.**

**3Машқ.** Ўқитувчининг буйруғи билан барча талабалар ўз тана аъзолари ҳолатини ўзгартирадилар. Шундан сўнг тананинг бирон ерида таранглик ушланиб қолган-қолмаганлиги текшириб кўрилади.

**4Машқ.** Юриб туриб, мушаклар таранглигини сезиш орқали аниқлаш.

**5Машқ.** Вазмин бир буюмни бир жойдан иккинчи жойга олиб қўйиш, сўнгра танадаги мушаклар таранглигини олиб ташлаш.

**6 Машқ.** Кўл ёки оёқ билан кескин ва кучли ҳаракат қилиш( столга муштлаш, ер депсиниши) шундан сўнг дарҳол танадаги тарангликни олиб ташлаш.

**7Машқ.** Ўқитувчининг буйруғи билан тўсатдан танадаги барча тарангликлардан холос бўлиш. Натижада енгил ва эркин ерга йиқилиш рўй бериши керак. Мазкур машқни тик турган ёки юриб туриб бажариш тавсия этилади.

**8Машқ.** Тана аъзоларидан бир қисмини ишчи ҳолатга келтириш айни шудамда тананинг бошқа аъзолари мутлақо бўш бўлиши керак .

**9 Машқ** Бирон бир жисмоний ҳаракат бажариш ва айни чоғда бу вазифани бажаришда қатнашмаган мушаклар бўшлиги сақланиб қолиниши керак бўлади. Юқорида келтирилган машқларни такрорлаш жараёнида талабалар ўз тана аъзоларида жойлашган мушакларни, уларнинг фаолияти ва вазифаларини тўлиқ ўрганиб олишлари лозим . Кундалик иш жараёни ёки саҳнавий фаолият даврида тананинг қайси аъзосида сиқиқлик пайдо бўлса, дарҳол ўша қисмни бўшатиб, эркин ҳаракат ҳолатига келтиришни ўрганадилар. Бир сўз билан айтганда ўз тана аъзоларини мунтазам назорат қилиб туришга одатланадилар. Аввал бундай назорат ихтиёрий равишда рўй бериши табиийдир. Айрим ҳолларда доимий назоратдан айрим мушакларда сиқиқлик пайдо бўлиши ҳам мумкин. Лекин бундан қўрқмаслик керак. Аста- секин бундай сиқиқлик йўқолади. Аввал бошда ихтиёрий равишда олиб бориладиган назорат, бора-бора беихтийрий назоратга айланиши зарур.

**Саҳнавий диққат** каби, мушакларни бўшатиш ҳам ўз-ўзидан рўй бериши керак. Талаба саҳнага чиқиб ўз танасидаги мушакларни бўшатишиш тўғрисида муентазам ўйлар экан, олдинга қўйилган мақсадга тўлиқ эришилди деб бўлмайди. Қачонки талаба мушаклар сиқиқлигини ўйлашдан ўзини холос этса, фикри чалғимаса мақсадга эришилган дейиш мумкин. Булардан ташқари талаба саҳнага чиқиши билан унинг мушаклари ўз-ўзидан бўшаб, ишchan ҳолати пайдо бўлиши зарур. Тананинг қайси қисмида таранглик пайдо бўлса, ўз-ўзидан автоматик тарзда ўша жой бўшатилиши керак. Бундай фаолият, кундалик беихтиёрий одатга айланиб кетиши учун талаба, дарслардан ташқари мустақил

машқ қилиши мақсадга мувофиқдир.Күчада,уйда,жамоат жойларыда,транспортда,танаффусда ,борингки талаба қерда бўлмасин, доимо ўз мушакларини назорат қилиб туришга одатланмоғи лозим. Бундай машқларни кечқурун уйқуга кетишдан олдин ёки эртлаб уйқудан уйғонганда бажаришлиқ ўта фойдали ва самарали бўлади.Агар уйқудан олдин мушакларни бир қатор назоратдан ўтказиб,уларни тамоман бўшатишга эришилса,тунги уйқу тинч ва чуқур бўлиб, киши танаси ва мийяси яхши дам олади. Булардан ташқари талабалар бошқа ёндош фанлардан (*ритмика, пластика,рақс, саҳна ҳаракати*) ўтказиладиган машғулотлар вақтида ҳам ўз тана аъзолари,мушакларини доимо назорат қилиб туришлари керак.

### *Саҳнавий ишончни тарбиялаш машқлари*

Актёрда саҳнадаги тўқима ҳаётга бўлган ишончини тарбиялаш учун саҳнада рўй бериши эҳтимоли бўлган воқеа ва ҳодисаларга нисбатан ишончни туғдириш унинг тасаввурини ўстириш борасида тинимсиз олиб бориладиган машқ ва машғулотларга боғлиқдир.Бирон-бир нарсани, буюмни,ходисани оқлаш,(оправдать) актёр тасаввурини машқ қилдириш ҳамда саҳнавий ишончини ўстириш демақдир.Саҳнада нимаики рўй берадиган бўлса унга ишониш актёрнинг табиий онгига сингиб кетиши керак.Агар талаба саҳнада ниманидир оқлашим керак деб, ўзлуксиз ўйлайдиган бўлса ҳали мақсадга эришилмаган бўлади .Саҳнада рўй берадиган барча воқеа ва ҳодисаларга ҳамиша ишонишга одатланиш унинг табиатига сингиб кетиши керак.Лекин бу ҳали ҳамма нарсага эришилди деган гап эмас.

Бунга эришишлиқ учун қатор машқлар,машғулотлар ўтказиш керак . Машқлар эса оддийликдан муракабликка, енгилдан қийин машқлар томон, аста - секинлик билан талабанинг ўзига сездирмаган ҳолда олиб бориш мақсадга мувофиқдир.

Аввал бошда талабалар хона ичида бўлган буюмларни оқлаши керак.

**Оқлаш** деганимизда ҳар бир талаба ўзи танлаган буюм, нарсани ***нима учун томоша қиляпман,музиқани нима учун тингляяпман,нега шу буюм ёки музика тўгрисида ўйлаяпман***,деган саволларга ўзи жавоб топишга ҳаракат қилиши назарда тутилади. Юқорида келтирилган машқ шунчаки бир дикқатни ва ишончни оқлаш учун бажарилиши зарурий бўлиб,унда хақиқий мавжуд нарса, буюм ,тovушдан ташқарига чиқилмайди.Талабаларнинг нима деб жавоб бериши ҳам таҳминий маълум.

***Мен бу нарсани ўқитувчи топширгани учун оқлаяпман ҳамда ўз дикқатимни тарбиялаяпман***,деб айтиши эҳтимолдан ҳоли эмас.

Навбатдаги машғулотда ***нега,нима учун*** деган саволларга жавоб топиш учун хақиқатдан узоқлашиб,тасаввур ва фантазия босқичига ўтишлиқ талаб қилинади. Талаба юқоридаги саволга жавоб топиш учун ўзи бирон нарса тўқиши,тўқиганда ҳам ўзи ва бошқалар учун қизиқроқ вазиятни тўқиб чиқариши керак бўлади.Тўқиб чиқарилган ходиса ёки воқеа қанчалик қизиқарли бўлса.дикқат жараёнига ижобий таъсир ўтказмай қўймайди.Агар хикоя қизиқарли бўлса ўқитувчининг ***нима учун*** деган саволиига ҳам ҳожат

қолмайди.Мазкур машқни барча талабалар ўтиб бўлганидан кейин ўқитувчи талабадан нима учун воқеа ходисани, шу тарзда оқлаганлиги сабабини сўраши мумкин. Бундай усул ёрдамида қайси талаба вазифани яхши бажарди-ю, қайсиниси бажараолмаганлигини аниқлаб олади.Иккинчидан мазкур машқни бажаришга эътиборсизлик қилган талаба аниқланади.

Икки талабаланинг ҳикоясини бир-бирига солиштириш орқали ҳам кутилган натижага эришиш мумкин.

Иккала талабанинг ҳикоясини бир-бириги қиёслаш орқали:  
*a.)саҳнадаги изчил диққат билан саҳнавий оқлаш ўртасида ўзвий боғлиқлик мавжудлиги,*

*б)саҳнавий диққат билан саҳнавий фантазияни ўзвий боғлиқлигини;*

*в)актёрнинг тасаввури қанчалик яхши ишласа унинг диққати ҳам шу дарёжада бўлиши,*

*г. актёрнинг диққати қанчалик изчил ва чуқур бўлса унинг тасаввури шунчалик қучли бўлишини исботлаш керак бўлади.*

Саҳнавий оқлаш учун навбатдаги машқлар қуйидагича бўлиши мумкин:

Ўқитувчининг кўрсатмасига биноан ўқувчилар хона бўйлаб юра бошлайдилар.Кутилмаганда ўқитувчи уларни тўхтатади.Ким қайси ҳолатда тўхтаган бўлса ўз шаклини ўзгартирмай бир неча сония шундай турадилар.Сўнгра ҳар ким ўзи турган ҳолатни оқлайди.Бу албатта ташқи жисмоний ҳаракат билан боғлиқ бўлади.

**Кейинги машқ.**Ўқувчи курсида ўтирган ҳолда бирон бир жисмоний иш бажаради.Тўсатдан ўқитувчи уни тўхтатади ва ўз ҳолатини оқлашликка ундейди.

**Яна бир машқ.**Ўқитувчи бир-бири билан боғлиқ бўлмаган турли вазиятларни гапирабошлайди.

Масалан:Уйга кириб кўрпачага чўзилади.Ўрнидан туриб китоб жовонини кавлади.Эски китобни олиб бир бетини очиб кўздан кечиради.Дераза олдига бориб ташқарига қарайди,хонтахтага ўтиради.Чой ичади,кўлига қалам олиб қоғозга нимадир ёзабошлайди.

Мана шу бир-бири билан боғлиқ бўлмаган ҳаракатлардан яхлит бир воқеа тўқиб чиқариш керак бўлади.

Биз келтириб ўтган машқлар талабаларнинг ижодий тасаввурини тарбиялашдан ташқари яна бир муҳим аҳамияти бордир.Агар талаба ўз тасаввури ёрдамида **берилган шарт-шароит** яратишини у ёки бу вазиятни оқлашни ўрганса,кейинчалик писесада, берилган шарт- шароитда ўз ролининг ички ва ташқи ҳаракат чизигини яратиши ўзи яратадётган тимсол тушиб қолган шарт – шароитда қандай руҳий ва жисмоний хатти-ҳаракат топишликни яхши биладиган бўлади.

Актёрни рол устида ишлаш жараёнида **писесада берилган шарт-шароитдан ҳамда ўзи яратадётган қаҳрамоннинг хислат ва хусусиятларидан келиб чиқиб жисмоний хатти-ҳаракат чизигини яратадишилик салоҳияти жуда ҳам муҳим аҳамиятга эгадир.**

**Навбатдаги машқ** номаълум одамнинг расмига қараб унинг кимлиги,ёши нечада,нима иш билан машғул бўлганлиги,ҳаётда нималарга қизиқиши,оилавий

шароити қандай деган турли саволларга жавоб қидириш орқали, талабанинг тасаввурини ва фантазиясини ривожлантириб ўстиришга катта ёрдам бериши мумкин.

Худди шундай машқни кўчада, трамвай, троллейбус, автобус, метродаги тўғри келган одамни кузатиб ҳам ўтказиш мумкин. Саволлар эса ўша-ўша ёки бир оз ўзгарган шалқда бўлиши мумкин. Бундай машқлар талабанинг кузатувчанлик қобилиятини, хотирасини, хусусият ва ҳислатларни фарқлашини, берилган шарт-шароитни аниқлашда талабага катта ёрдам беради.

### ***Муносабатлар ва рўй берган воқийликни баҳолаши***

Актёрнинг саҳнавий вазифасини уddaлашида, саҳнада рўй берган ёки берадиган ходиса ва воқеани баҳолашга муносабатини билдиришга ўрганиши, унинг келажакдаги фаолиятида катта аҳамиятга моликдир. Муносабат ва рўй берган ходисани баҳолаш билан боғлиқ навбатдаги машқлар ана шу мақсадни кўзлаб тавсия этилмоқда.

Мазкур машқларни бажаришга дикқат билан боғлиқ машқлар орқали ўтишлик мақсадга мувофиқдир.

Дикқатга бағишлиган машқларга тасаввурни ҳам қўшадиган бўлсак, ижрочи на фақат тавсия этилган манбани дикқат билан ўргана бошлайди, балким ўз тасаввuri ёрдамида ўрганилаётган манбага, аслида бўлмаган сифатларни менгазишини ўрганади. Шу тариқа дикқат учун бажарилиши керак бўлган машқ, ўз-ўзидан муносабатга бағишлиган этюдга айланиб қолади. Лекин шу билан бирга дикқатга бағишлиган вазифасидан озод бўлиб қолмайди. Аксинча дикқат билан ўрганилган манбага тасаввур ҳам қўшилиши орқали шу манбага бўлган қизиқиш бир неча карра ортади. Натижада тасаввур шунчаки бир тасаввур бўлибгина қолмай у **ижодий тасаввурга** айланади.

Мисол учун талабалнинг қўлига дўппи. ёки қалпоқни бериб, уни дикқат билан ўрганиб чиқишликини тавсия этамиз. Талаба манбани дикқат билан ўрганиб чиққанидан сўнг, унга бу дўппи эмас, кучук, мушук, куённинг боласи деймиз. Агар талаба топшириқни эшитган замони, манбанинг ташқи кўринишини акс этдира бошласа, машғулот нотўғри йўлдан кетган бўлади.

деган савол ҳам туғилиш даражасида бўлиши керак.

Моҳиятан қараганда талаба “бу кучук, мушукча” деган топшириқни эшитиши билан ундаги ижодий тасаввuri ишга тушиши ҳамда фикран ижодий фаолиятини бошлаб юбориши керак бўлади.

Ички иш фаолияти дейилганда нима назарда тутилади?

Бу шундан иборатки, талаба ўз дикқатини берилган манбада тутиб турган ҳолда ўз тасаввuri ёрдамида, шу манбаъага унда бўлмаган сифатларни менгаза бошлайди. Яъни қўлидаги гўё дўппи эмас, кучукча эканига бизни ишонтириши лозим бўлади.

Шу тариқа ички фаолият ёрдамида талабада берилган тўқима шарт-шароитга ишониш ҳиссиёти уйғонади ва ишонч ҳосил бўлиши орқали, муносабат ҳам ўзгаради. Яъни хатти-ҳаракатнинг дастлабки босқичи- **муносабат** туғилади. Бу эса ўз навбатида **ҳаракатга** туртки беради.

Машқ давомида талаба ўзи бажараётган ҳаракатларга берилиб кетиши, хатто тасаввурдаги кучукча билан ўйнаши, эркалатиши, ухлатиши, силаши мумкин. Бироқ ўқитувчи машқнинг энг қизиқ жойида талабани тўхтатиб қолиши керак бўлади. Сабаби актёр ана шу ҳаракатнинг дастлабки босқичи ички техникани яхши ўзлаштириб олиши керак. Яъни **ҳаракатнинг туғилиши** жараёни рўй бериши зарур.

Актёр ана шу дастлабки **ҳаракатга чорловчи** дақиқаларни табиий даражада туғилишини англаб етиши, уни ўзи ҳам ёқтириб қолиши, тасаввури ёрдамида ана шундай ички руҳий ҳолатни ҳаракатга ундовчи **даъватни** ҳис этишга одатланиши зарур.

Дўппи билан боғлиқ машқарни бошқа буюмлар билан ҳам давом этдириш мумкин.

Масалан арқон эмас-илон, гугурт қутиси эмас-граната, стол эмас-тикув машинси, эски туфли эмас-биринчи бор кийилаётган туфли ва.х.к.

Шуни ҳам назардан қочирмаслик керакким, таклиф этилаётган буюмларнинг ташқи кўриниши тасаввур қилиниши керак бўладиган буюмларнидан тубдан фарқ қилмаслиги лозим.

Навбатдаги машқлар **қароргоҳ, манзил, жой** билан боғлиқдир.

Яъни аудитория эмас-касалхона, параход, вагон ичи, сув ости кемаси, кутубхона музей, ҳаммом, масчит, қабристон ва.х.к.

Мазкур машқлар билан ишлашда ҳам олдинма-кейинлик аввалги машқларга ўхшаш бўлиши керак.

Талаба бундай машқларни бажаришга киришишидан аввал яхшилаб ўйлаб олиши, ўзи ҳаракат қилиши керак бўлган жой қандай даргоҳ эканлигини **ички кўз билан тасаввур ойнасида** пайдо қилиши керак бўлади. Сўнгра бир неча саволларга жавоб ҳам топиши зарур.

Яъни:

**-бу ерга қачон келдим?**

**-бу ерга келишидан аввал қаерда нима иш билан шугулланган эдим?**

**-бу ерга нима мақсадда келдим ва ҳозир нима қилмоқчиман?**

**-бу ердан чиққанимдан кейин нима иш қиласман?**

Талабада ўз **тасаввури** ёрдамида юқоридаги саволларга жавоб топиши орқали айни дамда ўзини қуршаб турган маконий борлиқقا муносабат пайдо бўлади ва хатти-ҳаракат бошлашга ички даъват туғилади. Ўқитувчи талабанинг ҳаракатларида ҳаққонийлик ва ишонч пайдо бўлганини сезса, машқни тўхтатиш мумкин.

Агар талаба сезмаган нарсасини сезяпман, қўрмаган нарсасини кўряпман дея мўғомбирлик йўлига ўтса, хатти-ҳаракатларда соҳталик устивор бўлса, машқни тўхтатмаслик керак. Токим талаба ўзининг соҳта ҳаракатларини маҳорат ўрнида ўтқазмоқчи бўлаётганини бошқа талabalар ҳам кўрсин. Чунки машғулотлар сўнгидаги ўқитувчи бундай хатти-ҳаракатни таҳлил қилиб қоралаши ва сабабаларини кўрсатиб бериши керак, бу бошқалар учун ҳам яхшигина сабоқ бўлади.

Ички техника борасидаги машқларни ўтказишлиқдан кўзланган масқад, талabalарда **ҳаққонийлик** **сезгиларини** тарбиялашдан

иборатдир.Бунинг учун эса **тўғрини нотўғридан, соҳталикини ҳаққонийликдан** фарқлашга талабаларни ўргатиш керак. Кўпинча кўз ўнгимизда актёр саҳнада ёлғондакам ҳиссиётларни ,соҳта ох -воҳларни намойиш қилабошлайди.Энг ёмони у ўз ишидан мамнун ҳам бўлиб қўяди.Демак бу актёр ёлғон билан ҳаққонийликни,соҳталик билан самиймийликнинг фарқига бормайди.Лекин ижродаги иккала сифатни фарқига бориш учун талабага иккала имкониятни ҳам яратиб бериш керак.**Ёмон ижрони** охиригача ижро этсин.**Соҳта** ўйин кўрсатсин.**Ёлғонни рост** деб бизни ишонтиromoқчи бўлсин.Токим талабанинг ўзи соҳталик билан ҳаққонийликнинг фарқини тушиниб етсин.

**Навбатдаги машқларда жойг,макон ёки майдонга муносабат ҳамда шарт-шароитни ўзгартиши** каби шартлар қўйилади.

Мисол учун:одам ёзда тоққа чиқмоқда(ҳаво иссиқ).Ёки қишида тепаликка кўтарилимоқда(ҳаво совук.) Ошхона ёнида(хаддан ташқари очлик)Автобус бекатида(кечикяпти,автобус кўпдан бери йўқ.)Хонага киради.(оғир бемор ётипти).Ер қимиirlаш натижасида войрон бўлган ўз уйи олдида.ва.х.к.

Юқоридаги машқлардан кўриниб туриптики уларнинг кўпчилиги **хиссий хотира** билан боғлиқдир.Бундай вазиятда ёлғондакам ижро учун шароит мавжуд.Кўпчилик **совуқ** сўзини эшитишлири билан дарҳол бир жойда сакраб, кафтига пулфлаб,кулоқни ишқалашга тушадилар.Бундай хатти-ҳаракатлар ўта юзаки бўлиб тайёр усувларни қўллашдан нарига ўтмайди.

Аслида талаба энг аввало ўз тана мушакларини обдон бўшатиши,сўнгра ўз дикқатини аниқ бир манбага тўплаши,ундан кейин ҳаракат қилаётган майдо-маконда ўзини эркин сезиши ва бу жой айни белгиланган макон эканига ўзи ва бизни ишонтириши,ана ундан кейин берилган шарт-шароитга муносабати акс этдириши лозим бўлади.

Масалан ,*йигит қиз билан учрашувга келган,ҳиёбондаги скамейка устида кўпдан бери уни кутуб ўтирипти.Келишилган вақтдан анча ўтиб кетган бўлишига қарамай қиздан ҳамон дарак йўқ.Кетишининг иложи йўқ.Қизга муҳим гапни айтиши керак.Унинг устига совуқ авжига миняпти.Оёқдан совуқ ўтабошлади.Айниқса ўнг оёқнинг катта бармоғи совуқдан қотабошлади.Оёқни совуқقا олдирмаслик учун уни қимиirlатиб туриши керак.Мана учи йиртилган қўлқоп ичидаги кўрсаткич бармоқ ҳам совуқдан қотяпти.Яхшиси қўлни қўлқондан чиқариб бир –бирига ишқалашган маъқул.Совуқдан бурундан сув келабошлайди.Аксига олиб дастрўмол қургур қайси чўнтакда қолдийкин? Ҳа, шошилганда дастрўмол эсдан чиқипти.*

Бошқа машқларни ҳам шундай йўл билан бажаришга киришилса ўзи сезмаган ҳолда вазият,холат,шакл,сифат пайдо бўлабошлайди.Унда хиссий хотира ишга тушади.Қачонлардир совуқда қолгани,йиртиқ кўлқопи,совуқдан тинимсиз бурундан сув келиши **ҳаёлий хотирада** намоён бўлиб уни ҳаракат ҳолатига келтирабошлайди.Яъни ҳаётий ҳақиқат юзага чиқади.

**Навбатдаги машқлар.**

Бу машқда жонсиз буюмлар ўрнида жонли йўлдош-партнёр иштирок этади.

Саҳнага иккита ижрочи таклиф этилади.Воқеа кечадиган жой аниқланади.

Уйнинг ичи,автобус,ҳиёбон, ва.х.к.

Ижрочилар ёнма-ён ўтирадилар. Ўқитувчи улар ўртасидаги муносабатни белгилайди

а).Эр-хотин.

б).Дўстлар.

в).Ака-сингил.

г).Бир-бирига ёқиб қолган нотаниш одамлар.

Машқдан мақсад ташқаридан кўриб ўтирганлар уларнинг кўз қараши, бир-бирини кузатиши орқали уларнинг бир-бирига қандай алоқаси борлиги улар кимлигини тушиниб олсинлар.

Икки кишининг ҳар бирини айтадиган гапи бор. Аммо биринчи бўлиб ҳеч бири сўз бошлишга ботинмайди.

Мазкур машқни бажаришда аввалгиларига ўхшаш, олдин мушаклар бўшатилади, дикқат тўпланади, вазиятни оқлаш керак бўлади, муносабат аниқланади. Шундан сўнггина ички даъват орқали ҳаракат бошланади.

Буюк рассом Карл Брюлов санъатда “*сағал*” деган иборага катта эътибор билан қараган эди. “*Сағал*” ёруғроқ, “*сағал*” қоронғироқ, “*сағал*” юқорироқ, “*сағал*” пастроқ, “*сағал*” кичикроқ, “*сағал*” каттароқ. Санъатда айниқса ана шу “*сағал*”нинг аҳамияти бекиёсдир. Кичик бир ҳаракат билан катта натижаларни қўлга киритиш барча санъатнинг, айниқса театр санъатининг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади.

Навбатда машқ: *Саҳнавий ишонч, борлиқни баҳолаши*.

Мазкур машқлардан кўзланган мақсад талабаларда, *олдиндан маълум бўлган нарсаларни, саҳнада ҳудди хозир кўриб билиб тургандай қабул қилаолиши кўникласини тарбиялашдан иборат*.

Бунинг учун талабани саҳнага таклиф этиб унинг кўлига газетами, китобми, дафтарми берилади. Сўнгра мақсад тушинтирилади.

Яъни дейлик, қўлингизга берилган ашё ўта зерикарли, ёки қизиқарли, ёки кутилмаган янгиликларга бой.

Ушбу машқни бажариш учун энг аввал уни қандай ёзилган бўлса шундай ўқиш керак бўлади. Сўнгра ўқиганларни берилган вазифадан келиб чиқиб, мақсадли ўзгартириш керак бўлади. Бунинг учун талаба ўзи учун керакли вазиятни ўзи яратиши, пайдо қилиши керак. (кулгили, таъсирили, хаяжонли ва.х.к.)

Юқоридаги машқни бажариш учун **тасаввур** ривожланган бўлиши керак.

**Тасаввур актёрнинг бебаҳо ҳазинаси**. Сабаби, тез хulosса чиқариш ва шу заҳоти ҳаракат қилишга тўғри келади. Бунинг учун эса талабада тасаввур қилиш қобилияти обдон машқ қилдирилган, ҳар қандай вазифани дарҳол бажараолиши даражасида тарбияланган бўлиши зарур.

Машқларни мавзуларга боғлаб, воқеа тўқиши ва этюдлар бажаришга ўтиш керак.

А) Кўчадан уйига кирган талаба стол устида телеграмма турганини кўради. Телеграмма ҳурсандчилик, қайғу, хушхабар бўлиши мумкин.

Б) Ишхонада тасодифий эшитиб қолган гапидан маълум бўлишича, жонажон дўсти, аслида унинг душмани экан.

Ёки ўзи севган қизи, бошқа йигит билан ҳам учрашар экан.

В)Магазиндан қимматбахо соатни олиб пулини тўламоқчи эди,лекин пули ғойиб бўлипти.

Г)Яхши кўрган қизнинг расмини чизиб қизга совға қилиш учун қофозга ўраётган эди,беихтиёр расмнинг устига сиёҳ тўқилиб кетди.

Д)Газетани олиб шошиломай танишаётган эди,ногаҳон ўзига мукофот берилагнини кўриб қолади.

Юқоридагига ўхшаш этюдларни исталганча топиш мумкин.Лекин уни барча талабалар бажаришлари шарт.Бир талаба этюд кўрсатаётган вақтида иккинчиси этюдга тайёргарлик кўриб турса вақтдан ютилади.

Саҳнада рол ижро этилаётганда, актёр учун энг масъулиятли ,энг мураккаб саҳна бу кутилмаган ходиса,воқеа,мавжудликни қабул қилиш онларидир.Айни ана шу қабул қилиш даражасига қараб, актёрнинг иқтидорли-иқтидорли эмаслиги тўғрисида хулоса чиқариш мумкин.

Томошабин, актёрни аввалдан қабул қилишга тайёр турганлигини сезиб қолмаслиги учун ,дикқатни мутлақо бошқа нарсага тўплаш керак бўлади.Сиз дикқат қаратган нарсага, томошабин ҳам дикқат қаратади.Демак сиз томошабинни ўз ортингиздан эргаштиришга муваффақ бўлгансиз.Шу вазиятда тўсатдан сиз кўриб, билиб,сезиб қолган нарсани томошабин ҳам тўсатдан кўриб билиб сезиб қолган бўлади.

Ана шу саҳнада “*тўсатдан*” кутилмаган ходисага актёр қандай тайёргарлик кўриши керак?”*Тўсатдан*”рўй берадиган ходисани актёр қандай кутиб олиши керак?Аслида олдиндан бўладиган, сизга маълум ходисани қанчалик ўйламасликка ҳаракат қиласангиз, шунчалик ўша нарса тўғрисида кўпроқ ўйлай бошлайсиз.Буни хатто ўзингиз сезмай ҳам қоласиз.

Ўша олдиндан бўладиган ходиса ва воқеани ўйламасликнинг йўли фақат битта.У ҳам бўлса ўз *дикқатингизни мутлақо бошқа нарсага тўплашингиз,фикрингизни бошқа нарса билан банд қилишингиз зарур бўлади*.У қандай манба бўлишидан қатъий назар фикрингизни чалғитишига ёрдам берадиган, дуч келган нарса билан актёр ўзини чалғитиб туриши керак . Юқоридаги келтирган далилларимиздан яна шу нарса аён бўладики,актёрнинг ижодий фаолиятида *дикқатнинг* ўрни ниҳоятда бекиёсdir.

Биз актёрлик маҳорати машқларига қайта-қайта мурожаат қилишимизнинг боиси,*төким режиссёр актёрлик маҳорати сирларини пухта эгаллаб олмас экан, у ҳечқачон яхши режиссёр,яхши мутахассис бўлаолмайди*.

Шунинг учун ҳам санъат олий ўқув юртларида режиссёрлик бўлими талабалари учун режиссурдан алоҳида, актёрлик маҳорати фанидан алоҳида ўқитувчи тайинланади.Ва бу ўқитувчининг асосий вазифаси ўз талабаларини “**актёрлик маҳорати**” фани юзасидан пухта билим билан қуроллантира билсинлар.Бу уларнинг асосий вазифаси ҳисобланади.

## РЕЖИССЁРНИНГ АДАБИЙ МАНБА ПИЕСА УСТИДА ИШЛАШИ

**Режиссёрлик бўлими талабалари учун иккинчи ўқув йилида бир пардали пиеса устида ишлаш ва уни саҳналаштиришилик албатта пухта тайёргарлик талаб қилиади.**

Ўқишининг иккинчи босқичида пиесадан олинган парча устида ишланар экан, энг аввало, яхлит асарга қай йўсинда ёндошмоқликни билиш лозим. Пиеса бўлажак спектаклнинг асасий хом-ашёси ҳисобланади. Агар пиеса ижрочиларни қизиқтираолмаса, унинг бадиий-ғоявий жиҳатлари режиссёр қалбини ғулғулага solaolmasa бундай асарнинг саҳнавий муваффақияти бўлмайди. Шунинг учун пиеса билан дастлабки танишув онлари мухим аҳамиятга эгадир. Асар билан танишув жараёнида ижодий туртки уйғонадими, йўқми? Бироқ ана шу ижодий турткини уйғонишига тўсқинлик қиласидиган бир неча омиллар бўладиким, уларни кўриб чиқишилик навбатдаги вазифа ҳисобланади.

Аввало ҳар қандай янги пиеса билан дастлабки танишув жараёнида ўқувчи бетараф бўлишлiği ўта мухимдир. Шунинг учун дастлабки танишув жараёнида режиссёрга ҳечнарса халақит бермаслиги керак.

### ДАСТЛАБКИ ТАЪСУРОТ

Агар пиесани саҳналаштириш ёки саҳналаштираслик масаласи кўндаланг турган бўлса, ақлий ёки жисмоний чарчаган вақтда, асабийлашган, ёки бўшашган ҳолатда асар ўқилмаслик керак.

Асар ўқиладиган бўлса бир ўтиришда ўқиб чиқишига имкон берадиган вақт ажратилиши керак. Ўртада қисқа танаффус бўлиши мумкин. Пиесани йўл-йўлакай, бўлиб-бўлиб ўқишиликдан заарли нарса йўқ. Пиеса ўқилаётган вақтда бирор сизни безовта қилмасин, бошқа нарсалар чалғитмасин. Бемалол ўтириб олиб, шошилмасдан ўқишини бошлаш керак бўлади. Дастлабки танишув жараёнида сиз ўзингизни режиссёр, шу асарни қўйиш керак деган ҳаёллардан мутлақо узоқ бўлишингиз зарур. Болаларча, худди бир эртак ўқилаётгандек қизиқиб, берилиб ўқиши керак. Ўз-ўзингизга бирон-бир шарт қўйманг. Зерикарли бўлса зерикиб, қизиқарли бўлса қизиқиб ўқиши тавсия этилади.

Пиеса билан дастлабки танишув жараёнидаги бу ҳил вазият нима учун керак? Негаки дастлабки ўқиши чоғида асар тўғрисида, фақат шу асарга хос бўлган жиҳатлар тўғрисида, уларни сизнинг руҳиятингиз ва кайфиятингизга таъсири тўғрисида энг одилона таъсурот туғилиб, хулоса чиқарилади.

Асар тўғрисида мушоҳада юритиш, таҳлил қилиш учун олдинда вақtingиз етиб ортади. Агар бошиданоқ ҳаётий ва бевосита таъсурот ҳосил қилаолмасангиз, кейинчалик бунинг сира имкони бўлмайди. Эртасига асарни

қайта ўқишига ўтирганингизда сизнинг уй-фикрингиз писеса тўғрисидаги бошқа нарсалар билан банд бўлади.

Ҳали бўлғувси спектакль учун ижодий режалар тузилмасидан ,усул ва йўллар ихтиро қилинмасидан аввал писеса тўғрисидаги илк таъсуротларни ёзма равишда қайд қилиб қўйиш керак.Асар устида иш бошланиб кетганидан сўнг,писесанинг ўзида нималар бор,нималарни режиссер ўйлаб тоганлигини аниқлаш қийин бўлиб, қайсиниси муаллифга тегишли-ку,қайсиниси режиссерга тегишли эканини ажратиш мушкуллашади.

Писесдан олган илк таъсуротимизни қоғозда қайд қилишга тушганимизда аввало унинг мавзуси аниқ белгиланиши зарур.Мисол учун асар ижтимоий ҳаёт тўғрисида бўлиб, унда тетик кайфият, шодлик билан бирга маҳзунлик,тушкинлик ёнма-ён акс этдирилган бўлиши мумкин.Асарни тетиклиги ва шодлиги бу ижобий ҳолат.Маҳзунлик ва тушкинлик салбий ҳолат. Тетиклик ва шодлик,жамият ҳаётидаги ижобий ўзгаришлар бўлса,тушкинлик ва маҳзунлик шу йўлдаги қийинчиликлар ва муаммолар бўлиши мумкин.

Шунинг учун писесдан олинган илк таъсурот катта аҳамиятга эга.Шундай ҳам бўлиши мумкин.Илк танишув чоғида писеса сизни нимаси биландир қониқтармай,бефарқ қолдириши мумкин.Шунга кўра, дарҳол писесани саҳнаштиришликдан воз кечиб юбориш керакми деган ,катъий хulosаса чиқаришга шолмаслик керак.Ўқилишида зерикарлироқ бўлиб туюлган асар уни тўғри талқин этилиши натижасида саҳнада жуда ҳам қизиқ бўлиши мумкин. Кейинчалик писесани дикқат билан ўқилиши оқибатида,дарҳол кўзга ташланақолмайдиган, аммо асарнинг моҳиятига сингдирилган саҳнавий имкониятларни кўриш мумкин.Биринчи ўқилишида зерикарли туюлган асарнинг оғзаки сўзлашув матни,томушабинни дарҳол ўзига жалб қилаолмаслик хусусиятига эга эканлигига.Бундай хulosаса билан ҳисоблашмаслик мумкин эмас. Саҳналаштириш жараёнида асарнинг қуруқ матнига суяниб иш кўрмаслик лозим бўлади.Бутун куч-ғайратни ана шу матн остига яширган манони,асарнинг ички ҳаракатини очиб беришга сафарбар этмоқ лозим.Агар матн остида ҳам маъно ва ички ҳаракат бўлмаса ,унда вақтни беҳуда ўтқазмасдан асардан воз кечган маъқул.Мисол учун Шекспир комедиялари ўқилганида кулги қўзғатмайди.Лекин уни саҳнада ҳаракатга келтирилса,томушабин мазза қилиб кулади.

Яна бир мисол: К.С.Станиславский Чеховнинг “Чайка” асарини ўқиганида бу асарни яхши тушинмайди.Иштирокчилар қандайдир чалажонга ўхшаб туюлади.Сўзлар ҳам ўта жўн,актёрлар учун илҳом манбаи бўлишига қўзи етмайди.

Горькийнинг “Егор Буличов ва бошқалар” асари ўқилганида Вахтангов бошлиқ барча талабалар асарни тушинишмайди. Ягона сюжет кўзга ташланмайди.Фақат гап кўпдек туюлади.

Шунинг учун асар билан биринчи танишув чоғидаёқ катъий хulosаса чиқаришга шошилмаслик керак.

Баъзан шундай ҳам бўлиши мумкин.Асар адабий жанр сифатида сизни ўзига мафтун этиб қўяди.Тили жонли ва ширали бўлиб,матал ва мақолларга

бой, юмор билан түйинтирилгандар бўлиши мумкин. Аммо қаҳрамонлар характери аниқ эмас, воқеалар ривожи. ўта ноаниқ. Чунки асар билан дастлабки танишув чоғида, унинг нуқсонларини адабиётга хос томонлари яширган. Бироқ асар устида амалий иш бошланиши билан чиройли сўзларга учиб қолганингизни сезасиз.

Асар хақидаги дастлабки таъсуротни қандай йўл билан аниқлаб қайд қилиш мумукин?

Бунинг учун асарни ўқиб, ёки эшитиб бўлиш билан уни тахлил, муҳокама ва мушоҳада қилишга тушмасдан, асардан олинган илк таъсуротни сўз билан белгилаб олган маъқул. Бу ишни кейинга сурмасдан дарҳол сўзларни қофозга тушириш керак.

Мисол тариқасида қуйидагича:

<i>зимистон</i>	<i>ёки</i>	<i>ёргелик</i>
<i>наст</i>		<i>баланд</i>
<i>тор</i>		<i>кенглик</i>
<i>ифлос</i>		<i>покиза</i>
<i>вазмин</i>		<i>енгил</i>
<i>димлик</i>		<i>енгил шаббода</i>
<i>Кийин</i>		<i>осон</i>
<i>изтироб</i>		<i>хушчақчақлик</i>

Агар ана шу икки аниқловчи сўзни бир-бирига таққосласак, улар бир-бирига қарама-қарши тушунчаларга эга эканлигини қўрамиз.

Ҳар бир устун асар ўқилаётган вактда кўз олдимизда гавдалангандар биринчи таъсуротимиздур. Кўриниб турипдики, бу ерда на ғоя, на мавзу ва на сиёсий йўналиш кўзга ташланмайди. Биз ёзиб чиқкан атамалар дастлабки ҳиссий таъсурот холос.

Қандай асар устида ишламанг, биринчи таъсуротингиз ҳамиша бошланғич нуқта бўлиб хизмат қиласи.

Дастлабки таъсуротдан алданиб қолмаслик учун ўзингиз асар билан танишиб чиққанингиздан сўнг ижодий жамоа билан ҳам ўқиш керак.

Режиссёр- ижодий жамоа фикрини ифодаловчиси, сафарбар этувчиси ҳамдир. Унинг шахсий фикри умумий қозонда қайнаши, жамоа томонидан қабул қилиниши керак. Ижодий жамоа билан писани қанчалик кўп ўқиб муҳокама этилса, шунчалик яхши.

Жамоа фикри билан ўз фикрини бир томонга йўналтира олинганидан сўнг, таъсуротни янада аниқлаштириш ва ёзиб қўйиш зарур.

Писана саҳнаштириш учун қабул қилинганидан сўнг маром, макон, майдон, ва мизансаҳнани ҳаракатга келтирадиган айrim сифатларни қайтадан ён дафтарга ёзиб чиқилса фойдадан ҳоли бўлмайди.

Мисол учун:

*Қаҳратон совук*  
*Қашишоқлик*  
*Матонат*  
*Хавф-ҳатар*  
*Тўйинган тоза ҳаво*

*Кулранг осмон  
Кулранг ер  
Оғир меҳнат  
Ўлим нафаси*

Кейинчалик асар устида ишлаш жараёнида,рассом, композитор билан ижодий мулоқат чоғида ёзиб чиқилган ҳиссиётлар, саҳнама-саҳна сезилиб туриши,режиссёр ва актёrlар ҳис этиб туришлари зарур.

**Адабий манба, писанинг мавзуси,ғоя ва олий мақсадини аниқлаш**

1.Мавзу деганда нимани тушинмоқ керак?

*Мазкур асар нима хақида* деган саволга жавоб, асарнинг мавзуси ҳисобланади.Бошқача тушинтирилса шу писада акс этдирилган воқеа ва ходисаларнинг бадиий ифодаси нималарни ўз ичига олган ?

2.*Акс этдирилган манба орқали муаллиф нималарни таъкидламоқчи бўлган?*

**Ғояда муаллиф-** акс этдирилган манба орқали ўз хиссиёт ва фикрларни ифода этади.

Мавзу ҳамиша аниқ бўлиши мумкин.У ҳаётнинг қайноқ бир парчаси.

Ғоя эса-мавхум қиёсий тушунча У хулоса ва умумлаштирилганидан кейин равшанлашади.

Мавзу асарнинг объектив кўриниб турган томони. Ғоя эса субъектив-ботинийдир.Ғоя-муаллифнинг ўзи акс этдираётган манба орқали томошабинга етказмоқчи бўлган **фикридир..**

Хақиқий санъат асарида мавзу ва ғоя бир мақсадни кўзлаган бўлади.

Бадиий асарда ҳаётйлик, кузгуда акс этганидек, онгимизда акс этмайди.У онгимиздан ўтар экан,уни бор бутунича қабул қилган ҳолда,хаётда юз беран воқеларни мушоҳада қилиб,шахсий фикр билан бойитилган тарзда бадиий асар даражасига кўтарилади.Бадиий асар ижодкор фикри, орзуси,хаёл ва тасаввuri билан суғорилган шаклда,ижодкорни ўзи акс этдирмоқчи бўлган мавзуга муносабати ҳамдир.Бадиий асар факт шундагина бадиий тимсолга-образга айланиши мумкин .Бадиий асарнинг бир бутунлиги шундаки ,у акс этдирилган ҳаётни айни хақиқийга ўхшашлиги билангина эмас,ижодкорнинг бадиий шуури тафаккури билан ёритилган,қалб ҳарорати билан иситилиб,чуқур маъно касб этган қиёфада бизга этиб келади. Ижодкор ҳаёт қандай бўлса шундайлигича, уни мушоҳада қилмай,янги маъно бермай,яхши-ёмонни фарқламай ижод қиласи деган фикр мутлақо нотўғридир.Ижодкор кузатган ҳаётий воқеаларга нисбатан ўз дунёқарашини ,ҳаётий тажрибасини,биз билан ўртоқлашар экан,акс этдирилган воқеа ва ходисалар орқали эзгуликка етаклайди,гўзаллик сари чорлайди.

Театр санъати иккиламчи санъатдир.У писанинг ижобий томонларини акс этдириши ёки уни йўқ қилиб юбориши ҳам мумкин.Шунинг учун ҳар бир режиссёр янги писани қўлига олар экан,уни саҳнада қуруқ ахборотлар билан тўлдирилган, мавхум нарсага айлантириб қўймаслиги мухимдир.Бундай янглиш йўлга кириб қолиш жуда ҳам осон.Агар асар мавзуси ҳаётий

хақиқатдан факт ва ходисалардан ажаралиб қолса шундай ҳолат юз бериши мүмкин.

Асар билан дастлабки танишув ҷоғидаёқ унинг мавзусини аниқ белгилаб олиш ўта мұхимдир.Мавзулар жуда кўп. *Севги,қотиллик,ўлим, яхшилик,рашқ,номус,дўстлик,бурч,одамийлик,адолатпарварлик* ва.х.к.

Демак, аввало ишни аниқ нарсадан, асарнинг мавзусини белгилашдан бошланиши тўғри йўл ҳисобланади.Ундан кейин, муаллиф ушбу асар билан нима демоқчи? Яъни асар ғояси. Мазкур ишлар тўғри бажарилганидан кейингина режиссёр, *шу спектакль билан нима демоқчи* деган саволга жавоб излаш керак бўлади.

Хар бир мавзу вақт ва маконда мужассамлашган хаётнинг бир бўлаги бўлиб,асарда ана шу хаёт бўлаги аниқ бўлиши зарур.

Дастлабки туғиладиган савол “**ҚАЧОН ?**”

Асар воқеаси қайси асрда,даврда,йилда содир бўлган деган саволга жавоб топиш керак бўлади.Ундан кейин “**ҚАЕРДА?**”деган саволга жавоб топиш керак. Қайси давлатда,қайси жамиятда,қайси мухитда қайси даврда,хатто қайси минтақада содир бўлади,деган саволга жавоб топиш керак.

Мисол учун Хамзанинг “Бой ила хизматчи” писесасига мурожат этиб кўрайлик:  
Асар воқеалари “Қачон”кечади?

1916 йилда.Яъни чор Россияси Ўрта Осиёни босиб олганидан сўнг,ўз хукмронлигини тўла амалга оширган даври.Куз палласи.Одатда Ўрта Осиёда тўйлар хосил йифиб-териб олингач ташкил этилади.

*Қаерда?*Ўзбекистон худудида.Аниқроғи Тошкентда,Эски шаҳар худудида.

Воқеалар қайси бир жамиятда бўлиб ўтади?Бой хонадонида.Бойлар ва камбағаллар орасида.

Худди шу тариқа Шекспирнинг “Гамлет” асарини кўриб чиқайлик.

Асар воқеалари қайси маконда содир бўлади?

Шу ўринда бир нарсани ёдда сақлашлик керак.Шундай адабий асарлар бўладиким,уларда вақт ҳам макон ҳам муаллиф томонидан тўқиб чиқарилган.Афсонавий,фантастик,утопик,идеаллаштирилган асарлар,шу жумладан муқоясавий пъесаларда ҳам жой ва макон тўқима бўлади.Лекин фантастик хусусиятга эга асарларда режиссёrlар яна ҳам аниқ жойларни (тасаввур орқали)белгилаши лозим бўлади

Шекспирнинг “Гамлет”асарини фантастик асар деяолмаймиз.Гарчанд унда фантастик унсурлар ( Арвоҳ билан боғлиқ саҳналар)мавжуд бўлса ҳам.Бироқ шундай бўлсада,Дания тарихи ва шахзоданинг ўлган вақтининг аниқланиши ўта мұхим бўлмаса керак.Шекспирнинг мазкур асари унинг тарихий асарлари қаторидан жой олмайди.Бу асар шоирнинг поэтик ривояти бўлса керак.Машхур шахзода **ҲАМЛЕТ** 13-14 асрда яшаган бўлиб,бу хақда тарихшунос олим Саксон Грамматик (1200 йил)ёзиб қолдирган.Шекспир асарида тасвиrlаган даврга мансуб бўлиб,бу давр тарихда “Уйғониш”даври деб юритилади.Шундан хulosа чиқариш мумкинким,Шекспир асарни ўзи яшаган даврга мослаб ёзган.Хulosа қилиб айтадиган бўлсак “Гамлет”писесасининг воқеалари Уйғониш даври яъни 16-17 асрларга тўғри келар экан.

“ҚАЕРДА” деган саволга келсак Дания Шекспир томонидан шартли равища асарга берилган макондир.

Пиесада рўй берадиган воқеалар,ундаги муҳит,урф-одатлар,иштирокчиларнинг феъл-автори бошқа давлатларга нисбатан қўпроқ Англияга хосдир. Шунинг учун воқеалар кечадиган макон Англия (шартли Дания)нинг Елизавета даврига мансубдир.

Хўш мазкур фожеа нима тўғрисида экан?

Асар марказида шаҳзода Гамлет тимсоли ётади.Унинг ўзи ким?Шекспир бу тимсол орқали кимни саҳнага олиб чиқсан?Аниқ тарихий шахснimi? Балки ўзини акс этдирмоқчи бўлгандир?Қисман шундай бўлиши ҳам мумкин.Лекин яхлит олиб қаралганда Гамлет Шекспир даври зиёли ёшларининг йифинди тимсолидир.

“Гамлет”фожеасидаги “Ё ўлиш,ё қолиш” монологи ўша давр зиёли ёшларининг кўпчилигининг ҳаёлидан кечган руҳий ҳолат эди.

Хўш машҳур асарнинг мавзуси нимадан иборат экан?

Адолатпарвар ёш зиёлининг уйғониш давридаги ҳаёт қонунларини ўзлаштириб, илфор фикрли кишилар қатори.ўзини курсаб турган замона зулмига қарши тенгсиз курашга киришишдан иборат экан.

Мазкур асар орқали муаллиф, қайси хақиқатни очиб бермоқчи бўлган.?Ўз даврига қараб ҳар бир режиссёр бу саволга ўзича жавоб топишга ҳаракат қилган.Лекин шу нарса аниқки,уюшган жамиятга қарши якка ҳолда курашга чиқсан қаҳрамоннинг енгилиши муқаррардир.

Агар асарнинг ғоясини шундай белгилайдиган бўлсак унда муаллифнинг бутун пиеса бўйлаб ўтадиган олий мақсади нимадан иборат?

Гамлетнинг ўлими унинг ҳаётий йўли ва курашининг якуний нуқтасидир.Лекин бу кураш самарасиз, бефойда кураш эмас. Инсоният ҳамиша саноқсиз қурбонлар эвазига қўлга киритишга интилиб келган,adolat тантанаси учун кураш тўхтовсиз давом этиб бораверади. Гамлет интилган идеаллар учун кураш тинмайди.У тинмай инсонларниadolat, мардлик,фаоллик ,метиндек мустаҳкам бўлишга чорлашда давом этади.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак ,асар мавзусини аниқлашда муаллиф акс этдирмоқчи бўлган ҳаётий вазиятни аниқ белгилаб олиш ўта муҳим ҳисобланади.

Лекин бу, биз ўйлгандек жўн иш эмас.Бунинг учун ҳаётни яхши билиш,на фақат билиш балки ҳаётий ходиса ва воқеалар қонуниятини яхши ангалаган бўлишимиз зарур.Бунинг учун эса ижодий кузатувчанликни ўстиришимиз керак бўлади.Демак саҳналаштирувчи режиссёр ўзи акс этдирмоқчи бўлган воқеалар ичига кира билиши шарт.Таъсурот ва тушунчалар ҳосил қилувчи манбаъларни қидириб топиши ўрганиб ўзлаштириши муҳимдир.Бунинг учун эса шаҳсий кузатувлар ва хотирлардан ташқари бошқа соҳа мутахасисларини ёрдамга чақириши лозим.Агар пъеса воқеалари билан бизни ўртада бир неча аср ажартиб турган бўлса иш яна ҳам мураккаблашади.Мумтоз ва тарихий асарлар шулар жумласига киради.Айниқса асар ва қаҳрамоннинг ташқи тавсифига алоқадор манбаъларни (пластика,ритм-маром,хулқ автори,юриш-туриши,муомила усуллари)ёзма ва тасвирий асарларни ўқиши ўрганиш орқали

билиш мумкин. Тўпланган маълумотлар ёрдамида, ўша даврда одамлар қандай яшаганлиги, нималар хақида ўйлашган, нима учун ва қандай муаммолар туфайли бир-бирлари билан курашгани, нималарга қизиқишгани, табиати қандай бўлган. Қандай қонунлар асосида яшашагани, нима еб нима ичишгани, қандай кийинишгани, урф-одатлари, туриш-турмуш тарзлари қандай кечган, қандай иншоатлар қуришган, уйларини қандай безаклар билан безатишган, уларни ижтимоий, табақавий жихатдан нималар бир-биридан фарқлаган?

Булар хақида аниқ тасаввурга эга бўлиш зарур. Яна бир нарсага эътибор қилиш лозим. Ижодий изланишларнинг бу жараёнида режиссёр, ходиса ва воқеаларни холат ва сифатларни юзаки умумлаштирмасдан, аниқ маълумотлар тўплаши зарур. Хўш бундай маълумотларни тўплаш ва ўрганиш қачонгача давом этиши мумкин?

Бу иш Режиссёр кўз ўнгига ўша давр хақида, одамлар, уларнинг туриш-турмуши тўғрисида тўлиқ маълумот тўплаб, бу маълумотлар яхлит шакл ҳосил қилгунга қадар давом этиши керак. Бу жараёнида гўё режиссёр, ўша даврда ўша одамлар орасида яшагандай ҳис қилиш даражасига бориб этиши керак. Режиссёр ўзи саҳнада акс этдирмоқчи бўлган воқеаларни беш қўлдай билиши шарт. Шу тариқа иш жараёнида пайдо бўладиган ҳар қандай саволга ҳеч бир тутилмай жавоб топаолади.

Агар биз “Гамлет” пиесасини саҳналаштирмоқчи бўлсак, уйғониш даври адабиёти, ижтимоий курашлар, фалсафа, маданият ва санъат, тасвирий санаът ҳамда илмий асарлар билан танишиб чиқишимиз ўта зарурдир.

Яххиси бундай кезларда ўрганилиши ва ўзлаштирилиши зарур бўлган манбаъларни аниқлаш учун таҳминий режа ишлаб чиқилиши, ишни осонлаштиради.

Масалан “Гамлет”ни саҳнаштириш учун таҳминий қуидагича иш режаси тавсия этилади:

- 1.16 асрда Англияда монархия тузумининг сиёсий тизими;
  - 2.16 асрда Англия ва Данияда ижтимоий-сиёсий ҳаёт;
  3. Уйғониш даврида фалсафа ва илм-фан, (Гамлет Виттенберг университетида нималарга ўқиган)
  4. Уйғониш даври адабиёти ва шеърияти (Гамлет нималарни ўқиган)
  - 5.16 асрда тасвирий санъат ва хайкалтарошлиқ. (Гамлет ўз атрофида нималарни кўрган)
  6. Уйғониш даврида мусиқа. (Гамлет қандай мусиқаларни эшитган)
  - 7.16 асрда Англия ва Дания қироллигига сарой этикети
  - 8.16 асрда Англия ва Данияда аёллар ва эркаклар кийими.
- 9.”Гамлет” тўғрисида жаҳон адабиётининг йирик намоёндалари томонидан билдирилган фикрлар ва танқидий мақолалар.
- 10.”Гамлет”асари ёзилганидан то шу кунга қадар уни саҳналаштирилиши тарихи.

Спектакль саҳналаштириш учун ажаратиладиган вақтнинг қисқалиги сабабали, юқорида кўйилган саволларни саҳналаштирувчи гурух, ўз-аро келишилган ҳолда, манбаларни кидириб топиши, ўрганиши ва ўртоқлашиши мақсадга мувофиқдир.

## АМАЛИЁТ

Режиссёрлик бўлими талабалари учун белгиланган ўкув режасига асосан, иккинчи курсда нисбатан мураккаброқ вазифаларни бажаришга ўтилади. Яъни агар биринчи курсда этподлар мавзуси талаба томонидан эркин ўйлаб топилган бўлса эндилиқда талаба берилган шарт-шароитда ижодий изланишга ўрганиши лозим. Бунинг учун иккинчи курснинг биринчи ярим йиллигида тасвирий санъат асарларига мурожат этишлик мақсадга мувофиқдир. Шу курснинг иккинчи ярим йиллигида эса бадий адабиётга мурожат этилиб, роман ҳикоя ва новеллалардан инсценировка қилинади ва ижрочилар билан биргалиқда саҳналаштирилади. Ҳар иккала ижодий жараёнда ҳам бўлғувси режиссёrlар саҳнада ишлашга, мизансахна яратишга харакат қиломқлари зарур. Тўғри тасвирий санъат асари билан ишлашда мизансахна, рассом томонидан ўйлаб топилиб, тасвир шаклида акс этдирилган бўлади. Режиссёр талабанинг вазифаси ана шу мизансахнани воқеаси ҳамда мантиқий ривожидан четлашмаган холда ижодий давом этдириши керак бўлади. Модомики, мизансахна режиссёрининг саҳнавий дастхати ҳисобланар экан, демак машғулотларнинг аксарияти режиссёри мизансахна яратиш салоҳиятини ривожлантиришга бағишиланган бўлиши керак.

## РЕЖИССЁР ВА МИЗАНСАҲНА

Мизансахна (мизансцена) саҳнавий макон, замон, мухитда декорация ва актёрлар жойлашувиdir.

Машҳур француз режиссёри А. Арто ибораси билан асатасак, мизансахнани "саҳнадаги майдон ва макон тили"dir .

Агар бу иборани театр санъати моҳиятидан қаралса, саҳнадаги спектаклнинг **шаклий мазмунидир**.

Режиссёр ва мизансахна тушунчалари миллий театримизга Манон Уйғур бошлиқ бир гуруҳ Москва театр студиясининг битирувчи талабалари билан бирга кириб келган. Бу даврга қадар жадидлар томонидан саҳналаштирилган "Падаркуш" (Беҳбудий), "Адвокатлик осонми?" (Авлоний), "Заҳарли ҳаёт" (Хамза) каби спектаклларда режиссёр вазифасини муаллифнинг ўзи ёки саводли ҳаваскор бажарган бўлиб, роллар тақсимоти, актёрларга қаердан чиқиб, қандай гапириш ва ҳоказоларни ўргатган. Аксарият ҳолларда актёрларнинг ўзи пиеса сўзларини ёд олиб, томоша кўрсатишган. Иш боши (режиссёр) эса ким қандай кийим кийиши, қаерда чироқ ёқиб, қаерда мусиқа чалинишини назорат қилиб турган. Декорациялар жойлашуви хусусида, шуни эслатиб тишимиз мумкин, у даврларда спектакль учун маҳсус декорация ясалаб уни саҳнада жойлаширишг учун на имкон ва на шароит бўлган. Кўпинча, тўғридан-тўғри кундалик уй-рўзғор буюмларидан фойдаланилган. Актёрларни саҳнадаги жойлашувига келсак, қаҳрамон ҳамиша саҳнанинг олдинги қисмидан, қолган иккинчи, учинчи даражали иштирокчилар орқароқдан туриб гапиришган. Энг муҳими қаҳрамонни ҳечким ва ҳечнарса тўсиб қўймаслиги назорат қилинган. У даврда театр асосан ташвиқот-тарғибот қуроли вазифасини ўтаган.

Театрнинг профессионаллик даражаси ортган сари спектакльнинг бадиийлиги, режиссурасига ҳам эътибор кучая боради.

Биз ҳам эътиборимизни режиссёрда ана шу профессионаллик даражасини оширишга ,ривожлантиришга қаратмоғимиз лозим.

Агар , **режиссёр** "у нима иш қилади?" деган савол қўйилса, ҳеч иккиланмай "спектакль сахналаштиради", деган жавоб олинади.

Лекин **сахналаштириш** дейилганида нималар назарда тутилади, деган саволга ҳар ким ҳам аниқ жавоб топа олмаса керак.

Аввало, режиссёрнинг вазифаси фақат рол тақсимлаш ва уни қандай ижро этишликни актёрларга ўргатиш билангина чегараланмайди. Чунки режиссёр мизансаҳна яратади. Яна ҳам аниқроқроғи, мизансаҳна ихтиро қилинади.

Кўпинча **хаваскорлик даражасидаги** ва **профессионал даражадаги** режиссёр деган ибораларни эшишиб қоламиз. Хўш, бу ибораларни қандай тушунмоқ керак?

Биринчи навбатда, професионал даражадаги режиссёрнинг спектаклида тасодифийлик бўлмайди. Яъни тасодифий юриш туриш, кириб-чиқиш, тасодифий мусиқа, тасодифий декорациялар бўлмайди. Сахнадаги ҳар бир қадам, мусиқа, буюм, ашё ва декорация маълум мақсад ва гояга бўйсундирилган бўлади.

Хаваскор режиссёрнинг спектаклида бунинг аксини кўриш мумкин.

Биринчиси мизансаҳна техникасини яхши эгаллаган бўлса, иккинчиси бундай тушунчадан мутлақо бехабар.

Одатда, рассом, бастакор, созанда композиция илмини чукур ўрганади. Композиция назарияси номли маҳсус фан бор. Ҳатто шундай дарсликлар ҳам мавжуд.

Бироқ мизансаҳна бўйича қўлланма бўлмаган ва ҳозирда ҳам йўқ. Чунки режиссёрлик касбининг ўзи, ҳали нисбатан жуда ёш ҳисобланади. Бу биринчи тарафдан. Иккинчи тарафдан, **мизансаҳна** деганда қандай илмларни эгаллаш керак, деган саволга, ҳануз аниқ-тўлиқ жавоб топилган эмас.

Мисол учун, кечқурун тоза ҳаво олиш учун айланиб қўчага чиқилса, қўплаб қизиқарли ҳолатларни кузатиш мумкин.

Дейлик, бир уйнинг деразасидан китоб вараклаб турган қизни кўрамиз. У бизга ёнбоши билан туриб нимадир қидирмоқда. Қидирган нарсасини топа олмади. Китобни қўйиб, кўзгуга яқинлашди. Пешанасига тушиб турган сочини тўғрилайди. Сўнгра дераза ёнига келиб, қўчага тикилди.

Шу ҳаракатларни мизансаҳна дейиш мумкинми?

Йўқ, албатта!

Мизансаҳна, саҳнадан томошабинга нисбатан жойлашишлик, кўринишлик демакдир.

Мана, ўша деразадан тикилиб турган қизнинг қўзи бизга тушиб қолди. Аммо ўзини кўрмаганга олди. Гарчанд, унинг ҳаракатларида оддийлик сақланиб қолган бўлсада, унда **мақсад** пайдо бўлди. Яъни бизга чиройлироқ кўринишли мақсади. Бунинг учун қизча деразага яқинроқ жойдан туриб, китоб вараклайди, кўзгуга ўзини солади, бизни сезмагандек деразадан қаёққадир тикилиб, кимнидир қидиради ва ҳоказо...

Бу ерда эса қиз бирон бир рол бажаришга ўтиб, хона бўйлаб ҳаракат қилар экан, **содда мизансаҳналар** ихтиро қила бошлайди.

Демак, мизансаҳна хатти- ҳаракатларни ҳам шаклий ҳам бадиий ифода этишиликдир. Ҳар қандай сўздан биз тўғри, аник, ифодали таъсиранликни талаб қиласиз.

Боғдаги қушлар овозини тинглар эканмиз, ҳар бир қушнинг қандай сайраётганини эмас, қушларнинг таъсиран наво ва нолаларига қулоқ тутамиз. Ундан таъсиранамиз. Саҳнада ҳам худди шундай. Саҳнада биз айнан ҳаётий тақрорликни эмас, ҳаётий ҳаракатлар воситасида нафис ҳолатлар, табиат ва инсон ўртасидаги уйғунликнинг бадиий ифодасини яратишга интиламиз. Ҳар бир режиссёр мизансаҳна ихтиро қилишда ўзига яқин бўлган тушунчалар, имкониятларига таянади. Тўғри, ёш режиссёrlар тушунча ва хоҳиши билан ижро ўртасидаги фарқни илмий жиҳатдан чукур ўрганиб, ўзлаштирганликлари натижасида, дастлабки жараёнда хатоларга йўл қўйиши табиийдир. Бироқ йиллар ўтган сайин бу соҳадаги тажриба ортиб, мизансаҳна ихтиро этишда ўз услуби, ўз ижодий йўлига эга бўлишига ишонамиз.

## ОДДИЙ МИЗАНСАҲНА ВА КУЗАТИШ БУРЧАГИ

(Азимут простейшей мизансцены)

Мизансаҳна мураккаб композицион қурилма бўлиб ,режиссёрининг дастхати ҳисобланади. Буринг сабаби нимада?

Қоғоздаги композиция икки вертикал-тик, ва горизонтал-ётиқ кўринишда ифодаланиб, қолгани бадиий таъсирга боғлиқдир.

Саҳнада эса бу кўриниш уч ўлчовдан иборат бўлади. Бунинг устига саҳнадаги шаклни ҳам ҳаракатсиз, ҳам ҳаракатдаги ўзгариши назарда тутилади. Мизансаҳна нафақат маконда, балки замонда ҳам яшashi шарт. Яъни саҳналар алмашуви эътиборда бўлади.

Келинг, яхшиси ишни оддий, бўм-бўш саҳнадан бошлаб кўрайлик.

Хўш, бўм-бўш саҳна билан бир варақ оқ қоғоз ўртасида қандай ўхшашлик бўлиши мумкин? Саҳнада бўшлиқ мавжудлиги биланми?

Йўқ. Саҳнада яна бир унсур мавжуд. Яъни ернинг тортиш кучи.

Одам саҳна олдининг ва ўртасида туриши ҳар томондан яхши кўринишга эга. Шунинг учун мизансаҳна **маркази саҳнанинг биринчи қисмидаги одамнинг бўйи баробаридаги баландлик**, деб қабул қилинган.

Режиссёр ҳамиша мана шу **композиция ўқи** ўтган бўшлиқни назарда тутиши керак.

Агар режиссёр саҳнанинг бир томонини ҳаддан ташқари тўлдириб юборса, томошибинни ўзидан қочирадиган номутаносиблик вужудга келади. Ёки саҳнанинг бир тарафи бўртиб қолипти дейилади. Концерт вақтида қўшиқчини ўртага турғизиш керак, деган хulosага келиш мумкинми? Агар саҳна бўшлигини ҳисобга олинса, қўшиқчи ёки нотик ўртада тургани маъқул. Негаки, у бир четда туриб қўшиқ айтиши, маъруза қилиши кулгили ҳолдир. Лекин саҳна факат макондан иборат бўлиб қолмай замонда ҳам акс эттирилса, унинг устига ижрочи ижро давомида айрим жузъий мизансаҳналардан фойдаланса,

ижрочини ўнг тарафдан бошлаб, оҳиста чап тарафга ўтиши мақсадга мувофиқдир. Бундай ҳолатда саҳнанинг бир тарафи бўртиб қолмай, оғирлик бир томондан иккинчи томонга бир маромда кўчиб ўтади. Яъни саҳна кўриниши ўзгаради.

Келинг, фикримиз яна ҳам тушунарли бўлиши учун, замон бирлигида тажриба ўтказиб кўрайли.

Чироқни ўчириб ёндириш орқали бир шароит ва бир ҳолатда турган икки актёрни кузатайлик.

Дейлик, иккала актёр турган жойларини ўзгартириши керак. Композиция марказидан қандай йўл билан уларни бошқа-бошқа жойга кўчириш мумкин?

Юқоридаги тажрибадан маълумки, композициянинг асосий ўқи саҳна олдининг маркази ҳисобланади. Демак, саҳна ўртадан иккига бўлинган. Хўш, уларнинг ҳар икки бўллаги бир хил кўринишни ва бир хилдаги тасаввурни ҳосил қила оладими? Ташқаридан қараганда ҳар икки бўлак ҳам бир хилдай туюлиши мумкин.

Бироқ хулоса чиқаришга шошилманг. Бунинг учун оқ қофозни икки буклаб, ҳар икки томонга бир нечта расм чизинг ва кўзгуга солиб кўринг. Ҳар икки расм турли томонда бўлганлиги боис, турлича кўриниш ҳосил қилган. Бунинг сабаби нимада? Ахир ҳар икки расмдаги шакллар бир хилда эдику?! Оддийгина шаклларнинг чапдан ўнга қараб ўрин алмашуви туфайли таъссурот ўзгарган.

Агар томошабиннинг кўзи композиция марказидан ҳар икки томонга бир хилда қараб, бир хилда кузатса эди, ёки иккала четдан ўртага қараб бир хилда юрса эди, расмдан олган тасурот ўзгармас эди. Аммо бизнинг кўзимиз одатда, ўзининг тузилишига кўра, ташқи оламни чапдан ўнга қараб кузатар экан. Демак, кўпгина режиссёрик маҳоратининг сирлари ана шу табиий қонуниятга амал қилган ҳолда қўлга киритилар экан.

Шунга кўра, саҳнанинг чап томони ҳар қандай ҳаракатнинг бошланиш нуқтаси бўлиб, ўнг тарафга қараб сурилади. Ўнг тараф эса якуний нуқта ҳисобланар экан. Чап тарафдаги макон, ўз-ўзидан ўнг тарафга қараб сурилади ва ўнг тарафдаги шаклни тугалланган кўриниши ҳосил бўлади.

Агар биз кучли шамолга қарши бораётган одамни саҳнада ҳаракатлантироқчи бўлсак, уни қайси томонга юргизганимиз маъқул?

Тез ва чаққон чопаётган одамни чапдан ўнга қараб ҳаракатлантириш керак. Томошабиннинг кўзи уни чапдан ўнга қараб қувлади. Ҳақиқий ҳаракат тасаввурни кучайтиради. Агар шамолга қарши бораётган одамни ҳаракатлантироқчи бўлсак, ўнгдан чапга қараб ҳаракатлантиришимиз керак . Чунки томошабиннинг кўзи тасаввурдаги шамолни унга қарши ҳайдайди ва хаёлий қаршилик ортади.

Яна бир мисол.

Саҳнада икки киши. Биринчиси гап уқтиради, маълум вақтдан кейин иккинчиси бир ҳулосага келади.

Бундай ҳолатда уларни қайси тартибда жойлаштирган маъқул?

Гап уқтираётган кишини чап томонга, гап эшитаётган кишини ўнг томонга кўйиши керак. Чунки томошабиннинг кўзи гапираётган одамнинг гапини

эшитаётган одам томонга йўналтириб, якуний хулоса чиқарувчи кишида тўхтайди. Агар гаплашиб турган икки кишидан биринчиси, яъни гап уқтираётгани бизни қизиқтирса, уни ўнг томонга қўйиш керак. Борди-ю, гап уқтираётган одамнинг ўзи янгишаётган бўлиб, унинг гаплари иккинчидан қайтиши зарур бўлса, гапираётган гапи ўзига қайтади ва у ўзининг ноҳақ эканлигини тан олади. Энди саҳнани қўндалангига иккига бўлиб қўрайлик. Иккига бўлинган саҳнанинг ҳар икки томонини диққат билан кўздан кечирав эканмиз, унинг ютуқ ва камчиликлари дарҳол сезилиб қолади. Боринг ана, уч (планга)қисмга ҳам бўлдик. Шуни ҳам таъкидлаб ўтиш жоизким, замонавий спектакллар кўпроқ томошабинга яқинроқ масофага кўчирилган бўлади. Сабаби, бугунги томошабин кино таъсирига ўрганиб қолган. У актёр ижросидаги энг нозик ҳолатларни бўрттирилган, йирик планда қўришга одатланган. Шунинг учун ҳам саҳна олдидаги ҳаракатларга кўз юмиб бўлмайди.

Спектакль бошланишидаги саҳналарни, иккинчи ва учинчи планда ижро этишлик томошабиннинг диққатини толиқтириб қўйиши • мумкин. Шунинг учун ҳам атоқли режиссёrlар, саҳна олди-авансаҳнадаги ижрога кўпроқ аҳамият беришган. Ҳатто баъзи режиссёrlар гастроллар давомида саҳна олдига ўрнатиш учун қўшимча саҳначалар олиб юришган. Бироқ шунга қарамай, саҳна олдидаги ижрони ўзига хос хавфли томони ҳам йўқ эмас.

Томошабин рўпарасидаги ҳаракатларнинг ҳаддан ташқарилиги, тезда меъдага тегиб, кўзни ва мияни толиқтириб қўяди. Шунинг учун саҳна олди ижросида ҳаддан ташқари жисмоний ҳаракатлар билан боғлиқ саҳналарни иккинчи, учинчи планга кўчириш керак. Негаки, масофа яқинлиги боис, саҳна олдидаги ижро томошабин тасаввурини кескин сусайтириб қўяди.

Агар кенг маънодаги композицион нуқтайи назаридан қарайдиган бўлсак, диққат талаб сўзлар, нозик имо ишора, нафис ҳаракатларни томошабинга етказиши учун айrim воқеа ва саҳна кўринишларни биринчи планга ёки саҳна олдига кўчириш мумкин.

Саҳнага ўрнатилган декорация билан актёрнинг бўйи ўртасидаги мутаносибликка эришишнинг бирдан бир йўли ижочини декорациядан узоқлаштиришдир.

Тасаввур қилиб қўрайлик:

Бирон бир адабий кечада томоша залига кириб, тахминан 5-чи қаторга ўтирамиз. Мана, парда очилди. Ҳозирча саҳна бўм-бўш. Сизнингча, ижочи қаерда тургани маъқул?

Албатта, ўртада тургани маъқул. Лекин у кўп ҳам олдинга чиқиб кетмаслиги керак. Акс ҳолда, унга тикилавериб бўйнимиз қотиб қолиши ҳеч гап эмас.

Шунинг учун режиссёр актёр билан биргаликда саҳнадаги ҳар бир ҳолатни, томошабинни толиқтиrmайдиган, ҳар томондан актёрнинг юз-кўзини қўриш қулай бўлишилигини ҳисобга олиши керак.

Одатда, саҳнани спектакль учун режалаштиришда қулислар (саҳнанинг икки тарафидан туширилган нимпардалар) ҳисобидан келиб чиқилади. Баъзан "саҳна олди" деганимизда парда олди ҳам тушунилади.

**"Қизил қизиқ"** бу саҳнанинг олдидаги қизиқ бўлиб, асосий парда ҳамда ёнғинга қарши тепадан тушадиган темир парда назарда тутилади.

**Парда ёпиладиган қизил қизиқдан то биринчи қулисгача бўлган масофани биринчи қисм деб оламиз.**

Биринчи қисм, тажрибадан маълумки, кўпроқ истеъмолда бўлади. Биринчи қисмда актёр ижросининг барча нозиклиги, маҳорати яққол кўзга ташланади. Шу билан бирга умумий композиция яратишда қатор қулайликларга эга бўлиб, режиссёр томонидан яратилган композицияни тўлалигича томошабинга етказиш имконияти мавжуд. Саҳна олди ҳаракатларини бироз жиловлаш, томошабинни ҳаддан зиёд толиқтириб қўймаслик учун ҳам биринчи қисмда ишлаш қулайроқ. Актёрлар ижроси учун биринчи қисм энг қулай майдон ҳисобланади.

Энди иккинчи ва учинчи қисмларнинг вазифасини аниқлаш керак.

**Иккинчи қисмдаги** мизансаҳналар актёрни бўйи-басти билан кўриш имконини беради. Шунинг учун саҳнага кириш-чиқишлир, иккинчи қисмдан амалга оширилгани мақсадга мувофиқдир. Негаки, саҳнага илк марта чиқиб келган актёрнинг дастлаб умумий кўриниши кўзга ташланади ва кириб келган одам ҳақида маълум тасаввур ҳосил бўлади. Шу билан бирга унинг мақсадини ҳам дарҳол тушуниш мумкин. Иккинчи томондан саҳнага чиқиб келган актёрнинг кийими, соч турмаклаши, юзидағи грими ҳам дарҳол кўзга ташланишини ҳисобга олиб, кириш -чиқишини томошабиндан узоқроқ масофага жойлаштирган маъқул.

Шу нуқтани назардан иккинчи қисм "оилавий қисм" ҳам дейилади. Иккинчи қисмда оила аъзоларини, яъни кўпчиликни ҳар томондан бемалол кўриб, кузатиш мумкин. Зарурият туғилганида айрим иштирокчилар биринчи қисмга ўтиб, яна жойига қайтиши осон. Шунингдек, иккинчи қисмда рақс билан боғлиқ саҳналар ҳам яхши кўринади. Лекин иккинчи қисмдаги саҳналарнинг узоқ чўзилиши актёрлар фикрини томошабинга яхши етиб келмаслигига, бунинг оқибатида қаҳрамоннинг ички руҳий ҳолати назардан четда қолиб, эътибор кўпроқ ташки хатти-ҳаракатларга тортилади.

### **Учинчи ва тўртинчи қисмларчи?**

Колган қисмларда актёрни яқиндан кузатиш, инсон қалбининг кўзгуси бўлган кўзларини кўриш амри маҳол. Аммо шу билан бирга томошабин умумий ҳолат ва манзараларни яхлитлигича қамраб олиши мумкин. Шунинг учун ҳам оҳирги қисмда кўпроқ жисмоний ҳаракатларни талаб қилувчи саҳналар ўйналиши мақсадга мувофиқдир. Монументал характерга эга бўлган, яхлитликни тақозо этувчи режиссёрлик ечимлари ҳам орқа қисмда намоён бўлиши кўзланган натижани беради. Чунки олисдан инсон гавдасининг ҳажми кичраяди. Комедия, қаҳрамонлик достонлари асосидаги жанрларда тўртинчи ва бешинчи қисмдан фойдаланиш умумий манзарани яхлитлигича кўриб, қабул қилиш имкониятини вужудга келтиради.

Энди, саҳна сатҳида, хаёлан энига уч нуқтани белгилаб, бўйига уч қисмга бўламиз ҳамда саҳна олди қисмини ҳам қўшамиз. Шундай қилиб, саҳна ўн олти катакка бўлинади.

Энди биз кузатиш бурчак нүктаси орқали саҳнанинг алоҳида бўлакларга бўлган ҳолда кўриш ва кузатишими мумкин. Дастребни иш жараёнида содир бўладиган воқеаларни марказдан чап тарафга ёки ўнг тарафдаги катакларга жойлаштириш, бир катакдан иккинчисига ўтиш жойларини аввалдан белгилаб олиш имкониятига эга бўламиз. Бу ишларни қанчалик тасаввурда яратишга ўргансак иш шунчалик осон кўчади. Саҳна мувозанатини сақлашни ўрганиш кўп ҳам мураккаб иш эмас. Ахир деворга осилган расмни тўғри ёки қийшиқлигини узоқдан туриб дарҳол аниқлаш мумкинку!

Ҳозирча биз факат икки ўлчамни, яъни эни ва бўйини аниқлаш устида фикр юритдик. Энди саҳнага чиққан актёр бир зина юқори кўтарилиши ёки ерга ўтириши, ёнбошлиши биланоқ саҳнада учинчи ўлчам баландлик ўлчами ҳам пайдо бўлади.

Баъзан режиссёр билан рассом саҳнада, супачалар (станок) керакми, деган масалада баҳслашиб қолиши мумкин.

Албатта, спектаклни текислиқда ижро этганга нима етсин. Лекин учинчи ўлчам бўлмиш баландликдан мутлақо воз кечиш ҳар доим ҳам самарали натижа бермайди.

Учинчи ўлчамнинг композицион имкониятлари нималарда намоён бўлиши мумкин?

Бунинг учун яна тажрибага мурожат қиласиз. Актёр саҳна олдида салобатли кўринади. Шунинг учун ҳам саҳна олдини супалар билан кўтаришнинг мутлақо зарурияти йўқ. Аммо биринчи қисмда унча баланд бўлмаган супачадан фойдаланиш мумкин. Романтик ёки фожиавий жанрлардаги спектаклларда эса биринчи қисмда бир икки зинадан ҳам фойдаланиш зарурияти туғилиши мумкин. Аммо кундалик ҳаёт воқеаларини, руҳий жараёнларни акс эттирувчи пъесаларда, биринчи қисмда супачалардан фойдаланиш спектакль бадиийлигига путур етказади. Актёрлар эса оддий овозда ифода этиш мумкин бўлган сўзларни бақириб гапиришга мажбур бўлиб қолади.

Бироқ воқеаларни саҳнанинг иккинчи қисмда бўрттириш режиссёр учун кенг имкониятлар туғдириши мумкин. Лекин бу ҳолда баландлик жуда нари борса бир метрдан ошмаслиги керак. Ундан ортиғи томошабин учун спектаклни bemalol кўришига халақит беради.

Учинчи қисм (план) турли қурилма, иншоотларни жойлаштириш учун кулайдир. Лекин учинчи қисмда ҳаракат қилаётган актёр томоша залининг турли нукталаридан bemalol кўриниши керак.

Энди баландликнинг сифати масаласида ҳам тўхталиб ўтайлик.

Актёр рол устида ишлар экан, уни янги- янги топилмалар билан бойитишга ҳаракат қилгани каби, саҳна сирларини билган режиссёр ҳар сафар янги спектакль устида иш бошлар экан, берилган майдон, макон ва замонда "очилмаган қўриқлар" ихтиро қилишга интилиши лозим. Ана шу янги топилмаларни кашф этишда саҳна сатҳига ўрнатиладиган паст-баландликлар мухим ўрин эгаллайди.

Саҳнадаги ҳар қандай **ҳаракат** актёрни қуршаб турган макондаги унсурлар (устунлар, кўприк, панжара, супа, зинапоя) билан бўладиган муносабатга боғлиқдир.

Дейлик, текис жойда ҳаракат қилаётган актёрнинг гавдаси ўрмондаги сўқмоқдан бораётган одамнинг гавдасига ўхшайдими?

Шунга ўхаш инсон тўғри йўлдан боряптими ёки эгри-бугри сўқмоқдан тепаликка кўтариляптими, дарахт шохида юриптими, зинадан иккинчи қаватга кўтариляптими, анҳор устига ташланган якка чўпдан ўтятптими, ҳар сафар у бошқа-бошқа кўринишга эга бўлади. Шунинг учун ҳар бир спектакль учун майдон ва маконда қурилажак иншоотлар ҳар турли суюқликлар солиш учун мўлжалланган идишларга ўхаш турлича кўринишга эга бўлиши керак.

## РАКУРС

### 1.

#### **Ракурс — буюм ва одамнинг ҳар хил томондан кўриниши.**

1.Олд томондан кўриниш “**фас**” дейилади.Актёрнинг гавдаси, юз-кўзини очик-оидин кўрсатибина қолмай, унинг афзаллиги-ю нуқсонларини ҳам кафтдек намойиш этади. Шунинг учун тажрибали режиссёр ҳар сафар мизансаҳнани белгилашда актёрни юз томонидан эмас, балки ҳамроҳига нисбатан рўба-рў кўйишга ҳаракат қиласи.

Саҳнада ҳамроҳи билан гаплашаётган актёр томоша залига қараб (фас) тўрт хил кўринишида намойиш этиши мумкин:

- а) ҳарбий хизматчи сафда тургани каби, тўппа тўғри, ёки "шундай туришга у мажбур" демоқчидай;
- б) эҳтимолий манба томоша залида бўлгани учун ҳар иккала сухбатдош ўша томонга қараб сухбатлашяпти;
- в) гўё қаҳрамон шу лаҳзада ёлғиз ўзи қолмоқчи ва унинг юзини ҳеч ким кўрмаслиги керакдек. Аммо ҳамроҳи билан сухбатни тўхтатгани йўқ;
- г) томоша залига ўгирилишга ҳаракат қилаётган ҳолатдаги кўриниш.

Бундай ҳолатда сухбатдошдан бири гўё қўзойнагини тозалаган киши бўлиб, чироққа тутиб, текшириб кўрмоқда. Аммо сухбат узилгани йўқ.

Тажрибали актёр ҳеч қачон томошабинга рўба-рў турмайди. Чунки, бундай ҳолатни аксарият ҳолларда фойдадан зарари кўпроқ.

Томошабинга рўба-рў туриш чиройли бўлишига қарамай фақат бир-икки фикрни ифода этаолиши мумкинлигини, томошабиндан ҳиёл бурилиб туриш эса ҳали айтилмаган гаплар борлигини, фикр тугалланмаганлиги, ҳаракат давом этаётганлигини билдиради.

Томошабинга рўба-рў туриш, қаҳрамонни ожиз, ношудлиги, ёлғизлиги, шу билан бирга фариштадек покиза эканлигини ҳам билдиради. Яна бундай ҳолат нодонлик белгиси ҳамдир. Аксарият комедия, майдон томошалари, масхарабозлар ўйинларида шундай ҳолатни кузатиш мумкин.

Энди бошқа ҳолатларни ҳам кўздан кечирайлик. Мана, актёр ёнбош томони билан томошабинга қараб келяпти. Демак, ҳозир бирон-бир муҳим хабар эшигилса керак, деб ўйлаймиз. Саҳна ичкарисидан томошабин томонга чиқиб келаётган актёрнинг гавдаси борган сари катталашиб, маълум маъно касб этади.

Томоша залига нисбатан қиялаб чиқиш актёрлик ижросининг мумтоз усулларидан бири хисобланади. Шунингдек, қаҳрамоннинг қатъяти, матонатини кўриш билан бирга, унинг бошқа бир ҳолатини — тушкунликка тушган ёки инқирозга учраган одам қиёфасини ҳам билдиради. Буларнинг ҳаммаси мизансаҳнанинг зиддиятли ҳолати натижасида ҳосил бўладиган кўринишлардир.

Томошабиндан юзини бурмай ортга тисарилиш, бадий тъасуротни сусайтириши мумкин. Бундай кўринишлар Европа сарой театрларида удум бўлган. Бироқ айрим ҳолларда бундай кўринишлардан ҳам фойдаланиш фойдадан ҳоли бўлмайди. Лекин юз томон билан бурилиб чиқиб кетиш томошабинга яна бир карра ўзлигини намойиш этиш белгиси.

## 2.

### **Энди гавдани тўртдан уч қисмини томошабин томонга буриб кўрайлик. Хўш, қандай ўзгариш бўлди?**

Гавдани шу ҳолатда тутиб туриш кўп нарсани ўзгартириб юбориши мумкин. Ундан ташқари, саҳнага жойлаштирилган унсурларни томошабиндан хиёл буриш билан улар ўзгача жило касб этади. Бундай ҳолатда турган актёрни ўз ҳамроҳи билан муносабатга киришиши қулай бўлиб, томошабинга ҳар иккиси ҳам яхши кўринади. Демак, нимбурилиш кўпчилик актёрлар учун қулайлик яратади. Кўринишида ҳам маъно бордек. Шундай ҳолатда турган актёр оғирлигини бир оёғидан иккинчисига ўтказиши, бош ва гавдасини ўгириши қулай бўлиб, маълум маънони билдиради. Юриб бораётган вақтда тўхтаб, ҳамроҳи томонга бурилиш, яна юриб кетиш, таъзим қилиш осон ва қулайдир.

Саҳна бўйлаб диогонал-қиялаб юришга ўтиш саҳна санъатидаги энг жозибадор ҳаракатлардан саналади.

Сабаби, диогонал саҳна сатҳидаги энг узун йўл хисобланади. Иккинчидан, ҳамроҳига қиялаб ёндошиш ракурсдан қаралганида таъсирчан композицияни пайдо қиласи.

## 3.

### **Ёндан кўриниш**

Бундай ҳолат саҳна санъатида камроқ қўлланилинидиган усуллардан. Сабаби, бундай кўриниш кам фойда беради. Актёрни яrim ўгирилган ҳолда саҳна ўртасига турғизиб қўйсангиз юзининг ярми томошабинга кўринмайди. Залнинг бурчакларидан эса гавдасининг ярми кўринади. Бу хилдаги икки кўриниш айрим мақсадлар учун фойдаланилиб, ўзига яраша таъсир кучига эгадир. Саҳна ўртасидаги одамни яrim бурилган ҳолда қаққайиб тик туриши уни қўрқувдан, ҳаяжондан қотиб қолганлигини англатади.

Бироқ аксарият ҳолларда уни бироз ўзгартириб фойдаланиш мумкин.

Масалан, юриб кетаётган одамни тўсатдан яrim бурилган ҳолда қотиб қолиши ҳамроҳи томонидан нохуш хабарни қабул қилганлигини англаатади.

Яrim ўгирилган ҳолдаги ҳаракатнинг таъсир қучи ўзгача бўлади. Масалан, бир спектаклда хўжайнининг малайлари залга яrim бурилган ҳолда тез-тез бориб-келиб ҳаракат қилмоқдалар. Бундан чиқадиган хulosса, бу уйда қатъий тартиб-интизом ўрнатилган бўлиб, хизматкорлар хўжайнининг буйруғини бекаму кўст

бажармоқдалар. Лекин бошқа бир спектаклда икки севишигандын — қызы билан йигит томошабинга ярим ўғирилган ҳолда севги изхор қиласылар. Гарчанд, асар яхши бўлиб, актёрлар ўз вазифаларини сидқидилдан адо этаётган бўлишига қарамай спектаклнинг таъсир кучи сезиларли бўлмайди. Нега шундай?

Бунинг сабаби иккала ижрочи ҳам тўғри чизик бўйлаб бир йўналишда ҳаракат қилмоқда. Иштирокчиларнинг бўйи ўсмайди, пасаймайди. Гаплари эса бир-бирига қаратилган ва томошабинга кам таъсир қиласы. Бундай кезларда нима қилиш керак? Қахрамонларнинг сухбатига халақит бермаган ҳолда ҳаракат йўналишини ўзгартириш лозим.

Аввало, икки ижрочини ҳам томошабинга ярим бурилган ҳолда саҳнага чиқариб бўлмайди. Агар саҳнада икки киши гаплашадиган бўлса бири гапиради, иккинчиси эшитади.

Бири тушунтиришга ҳаракат қиласы, иккинчиси ёки тушунади, ёки тушунмай асабийлашади.

Бири сухбатдошининг гапига қулоқ солмай ўжарлик билан кетиб боряпти, иккинчиси эса уни гоҳ у томонидан, гоҳ бу томонидан ўтиб, ўз фикрини исботлашга ҳаракат қиляпти.

Эшитувчи эса, баъзан тўхтаб шеригига ўғирилиб қараб қўяди. Гоҳ ортга тисарилиб, сухбатдошининг сўзларини мушоҳада қилгандек томошабин томонга ўғирилиб тўхтаб қолади.

Демак, саҳнадаги икки кишини бир хилда ҳаракат қилмаслиги учун турлича йўлларни, турлича ҳолатларни исталганча топиш мумкин.

#### 4.

Актёрнинг томошабинга орқа ўғириб ёки ярим ўғирилиб туриши мизансаҳна яратиш учун бой имкониятлар вужудга келтиради. Чунки, саҳнадаги одамнинг томошабинга орқа ўғириб туриши бир олам маънога эга. Ярим ўғирилган ҳолдаги шаклдан кўп фойдаланилади.

Бундай ҳолда турган актёр томошабин учун сухбатдошининг юзини кўриб туриш имкониятини яратса, иккинчи томондан, гапираётган одамнинг сўзини аниқ-тиниқ эшитади. Гарчанд, шу шаклда актёрнинг юзи кўринмасада, унинг хатти-ҳаракатларини, мақсадини тушуниб етиш мумкин. Кўшимча тарзда шуни айтиш жоизки, гавдани бир ҳолатдан иккинчи ҳолатга равон ўзгариши сирли вазиятни вужудга келтириш билан бирга ўта назокатли кўриниши мумкин. Томошабин эса ўзидан яширинган актёрнинг чехраси ва кўзида айни фурсатда нималар акс этаётганини тасаввур қилиш имкониятига эга бўлади.

Актёрнинг томошабинга ярим орқа ўғирган ҳолатда саҳнадан диагонал чизик бўйлаб чиқиб кетиши ҳам ажиб бир сирли маънони англатади.

#### 5.

Кўз ўнгимиздаги одам бизга орқа ўғириб турипти. Унинг бир елкаси томошабин томонга хиёл чўзилган, бўйни олдинга бироз энгашган. Демак, бу одам хаддан ташқари чарчаган.

Бизга орқа ўгириб турган одам бироз олдинга энгалиб турипти. У бирон нарсага суюнган ёки бирон аъзоси оғриб қолган. Лекин унинг боши баланд кўтарилиган. Демак, бу одам ўта чидамли ва матонатли.

Яна бир кўриниш. Бизга орқа ўгириб турган одамнинг бел ва елкалари тик бўлган ҳолда, боши бир томонга қийшайиб кетган. У ўз қилимишидан, ҳаётидан норози ва афсусланяпти.

Хулоса қилиб айтилса, инсоннинг елка ва қураклари, бели, боши, юзи биздан яширинган бўлишига қарамай бир олам маъно билдириши мумкин экан. Худди шундай ҳолат қаҳрамоннинг қилган ёки қилмоқчи бўлган ишлари, ниятлари, орзу-умидлари худди ёзилган қофозга ўхшайди. Юриб бораётган одамнинг бизга орқа ўгириб тўсатдан тўхтаб қолиши ёки ярим ўгирилган ҳолда тўхташи маълум тўсиқларни енгиб ўтишга ҳозирланаётганини билдиради. Масалан, чарчок, оғриқ, кўркув ва ҳоказо. Актёрнинг томошабинга орқа ўгириб узоқлашиши саҳна харакатидаги энг таъсирли кўринишлардан бири. Гарчанд, у биздан узоқлашар экан, гавдаси борган сари кичрайишига қарамай, маълум бир воқеага нуқта кўйганликни билдиради.

Инсон биздан узоқлашиб борган сайин, табиат қўйнига сингиб кетаётгандек туюлади.

## 6.

Актёрнинг орқа ўгириб туриши *парда туширилган*, деган маънони ҳам билдириши мумкин экан.

Пантомима жанрида актёрни маълум бир харакатни яқунлаб орқа ўгириб туриб олиши "томушани бу қисми тугади", деган маънони билдиради. Ёш болалар ўйнаб туриб "мен йўқман", дегандек орқа ўгириб туриб олишади. Шу боисдан режиссёrlар тилида актёрни "очиш", "ёпиш" деган иборалар ишлатилиши мана шу мизансаҳна билан боғлиқ. Агар ижрочини томошабинга қараб туриши нафис сўзларни томошабинга яхшироқ етказиб бермоқчилигидан бўлса, унга орқа ўгириб олиши нафас ростлаш, бошқа парчага ўтиш каби маъноларни англатиши мумкин. Иккинчи томондан, томошабинга орқа ўгириб турган актёр оддий бир ижрочи сифатида куч тўплаши, нафас ростлаб олиши учун пайдо бўладиган заруриятдир.

Юз ва орқа билан ўгирилиш ҳолатларини ҳам аниқлаб олиш фойдадан ҳоли бўймас деб ўйлаймиз. Агар режиссёр эътиroz билдириласа, актёрлар томошабинга олд томондан ўгирилишгани маъкулдир. Лекин бундай ўгирилишлар ҳамиша ҳам мақсадни очиқ ифода эта олмайди.

Биринчидан, томошабин ҳозир актёр қайси томони билан ўгирилишини олдиндан сезмаслиги керак.

Агар бурилиш томоша зали томонга бир неча қадам ташлаб чиқиш билан бажарилса, орқа томон билан ўгирилган чиройли кўринади. Агар актёр саҳнанинг ичига томон чиқиб бурилса, томошабинга юз томон билан бурилган чиройли чиқади.

Яна муҳим бир ҳолат. Дейлик, саҳнада икки киши гаплашиб турипти. Биринчи одам томошабинга юзи билан қараб турипти. Иккинчиси томошабинга орқа ўгириб турипти. Биринчи актёр иккинчисига нимадир дейди.

Иккинчиси эса "нима дединг?", дегандек томошабин томонга юзини буради. Бир қараганда юзни шундай буриб сўраш ҳам мумкин. Аммо бурилишни ичкарига томон озроқ чўзиб, фақат юзнинг ўзини эмас, гавдани ҳам буриб сўралса, ҳам чиройли, ҳам актёрнинг қомати кўринади. Шунингдек, унинг саволи томоша залининг турли нуқтасидан эшитилиши мумкин.

## 7.

Ҳар бир ҳолатга баҳо беришда ҳаққонийлик ва ифодавийлик мезонига амал қилиш керак. Бу тушунчаларни бир-бирига қарши қўйиб бўлмайди. Аксинча, бу тушунчаларнинг ҳар иккиси ҳам бир масалага икки томондан ёndoшмоқликнинг белгиси саналади. Агар ҳаққонийлик бўлмаса, ифодавийликнинг кераги бўлмай қолади. Ички сезгилар томонидан бериладиган ҳар қандай кўрсатмани маълум бир шаклда ифода этилади. Ҳар қандай ифодавийликни талаб қиласидан ҳаракатни мантиқий мезон ўлчовига мослаштироқ зарур.

Биз такрор ва такрор қайтараётганимиз;- ракурсни яна бир эслайлик. Актёрнинг саҳнада диққатини жалб қилган нарса ва актёрнинг ўша томонга интилишини ракурс орқали ўзгартириш мумкин эканлигини ҳамиша ёдда сақламоқ керак.

Мисол учун бир одам сўқмоқдан бораётиб, офтобда исиниб ётган илонни кўриб қолади. Илон қаерда? Режиссёр уни қаердалигини кўрсатиб бериши керак. Агар актёр саҳна ичкарисига қараб ўнг томонга тисарилса, демак, илон чап тарафдаги кулисда бўлади.

Шу ҳолатда, мантиқдан келиб чиқиб, актёрга сакрашни топширсак, демак, илон катта ва хавфли. Агар актёр оёқ учida аста ўша ерга яқинлашиб, қўлини узатса — капалак экан. Агар ўша нуқтага тикилиб туриб, бирдан енгил нафас олиб, мускуллари бўشاшиб кетса, демак, илон ўрнида арқон парчасини кўрган бўлади. Яна бир мисол. Актёр бир томонга қараб боряпти. Унинг эътиборини тортган нарса қарама-қарши томонда жойлашган дейлик. Мана, актёр саҳна ичкарисига қиялаб боряпти. Бирдан шовқинни эшитиб тўхтади. Унинг гавдаси ва оёқлари ўнг томонга қараган, боши эса чап томонга бурилади. Бундан чиқадиган хулоса шуки, ҳар қандай ракурсни мантиқий оқлаш мумкин экан.

## *Мизансаҳна ва тасаввурдаги қиёслашлар (ассоциации)*

### 1.

Саҳна композициясини ҳар томонидан қараб, ўрганиш мумкин.

Мизансаҳна геометрия, тасвирий санъат, ҳайкалтарошлик, чизмачилик нуқтайи назаридан обдон ўрганилган. Унинг ўзига ҳос қонуниятлари мутахассисларга маълум.

Шунингдек, мизансаҳнани худди шеърий вазн, орфография қоидаларига хос бўлган алгебрик хусусиятларга эга эканлигини кўриш мумкин.

Фикримизнинг исботи учун бир неча мизансаҳналар шаклини кўриб чиқайлик.

Келинг, фараз қилиш орқали мизансаҳнанинг геометрик кўринишларини тасаввур қиласиз. Мизансаҳнанинг ҳар қандай шакли тўғри чизик ёки қабариқ,

ёки доира шаклидаги кўринишга эга. Энди мана шу чизиқларни инсон онгига эмоционал таъсирини қараб кўрайлик.

Тўғри чизиқ бўйлаб қилинган ҳаракат ҳамиша жиддий ва қуруқ бўлади. Бундай ҳаракат чиройли кўринсада, ундан ҳамиша ҳам фойдаланиб бўлмайди. Агар бундай ҳаракатни мусиқага қиёслайдиган бўлсак, бир куйни эмас, маълум бир товушни чўзиб туришга ўхшайди.

Ҳар бир даврда яшаган халқнинг ўзига хос ҳаракат чизиқлари бўлиб, қадимги Римда ва Грецияда тўғри чизиқлар бўйлаб ҳаракатланиш, Мисрда тўғри бурчак бўйлаб ҳаракат қилиш, Ҳиндистонда эса ярим доира шаклидаги ҳаракатлар одат бўлган. "Юлий Цезар" писесини саҳналаштирувчи режиссёр мизансаҳналарни "тўғри чизиқ" асосида яратиши керак. "Антоний ва Клеопатра" спектакли ўткир учбурчаклар, синиқ чизиқлар шаклида бўлишлигини тақозо этади. Борди-ю Мольер асарларини саҳналаштирадиган бўлсак, узлуксиз доира, ярим доира шаклидаги мизансаҳналардан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Демак, янги асар устида иш бошланмасдан олдин, рассом билан режиссёр мизансаҳналар қайси геометрик кўринишларга эга бўлишлигини келишиб олишлари зарур. Тўғри чизиқ бўйлаб бажарилган ҳаракат билан тўғри чизиқли декорациялар ўртасидаги уйғунлик ҳар икки обьект ўртасидаги қарамақарши ҳаракатлар натижасида юзага чиқади.

Агар ижрочининг гавдаси узлуксиз синиқ чизиқлардан ташкил топган бўлса, либоснинг тўғри чизиқлар асосида тикилиши унинг қоматини тўқис ва жозибали қилиб кўрсатади ҳамда тўғри чизиқли декорациялар қархисида унинг ҳар бир ҳаракати маъно касб этиш билан биргаликда, нафис уйғунликни вужудга келтиради.

Доира шакли яширинган текис чизиқдан иборат бўлиб, инсон гавдасини тўқис акс эттира олмайди. Шунинг учун доира шаклидаги декорация билан ҳаракатлар доиравийлиги бирбирига қарамақарши йўналишда бўлса, нафис ҳаракат юзага чиқади. Доира шаклининг яна бир хусусияти шундан иборатки, у кишини хотиржам кўрсатиш билан бирга, воқеа ғоясига нукта қўяди. Ярим доира шакли спектаклнинг мусиқавийлигини оширади. Доира шаклининг учинчи хусусияти инсон гавдасининг турли ҳолатларини намоён этиш билан бирга, унинг мусиқавийлигини бўрттиради.

Ҳар ҳолда, текис доира шакли синиқ доира шаклига нисбатан бир қанча афзалликларга эга. Шунга қарамай, мантиқий мезонлардан ташқаридаги ҳар қандай мизансаҳна саҳна санъатига ёт унсур ҳисобланади.

Синиқ чизиқларнинг ҳам ўзига хос афзалликлари бор. Чунончи, тўсатдан бўладиган ўзгаришлар кўзга яққол ташланиши керак бўлган саҳналарда ҳаракат синиқ чизиқлар бўйлаб бажарилса, таъсирчанлик кўпаяди. Аммо уларни ҳаддан зиёд ишлатилиши режиссёрнинг майда гаплиги ва ивирсиганлигидан нишонадир.

## 2.

Ярим ва яхлит доира шакли назмий мизансаҳналарнинг шъерийлигини англатса, синиқ чизиқлар эса насрый асарларни эслатади.

Шундай қилиб, геометриядан шъер тўқишига келиб қолдик. Мизансаҳналарнинг қофиядошлиги, воқеаларнинг вақт ва макондаги

ивожини эслатади. Актёрларнинг саҳнада туриши, муносабатларнинг такрорланиши орқали назарда тутилган қофиядошлик вужудга келади. Симметрия шаклидаги мизансаҳналар композицион мутаносибликни яратади. Яъни бир актёр томонидан бажарилган хатти ҳаракатни унинг ҳамроҳи томонидан айнан қайтариш демакдир.

Насрий шаклдаги мизансаҳналарда ҳам кўпгина қизиқ муносабатларни акс эттириш мумкин. Бундай усулни қўллашнинг афзаликлари беҳисоб. Агар у театр санъати талаблари чегарасидан чиқиб кетмаган бўлса.

Симметрия шаклига баъзи бир саҳнавий ечим учун техник восита сифатида қаралса, бу шаклнинг имкониятлари бой эканлигини кўриш мумкин.

Симметрия сатхидаги арзимаган ўзгаришлар, ўрин алмашинувлар, кириш чиқишилар, гарчанд, улар жўрттага ишлатилмаган бўлсада, ўзгача таассурот пайдо қиласди.

Бир вақтнинг ўзида бир ҳаракатни икки киши томонидан нафис (пластик) ҳаракатлар орқали такрорлаш, симметрик ҳаракатлар ҳосил қиласди, бу зайлдаги "такрорлаш шакли"ни (синхрон) эртак спектаклларда ҳам ишлатиш мумкин. Аммо мазкур усулни суиистеъмол қилиш спектакль табиийлигига салбий таъсир этиши мумкин. Лекин спектаклдаги воқелик, шундай шаклни тақозо этсагина, маълум вақт бирлиги ўртасида фойдаланиб кўриш зарар қилмайди. Бироқ такрорлаш шаклидан оммавий саҳналарда фойдаланиш таъсиранликни оширади. Шунинг учун такрорлаш ва симметрия усулларига оммавий саҳналар тўғрисида гапирган вақтимизда яна қайтамиз.

Ҳозир эса мизансаҳнанинг яна бир "тасвир акси" шакли тўғрисида тўхталамиз. "Тасвир акси" — унсурнинг кўзгудан кўринишига ўхшаб, саҳнадаги ҳаракат тасвирини англатадиган мизансаҳна шаклидир. Мисол учун, саҳнада бозор кўринишини акс эттириш керак. Одатда, бундай кўринишилар катта кичик дўконлар, хужрачалар, устахоналар, бакқоллар, харидорлар, бекорчилар, шовқин сурондан иборат бўлади.

Мана шу кўринишининг асосий қаҳрамони — воиз, атрофдаги воқеаларга ўз муносабатини билдириши керак. Унинг гапини ҳамма эшитсин учун бор овоз билан бозордагиларга мурожат қилас, гоҳ у томонга, гоҳ бу томонга ўгирилади. Баъзан томошабинга орқа ўгириб гапиришга ҳам мажбур бўлади. Бундай ҳаракатлар оқибатида бир томондан актёр кўп нокулайликларга дуч келади. Сабаби, унинг сўзини бозордагилар ва томошабин эшитиши керак. Шундай вазиятда "тасвир акси" усулидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Мазкур усулга асосан ижрочи, гўё томоша зали бозор бўлиб, у ердагиларга мурожаат қилас, томоша залини саҳна дея тасаввур қилиши ва томошабинни омма ўрнида қабул қилиб, нутқ ирод этиши мумкин. Бундай вазиятда актёрнинг ҳар бир сўзи эшитувчига етиб боради, унинг чехрасидаги ҳар бир имои шора, ўзгариши томошабин бемалол кўриб туради. Бундай усулни "тасаввур акси" дейилади.

#### 4.

Саҳнада сўз ва ҳаракат уйғунлигини мувофиқлаштириш.

Бир режиссёр юриб туриб гапирманг, дейди. Иккинчиси юриб туриб гапиринг, дейди. Учинчиси эса бунга мутлақо аҳамият бермайди. Уларнинг қайси бири ҳақ?

Актёрни ҳаракат вақтида гапиришдан тўхтатиб қўйиш мумкин эмас. Ёки бунинг тескариси. Бироқ сўз билан ҳаракатни узвий боғлиқликда олиб бориш энг тўғри йўлдир.

Саҳнада икки киши бўлса, биринчиси гапираётган вақтда иккинчисини ҳаракат қилиши, юриши, ўтириши, жисмоний иш бажариши гапираётган одамнинг гапини эшитувчига етиб боришига сўзсиз халакит қиласи. Агар режиссёр актёрдан шундай вазиятни талаб қиласа, унда гапираётган одам томошабин дикқатини ҳаракат қилаётган одамга кўчира билиши, яъни томошабин гапираётган одамни эмас, эшитувчини кузатиб туриши керак бўлади. Демак, ҳам гапириб, ҳам ҳаракат қилиш мумкин эканда? Мумкин, аммо ҳаракатни қадамга мослаб гапирилса эътибор, ҳаракатга кетиб, сўз унутилиши мумкин. Бундай вазиятда саҳна қонуниятига риоя этиш шарт. Хусусан, бир вақтнинг ўзида турган жойдан қўзғалиш ва гап бошлиш мумкин эмас. Аввал жойдан қўзғалиш, сўнг ҳаракатга мослаб гап бошлиш керак. Ёки юриб туриб тўсатдан тўхташ ва гап бошлиш нотўғри. Аввал тўхтаб нафас ростлаш, сўнгра гапириш керак. Чунки, ҳар қандай ҳаракат сўзга нисбатан таъсиричанроқдир. Агар сўзнинг қийматини эътиборга олмай ҳаракат ва сўз баравар гапирилса, сўзнинг қадри йўқолади, қиймати тушиб кетади.

Дейлик, саҳнада икки киши:

— бири жон куйдириб гапиряпти, иккинчиси эса жисмоний ҳаракат қиляпти. Бундай вазиятда томошабин беихтиёрий равища жисмоний ҳаракатни кузатади. Агар асар воқеаси шундай мизансаҳна тизимини талаб қиласа, унда сўз таъсирини иккинчи шаҳснинг ҳаракатлари орқали томошабинга етказиш керак. Ҳар бир писада сўзларни жиддий, кинояли, ҳазил билан, жаҳл билан ифода этадиган нуқталар бўлади. Бундай вазиятда муаллиф (спектакль, пьеса) шу сўзлардан кўзланган мақсад юзасидан ифода этилишини таъминлаши зарур. Яъни бундай вазиятда мизансаҳнани гапирилаётган гап ва уни қабул қилиш асосига қуриш керак бўлди. Ўткир сўзга нисбатан ўткир сўз билан, ҳазилга нисбатан ҳазил билан жавоб қайтарилиши керак. Сўз ўйинлари ҳар қанча кулгили, мазмун маъноли бўлмасин, уни ҳаракат билан қўшиб юборилиши сўз кудрати ва таъсирини сўндиради. Саҳнанинг бундай қонуниятини инкор этиб бўлмайди, чунки, бу қонуниятлар саҳна хатти- ҳаракатлари мантиғига асослангандир.

Дейлик, суҳбатдошлардан бири сўнги сўзни гапирди. Шундан кейин иккинчиси саҳнадан чиқиб кетади. Чиқиб кетаётган одам гапираётган одамнинг сўзларини қабул қилиб, унинг фикрига қўшилган бўлиши мумкин. Ёки гапираётган одамнинг сўзини эшитиб бўлиб, унинг олдидан ўгирилиб ўтиб кетса, демак гапирувчининг гапини қабул қилмай, унинг фикрларини инкор этиб чиқиб кетади.

## 5.

Воқеалар таъсирида рўй берадиган ўзгаришни ҳам мизансаҳна қонуниятлари таркибиға киритиш мумкин. Шунинг учун, бирон бир хабар, воқелик, янгиликни қабул қилиб оловчи ижрочи учун режиссёр аввалдан ҳаракат майдонини яратиб бериши зарур. Демак, қабул қилиб оловчи бирон бир хабарни қабул қилиш чоғида ҳаракатсиз вазиятда бўлмай аксинча, тугалланмаган ҳаракат устида бўлиши керак. Бу ҳаракат қилувчи учун таъсирчан мизансаҳналар яратиш имконини беради.

Мисол учун саҳнада икки киши "А" билан "Б".

"А" "Б"ни тўхтатиб қолиш учун "тўхтанг, мен розиман" дейиши керак. Бу саҳнани икки хил кўринишда ижро этиш мумкин. Биринчи усулда "Б" "тўхтанг" деган сўздан кейин ўгирилиши керак. Иккинчи усулда "тўхтанг, мен розиман" деган сўздан кейин ўгирилиши керак.

Агар режиссёр учун бу ҳолатда "Б"нинг руҳий муносабати муҳим бўлса, "тўхтанг" сўзидан кейин ўгирилиб, иккинчи жумлани "А"нинг кўзига қараб қабул қилгани маъқул.

Агар режиссёр учун сўз ва уни қандай қабул қилиб олиш жараёни ўта муҳим бўлса, "А"нинг "тўхтанг, мен розиман", деган жумласини орқа ўгириб турган ҳолда қабул қилиши, сўнгра гўё бу хабардан эсанкираб қолган одамдек яrim доира шаклида ўгирилиб, "А"нинг кўзига тикилиши санъат нуқтайи назаридан таъсирчан, ҳам чиройли кўринади. Одатда, бундай хабарларни қабул қилиб олиш жараёнида қабул қилувчи ҳаракат жараёнида ёки нокулай ҳолатларда бўлиши ифодавийроқ ҳаракат ҳисобланади. Бундай мисолларни қўплаб келтириш мумкин. Бир ҳолатда эшитувчи ўтирган жойдан чироқ ёқиши учун қўл узатаётган вақтда хабарни қабул қилса, иккинчи бир вазиятда курсида bemalol ўтирган ҳолда нокулай ҳолатга ўтиш орқали қабул қилиши мақсадга мувофиқдир. Ҳар икки ҳолатда ҳам сўз муҳимми ҳаракат муҳимми деган саволга тўғри жавоб топилган бўлади.

## 6.

**"Рад этиш"** мизансаҳнаси.

Дейлик, кундалик ҳаётда тўсатдан фалокат рўй бериши мумкин. Аввалига бундай хабарни эшитган одам ўз қулоғига ишонмай "йўғе!" деб юборади.

Саҳнадаги актёр ҳам биронбир хунук хабар, ҳодисани эшитиб, қабул қилишдан олдин "йўқ", "бўлиши мумкин эмас", "ишонмайман" қабилидаги фикрни миясидан ўтказиши, сўнгра воқеликнинг рўй берганига ишонч ҳосил қилиши ва ниҳоят унга нисбатан ўз муносабатини изҳор этиши керак. Шундай кезларда режиссёр мазкур ҳолатнинг таъсирчанлигини ошириш учун, қабул қилувчининг ҳайратини яна ҳам бўрттириш мақсадида актёрдан бир қадам ортга тисарилиб, сўнг муносабат билдиришни талаб қиласи. Бундай ижролар театр санъати тажрибасида қўплаб учраб туради. Агар у театрда қўплаб қўлланилса, унда бир қолипга тушган ҳаракат (штамп) дея баҳолаш мумкинми?

Дейлик, икки одам бир бирига юзма юз келиб қолади. Ҳар иккиси учун ҳам бу учрашув кутилмаган воқеа. Хўш, уларнинг бу учрашувини қандай ҳаракатлар ёрдамида яна ҳам таъсирлироқ қилиб акс эттириш мумкин? Бу нималарга боғлиқ?

Албатта, мазкур учрашувдан олинадиган таъсир кучига боғлиқ.  
"Сени кўрадиган кун ҳам бор эканку", дегандай иккаласи бир бирининг  
кучоfigа отилади.

"Йўғе, наҳотки сен бўлсанг", дегандек ҳар иккиси ўзини бир қадам ортга  
ташлайди.

"Уфф, яна сенмисан", дегандек иккаласи турган жойида қотиб қолади.  
Юқорида, инсон ўзи қабул қилган фактга нисбатан уч хилдаги муносабатини  
кўрдик.

Хўш, буларни ҳам бир қолипга тушиб қолган ҳаракатлар дейиш мумкинми?  
Мумкин, қачонки актёрлар ўз ҳаракатларини режиссёр чизиб берган чизикдан  
чиқмай, механик тарзда бажаришса.

Лекин ҳар сафар актёр бундай ҳаракатларга ижодий ёндошиб, уни қалб  
кўри билан тўлдирса ва ўзининг инсоний ҳис туйғусини қўшса, ҳар сафар  
бундай саҳналар жонли ва ишонарли чиқади.

## 7.

"Рад этиш" ҳаракати биз юқорида кўриб ўтган уч кўринишидаги  
учрашувнинг кенг қўлланилиниадиган усусларидан бири ҳисобланади.

Сабаби, инсон организми ҳар қандай хабардан ўзини ҳимоя қилиш  
сезгисига (реакция) эгадир. Инсон организми тўсатдан юз берган баҳтсизликни  
дарҳол қабул қила олмаслигидан унда ҳимоя реакцияси ишга тушади. Шунинг  
учун ҳар қандай фалокатдан ўзини ҳимоя қилиш мақсадида ортга тисарилади.

Бир одам "мен билан юр!" дея буйруқ беради. Иккинчиси "йўқ, бормайман",  
дегандек ортга тисарилади. Бу ўринда ҳаракат "рад этиш" бўлади.

Яна бир мисол.

Бирорга мушт уришдан олдин бир қадам, ярим қадам ортга тисарилади.  
Бу ҳам инсон табиатидан келиб чиқадиган хусусият. Киши организми кучини  
намойиш этишдан аввал ўз имкониятларини чамалаб кўриши керак экан.

"Хозир бир ураман" қўнглимиздан ўтади.

"Мана бўлмасам", — жисмоний куч ишга тушади.

Актёр саҳнада биронбир жисмоний ҳаракатни амалга ошириш учун аввал  
бир оёғини, хеч бўлмаганда гавдасини ортга ташлайди. Гўё камондан ўқ  
узишдан олдин унинг ипини ортга чўзгани каби. Шунингдек, кескин ҳаракатни  
амалга ошириш учун ҳам ортга тисариламиз.

Бу ҳолатни кенгроқ маънода саҳна хатти-ҳаракатига кўчирадиган бўлсак,  
Отелло Дездемонани бўғишдан аввал унга бўлган чексиз муҳаббатини  
намойиш этиши керак бўлади. Шундай қилинган тақдирдагина Отеллонинг  
Дездемонага бўлган чексиз муҳаббатини кўриб турган томошабин "йўқ, йўқ, у  
уни бўғмайди", дея ичидан хитоб қиласи ва фожеавий вазият кескинлашиб  
таъсир кучи ортади.

## 8.

Энди "рад қилиш" тушунчасига қандай "қарши ҳаракат" бўлиши  
мумкинлигини кўриб чиқайлик. Ҳаракат орқали "йўқ"деган иборага нисбатан

"ҳа" ибораси қай тарзда бўлиши мумкин? Бу ҳаракат олдинга интилиш орқали ифода этилади.

Ўз ўлжасини қўриши билан унга отилган мушукни, овқатни қўрган вахший хайвонни унга ташланишини кўз олдимизга келтириб қўрайлик. Инсон ҳам табиатнинг бир бўлгаги. Шу нуқтайи назардан ёндошадиган бўлсак, учиб келаётган коптокка ташланган дарвозабоннинг тезкор ҳаракати мушук сакрашига монанд ҳаракатдир. Тезкорлик ўзи нима? Ҳаммадан олдин "мен бажараман", "мен бораман", деган фикрни кўнгилдан ўтказишлик тезкорликдир. Бу ҳар бир инсоннинг табиатига, руҳий камолотига боғлиқ ҳолат.

Буни онгли равишда эътироф этиш — ҳар нарсага тайёр туришлидан иборат. Беихтиёр гапириб юбориш соддалик белгиси. Бир одам:

—Мени севасанми? — дея сўрайди.

—Ҳа, — дейди иккинчиси.

Бу иборани сўз билан ҳам ифода этиш мумкин ёки гавдани олдинга ташлашлиқ розилик аломати бўлиши мумкин. Ҳатто кўз қараш билан ҳам буни ифода этса бўлади. Лекин учала қўринишда ҳам "ҳа" деган маъно чиқади. Бу усуллардан қайси бири таъсирли чиқишини белгилаш режиссёرنинг тафаккурига боғлиқ.

## 9.

. Энди учинчи бир *муносабат билдириши* усулини қўриб чиқайлик.

Узоқ вакт қўришмаган дўстлар тўсатдан учрашиб қолишади. Бу кутилмаган қувончдан ҳар иккисининг ҳам кўл оёғи бўшашиб, бир муддат қимир этмай туриб қолишади.

Руҳшунослиқда буни *имкониятдан ташқаридағи чегара* дейилади. Биз юқорида қўриб ўтган воқеада ҳаддан ташқари тарангликдан сўнг бирдан "ҳолдан тойиш" манзараси намоён бўлади.

Яна бошқа бир ҳолат.

—Мен билан кетасанми? сўрайди биринчиси.

Иккинчиси жавоб бериш ўрнига безрайиб қотиб қолади. Бундай ҳолат шу дақиқагача кутилган таклифдан бироз эсанкираб, на "йўқ" ва на "ҳа" деб жавоб беришга иккиланиб турган кишининг ҳолатидир.

—Худди шу ҳолатни яна бошқа бир қўринишини олайлик.

Дейлик, кишига ўта муҳим бўлган хабар етказиши.

Аммо у дабдурустдан келган хабардан эсанкираб, ҳеч бир муносабат билдира олмай қотиб қолади. Бу ҳам инсон тафаккурида кечадиган руҳий жараённинг бир қўринишидир. Шунинг учун бу қўринишни *ҳаёли идрок муносабат* дейишимиз мумкин. Ҳар хил шароитда инсон воқеликка турлича муносабат билдириши мумкин. Шунинг учун режиссёр ҳар бир репетициядан сўнг бажарилган ишларни бирма бир таҳлил қилиб ўтар экан, актёрларнинг воқеликка нисбатан муносабат билдиришида тўғри ва нотўғри бажарилган амалларни кўрсатиб ўтиши муҳим аҳамиятга эга. Ҳаракат орқали муносабатни баъзан кутилмаган тарзда ифодалаш унинг таъсирчанлигини оширади.

## 10.

Тиниш белгилари қўйилмай ёзилган хатни ўқиши қанчалик мушкул эканлигини тушунтириб ўтиришнинг ҳожати бўлмаса керак.

Агар хатнинг бошдан оёғигача ундов белгилари қўйиб ташланган бўлса, чигаллик яна ҳам кўпаяди.

Ҳар бир мизансаҳнани сўзлардан ташкил топган жумлага қиёсласак, унинг турли тиниш белгилари бўлиши керак. Бадиий адабиётда **нуқта** энг сермазмун белги деб ҳисобланади.

Саҳнанинг ҳам ўз нуқтаси бўлиб, парда ёпилиши ёки чироқ ўчиши олдидан ҳаракат билан ифода этиладиган мизансаҳна мазкур вазифани ўтайди.

Худди мусиқанинг тугалланиши олдидан баланд пардаларнинг қаттиқ жаранглаши каби; саҳнадаги воқеалар якунига қўйиладиган нуқта ҳам томошабиннинг хотирасидан дарҳол ўчиб кетмаслиги керак. Шунинг учун бундай якунловчи мизансаҳналар ниҳоятда чукур ўйланган бўлиб, қунт билан ишланиши ва томошабин учун кутилмаган ҳодиса тарзда қабул қилиниши зарур.

*Нуқта* мазмун ва муҳитнинг якуний белгиси бўлиши билан биргаликда янгидан бошланажак саҳна, воқеа учун боғловчи ҳисобланиб, ҳодиса ёки воқеани акс эттирувчи мизансаҳнани бир-бири билан боғлашга хизмат қиласди.

Энди **вергул** белгиси хусусида ҳам бир-икки оғиз сўз. Саҳна талаффузида нуқта овознинг пасайиши билан билдирилса, вергул овозни баландлатиш орқали билдирилади. Мизансаҳна қуришда ҳам шундай ифода этилади. Масалан, саҳнада бир воқеадан иккинчисига ўтиш лозим бўлса ва биринчи саҳнага нуқта қўйилса, ҳаракат сокинлик билан тугайди. Худди шу саҳнани тугалланмаганлигини, ҳали воқеалар ўз ечимини топмаганлигини билдиримоқчи бўлсак, вергул белгиси орқали саҳна ҳаракати ўсиб бориши натижасида иккинчи саҳнага ўтилади. Шунга қарамай катта вергул воқеа интиҳосини ҳам билдиради.

Агар воқеалар ўртасига икки нуқта қўйсак, фикр ҳали якунланмаганлигини, воқелар давомида тушунтириш бўлишлигини билдиради. Айниқса, комедия жанридаги спектаклларда бу усулдан фойдаланиш яхши таассурот қолдиради.

Ундов белгиси воқеалар ривожининг шиддатини билдиради.

Лекин бу шиддат актёрнинг овози ҳисобига бўлмаслиги керак. Акс ҳолда, бақироқ саҳна бўлиб қолади.

Айниқса, саҳнада рўй бераётган ҳодиса ва воқеадан ҳайратланганда, қаттиқ таъсирланганда, ажабланганда, гўё "бўлиши мумкин эмас", "наҳотки", "вой тавба", "во ажабо" каби ибораларни ифодалаш орқали **ундов** мизансаҳнани ўрнида ишлатишлик таъсирчан ва саҳнавий ҳақиқатга мос тушади.

Шунингдек, айриш белгиси ўта таъсирчан белгидир.

Бундай мизансаҳналарда режиссёр ва актёр воқеалар оқимини бир сония тўхтатиб қўйгандай, иккиланиб қолгандай тушунча ҳосил бўлади.

## ТОМОША ВА ТОВУШ

### 1.

Кадрлар остида ёзувли кинофильмни қандай қабул қиласиз? Мазкур ёзувлар қанчалик тез ўқиманг, барибир кўзингиз ҳаракатдаги расмлардан чарчамай иложи йўқ. Ёки кадрларни ўзини кўраман дейишингизга қарамай кўзингиз беихтиёр ёзувга тушиши муқаррар. Шунинг учун бундай расмларни кузатиш жараёнини чизиқли томоша дейиш ҳам мумкин. Яъни на расмларни ва на ёзувларни узлуксиз томоша қилишнинг иложи йўқ. Улар орасидги яхлитлик узилиб туради.

Яна бир мисол. Сақич чайнаб туриб, телефонда гаплашаётган одамга муносабатинигиз қандай? Бундайларни сира ёқтиромайсиз, тўғрими? Нафақат сиз, кўпчилик ёқтиромайди

Агар қаршингизда ўтирган одам оғзида овқат билан гапираётган бўлса, уни тушунишингиз мумкин. Аммо овқатлана туриб телефонда гаплашаётган одамнинг гапини тушуниш қийин. Рўбарў ўтирганда ҳам кўриб турасиз, ҳам эшиласиз. Шунинг учун уни тушунасиз. Аммо телефонда гаплашаётган вақтда фақат эшитиш орқалигина унинг гапини қабул қилишнинг мумкин. Бу ахволда уни тушуниш мушкул.

Театрда эса ҳар икки қабул қилиши жараёни ишлайди. Кўпинча улар ёнма-ён ишлатилса, айрим ҳолларда алоҳида ҳолда бўлади. Пантомима бунга яққол мисол. Спектакль жараёнида гоҳида ҳаракат товуш, сўз тўхтаб (тин олиб) ўтиши керак бўлган саҳналар учрайди. Бу **пауза** ёки “**сукут майдони**” ҳам дейилади. Бир дақиқа овозсиз, мусиқасиз нафас ростлаб олинади. Мана шу бир дақиқанинг таъсир қудрати бутун бир спектаклга тенг бўлиши мумкин.

**Сокинлик, сукут** киши тасаввури, идроки, тафаккури ва шуурини остин-устун қилиб юбориш қудратига эга. Шундай дамларда киши кўз ўнгидаги кўрган фильмлари, спектакллари, ҳаётий воқеалар, кўрилган расмлар, бир-бир қизил ипга тизилгандек ўта бошлайди.

Сокинлиқда рашқ, изҳор этилмаган севги, нафрат, инсон табиатининг барча ожизликлари-ю, қудрати намоён бўлади.

Инсон қалбининг нозик торлари — ўқинч онлари пайдо бўлади Мана шундай сокинлиқдан сўнг бирдан жаранглаб кетадиган сўз, товуш, мусиқа овози қанчалик қудрат ва салоҳиятга эга бўлиши мумкин.

### 2.

Театр санъати тажрибасида воқеалар кўринмай, фақат мусиқа овознинг ўзидан (нидо) иборат бўлган дақиқалар ҳам тез-тез учраб туради.

Яъни мутлақо қоронғилик қўйнида овоз, сўз, мусиқа, турли хил товушлар жаранглаб туриши мумкин. Лекин, ҳар қандай спектаклда ҳам бу усулдан фойдаланиш мумкин эмас.

Спектаклни қах-қах уриб кулиб томоша қилиб ўтирган чоғимизда тўсатдан чироқ ўчиб, қоронғилиқда қоламиз. Бироқ саҳнадан эшитилиб турган овоз, мусиқа ёки турли шовқинлар бизни хаёлий олам сари етаклайди. Бундай дамларда бошқача ҳис-ҳаяжон ҳам қўзғалиши мумкин.

Фожиавий саҳнадан сўнг, зим-зиё қоронгилик қўйнида қолишимиз мумкин. Бизнинг кўзларимиз бир муддат тин олсада, тараляётган мусиқа бизга хаёлан спектаклни давом эттириш имконини яратади. Бундай кезларда, мусиқа оҳанглари таъсирида "энди нима бўлиши мумкин" лигини кўз олдимизга келтирамиз.

Ёки яна бошқа бир мисол.

Саҳнадаги одам қимир этмай хаёл суриб турипти. У шу тақлид бир неча сония туриши мумкин. Ниҳоят кулисдан уни чақирган овоз эшитилади. Аммо у ўз хаёли билан бандлиги туфайли ҳеч нарсани эшитмайди. ТОмошабин эътибори фақат овозга, эшитишга қаратилган бўлади.

### 3.

. Спектаклда эшитиши билан кўришни ёнма -ён олиб борар эканмиз, инсонга хос бўлган ўхшатишлар орқали "**тасаввурни уйғотиши**"(ассоциация деган тушунчани унутмаслигимиз керак. Кундалик турмушимида учрайдиган кўпчилик тасодифий ҳодисалар қатори бир куни кўчада "итни машина уриб юбориши" ҳодисасининг гувоҳи бўлиб қоламиз. Эндиликда чўлоқ итни кўришимиз билан қулоғимиз остида итнинг вангиллаган овози эшитилади.

Яна бошқа бир мисол. Дераза ёнида турган аёлнинг ёнига аста яқинлашган йигит оҳиста "севаман", дейди. Бу ерда ҳам кўриб, ҳам эшитиб турибмиз. Сўз билан мизансаҳнанинг боғлиқлигини англаб турибмиз.

Келинг, шу саҳна орқали режиссёрнинг бир неча талқинини кўриб чиқайлик. Шу билан бирга тасаввуримизда нималар уйғониши мумкинлигини ҳам кузатайлик.

1.-Қиз дераза ёнида турипти. Йигит унинг ортидан келиб тўхтайди. Томошабин ҳозир уни нима дейишини олдиндан билади. Ҳақиқатан ҳам у "севаман", деди. Бироқ саҳна шу билан тугамайди. Йигитнинг "севаман" деган сўзига қиз жавоб бермади. Шундан сўнг йигит унинг ёнига яна бир неча марта яқинлашар экан, ҳар сафар "севаман" деган сўзни такрорлайди. Агар йигит яна бир марта қизнинг ёнига келиб "севаман" демаса ҳам биз уни нима дейишини олдиндан биламиз. Шунинг учун бизга бу саҳна кўп ҳам қизиқарли туюлмайди.

2.- Дераза олдидаги қизнинг ортидан йигит ҳам келиб тўхтади. Иккаласи деразадан ташқарига қараб турипти. Аммо иккаласи ҳам оғиз очгани йўқ. Бу саҳна бир неча бор такрорла нади. Ва ниҳоят, тўртингчи келишида йигит "севаман", деди. Биз дарҳол йигит шу сўзни айтгунча қанчалик қийналганлигини тушунамиз.

3. Йигит бир неча бор қизнинг ёнига келиб "севаман", дейди. Қиз жавоб қайтармайди. Йигит яна бир марта келади. Узоқ туради. Сўнгра, ҳеч нарса демай ортига бурилиб кетади. Бу саҳнани кузатар эканмиз "йигитни ундан қўнгли қолди", деган фикр хаёлимизга келади. Шунинг учун мизансаҳналарни ўзгартириш орқали кутилмаган таассурот, янги ҳолат, янги саҳналар яратиш мумкин экан.

4. Йигит қизнинг ёнига яқинлашиб, унинг қулоғига оҳиста "севаман", дейди. Лекин қиз индамайди. Йигит иккинчи сафар ундан анча узокроқда тұхтайди ва бор овози билан "севамааан!" деб қичқиради. Күз ўнгимизда, аввалига мұрт бўлиб кўринган муносабат кучга тўлиб, қувват олиб, илҳомланиб, ҳеч кимдан ҳайиқмай баралла янграйди. Бу сўз қулоғимизга мусиқа мисол эшишилади.

#### 4.

Агар машина уриб кетган ит воқеасига қайтадиган бўлсақ, вангиллаган ит овозини эшиши ёки машинанинг қаттиқ тормоз берган овозини эшишишимиз билан кўз ўнгимизда ерда чалажон ётган ит намоён бўлади. Машина урган итнинг овозини эшитгандай бўламиз. Бу ерда ҳам эшиши, ҳам кўриш орқали тасаввур ишга тушади. Энди шу воқеага бошқа томондан қараб кўрсакчи. Ўша машина итни уриб кетган вақтда сизнинг кайфиятингиз қандай эди. Хотиржам, ҳеч нарсани ташвишини тортмай, бамайлихотир турган бўлсангиз, ўша мудҳиш ҳодиса кўз олдингизда гавдаланади. Агар ўша куни, ўша вақтда энг яқин одамингиз сизни ҳафа қилиб кўйган бўлсачи? Ёки учрашувдан димоғингиз чоғ қайтаётган бўлсангизчи? У ҳолда, ит ва машина овози ўша вақтдаги кайфиятингиз ва учрашган одамларингизни эсга солади. Эсга солибгина қолмай, ўша одамларнинг юз, кўзи, важоҳати-ю, латофати тасаввурингизда намоён бўлиши аниқ. Режиссёр инсон табиатининг бундай кенг имкониятларидан фойдаланган ҳолда ижодий иқтидорини яна ҳам кенгайтириши мумкин.

Яна бошқа бир мисол. Гўзал қиз боғда сайр қилиб юрипти. Атрофдан булбулнинг хониши эшишилмоқда. Мана, у кутган йигит қиз томон ошиқяпти. Улар учрашдилар. Бошқа бир кўринища яна ўша қиз учрашувга чиқкан. Аммо кимдир, электродрел билан бетон деворни тешяпти. Тўсатдан безорилар қизга ҳужум қилиб, уни зўрламоқчи бўлишади. Яна ўша манзара. Яна ўша қиз боғда сайр қилиб юрипти. Қаердандир электродрелнинг овози эшишилади. Томошабин хаёлида дарҳол қизни зўрламоқчи бўлган безорилар воқеаси гавдаланади. Ҳаётда ҳам айнан шундай бўлиши мумкин.

Энди, худди шу воқеани яна бошқача бир кўринища тасаввур қилиб кўрайлик. Яъни, қиз йигит билан электродрелнинг чийиллаган овози остида учрашиб, севги изҳори рўй берсин. Булбул сайраётган чоғда эса безорилар қизга ҳужум қилсин. Шу саҳнани яна такрорлаш лозим бўлса, энди электродрел овози остида кўз ўнгимизда беихтиёр йигит ва қизнинг чехраси гавдаланади. Булбул сайроғи остида эса безорилар кўз олдимизга келади. Бундан бошқача ҳам бўлиши ва режиссёр ҳар сафар янги-янги таъсир воситаларини топиши мумкин. Бундан факат спектакль ва унинг бадиий қиймати, томошавийлиги ортади, холос.

Лекин ўша учрашув чоғида, электродрел ўрнида қарғанинг қағиллашини эшитсакчи. У ҳолда, қарғанинг овози хунук воқеа рўй бериши мумкинлигини олдиндан бизга сездириб туради. Чунки, қарғанинг ўзи бизнинг тасаввуримизда жирканч, хунук, ноxуш кайфиятни уйғотади.

## **ВАҚТ, МАКОН, МАРОМ**

(Время — пространство — ритм)

1.

Рўпарамизда янги бино қад кўтариб турипти. Биринчи қараашдаёқ негадир у ғашимизни келтиради. Диққат билан иншоотга тикиламиз. Бинонинг бўйи энига мутаносибми? Деразаларининг бири ҳаддан ташқари катта бўлса, бошқаси ўта ингичка ва чўзиқ. Уйнинг томи ҳам қандайдир бинонинг ташқи кўринишига мос эмас, бачкана туюлади. Уйнинг иккинчи қаватидан қўпол пешайвон ташқарига туртиб чиқсан. Демак, уйнинг лойиҳачиси бинога хос бўлган маромни бузипти, деймиз.

Бошқа ҳолат. Бир одам шеър ўқияпти. Сатрлар гоҳ чўзилиб, гоҳ тўмтоқ эштилади. Бу ерда шеърнинг вазни бузилган. Бунинг устига ўқувчи ҳам маромни бузяпти, деймиз.

Бино билан боғлиқ ҳолатда макондаги меъйёр бузилган бўлса, шеър ўқиша вақт мароми бузиляпти.

Мусиқа билан шуғулланмоқчи бўлган одамнинг, аввало, мусиқий қобилияти ёки эшитиш(слух) қобилияти бор-йўқлиги аниқланади. Агар эшитиш қобилияти жойида бўлса яхши. Эшитиш қобилияти бор бўлиб, у ривожланмаган бўлса, уни ривожлантириш мумкин. Борди-ю, унинг эшитиш қобилияти, мусиқий хотираси бўлмаса бошқа касб билан шуғуллангани фойдалироқ бўлади. Худди шундай режиссёрда ҳам эшитиш. кўриш, ҳис қилиш қобилияти бўлиши шарт. Унинг бу қобилияти маконни кўриб ва замонни ҳис этиши, маромни сезиши билан ўлчанади.

Вақтни ҳис этиш бу тезликни сезиши демакдир.

Мисолларга мурожат қиласайлик.

Репетиция кетяпти. Мана, бир сахна ижро этилди. Қандай ижро этилди? Тезми? Секинми? Ёки чўзилдими? Ҳозирча залда томошабин йўқ. Шунинг учун бу нарсани режиссёрдан бошқа ҳеч ким сезмайди. Ижро этилган сахнадаги ҳолатларга ишониш мумкини, йўқми? Зерикарлами, қизикарлами? Овознинг таъсир кучи қандай кечяпти? Мусиқа, овозлар, шовқинлар қандай эшитиляпти, томошабинга қандай таъсир кўрсатиши мумкин? Буларнинг ҳамма-ҳаммасини режиссёр сезиши, ҳис этиши шарт! Бу эса режиссёрнинг эшитиш, сезиши, ҳис этиш қобилиятига боғлиқ. Худди шунингдек, режиссёр маконни ҳам сезиши керак. Биринчи планда турган беўхшов дарахтни олиб ташлаш билан сахна, бутунлай бошқача кўриниш касб этади. Лекин режиссёр буни кўрмайтган бўлсачи? Демак, унинг макондаги кўриш қобилияти ишламаяпти.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, режиссёрнинг эшитиш, кўриш, ҳис этиш қобилияти бўлиши маконни, маромни, вазни, маромни, ёлғон билан ростни, томошабиннинг муносабатини олдиндан кўра билиш демакдир.

Режиссёрлик салоҳияти тўғрисида яна бир мисол:

Спектакль бошланди, сахна ҳали қоронғи. Олисдан хор ижросидаги қўшиқ янграмоқда. Фира-шира чироқ нурида беш кишидан иборат чегарачилар кўзга ташланади. Уларнинг бири у ёқдан, бу ёққа одимлаб турипти. Тўрт киши ғоз турипти. Аста қоронғилик чекиниб, сахна ёришабошлайди. Лекин сахнадаги одамлар аниқ-тиник кўрингач, уларнинг ҳолати кўнгилга ўтирумайди. Тўрт

киши нокулай жойлаштирилган. Икки киши чап томонда жойлашган бўлиб, уларнинг орасидаги масофа икки метрча бор. Ўнг тарафдаги икки кишининг оралиғи бир метрча бор. Уларнинг бу хилдаги туриши, декорацияга ёпишмайди. Томошабинни яна нимадир ғашини келтиради. Бешинчи жангчи улар олдида нари-бери юриб турипти. Лекин, унинг одимлари на мусиқага ва на секин ёнаётган чироқларга монанд. Шунга қарамай биз бадиий воқеликни қабул қиляпмиз. Тонг. Бешта жангчи қурилишга қоровуллик қиляпти. Бу саҳна давом этяпти. Ҳали-ҳануз саҳна ўзгаргани йўқ. Ҳаддан ташқари чўзилган... Демак, вақт ва маконнинг бир-бирига монандлиги бузилган. Спектакль бошланишиданоқ режиссёрнинг бу соҳадаги оқсоқлиги сезилиб турипти. Томошабиннинг спектакль бошиданоқ ҳафсаласи пир бўла бошлайди...

## 2.

Композитор янги асар устида иш бошлар экан, куйни, оҳангни, маромни, вақт бирлигини, меъерини, динамик ривожланиши жараёнини ҳисобга олиши керак бўлади.

Архитектор, ҳайкалтарош, рассом ҳар бир чизик, ҳажм, ранглар уйғунлигини ҳисобга олиши керак.

Балетмейстер, кино ва театр режиссёри вақт ва маконни ўзгаришларини биргаликда ва алоҳида ҳолдаги кўринишини ҳисобга олиб, мизансаҳналар яратиши зарур.

Албатта, вақт ва маконни биргаликда хаёлан бирлаштириш жуда қийин. Лекин вақт ва маконни ҳамжиҳатликда кўра билиш ниҳоятда муҳимдир.

Мисол учун, режиссёр актёр орқали интизорлик билан кутиш жараёнини акс эттириши лозим.

Агар сиз актёрдан бир жойда туриб, вақт ўтказиш учун хиргойи қилишликни, ёки овоз чиқариб санашни талаб қилсангиз, бу ерда таъсир воситаси вақт бирлигига акс этган бўлади.

Агар актёрга бир неча нуқталарни кўрсатиб, у нуқтадан бу нуқтага сабрсизлик билан ўтиб туришликни таклиф қилсангиз, унда таъсир воситаси *бесабрлик* бўлиб қолади, ҳамда бу восита ҳам вақт, ҳам маконда аксини топади.

Албатта, актёр саҳнада хиргойи қилиб кутар экан, ўз-ўзидан бир жойдан иккинчисига ўтиб туриши ёки жойларни ўзгартиши жараёнida хиргойи қилиши мумкин. Лекин ҳар икки ҳолатда режиссёрнинг мақсади, бошқа-бошқа бўлиб, биринчи галда қайси ҳолатни акс эттирмоқчи эканлигига боғлиқ.

Яна бир мисол. Саҳнада бир хонадоннинг уйи. Саҳнанинг чап томонидаги столда қизалоқ дарс тайёрлаб ўтирипти. Ўнг томондаги курсида унинг онаси кўйлак тикияпти. Ўртада жавон. Пъеса воқеасига мувофиқ, қизча фурсат пойлаб жавондан шоколад ўғирлаши керак.

Кўз ўнгимиздаги маконда жойлашган обьектлардан қайси бири бизнинг эътиборимизни ўзига қаратиши керак? Она ва боланинг қандай ўтиришим? Иккаласи ҳам зерикаётганлигими? Ёки улардан бири берилиб ишлаётганлигими?

Бу саҳна кўз ўнгимизда намоён бўлиб улгурмай, вақт деган шафқатсиз нарса ўз ҳукмини ўтказа бошлайди. Режиссёр бу манзарага қанча тикилиб ўтиришимиз мумкинлигини белгилаб бериши керак.

Бу эса бизга етказмоқчи бўлган бадиий ахборотнинг сонига боғлиқ. Агар режиссёр қизни дарс қилаётгани, онанинг кийим тикаётганлигини кўрсатмоқчи

бўлса, бу бир нарса. Агар режиссёр қизни бир жойда ўтира олмаётганлиги, у дарс тўғрисида эмас, жавондаги шоколадни ўйлаётганлигини, онаси эса ҳеч нарсани сезмаётганлигини кўрсатмоқчи бўлса, бу иккинчи масала.

Саҳнадаги бадиий ахборотнинг сифати, артистларнинг маҳорати орқали томошабинни ушлаб туриш мумкин. Бир жойда қимиrlамай ўтирган ҳолда, эътиборимизни қанча ушлаб турла олишига боғлик.

Ниҳоят, она йўлакдан келаётган оёқ товушини эшитиб, ташқарига чиқди. Шу заҳоти қизалоқ ўрнидан туриб, жавон томонга интилди. Аммо онани қайтиб келаётганини сезиб, жойига бориб ўтирди.

Хўш, режиссёр шу саҳна учун қанча майдон ва вақт ажратади? Қизнинг бир жойда ўтириб сабрсизланаётганини, қийналётганини кўрсатиш муҳимми ёки жавон томонга қандай қилиб боришини кўрсатиш муҳимми? Биринчи ҳолда *вақт бирлиги* ишга тушади. Иккинчи ҳолатда эса *макон бирлиги* ишга тушади.

Режиссёрнинг фикрига қараб, улар биринчи ёки иккинчи ўринга ўтиши мумкин. Балки саҳналаштирувчи учун ҳар икки ҳолат ҳам муҳим аҳамиятга эгадир. Ҳамма гап уларни бир ҳолатдан иккинчи ҳолатга қандай ўтишида. Ҳаракатларнинг пластик кўчишига боғлик. Уларнинг ҳамоҳанглигига боғлик. Демак, режиссёр ихтиёрида ҳам жуғрофий майдон, ҳам вақт бирлиги мавжуддир. Ҳамма гап улардан оқилона ва унумли фойдаланишда.

### 3.

Режиссёр зарурият туғилган дамда макон ва вақт бирлигини ажратади билиши керак.

Саҳнада чопиб бораётган одамни акс эттириш учун унинг таъсир кучини ошириш, томошабин онгига қандай таъсир этаётганини билиши, томошабин онгидаги ҳаракатни қанчалик сақланиб туришлигини текшириш мақсадида чопиб бораётган одамни бир муддат тўхтатиб қўйиши ҳам мумкин. Натижанинг қандайлигига қараб, *саҳнадаги* одам шаклини, қиёфасини, *макондаги* ҳаракат йўналишини ўзгартириши мумкин.

Шунингдек, саҳнадаги одам ҳаракатини вақт бирлигига ҳам синааб қўриши мумкин экан. Яъни унинг ҳаракатларини тезлаштириши ёки секинлаштириши мумкин. Бир жойда чопиши, секин чопиши, чопиб тўхтаб, ҳаракат қилиши мумкин. Агар ҳаракатларни тезлаштиromoқчи бўлса, қарши тўсиқларни кўпайтириши лозим. Масалан, қарама-қарши бораётган одамлар сонини, йўлида учрайдиган турли буюмлар, ёритиш рангларини ўзгартириш орқали ҳам бунга эришиш мумкин.

Яна бир мисол. Ваҳший ҳайвон сакрашга ҳозирлик кўрмоқда. Режиссёр ана шу тайёргарлик жараёнида ҳайвоннинг тезлигини, қаергача сакраши мумкинлигини, албатта, кўра билиши лозим.

Бунинг учун режиссёр ўзи яшаётган замон ва макондаги ҳаёт тезлигини, шиддатини яхши ўзлаштирган бўлиши керак. Шундагина, ҳар бир спектаклда шу асарга хос бўлган вақт ва макон бирлигини ҳис этабилади. Воқеликни томошабинга ишонарли тарзда етказиб бериш салоҳиятига эга бўлади.

## СҮЗСИЗ ҲАРАКАТ ВА ПАНТОМИМА

### 1.

Гавда ва унинг аъзолари ёрдамида бажариладиган ифодали ҳаракат *пантомима* дейилади.

Кўз ўнгимиизда ёп-ёруғ кимсасиз саҳна.

Чап тарафдаги кулисдан қора трико кийган одам кўринади. Унинг қўлида тасаввурдаги жомадон. У қўлидаги жомадан билан ўзи йўқ эшикларга бир-бир мўралаб келяпти. Демак, меҳмонхонада ўз ҳужрасини изляяпти. Мана, ниҳоят излаган хонасини топди. Кўлидаги (тасаввурдаги) жомадонни ерга қўйди. Тасаввурдаги калит билан эшикни очиб, ичкарига кирди. Ичкари қопқоронғи. Тасаввурдаги курсига қоқилиб йиқилиб тушди. Тиззасини ишқалаб ўрнидан турди ва девордан ўзи йўқ чироқ ёққични қидира бошлади. Уни ҳам топди. Бизнинг тасаввуримизда чироқ ёнди. У тасаввурдаги курсига ўтиради. Жомадондан ўзи йўқ кийим ва буюмларини олиб, ўзи йўқ шкафнинг бўлмаларига жойлашга тутинади.

Шу пайт тўсатдан нотаниш аёлнинг қўшиғи эшитилади. Бир муддат ўзи йўқ деворга суюнган ҳолда, ҳузур қилиб қўшиқ тинглайди. Сўнгра ўзи йўқ эшикни очиб, ўзи йўқ пешайвонга чиқади. У тоза ҳавода маза қилиб қўшиқ тинглайди. У пешайвон орқали хонага мўралашга ҳаракат қиласди. Тўсатдан ўйланиб, тўхтаб қолади. Шу ҳолатда ижрочи ҳаракатдан тўхтаб, саҳнанинг бошқа тарафига ўтади.

Жомадон кўтарган кишининг барча ҳаракатлари ўзгаради. Кўз ўнгимиизда аёл. Ўзи йўқ сознинг торларини чертиб, қўшиқ куйламоқда. Аниқроғи оғзини очиб-ёпади. Қизнинг кўзи бирдан қўшни пешайвондаги йигитга тушади. Бу саҳна ҳам аввалгиси каби шу ерда тўхтайди.

Актёр аввалги йигит ҳолатига қайтади. Яна қўшиққа қулоқ тутади. Ниҳоят, қизни гапга солишга жазм қиласди. Лабларини қимирлатиб, нималардир дейди. Сўнгра қизнинг жавобини эшитади. Қизга нимадир ҳикоя қила бошлайди. Гапга қизиқиб кетиб, пешайвондан ошиб ўтади ва иккала пешайвон оралиғида осилиб қолади. Мақсадга эришай деганида, қиз қўрқиб, пешайвон эшигини ёпиб, қочиб чиқади. Саргузаштлар ишқибози бироннинг пешайвонида қамалиб қолади. Ҳар қанча эшикни тақиллатгани билан ичкаридан садо чиқмайди.

Ортга қайтишга юрак дов бермайди. Нима қилиш керак?

Шу воеани драматик театрда ижро этиш мумкинми?

Агар мумкин бўлса, қандай?

Саҳнага йўлак ва эшиклардан иборат декорация жойлаштирилган. Уст-боши замонасига мос йигит қўлида жомадон билан йўлақдан юриб келяпти. Ўзига керакли хонани топиб, чўнтағидан калитни олади ва эшикни очиб, қоронғи хонага кириб қолади. Ёққични топиб, чироқ ёқади. Хона ёришади. Йигит жомадонини очиб, турли буюмлар, электр соқол олгич, тиш чўтка, совунларни керакли жойларга қўяди. Саҳнанинг бошқа бўлагида аввалдан қурилган пешайвон кўринишидаги декорация. Айвондаги қиз курсига ўтириб, қўлидаги созни чертади ва қўшиқ кўйлайди. Йигит қулоқ солади. У ҳам пешайвонга чиқиб, қизни гапга солади. Сўнгра пешайвон панжарасидан ошиб, қўшни айвонга ўта бошлайди. Қиз қўрққанидан айвон эшигини ёпиб, ичкарига кириб кетади. Ҳар иккала ижронинг таъсир кучи, бадиий қиймати бошқа бошқадир. Ташқаридан қараганда улар ўртасида мутлақо боғлиқлик йўқдек кўринади. Аслидачи, ҳар иккала ижро ҳам саҳна санъатига (тилига) хос унсурларга асослангандир.

Энди кўриб ўтилган воқеанинг иккинчи драматик шаклини таҳлил қилиб кўрайлик. Сахнада йўлак. Аммо ҳақиқий эмас, йўлакни билдирувчи чизмаси. Одатдагидай, икки девор ўрнига битта девор. Қатор эшиклар ўрнида кичик уч эшик бўлиб, уларнинг кўпчилиги очилмайди. Чизилган эшиклар. Бу ерда ҳам актёрнинг пластикаси керак бўлади. Негаки, у йўлакдан бошқа томонга қадам ташлаб юборса, йўлак кўриниши дарҳол кўздан йўқолади. Демак, бу ерда пантомима билан ҳамоҳанг ҳаракат керак экан. Чунки, драматик театр актёри ҳам ўз гавдаси билан маълум бўшлиқни, майдонни томошабинга сездира олиши керак. Йигитнинг қўлида ҳақиқий жомадон. Унинг оғирлиги қандай? Томошабин учун ўн беш килограммча оғирлиги борлиги сезилиши зарур. Аслидачи? Ўн беш килограмм чиқишига ишониш қийин. Ҳаваскор актёр оғирликни сезиши учун ичига фишт солиб олган бўлиши ҳам мумкин. Лекин қўлда шунча юқ билан ролни кўнгилдагидай ижро этиш мушкул. Унинг устига ҳақиқий юқ кўтариш билан ёлғондакам оғирликни кўтариш ўртасида фарқ бор. Ҳақиқий оғирлик спектаклнинг бадиий тўқимасига қовушмайди. Яхшиси, оғирликни тассавур қилган маъқул. Негаки, драматик актёр ҳам, пантомима актёри ҳам гавда ҳаракати билан бир бирига жуда яқин туради.

Қаҳрамонимиз чўнтағидан ҳақиқий калитни олиб, эшикни очмоқчи бўлади. Ҳақиқий калит ва ҳақиқий эшик бадиий тўқимага салбий таъсир кўрсатмайдими? Агар эшикни тешиб, ҳақиқий қулф ўрнатилсанга ҳаётй бўлиши мумкин.

Эшик очиб, қоронги хонага кириб қолади. Чирок ёққичга қўлини узатиши билан хона ёришиб кетади. Аммо бу ердаги қоронгиликни пантомима каби шартли қабул қилиш керак. Ҳар икки вазиятда ҳам чироқ ёқиши техникаси бир хил.

Мана, жомадон билан бўладиган ҳаракатлар бошланди. Қулфланмаган жомадонни қандай очиш керак. Унинг ичидагиларни томошабин кўриб қолмаслиги учун қандай жойлаштириш керак? Жомадоннинг ичи тўла эканлигини томошабинга сездириш, ичини ковлашни қандай амалга ошириш керак?

Ва ниҳоят, пантомимадаги қаҳрамонимиз қўлига соз олиб, қўшиқ куйлай бошлади. Пантомимага қараганда бу саҳнадаги актёр ҳаяжонли қўшиқни қандай ижро этиши керак бўлади? Агар актриса соз чалиб қўшиқ айтишни билмасачи? Кулис ортидан қиз учун бошқа одам қўшиқ айтиётган бўлсачи? Бизнинг қаҳрамонимиз юрак ютиб уни тинглаши керак. Пантомимада актёр тасаввурдаги деворга суюниб қулоқ солади. Ҳозир эса ҳақиқий деворни кўриб турибмиз. Аммо саҳнанинг биринчи қисмидаги девор узоққа чўзилмаган бўлиб, узилган жойидан бошлаб давомини тасаввур қилишимиз керак. Боринг ана, девор ҳақиқий ҳам дейлик. Лекин унга бутун оғирликни ташлаб суюниб бўладими? Агар декорация ҳаётдагидай қилиб ясалса, уни кўтариб бўлмайдику! Шунинг учун драматик актёр ҳам пантомима актёри қатори тасаввурдаги деворга суюниши керак экан. Пантомима актёри тасаввурдаги курсига ўтиради. Бу энди актёрдан алоҳида тайёргарликни талаб қиласди. Драматик актёр эса ҳақиқий курсига ўтиради. Аммо курсининг мустаҳкамлигига ҳеч ким кафолат бермайди. Шунинг учун курсига енгил ва охиста ўтириш керак. Бунинг устига қаҳрамоннинг ижтимоий келиб чиқиши, касби, амалини ҳам шу ўтириш орқали билдириш керак.

Драма ва пантомима театридаги ижро усули шартлилиқдан фойдаланиш йўллари турличадир. Аммо ҳар икки усулнинг табиати бир хил. Шунинг учун режиссёр мизансаҳна устида ишлаётган вақтда ҳар иккала санъатнинг ўзига хос шартлилигини, усул ва техникасидан ўринли фойдалана билиши шарт.

Саҳнанинг биринчи қисмидаги актёр олдинга бир қадам ташлайди. Томошабин боши узра бир нуқтага тикилиб, кўйлагининг ёқасини тузатиб, бўйинбоғ боғлайди. Унинг бир нуқтага қарашидан, у ён, бу ёнга бурилиб, яна ўша нуқтага тикилишидан томошабин актёрни кўзгу қаршисида турганини тушунади. Режиссёр мазкур саҳнада тўртинчи деворни кўзгу ўрнида ишлатган ва спектаклнинг бир қисмига айлантирган.

**Тўртинчи девор** деган ибора К. С. Станиславский томонидан киритилган бўлиб, у даврда актёрлар томошабинга ўйнашар, унга ёқишига ҳаракат қилишар эди. Бундан норози бўлган буюк реформатор, актёрларни кўзга кўринмас тўртинчи девор билан томошабинлардан тўсиб қўяди. Иккинчи томондан, тўртинчи девор тикланиши орқали томошабинга янада кўпроқ таъсир кўрсатишлик мақсади кўзланган эди. Пантомима жанрида "девор" деган элемент мавжуд бўлиб, ижрочи қўллари ёрдамида кўзга кўринмас деворни пайпаслаб унга суянади, қўлларини тирайди, елкасини қўяди ва ҳоказо. Тўртинчи девордан фойдаланишнинг энг қулай ҳолати бу залга рўпара туришликдир. Шундагина тасаввурда тўртинчи девор пайдо бўлади. Биз ҳам ана шу ҳолатни таҳлил қилиб кўрамиз.

Тўртинчи девордан фойдаланишда яна ўша пантомима усулига мурожаат қилишга тўғри келади. Сўзиз ҳаракат қилувчи актёр учун тўртинчи девор катак, маҳбусхона панжараси, кичик хужра дарчаси ёки баҳайбат кўзгу кўринишида бўлиши ҳам мумкин. Сўзиз ижрочи тўртинчи деворга мих қоқиб, унга кийимини илиши ҳам мумкин. (Албатта, кўзга кўринмас мих ва кийим.)

Драматик спектаклларда ҳам кўпгина уй-рўзғор бўюмларини худди шу тўртинчи девор ўрнига қўйиши, ундан фойдаланиш мумкин. Сўзимиз бошида кўзгу ўрнида ишлатилган тўртинчи девор ва ундан қай йўсинда фойдаланиш мумкинлигини мисол тариқасида келтирган эдик.

Саҳнага ҳақиқий кўзгу қўйиши мумкинми? Албатта, мумкин. Бироқ ҳақиқий кўзгу юқоридан тушаётган нурни қайтариб, томошабин фикрини чалғитади. Унинг устига декорациянинг томошабинга кўрсатиш мумкин бўлмаган қисмини, кулисдаги одамларни ҳам акс эттириши мумкин. Демак, ҳақиқий кўзгу ишлатиб бўлмаса, бутафор ясаган кўзгуни кўрсатиш мумкиндир? Лекин кўзгунинг ёлғондакам, ясама эканлиги бир қарашдаёқ маълум бўлиб қолади. Бундай шароитда энг қулай ва таъсирчан йўл тўртинчи деворни кўзгу ўрнида ишлатишлик. Бордию спектакль мазмунига кўра кўзгу эмас, уйнинг деразаси керак бўлиб қолсачи? У ҳолда нима қилиш керак? Агар саҳна ортига дераза қўйиб, ундан бошини чиқариб турган иштирокчилар баҳс юритишса, баҳснинг қанча чўзилишидан қатъий назар, томошабин уларнинг юзини эмас, елкасини кўради. Агар деразани саҳна олдига ўрнатилса, қаҳрамонларнинг юзи кўринади, бироқ белидан пасти кўринмайди. Унинг устига бошқа воқеа иштирокчиларини тўсиб қўяди. Ягона тўғри йўл, тасаввурдаги дераза саҳна олдида бўлиши керак. Бу ҳолатда иштирокчилар, томошабин боши оша тўғрига қараши, баҳс-мунозара юритиши, севги изҳор қилиши мумкин ва бу ҳолат бошқа қаҳрамонларга мутлақо ҳалақит бермайди.

Тўртинчи деворнинг яна бир афзаллиги режиссёр актёрни "йирик планда" кўрсатиш имкониятига эга бўлади. Дейлик, саҳнанинг бир четига кўрпача ташлаб қўйилган. Қаҳрамонлардан бири унга ёнбошлайдида, юзини тўртинчи девор томонга буриб олади. Томошабин унинг юзини, чехрасидаги ўзгаришларни bemalol кузатиш имкониятига эга бўлади.

### **3. Стол атрофида бўладиган саҳналар**

Тушлик. Одамларни қандай ўтқазиш керак?

Агар режиссёр томошабинга кўринадиган томонини очик қолдирса, макон бўшлиғи мантиқи ҳамда ҳаёт ҳақиқати бузилади. Агар меҳмонлар икки томонга ўтқазилса, биринчи сафдагиларнинг ёнбошида ўтирганлар кўринмай қолади. Агар тўртинчи девор томонга бир одам ўтқазилса, олдинда ўтирган томошабинга халақит берибина қолмай, ташқи томондан хунук ҳам кўринади.

Шунинг учун бундай мушкул шароитдан чиқишининг йўлларини ҳар бир режиссёр ўзича қидириши, ечимини топиши лозим.

Агар саҳнага кичикроқ пандус ( олд томони ерга тегиб, орқаси қўтарилиган супача) қўйилса, тўртинчи девор томонда ўтирганнинг елкасидан қарши томондагилар, атрофдагилар ҳам кўриниши мумкин экан. Бошқа бир ҳолатда режиссёр актёrlарни стол теварагига зич ўтқизиб, сўнг кўп ўтмай," бир баҳона билан уларни турғизиб юбориши мумкин. Кўпинча, стол атрофида кечадиган саҳналарни тайёрлашда қўшимча диққат манбаларидан фойдаланиш ҳам самарали натижа беради. Масалан, ўтирганлар телевизор кўраётган бўлиши мумкин. Телевизор экрани эса тўртинчи девор ўрнида, яъни томоша залида деб тасаввур қилинади. Ёинки тўртинчи девор ўрнида дераза бор деб тасаввур қилиш мумкин. Ўтирганлар деразадан ташқарини томоша қилишмоқда. Яна бошқа бир шароитда (спектаклнинг жанридан келиб чиқиб) икки томони параллел бўлган стол атрофига ўтказиб қўйиш ҳам зарар қилмайди. Шундай қилинганида ҳар икки томондаги актёrlарнинг юзи кўринади. Албатта, ҳар бир усулдан фойдаланишда, театр санъати қоидалари ва ҳаётий ҳақиқат мезонларидан ташқарига чиқиб кетмаслик керак.

### **4.**

Бадиий адабиёт, тасвирий санъат, кино, телевизор ўзининг манзараларни тасвирлаши, кўрсатиши, акс эттириши билан кучли таъсир кўрсатади. Аммо саҳнадачи? Саҳнада ҳам рассомлар кинопроекциялардан, бўртириб ишланган манзарали тасвирлардан фойдаланиши мумкин. Лекин саҳнадаги манзара ҳақиқий бадиий тасаввурни пайдо қила олмайди. Шунинг учун бундай кезларда бирдан-бир тўғри йўл манзарали саҳналарни актёрнинг ижроси орқали томошабинга етказишидир. Актёр айвонга чиқиб, томошабин боши оша бирон-бир нуқтага тикилган ҳолда тасаввуримизда мажнунтоллар, теракзор, пахтазор пайдо қилиши мумкин.

Агар тахмин этиладиган саҳна катта хона ичидаги бўлса, тўртинчи деворни саҳна четидан эмас, томоша залиниг бешинчи олтинчи қаторидан ўтқазиш мумкин. Бундай саҳнада актёр олдинроқقا, ҳатто саҳна четигача келиши ва томошабиннинг боши оша тасаввурдаги манзарани кузатиши, муносабат билдириши, ундан таъсиrlаниши мумкин. Бундай мизансаҳнада актёрнинг барча юз ифодаларини кузатиш мумкин. Иккинчидан, актёр ўзи ишонган нарсага томошабинни ҳам ишонтириши осон бўлади. Лекин режиссёр, пъеса матнининг ўзини мизансаҳна қилмоқчи бўлса, қиз қаерда туриши, йигитни нима билан машғуллиги, ёғаётган ёмғирни кўриш учун қайси дераза ёнига боришлиги, секин борадими, асабийлашганми, бефарқми — ана шуларни аниқлашнинг ўзи кифоя қиладими?

Актёр дераза олдига ўзи билганича боради қўяди. Энди мана шу кичик саҳнанинг таг заминида нималар ётганлигини аниқлашга ҳаракат қилиб кўрайлик. Бундай кезларда Станиславский берилган саҳнани **ҳаракатга келтирувчи қувватни** топиш учун уларга кичик **сарлавҳалар қўйиб** чиқишликни маслаҳат берган эди.

Мисол учун юқорида кўриб ўтган саҳнани "**зерикиш**" дея сарлавҳа қўяйлик.

Телефон ёнига ўтириб олган йигит ён дафтарчасини вараклаяпти. Телевизор рўпарасида ўтирган қиз қизиқроқ кўрсатув топиш мақсадида дастурни алмаштиради. Ниҳоят телевизорни ўчириб, сумкасидан хат олади. Истамайгина хатни очиб, кўз югуртиради. Аста-секин хатни берилиб ўқий бошлайди.

**Йигит:** — (Ўрнидан туриб келиб, юмшоқ курсига ёнбошлайди.) Хўш?

**Қиз:** — (хатни қўйиб) Ҳеч нарса.

**Йигит:** — Ёмғир ёғяпти.

**Қиз:** (Йигитни ухлаб қолганини кўриб, ўзи дераза ёнига келади.) Ҳа, ёмғир ёғяпти.

Энди саҳнага "**Омадсизлик**" деб сарлаҳа қўяйлик.

Саҳнада расм соладиган молберт, турли хил ранглар, ёзув машинкаси. Қўлидаги хат билан қиз югуриб киради. Уст кийимини ечмасдан хатни очиб ўқий бошлайди. Унинг юзидаги қувонч аста йўқола бошлайди. Қиз кирган эшикдан йигит ҳам киради. Қизнинг қўлидаги хатни кўриб, тўхтаб қолади.

**Йигит:** (қизнинг ҳолатини тушуниб) Хўш?

**Қиз:** — Ҳеч нарса! (Хатни столда қолдириб, расм ишланадиган молберт ёнига яқинлашади. Ундаги расмга тикилиб, хаёл суради.)

**Йигит:** — (Хатни кўздан кечириб, қизни кузатади.) Ёмғир ёғяпти.

**Қиз:** (ўзи сезмаган ҳолда) Ёмғир ёғяпти (расмдан узоқлашади).

Энди шу саҳнага "**Рашқ**" деб сарлаҳа қўямиз.

Қиз чой қайнатяпти. Йигит кириб келади ва қизнинг олдига конверт ташлайди. Қиз конвертга қарайман деб, қўлини куйдириб олади. Аммо йигитга сездирмасликка ҳаракат қиласади. Йигит курсига ёнбошлаб китобга тикилади. Қиз йигитнинг ҳолатини кўриб, конвертни очиш-очмаслигини билмайди. Йигит китобни қўйиб, тез чиқиб кетади. Қиз хатни очиб ўқийди, сўнгра сумкасига яширади. Ўз хаёли билан бўлиб, йигитнинг кирганини сезмайди. Йигит чой қуяди. Қиз чўчиб ўгирилади.

**Йигит:** — (хотиржамлик билан тез) Хўшш?

**Қиз:** — Ҳеч нарса (Стол олдига бориб, чой ича бошлайди.)

**Йигит:** — (қулоқ солиб) Ёмғир ёғяпти.

**Қиз:** (ўз хаёли билан банд) Ёмғир ёғяпти.

#### 4.

Биз кўриб ўтган саҳналардаги мизансаҳналар асар воқеасига қараб ўзгариб боради.

Тўғри, ҳар бир писадаги воқеаларнинг маъно ва мазмуни муаллиф томонидан тақдим этилган бўлади. Шунинг учун ҳам ҳар бир мизансаҳнани яратишда асар матнида берилган сўзлар қатламидаги ҳаракатларни қидириб топиш керак.

Бошқача қилиб айтганда, сўзлар остига яширган туб маънони қидирмоқ керак. Мукаммал ёзилган яхши писада иккинчи план бор бўлиб, у сўзлар остига яширган туб маънога эга бўлади ва режиссёрга вазифаси ана шу туб маъно ва мақсадни тўғри топишликда.

Аввал айтиб ўтилганидек, ўкув жараёнининг *иккинчи йилида* талаба ўкув дастурига кўра амалий машғулот сифатида, рассомлар томонидан чизилган маълум бир воқеликни акс этдирадиган расмлар билан ишлаши керак бўлади.

Машҳур рассомлар: Репин, Суриков, Рембрандт, Р. Чориевлар томонидан ишланган расмларда воқеалар тугалланган шаклларда акс этдирилган бўлиб бу асарлар билан ишлаш режиссёр тасаввур ва фантазиясини чархланишига ёрдам беради, композиция қонунларини амалий қўллашни йўналтиришга ёрдам беради.

Мақсад, расмларда акс этдирилган манзара, воқеани жонлантириш талаб қилинади.

Яъни расмда акс этдирилган ходиса **бошланишидан аввал** шу ерда қандай воқеалар бўлиб ўтган ва уларнинг ривожланиб бориши натижасида расмда акс этдирилган манзара қандай ҳосил бўлган? Жонлантириш жараёни расмда акс этдирилган композиция вужудга келиши билан режиссёр қарсак чалиб актёрларни тўхтади. Натижада расмда акс этдирилган ҳолат жонли равища сахнада, кўз ўнгимизда намоён бўлади.

Шуни ҳам таъкидлаб ўтиш лозимки, мазкур машқларда актёр сифатида иштирок этган талabalар учун бу машғулотлар *актёрлик маҳорати* дарси бўлади. Сахналаштирувчи эса ижрочилардан сахнада табиийликни, хатти-характларни мазмунли ва мақсадли бўлишини, ўз-аро муносабатларда жонли мулоқат ўрнатилишини, берилган шарт-шароитни тўғри хис этишлик, воқеаларни ишонарли чиқиши учун эшитиш, кўриш, сезиш, хис этиш каби бошланғич унсурлардан тўғри ва ўрнида фойдалана билиши зарур. Шунингдек мазкур машқлар сахналаштирувчи учун на фақат тасаввур ва фантазиясини ўстирибгина қолмай ўзи ўйлаган фикрини актёр билан ишлаш орқали рўёбга чиқариши, актёрдан ўз мақсадига эришиш йўлида тўғри фойдалана билишликни ўргатади.

Рассом томонидан аксилган манзара ёрдамида сахна композицияси сирларини ўзлаштиради. Сахнада актёрлар билан мизансахна ихтиро қилишга ўрганади.

## УЧИНЧИ БОБ

### Спектакл устида ишлашнинг дастлабки жараёни

#### *Бўлажак спектакл хусусида режиссёрнинг ўй-фикрлари, нияти (замысел)*

Хар қандай бадиий ижоднинг асосий мақсади, бўлажак асар тўғрисидаги ниятни рўёбга чиқаришдан иборатдир. Бу фикр режиссёрга ҳам таълуклидир. Аммо театр **мураккаб санъат тури** бўлиб, режиссёрик нияти, (бошқача қилиб айтганда режиссёрик режаси) кўп қиррали соҳаларни спектакль яратиш учун бирлаштириши керак.

Режиссёр **нияти** деганимизда:

- а). пъесанинг гоявий талқини;*
- б). ҳар бир қаҳрамоннинг тавсифи;*
- в). мазкур спектаклда актёр ижросининг хусусияти, жанри ва усулини аниқлаш;*
- г). спектаклнинг темпо-ритм бирлигидаги ечими (сурат ва маром);*
- д). спектаклнинг маконий ечими (мизансаҳна ва режалаштириши)*
- е). спектаклининг декоратив, мусиқий, турли товушлар бирлигидаги ечими.*

Режиссёрда саҳналаштириш нияти туғилиш жараёнида, яхлитлик, ниятни рўёбга чиқариш учун хизмат қилувчи барча унсурлар бир илдиздан, Вл. И. Немирович-Данченко ибораси билан айтадиган бўлсак, бўлажак спектаклнинг **мағизидан-уругдан ўсиб чиқиши муҳим аҳамиятга эгадир**.

Мағиз-уруг деганимизда, фақат таҳлилий хулоса бўлиб қолмай, асар билан танишуви жараёнида режиссёр руҳияти кайфиятида пайдо бўладиган хиссёт, сезгиdir. Бу бўлажак спектаклнинг туғилишидан аввал режиссёр шуурида, онгода пайдо бўладиган ягона сезги ва ягона ниятдир.

Мана шу уруғ-мағиз режиссёр шуурида пайдо бўлиши натижасида бўлажак спектаклнинг айрим узук-юлук ҳолатлари, кўринишлари, декорация аломатлари, мусиқий товушлар, қаҳрамонларнинг ўз-аро муносабатларидаги баъзи жиҳатлар аста-секин тасаввурда пайдо бўла бошлайди. Асарнинг маром ва сурати гавдаланади. Вақт ўтиши билан режиссёр ниятида акс этган лавҳалар режиссёр тасаввурида ёрқинроқ намоён бўла боради. К. Паустовский ниятни чақмоқка қиёслайди. Ер сатхи узра электр кучлари бир неча кун давомида тўплана бошлайди. Бу кучлар тобора жипслаша бориб, момақалдироқ келтириб чиқарувчи қуюқ булутлар хосил бўлади. Ана шу булутларнинг қудрати чақмоқ шаклида намоён бўлади. Агар табиатнинг бу ҳолатини режиссёр санъатига қиёслайдиган бўлсак, кўп йиллик кузатишлар, хис-хаяжон фикрлар, ғоялар йиғиндиси ўлароқ чақмоқ-уруг режиссёр онгода туғилади. Шу тариқа мағиз-уруг-чақмоқ, бўлажак спектаклнинг қиёсий ечимини белгилайди. Лекин бу уруғ ўз-ўзидан эмас, балким режиссёр қархисида “шу спектаклни нима мақсадда саҳналаштириш керак” деган савол кўндаланг бўлганидагина вужудга

келади. Яъни режиссёрнинг олий мақсади нималардан иборат деган саволга жавоб топишликдан бошланади. Шу спектаклни саҳналишириш орқали тамошабин қалбидай қандай хисиётларни қўзғатмоқчи, томошабинга нима демоқчи? Томошабин онгига қандай воситалар ёрдамида таъсир ўтқазмоқчи? Режиссёрлик нияти ва талқини тўғрисида сўз юритар эканмиз шу ўринда Вл. И Немирович-Данченконинг “уч турдаги хақиқат” деган машҳур атамасини эслаб ўтишлиқ жоиз деб ўйлаймиз.

Яъни:

- “**хаётий хақиқат**”
- “**ижтимоий хақиқат**”
- “**театр санъати хақиқати**”

Шу уч турдаги хақиқатлар бирлашмасидан театр хақиқати яратилади. Куруқ ижтимоий хақиқатни хаётий хақиқатсиз акс этдириш мумкин эмас. Ижтимоий хақиқатни инкор этган холда фақат хаётий хақиқат акс этдирган спектакль арзимас майдо-чуйдалар тўғрисидаги баённомага ўхшаб қолади. Бироқ хаётий ва ижтимоий хақиқат маълум бадиий тимсоллар орқали умумлаштирилган тақдирдагина асар бадиий тусни топади  
**Аристотель ,санъат айни дамда бўлиб турган воқеа ва ходисаларни эмас рўй бериши мумкин бўлган воқеа ва ходисаларни акс этдириши керак,-** деган экан.

Яъни у санъат, қуруқ хаётий хақиқатни ўзини эмас балки кутилаётган, орзу қилинган, тасаввурда яратиладиган воқеликни акс этдирмоғи лозимлигини назарда тутган.

Театр хақиқати учта омил таъсирида даставвал режиссёр тасаввурида гавдаланади.

Бу омиллар қўйидагилар:

- 1.Пиесанинг шакли ва мазмунидан келиб чиқадиган хусусиятлари.**
- 2.Пиеса саҳналаштираётган даврдаги тарихий жамиятдаги вазият.**
- 3Мазкур асарни саҳналаштироқчи бўлган ижодий жамоадаги муҳит ва шароит.(бунда жамоанинг ижодий қарашлари,анъаналари,ёши,профессионал лаёқати ва маҳорати назарда тутилади)**

Бир сўз билан айтганда режиссёр пьесанинг моҳияти, замон нафаси ва ижодий жамоа имкониятларини сезиши керак.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизким санаб ўтилган учта омиллар ичida энг муҳими пьесадир. Агар ижодий жамоа ва режиссёр пиесанинг бадиий фояси билан қизиқмаса, уни инкор этса, саҳналаштирилган асар муваффақият қозона олмайди. Режиссёрлик ечим, унинг бетакрор шаклу-шамойили, айни пиесага хос бўлган хусусиятлар ва жиҳатлардан келиб чиқилиши керак. Бу ерда асарнинг мавзуси, фоявий йўналиши, уни қурилиши, жанри, воқелар кечиши жараёнидаги маром ва сурати, тилнинг ўзига хослиги муҳим аҳамият касб этади. Агар пьесанинг шакли асардан ҳоли ўйлаб топилса-ю, спектаклга ёпиштирилса, ундан бирон натижали асар кутиш мумкин эмас. Бу ўринда пьесанинг фоясини тушинишнинг ўзи етарлик эмас. Хатто асар инсонлар учун

муҳим муаммолар атрофига бахс-мунозара юритган тақдирда ҳам уни саҳналаштиришга кириш учун асос бўлаолмайди.

Фояни бошдан кечириш,юрак дарди билан суғориш муаллиф дардига дардкаш бўлиш керак.Асар ғоясини режиссёрнинг вужуд -вужудига сингиши,онгига таъсири ўтқазиши ва фикру ҳаёлини бутунлай эгаллаб олиши керак.Шу оғриқни ташқарига чиқариш,одамлар билан ўртоқлашиш эҳтиёжи туғилиши керак.Лекин бу дегани ҳар бир пъесани “тўғри келмайди”деб четга суриб қўйиш керак дегани эмас.Ҳар бир пъеса билан танишиш жараёнида ижодий қизиқиши уйғота билиш керак.Кўпинча асар билан дастлабки танишув вақтида режиссарни пъеса кўп ҳам қизиқтирувчининг фикризикрини банд этиб қуяди.

Яна муҳим бир масала:

Режиссёр ҳечқачон хаётдан узилиб орқада қолиб кетмаслиги ,аксинча ҳар сония,у билан қизиқиши,одамлар билина бирга нафас олиши,унинг шодлигу қағуларини барча билан бирга баҳам кўра билиши керак.Ана шу ҳаётнинг муҳим жихатларни акс этирган асарга чуқурроқ кириб боришга,шу ҳаётнинг оғриқли нуқталарини бадиий акс этдириш шакли тўғрисида ўйлаши,тафаккур қилиши зарур.

Режиссёр пъеса тўғрисида ўйлар экан, унга фақат профессионал сифатида ёндашиб,фақат эстетик жиҳатларини изласа асарнинг саҳнавий ва ҳаётий бирлиги амалга ошмайди.Асар билан танишилар экан,биринчи навбатда унга ҳаётний позициядан ёндошмоқлик даркор.Аввало ҳаётний ҳақиқат,сўнгра театр ҳақиқати.Бунинг учун эса режиссёр ҳаётни яхши билиши шарт.Фақат ҳаётни яхши билган режиссёргина пъесанинг ижобий ва салбий томонларини кўра олади.Ҳаётний ҳақиқатга тўғри келиш-келмаслиги тўғрисида фикр юритаолади.

### **Пиеса ва спектаклнинг жанри**

Ҳар қандай пъесанинг энг муҳим жиҳатларидан бири унинг жанр нуқтай назаридан ўзига хослигидир.Пъесанинг жанри, спектакль жанрида ҳам акс этиши керак.Айниқса актёр ижросида ёрқин намоён бўлади.

Жанринг ўзи нима?

Жанр, ижодкорнинг ўзи акс этдираётган обьектга (манбъа) эмоционал(хис-ҳаяжон) муносабатини билдиради.

Агар ижодкор ўзи қаламга олган воқеа ва ходисаларни **аянч ва даҳшат** тарзида акс этдирган бўлса,демак бу **фожеа**.Агар воқеалар.қаҳр ва қулги қўзғатса –бу **сатирик** комедия,ҳамдардлик ва ачиниш ҳиссини уйғотса-драма.

Лекин ижодкор баён этаётган воқеа ва ходисалар ҳамиша ҳам қуюқ бўёқларда бўлмаслиги мумкин.Бир ҳилдаги бўёқдан киши тез толиқади.Агар ранглар бир-бiri билан тез-тез ўрин алмашиб турса,қаҳр билан меҳр,аянч билан мамнунлик,қулги билан ғазаб ўрин алмашуви узлуксиз давом этса,демак пъеса кўп қиррали, бадиий бўёқлар билан йўғрилган асар ҳисобланади.

Баъзан шундай асарлар ҳам бўлари.Асар бошланишида қаҳрамон, қаҳр-ғазабимизни қўзғатади,сўнгра уни масҳара қиламиз,кейин раҳмимиз

келади,бора-бора унга ҳамдард бўлабоштамиз,ачинамиз, унинг ноиложлигидан ўксинамиз.Кейинчалик у бизни кулдиради.Хурсанд бўламиз.Бу ўша асар муаллифининг ҳар бир ходисага турли нуқталардан қарашига,баҳо беришига ва охир-оқибат ижодкорнинг ижодий салоҳиятига боғлиқдир.

Лекин асарнинг маълум бир жойи кулгили,иккинчи жойи қаҳрли,учинчи бир жойи ачинарли бўлсачи?Бундай вазиятда нима қилиш керак?

Турган гап ,ҳаётнинг турли қирраларини тўлалигича мукаммал в аниқ акс этдиришни кўзлаган асар,унинг ҳаракати ва шиддатини тўлалигича очиб беришликинни ўз олдига мақсад қилиб қўйган бўлса-да, пъесада жанр софлиги қиёмига етказилмаган.Бундай асарнинг жанрий тавсифи ҳаётнинг ўзи каби мураккаб ва жумбоқлидир.Айнан шундай асар устида ишлаш жараёнида, муаллиф муносабати кўпроқ қайси томонга ён босишини аниқлаш зарур.Фақат тўғри хулоса чиқариш орқалигина”фалон асарда, фалон жанр устивор экан”деяоламиз.Модомики кўпчилик пъесаларда жанрий софлик қоидалари бузилган экан,режиссёрнинг зиммасига ана шу жанрлар ҳилма-хиллигини тиклаш вазифаси юкланди.Бунинг учун эса режиссёр,муаллиф кўнглидан ўтқазган барча ҳолатларни ҳис қилиши,сезиши ўша ҳаёт нафаси билан нафас ола билиши лозим.

Шакл ҳамиша мазмунга хизмат қилиши керак.Демак у, мазмуннинг ранг-баранглигига,бўёқларларнинг бойлигига,сифатларнинг ҳилма-хиллигига ,муаллифнинг бу обьекта бўлган эмоционал муносабатига боғлиқ.Мана шу муносабатлар,юқорида таъкидлаб ўтганимиздек асарнинг жанрини белгилайди. Мазкур асарда акс этдирилган воқеа ва ходисаларни,режиссёр қанчалик чуқур ҳис этса,уларга дардкаш бўла олсагина,шунчалик спектаклнинг ташқи қиёфаси ва таъсирчан воситалардан қай йўсинда фойдаланиш кераклигини ўзи ифодалаб бериши мумкин.Бу эса ўз навбатидан спектаклнинг жанрини белгилаб беради.

### **Мазмун, шакл ва маҳорат**

Бўлажак спектаклнинг шакл ва мазмуни тўғрисида чуқурроқ фикр юритадиган бўлсақ,мазкур асар учун ҳар бир режиссёр пъесанинг мазмун моҳиятини чуқурроқ тафаккур қилиш орқали, асарга шакл топади ва фақат шу шаклгина асарнинг мазмуни ва ғоясини тўла очиб бериши мумкинлигига амин бўламиз.Бунинг учун эса ҳар бир парча,қаҳрамонларнинг сўз ва хатти-ҳаракатларни орқали муаллиф томонидан берилган кичик сахна ва воқеачаларни ўйлаб топилган шакл доирасида бир тизимга тизиб чиқиб ҳосил бўлган манзарани тасаввур кўзгусида ёрқинроқ гавдалтириш зарур бўлади.Ҳар қандай шакл,асар мазмунидан келиб чиқмоғи лозим.Бунинг учун эса асарнинг мағиз-мазмуни ичига чуққурроқ шўнғиши,бир марта топилмаса,яна шўнғиши қидириш керак бўлади.Пъесага юзаки ёндошган одам ҳечнарса топаолмаслиги аниқ.”Қандай”деган саволга жавоб топишдан олдин, “Нима”, “Нима учун” деган саволларга жавоб қидириш зарур

Агар соддароқ тилда тушинтирадиган бўлсақ,шу спектакль билан **мен нима демокчиман?(гоя)**.Бу нарса менга **нима учун керак?(олий мақсад)**деган

икки саволга тўғри ва самимий жавоб топилса учинчи “қандай”деган саволга жавоб топилиши аниқ.

Таҳминий,тўмтоқ,ноаниқ тасаввур ҳосил қилиш орқали яхши шакл топилиши ҳом ҳаёлликдир.Топилган шакл ҳам ўртамиёна,бетаъсир бўлади.Қачонки асарнинг ғояси,мазмуни ижодкорнинг онгига сингиб,мийясини тамоман банд этаолса,юрагини безовта қилиб қўйдирсагина ижодий тўлғоқ орқали туғилиш рўй беради.Фоя сизнинг хис-хаяжонингизни қўзгатса ,ҳаловотингиз йўқолса,ижодкор сифатида тасаввурингиз илҳомланади.Берилган мазмун ва ғояни ифодавий акс этдириш учун шакл қидирасиз.Спектаклнинг ижодий ғунчаси,у ёки бу саҳна ечими,режиссёрлик ранглари шу тарзда кўз ўнгингизда намоён бўлади. Улар шошма-шошарлик билан эмас, хақиқий тўлғоқ тутиб туғилади.Шундай **шаклгина бетакрор,ягона** бўлиши мумкин.Шаклни спектаклга ташқаридан ёпишириб бўлмайди.У асар мавзуси ва мазмунидан келиб чиқиши зарур.Айрим режиссёрлар спектакль шаклини бошқалар томонидан топилган,ёки ўзининг олдинги спектаклида топилган қолипларга солишга ҳаракат қиласи.Янги мазмун, ҳамиша янгича шаклни талаб қиласи.Шунинг учун ҳар бир спектакль янгитдан,”оқ қофоз”дан бошланиши лозим.Театр тарихини ўрганиш албатта керак.Лекин ,ўз даври ва тарихий жараёнларда фойда келтирган шакллар ва усулларни ўрганиб,қандай бўлса шундайлигича янги спектакль учун фойдаланиш мақсадида ўрганмаслик керак.Аксинча орттирилган тажрибаларни таҳлил қилиб,тафаккур тарозисида тортиб ундан янгича ҳосил олиш керак.

### **Режиссёрлик санъатида мода ва янгилик**

Янгилик сари интилиш ҳар бир санъаткор учун табиий ҳолдир.Янгилик яратиш учун талпинмаган ижодкор дикқатга сазовор бўладиган бирон-бир нарса яратоолмайди.Аммо янгилик яратиш учун тиришиш, арzon гаров оригиналлик,қинғир-қийшиқ шаклбозлиқдан иборат бўлиб қолмаслиги лозим.Бунинг учун эса,ижодкор изланиш олиб боришлиқдан мақсад нима эканлигини аниқ-тўлиқ билиши керак. Изланиш жараёни натижали ва самарали бўлиши учун санъат асарини хаётий ҳақиқатдан узоқлаштираслик зарур.Реалистик санъат ҳаққонийлик ва ҳаётийлик заминига чуқурроқ кириб боришлиқни тақозо этади.

Санъатдаги “янгилик”деганда кўпинча унинг ташқи сифати деб тушинилади. Лекин ташқи янгилик ижодий изланиш жараёнининг охирги жабҳаларида кўзга ташлана бошлайди. Санъат асари зерикарли,тунд бўлиб қолмаслиги учун унинг мазмун-моҳияти янгича жаранглаши, таъсир кўрсатиши учун ҳали ҳеч ким томонидан кўлланмаган сифатлар сингдирилади. Бу янгиликлар, агар асар эскирган бўлиб бизга яхши таниш бўлса, мазкур асарга ижодкорнинг янгича ёндошуви,шу асар тўғрисидаги унинг фикри, муносабати, нуқтаи назари, ҳиссиёт сезгилари янгича бўлишига таянади.

“Янгилик яратиш”нинг яна бир жиҳати шундаки,на факат унинг мазмуни янгича бўлиб қолмай,инсонлар жамияти учун ҳам бирон-бир янгиликни ўзида

сақлаган бўлиши керак. Яъни санъат асари ҳаётийлик нуқтаи назаридан инсонлар орасига янгилик уруғларини олиб кириши керак. Янгича шакл излаш учун на фақат рус театри, ўзбек миллий театридан ташқари чет эл илфор санъатини ҳам чуқур ўрганиш керак бўлади. Лекин ижодкор учун энг катта хавф-бу мода ортидан қувишликдир.

## **Махоратнинг шартлилиқ ва хақиқийга монандлиги**

Спектакль устида ижодий изланишлар олиб борилаётган жараёнда, айни шу спектакль учун шартлилиқ билан хақиқатнамолик ўртасидаги қатъий чегарани белгилаб олиш керак бўлади. Ҳозирги кунда, янгилик яратиш деганда, ”саҳнада мумкин қадар кўп шартлилиқ бўлиши керак” деган тушунча англаради. Саҳнада қанчалик шартлилиқ, шартли усувлар, шартли декорация, шартли ижро кўп бўлса, шунчалик “бу режиссёр топилмаси” дея қабул қилинадиган бўлиб қолди. Шартлилиқ мейёри, олдинга қўйилган мақсаддан келиб чиқадиган режиссёрлик ечими билан белгиланиши керак.

Бу ечим эса, саҳнавий тимсолни мукаммал, тугалланган ҳолда талқин қилиб пъесанинг мазмун ва моҳиятини тўлалигича томошабин қалбига сингдираолсин. Шунинг учун, пъесанинг муаллиф томонидан тақдим этилган мазмун-моҳияти, ғоясини очиб беришга хизмат қиласидиган ҳар қандай шакл, яшаш хуқуқига эгадир.

Санъатнинг мақсади хаётий ҳақиқат бўлмоғи керак. Фақат оддий ва соддалаштирилган ҳақиқат эмас, бадиий шакл ва бўёқлар билан жилолантирилган ҳақиқатдир. Ташқаридан қараганда ҳақиқатга ўхшаб туюлган воқеаларни ҳақиқатнинг ўзи деб, қабул қилиш ўта қашшоқлашган санъат (агар шундай аташга арзиса) дейиш мумкин. Бундай манзара томошабин учун оддий ахборот воситаси бўлиши мумкин. У, томошабинни юксак туйғулар, ёрқин келажак ва гўзаллик оламига етакламайди. Маънавий озуқа бўлаолмайди.

Ҳақиқатни очиб беришнинг яна бир шарти, бу бадиий шартлилиқ ҳиосбланади. Агар шартлилиқ фақат ўз қўринишини кўз-кўз қилишликни мақсад қилиб олган бўлса, бундай шартлилиқ юзаки, шакл-шакл учун бўлиб қолиши табиийдир.

Ҳақиқий театр санъати бадиийлигини белгиловчи мезон, актёрнинг берилган шарт – шароитдаги хатти-харакати ва руҳий кечинмалари бўлиши мумкин.

Шуни ҳамиша ёддан чиқармаслик керакким, саҳнавий шартлилиқ режиссёр усувларидан бири бўлиб у мутлақо кўзга ташланмаслиги керак. Агар спектакль давомида шартлилиқ, кўзга тушган чўпдек саҳнама-саҳна ”мана мен” деб, томошабин диққатини фақат ўзига жалб қилиб тураверса, асар ғояси, муаллиф мақсадлари, ижодкорлар томонидан айтилмоқчи бўлган фикрлар хавога совурулиб кетади. Аксинча томошабин шакл ва шартлиликни эмас, шу шакл ва шартлилиқ орқали асарнинг мазмун-моҳиятини англамоғи зарур. Шакл ва шартлиликларни спектаклдан сўнг тафаккур қилиб кўрилади. Спектакль кишини руҳиятига қаттиқ таъсир этгани аснода. Фикр юритади. ”Ижодкор қандай воситалар орқали бу қадар таъсирчанликка эришди экан”, деб ўйлаб қолади томошабин. Бу жумбок сирини аниқлаш учун такрор ва такрор асарга мурожат қилинади.

Театр шартлилигисиз, хақиқий театрнинг ўзи йўқ. Шекспир фожеаси, Хамза драма ва комедияларини, Хуршиднинг мусикий драма асарлари, Гоголь ва Абдулла Қаххорнинг комедияларини, саҳнавий ўзгаришларга бой пъесаларни шартли майдон ва маконларсиз саҳналаштиришнинг мутлақо иложи йўқ. Лекин кўпинча томошабинга ўз топилмаларимиз, турли-туман шаклларимиз билан “кўрдингми мен қандай зўр режиссёрман” дегандек дамо-дам эслатиб туришни ёқтирамиз. Санъатда хақиқий янгиликка интилиш-хаётийликка интилиш демакдир. Хаётда эса шакл ҳечқачон устивор бўлган эмас.

### **Актёрнинг ижрочилик услуби – режиссёр ниятининг технолорик муаммоласидир**

Бўлажак спектакль хаётйлигини таъминлаш учун ўз ниятини амалга ошириш мақсадида режиссёр қўп сонли режиссёрлик усулларидан қайси бирини асос қилиб олгани маъқул, деган савол туғилиши мумкин.

Тўғри режиссёр даставвал ишни, спектаклни саҳнага олиб чиқиш учун хизмат қиласидан унсурларнинг дуч келгани билан шуғулланиши мумкин. Декорция, мусикий безак, спектакль мухитини яратадиган мейёр ва маром топиш билан шуғулланиши мумкин. Лекин унинг диққат марказида ҳамиша, барча муваффақиятларни таъминловчи, К.С. Станиславский ибораси билан айтганда “Саҳна султони ва хукмдори “истеъодли актёр туриши керак.

Мазкур спектаклда ички ва ташқи техника жиҳатидан, актёрдан қандай ижрочилик усулинини, йўлини талаб қилиш керак бўлади.

Ҳар қандай спектаклда, ҳар қандай рол учун актёрдан, актёрлик техникасининг турли усул ва йўлларини намойиш қилишлик талаб қилинади. Аммо саҳналаштирилаётган спектаклда актёрдан саноқсиз усул ва йўллардан қайси бири яқоллороқ кўзга ташланиши, олдинги маррада бўлиши талаб қилиш керак? Мисол учун бир спектаклда, актёрдан ички диққатни мужассамлаштириш талаб қилинса иккинчи спектаклда соддалик ва тезкор муносабат талаб қилинади. Учинчисида оддий хаётийлик талаб қилинса, бошқасида пластик жиҳатдан ташқи ифодавийлик талаб қилинади. Муҳими саҳналаштирилаётган спектаклда актёрдан қандай ижрочилик усули талаб қилиниши аввалдан режиссёр режасида аниқ бўлиши керак. Режиссёрнинг профессионал истеъодини белгилайдиган муҳим омиллардан бири, актёрнинг ижрочилик усули орқали спектаклнинг аниқ ечимини белгилай олишликдир. Агар мазкур спектаклда “актёр қандай ўйнаши керак” деган саволга тўғри жавоб топилса, қолган унсурлардан тўғри фойдаланишлик қўп ҳам қийин бўлмайди.

## **Спектаклнинг ташқи безаги**

Спектаклнинг ташқи безагини топиш устида изланишлар олиб борилаётган даврда, рассомнинг тасавуруни тўғри томонга йўналтиришлик мухимдир. Чунки спектакль безагида актёр учун ижро муҳити ва хатти-ҳаракат майдони яратилади. Ўз навбатида ижро ва безак асар мазмун-моҳияти ва ғоясини тўғри очиб беришга хизмат қиласи. Саҳна безаклари турлича бўлиши, худди шундай унинг шартлилик даражаси ҳам турлича бўлиши мумкин. Бу энди асар ва уни режиссёр томонидан қай даражада талқин қилинишига боғлик.

Лекин ҳамиша икки нарсани ёддан чиқармаслик керак:

Биринчидан: Режиссёр билан рассом берилган спектаклда актёр учун шундай макон яратишлари керакким (декороция, унсурлар, мусиқа, товушлар), токим унда актёр ўзининг эркин хатти-ҳаракати ва ички кечинмалари орқали асар мазмуни ва моҳиятини инсон тақдирни орқали очиб беришга кўмаклашсин.

Иккинчидан: Спектаклнинг ташқи безаги режиссёр ва рассомнинг тасаввурига сифган барча нарсаларни саҳнага олиб чиқмаслик зарур. Токим томошабин тасаввури учун ҳам имкон ва ўрин қолиши керак. Томошабин тасаввурига ҳам ишониш керак. Театр рассомининг кино рассомидан фарқи шундаки, театр рассоми кино рассомидан фарқли ўлароқ, томошабинни тасаввурини қўзғатадиган эмоционал вазиятларни ҳисобга олиши, айрим кўринишларни кўз олдига келтириш учун имконият қолдиради. Кинода эса барча кўриниш ва манзаралар тугалланган ва яхлит бўлиши керак.

## **Режиссёр ва актёр**

Актёр режиссёrlик санъатидаги асосий хом ашёдир, деган ибора мавжуд. Лекин бу гапни жуда ҳам тўғри деб бўлмайди. Шундай назарияга асосланган режиссёrlар, актёрга худди жонсиз қўғирчоққа қарагандек муносабатда бўладилар. Натижада ўзлари аввалдан ўйлаб қоғозга чизиб кўйган қоматни ушлаш, кўз қараш, кўл ҳаракати ва қадам ташлашигача бўлган лойиҳани аниқ ва бенуқсон бажарилишини талаб қиласидилар. Бошқачароқ тушинирадиган бўлсак актёр бундай режиссёrlар учун ўз санъатини намойиш этиш учун ишлатиладиган хом ашё холос. Режиссёр буйруқларини сўзсиз бажариши керак бўлган актёр ижодкор шахс эмас, қўғирчоқнинг ўзи бўлади қўяди.

К.С.Станиславскийнинг "системаси" айни шу масалага қаратилган бўлиб, ўша қўғирчоққа жон бағишлишликни ўз одига мақсад қилиб қўйган эди.

**-Агар,- деган эди К.С.Станиславский,- рол талаб қиласидиган хис-ҳаяжон, ички кечинмаларни уйготиши йўллари топилса, режиссёр ҳам актёр ҳам рол ижрочиси учун маҳсус чизмалар чизиб, ҳар бир имо- ишорани ўйлаб топишга хожат қолмайди.**

Ҳақиқатдан ҳам Станиславский актёرنинг ички кечинмалари, хис-ҳаяжонини уйғотаоладиган йўлларини қидириб топишга муваффақ бўлади. Лекин актёр

берилган ролнинг қайси жойларида, қайси дақиқаларида қандай кечинмаларни кўрсатиши кераклигини Станиславский режиссёрнинг ихтиёрига топширади. Демак режиссёрнинг ихтиёрида актёрнинг гавдаси эмас, унинг қалби, руҳияти, берилган шарт-шароитда ҳаракатга келиши мумкин бўлган лаёқати қолади. Бироқ шундай шароитда ҳам актёр режиссёр учун ижро этиш сози бўлиб қолар экан. Биринчи шароитда режиссёр учун актёрнинг гавдаси асбоб ўрнида бўлган бўлса, иккинчи ҳолатда унинг руҳияти, қайфияти ва хис-хаяжони асбоб бўлиб ҳизмат қиласар экан. Иккала ҳолатда ҳам актёр мустақил ижодкор сифатида режиссёр билан ижодий бахсга киришмас экан у асбоб сифатида қолиши муқарар.

К.С.Станиславский умрининг охирги йилларида "Актёрнинг ижодкорлик табиати устидан ҳечқандай зуғум ўтқазмаслик, у эркин ижодкор бўлиб қолиши керак" деган холосага келади. У энди ички хис-хаяжонни қўзғатувчи ҳолатларни чорлаш эмас, мустақил ижод жараёнида табиий ҳолатлар жараёнини келтириб чиқарувчи сифатлар устидаги бош қотиради. Театрдаги энг муҳим жараён: -бу табиатнинг ижодий муъжизакорлигидир. Яъни актёрнинг берилган ролга ижодий ёндошуви жараёнида образ қиёфасига ички руҳият ва хис-хаяжон орқали кириб боришлиги муҳимдир. Режиссёрнинг энг муҳим вазифаларидан бири актёрдаги ана шу хис-хаяжонни, руҳий кечинмаларни яна ҳам ўстириш, унга куч-ғайрат, далда беришдан иборат бўлмоғи керак экан. Агар режиссёр актёрга табиий кечинмаларни угонишига ёрдам бераболмас экан, спектаклни ташки безаги, мусиқа товуш ва ёритиш ускуналари билан спектаклни минг безашга уримасин, драматик театр режиссёри бўлаолмайди. Драматик театрдаги ижодий хаёт фақат актёрнинг хатти-харакати ва ички кечинмалари орқалигина тирик.

А.С.Пушкин айтганидек "берилган шароитда эҳтирослар хақонийлиги ва сезгиларнинг хақиқатнамолиги" театрда асосий мезон ҳисобланади. Шунинг учун театр соҳасидаги янгиликлардан бири актёрнинг ижрочилик маҳоратини тинмай ошириш ва шу маҳоратнинг такомиллашув йўлларини қидиришиликдан иборат бўлмоғи зарур. Фақат актёр билан режиссёр бир-бирига ижодий ёндошгандагина хақиқий театр санъати туғилиши мумкин.

Одатда режиссёр **ниятини** амалга оширишилик уч босқичда кечади:

**-Стол атрофидаги жараён;**

**-Хонаки саҳнада ишилаш;**

**-Катта саҳнада ишилаш;**

Актёрлар билан ишилашда стол атрофидаги иш, режиссёр учун жуда ҳам муҳим ҳисобланади.

Буни худди бўлажак иморатнинг тагзаминини мустаҳкамлаш билан қиёслаш ёки уруғ қадашга тенглаштиrsa бўлади. Бўлажак спектаклнинг муваффақияти, гарови мана шу жараёндаги ишнинг самарадорлигига кўп жиҳатдан боғлиқдир. Режиссёр одатда актёрлар билан бўладиган биринчи учрашувга аввалдан тайёргарлик кўрган ҳолда, қўлидаги писани яхши тушиниб етган, тегишли манбаларни обдон ўрганганди, бўлажак спектакль лойиҳасини тасаввурнида гавдалантирган ҳолда келади. Шу пайтгача асарнинг ғояси, нима учун муаллиф шу асарни ёзгани, айтмоқчи бўлган гап, асарнинг мақсад ва олий

мақсади нималардан иборат ҳамда ўзи мазкур асарни нима учун саҳналаштироқчи ,бошқача тушинтирадиган бўлсак режиссёр шу асар орқали томошабинга **нима демоқчи** эканлигини аниқ-тиник билган ҳолда актёрлар ҳузурида ҳозир бўлади.Шунингдек режиссёр,мавзуни ривожланиши,узлуксиз хатти-ҳаракат,пиесанинг парчалари ва уларни бошланғич нуқталари,иштирокчиларнинг ўз-аро муносабатлари,ҳар бир иштирокчининг тавсифи ва асарнинг ғоявий моҳиятини очиб беришда уларнинг ўрни, каби ижодий ишларни ҳам аввалдан белгилаб қўйган бўлиши зарур.Балким шу даврга келиб, бўлажак спектаклнинг **магизи** қаерда эканлиги ҳам белгилаб қўйган бўлса ажаб эмас.Агар шундай “ҳомила” тасаввурида пайдо бўлган бўлса,спектаклнинг айrim саҳналари,образлар,бадиий ечимлар шакли ҳам ҳаёлида ниш урабошлайди.Худди шунингдек,тимсолларнинг тўқнашуви,олишуви,томонлар ўртасида кечадиган олишувларнинг бадиий тимсоли яққол кўрина бошлиши билан бирга,айrim парчалар,мизансаҳналар,иштирокчиларнинг юриш-туриши,йўналишлар ҳам аён бўла бошлайди. Режиссёр асар воқеалари кечадиган ички ва ташқи муҳитни ҳам кўз ўнгига келтирган бўлиши керак.

Режиссёр актёрлар билан биринчи учрашувга келар чоғида қанчалик асар тўғрисида кўп маълумотлар тўплаган,пухта ҳозирлик кўрган бўлса,машғулот шунчалик қизиқарли ва самарали бўлади.

Лекин режиссёр ўзи тўплаган,ўрганган маълумотларини биринчи учрашув чоғидаёқ ипидан-игнасигача актёрларга гапириб берса катта хатоликка йўл қўйган бўлади.Агар режиссёр яхши нотиқлик салоҳиятига эга бўлса-ю ,бўлажак спектакль тўғрисида бор-билғанларини маъруза тарзида чиройлик қилиб гапириб берса,албатта актёрлар ҳурсанд бўлиши табиий,бироқ оқибати ўта хунук натижаларни келтириб чиқариши аниқ.

Агар режиссёр ўз билғанларини батомом тўкиб солишдан ўзини тийиб,машғултни фақат кўрсатмалар,топшириқлар тарзида ўтқазса бу ҳам актёрларни ишдан совутиб қўйиши мумкин.

Агар режиссёрнинг ниятлари,ўй фикрлари ижодий жамоанинг ҳам фаол ишига айланса,унинг қонига синсагина,машғулотлар самарали бўлиши мумкин.Режиссёрнинг дастлабки тушунчалари ва ниятилари бу ҳали шунчалик хомаки-лойиха холос.Бу жамоа билан ишлаш жараёнида кўп синовлардан ўтиши керак бўлади.Мана шундай машғулотлар жараёнидаги синовлардан ўтиш орқали,режиссёр нияти пишийди,ҳақиқатга яқинлашади.

Бунинг учун эса режиссёр ,бўлажак спектаклнинг мақсади,ғояси,тимсоллар,муҳит,давр тўғрисида ижодий жамоага саволлар ташлаши,ҳамда бу саволларни биргалиқда жавоб топиши зарур.Алоҳида эътибор қаратиш керак бўлган нарса,бундай муҳокамалар жараёнида режиссёр мумкин қадар камроқ гапиришга ҳаракат қилиши керак.Кўпроқ актёрларни гапиририш лозим.Асарнинг ғоявий йўналиши,олий мақсад,узлуксиз ҳаракатлар, қаҳрамонларнинг ўз-аро муносабатлари,ҳар бир тимсолни қандай тасаввур қилиши,умумий муҳит ва бошқа жиҳатлар тўғрисида иштирокчиларни гапириришга ўргатиш зарур.Лекин режиссёр ҳам ўз навбатида мавзудан четга чиқиб кетмаслик,уларни қизитиб,тўғри йўналиш томон буриб туриши

шарт.Агар мана шундай муҳокма ва мунозаралар жараёнида бошқача ечимлар,яъни ўзининг ечимларидан ўзгачароқ ,бошқача талқинлар пайдо бўлса улардан сира ҳам чўчимаслиги лозим.Фақат шу йўл билан асар кўпчиликни қизиқтиради,асата-секин спектакль шаклу-шамойили қўрина бошлайди.Фақат шундай жараён сабабали, спектакль бир киши-режиссёрниги на бўлиб қолмай,у жамоанинг ижодий маҳсулотига айланади.

Спектакль устидаги ишнинг дастлабки босқичи бўлмиш,стол атрофидаги машғулотдан кўзланган мақсад аслида шундан иборатдир.Шунга алоҳида эътибор қаратиш керакким,стол атрофидаги машғулотлар,”гапхонага”.сафсатабозликка айланиб кетмаслиги шарт.Бундай қуруқ сафсатабозлик актёрларни фойдали ишдан кўра фойдасиз ишга йўналтириб.мийясини чалғитади,керак- керакмас маълумотлар билан калласини чарчатади холос.Шунга ўхшаш салбий ҳолатлар,натижасида хатто Мейрхольд стол атрофидаги дастлабки репетицияни умуман кўлламаган бўлса К.С.Станиславский ҳам умринг охирларида умуман стол атрофидаги репетициялардан воз кечиш даражасига бориб етган эди.Шунинг учун бу каби ишларни мумкин қадар чўзмасдан ишchanлик муҳитида ўтқазиш тавсия этилади. Стол атрофида олиб борилиши лозим бўлган ишларнинг иккинчи босқичида писанинг ҳаракатга келтирувчи ички омиллар таҳлил қилинади.Ҳар иштирокчининг роли ва унинг ҳаракат чизиқлари белгилаб чиқилади.Мазкур иш жараёнида ,ҳар бир иштирокчи ўз ролининг ҳаракатланувчи чизиги ва узлуксиз хатти-ҳаракатининг мантиқий асосини топиши лозим. Бунинг учун эса биринчидан,айни дақиқада актёр бажариши керак бўлган ишни аниқлаш зарур,иккинчидан мазкур ишни ҳозирнинг ўзидаёқ бажариб кўришга ҳаракат қилиш имконим туғдирилиши лозим.Дасталбки ҳаракат ҳомаки бўлиши,сўзлар ёд бўлмаслиги мумкин.Аммо ҳозирча бунга кўп ҳам эътибор бермасдан,бир икки оғиз сўз билан ана шу ҳаракатнинг туғилиши, пайдо бўлиш жараёни,этюд шаклида бўлса ҳамки,актёр томонидан ўша ишни бажариш иштиёқи пайдо бўлиши муҳим.Бу ерда маълум ҳаракатни тўла- тўқис бажарилиши эмас,шундай ҳаракат қилиш зарурияти туғилиши муҳимдир.Агар режиссёр,актёрда айни дақиқада, фақат шу ҳаракатдан бошқаси ярамаслигини тушиниб етса,фақат шу ҳаракатни бажариш зарурияти туғилганлигини пайқаса, машғулотнинг иккинчи босқичига яъни узлуксиз ҳаракат занжирини пайдо қилиш жараёнига ўтиши мумкин.Режиссёр учун мазкур босқичадаги машғулотдан кўзланган мақсад,ҳар бир иштирокчи,ўз роли бўйича айни дақиқада фақат шундай ҳаракат қилишлигини ҳис этиши,англаши.шундай ҳаракатга эҳтиёж сезиши зарур.Шундай ҳаракатнинг мантиқий келиб чиқишини тушиниб етмоғи муҳимдир.Агар мазкур иш жараёнида актёрда топилган ҳаракатни ўтирган жойидан туриб кетиб , бажариш иштиёқи туғилса уни мутлақо тўхтатмаслик лозим.Актёр турсин,ҳаракатни бажариб бўлиб ўтирсин,яна турсин.Токим шу ҳаракат баданига, онгига сингсин.Аммо бундай ҳаракатни ўйншага,акс этрилишидан сакланиш лозим.

Мисол учун.ижрочи-актёр ўз шеригидан бирон нарсани аввал сўраса, ялинса бу ҳам ёрдам бермагач,хушомадга ўтса,агар бу ҳам ёрдам бермаса,таҳдид қила бошласа,сўнгра ўз ишидан қўрқиб узр сўраб ялинса, сўнгра бошқа шеригига

биринчисининг устидан шикоят қилса, ниманидир қулоғига шипшиса,, нимагадир шаъма қилса, ниманидир рад этса, ва ниҳоят унинг кирдикорларини фош этса:-мазкур актёрнинг мазкур саҳнадан кўзлаган мақсадига эришилди дея ҳисоблаш мумкин ва асарнинг иккинчи парчасига тўлалигича ўтиш мумкин.

Бир нарсага алоҳида эътибор қаратишлик керак. Ҳечқачон стол атрофидаги иш, алоҳидан унсурлар билан хонаки саҳнадаги ва ниҳоят катта саҳнадаги иш турларини бир-биридан кескин ажратиб қўйиши ярамайди. Ҳар уччала жараёндаги ишлар ўз-ўзидан аста-секинлик билан навбатдаги босқичага ўтиб бораверади. Агар бу иш сезилмай кечадиган бўлса нур устига аъло нур бўлади.

Актёрлар стол атрофида репетиция қиласи экан, энг аввало ўз-аро тўғри муносабатларни ўрнаташ жараёнида, имо-ишора, қўл силташлар, паст-баланд гапиришлик, уқдиришлик, харакатнинг мантиқий чизигидан чиқамаган ҳолда тўлалигича акс этмасада уларни пайдо бўла бошлиши, туғилиши бўлажак спектаклнинг туғилиши дея баҳоланиши ва режиссёр томонидан қўллаб-қувватланиб турилиши лозим. Бу иш борган сари қизиқарли, унумли ва самарали бўла бошлайди. Бундай кезлардан, актёрлар ўзларини тутиб туралмай ўринларидан туриб кетадилар. Агар айримлар ўриндан туриб кетишига ботиқирамаётган бўлса-ю аммо ички туртки бўлса режиссёр уларга ёрдам бериши керак. Қарабизки репетиция аста – секинлик билан навбатдаги босқича ўтиб кетганини ўзингиз ҳам сезмай қоласиз.

### **Режиссёрнинг мизансаҳна устида ишлаши**

Репетицияларнинг навбатдаги босқичида мизансаҳналар топиш устида изланишлар олиб борилади.

Бу босқичдаги репетициялар учун вақтинча декорация ўрнини босиши мумкин бўлган, аммо бадиий безак учун белгиланган анжомлар репетиция хонасига ўрнатилиши зарур.

Мизансаҳналарни тўғри топилиши, бўлажак спектакль учун ниҳоятда муҳимдир.

**Мизансаҳна режиссёр ўй-фикрлари, ниятини тимсолий акс этдириши йўлидаги восита, бўлажак спектаклнинг энг муҳим унсурларидан бири.**

**Мизансаҳнадан кўзланган мақсад-иштирокчиларнинг ўз-аро ички муносабат ва харакатлари жисмоний хатти-харакатлар орқали ифодаланишидир.**

**Иштирокчиларнинг ўз-аро муносабатлари мизансаҳналар орқали амалга оширадиган узлуксиз давом этадиган, бир-бiri билан ўрин алмашадиган жисмоний хатти-харакатлари спектакль моҳиятини ташкил этади.**

Режиссёрнинг вазифаси ёрқин, таъсирчан ифодали мизансаҳналар яратишдан иборат. Спектаклнинг жанри ва шакли фақат мизансаҳна хусусиятлари орқали акс этдирилади.

Иш жараёнининг айни шу босқичида ёш режиссёрлар иккиланиб қолишлари табиий.

Бўлажак спектаклнинг мизансаҳналари уйда аввалдан лойиҳалаштириш керакми ёки репетиция жараёнида актёрлар билан ишлаш жараёнида мизансаҳна туғилиши керакми?

Атоқли режиссёрлар тажрибасидан маълумки, улар ижодий ҳаётларининг дастлабки босқичларида спектакль мизансаҳналарини майда-чуйдасигача батафсил ёзиб чиққанлар. Ҳатто қаҳрамонларнинг қандай туриб қандай гапиришларигача, қаерда кулиб, қаерда жилмайиши-ю, ўтириб-туришигача қоғозга тушириб, сўнгра репетиция бошлаганлар. Кейинчалик йиллар ўтиб, тажрибанинг орта бориши билан кўпроқ саҳнада импровизация-бадиҳа орқали қизик, маъноли, мақсадли мизансаҳналар яратилади. Шунинг учун ҳали етарли тажрибага эга бўлмаган режиссёрлар бўлажак спектаклнинг мизансаҳналари, жисмоний хатти-ҳаракатлар йўналиши, оммавий ва алоҳида муҳим кўринишларда акс этдирилиши лозим бўлган вазиятлардаги холат ва ҳаракатлар лойиҳасини аввалдан пухта ўйлаб ишлаб чиқишилари зарур.

Айни шундай иш вақтида режиссёр мизансаҳналарни кўз олдига келтириши, қаҳрамонлар ўртасидаги тўқнашувларни ҳаёлан, жисмоний ҳаракатларда кўриши аниқ ва таъсири мизансаҳналар яратишга ёрдам беради. Яъни режиссёр худди хайкалтарош каби спектакль қаҳрамонларининг ҳолати, шаклини кўз олдига келтириши билан биргаликда актёр сифатида уларнинг ички ҳаракати, кайфияти жисмоний ҳаракатини ҳис эта билиши зарур. Бир сўз билан айтганда ўзи амалга оширмоқчи бўлган ишни кўз ўнгидага гавдалантира билиши керак. Энг муҳим нарса бу саҳнада қаҳрамонлар ўрнини тақсимлаб – белгилаб бермаслик керак. Уйда ишлаб чиқилган хомаки лойиҳа репетиция жараёнида режиссёр билан актёр ўртасидаги ижодий мулоқат вақтида, табиий тарзда туғилиши, пайдо бўлиши шарт. Агар режиссёр ўзи уйда тайёрлаб келган лойиҳасини қандай бўлмасин актёр томонидан бажарилиши талаб қиласиган бўлса катта хатога йўл қўйган бўлади. Бу мизансаҳналар ўта муҳим бўлса, режиссёр актёри ўзи сезмаган ҳолда шу мизансаҳналар томон бошлаб, етаклаб бориши керак бўлади. Токим бу мизансаҳналар гўё актёр томонидан топилгандек кўринсин. Агар репетиция жараёнида бу мизансаҳналар янги-ранглар, янги унсурлар билан бойитилса нур устига аъло нур бўлади.

Лекин, пьесанинг режиссёрлик нусҳасида мизансаҳналар кўриниши миришкорлик билан ишлаб чиқилган бўлиб, у доимо саҳналаштирувчининг қўл остида туриши лозим. Шу ўринда К.С. Станиславский ва Немирович-Данченко томонидан “Отелло” ва “Юлий Цезар” спектаклларининг партитураси ҳамда Мейерхольд қўлёзмалари билан танишиб чиқишилкини тавсия этамиз. Улар билан на фақат танишиб чиқиш балким уларни ўрганиш ҳам зарурдир.

Режиссёр томонидан мизансаҳна устида уйда ишланиши тўғрисида тўхталадиган бўлса, бу ишни мавжуд саҳнанинг кичик ҳажмдаги макетини ясаб, ана ўша макет устида мизансаҳналар ички ва ташқи муносабатларидан келиб чиқиб, иштирокчиларнинг жойлашуви, ҳаракат йўналишлари чизиклар билан кўрсатилиши зарур. Бу жараёнда режиссёрнинг тасаввури бир томондан хайкалтарош, манзара чизувчи рассом кўзи билан қаралса, иккинчи томондан худди саҳнага чиқиши керак бўлган актёр кўзи билан кўриши керак. Лекин яна қайтарамиз, уйда ишлаб келинган мизансаҳна бир лойиҳа холос. Бу лойиҳа

актёр билан режиссёр ўртасида кечадиган ижодий жараён синовидан ўтиши шарт.Борди-ю, режиссёр уйида ишлаб келган мизансаҳналарини юқорида таъкидлаганимиздек актёrlар томонидан сўзсиз бажарилишини талаб қилгудек бўлса, жуда катта хатоликка йўл қўйган бўлади. Режиссёр томонидан ўйлаб топилган мизансаҳналар ,гўё актёр томонидан ихтиро қилингандек бўлиб туюлсин.Агар саҳнадаги амалий репетициялар жараёнида уйда тайёрланган мизнасаҳна ўзгариб ёки бутунлай бошқача кўриниш ҳосил этса мутлақо ачинмаслик керак.Аксинча яхши қулай мизансаҳна топилганидан хурсанд бўлиш керак. Энг муҳими, аввалдан тайёрлаб келинган мизансаҳнани,ундан кўра яхшироқ,ифодалироқ мизансаҳнага алмаштиришга ҳамиша тайёр туриш керак.

Спектаклнинг дастлабки лойиҳаси-партитураси охир-оқибат бажарилиши шарт бўлган иш эмас бошланғич хусисиятга эга бўлиши шарт.Якуний мизансаҳна актёrlар томонидан репетиция ва бир –бирлари билан ўрнатиладиган муносабатлар натижаси ўлароқ пайдо бўлиши муҳимдир.

Мзансаҳналар устида иш ўз якунига етганидан сўнг навбатдаги,учинчи босқичдаги вазифаларни бажариш лозим бўлади.Бу иш асосан саҳнада бажарилиши керак.Бу жараёнда бўлажак спектаклга сифат ва кўрк берилади.Айрим нарсаларнинг баҳридан ўтилади.Айрим жойларга қўшимчалар киритилади.Актёrlар ижроси,спектаклнинг ташқи безаги,ёритиш,грим,костюм,музиқа,ташқаридан бериладиган турли шовқинлар,товушлар бир-бири билан мослаштирилади,бир тартибга солинади,натижада яхлит ҳолидаги бир-бири билан уйғунлашган бадийлик ҳосил қилинади.Мана шу жараёнда режиссёрдан ижодий салоҳиятдан ташқари ташкилтчилик қобилияти ҳам талаб қилинади.

Биз режиссёр билан актёр ўртасидаги ижодий муносабатларни кўриб ўтдик.

Лекин режиссёр рассом,ишлаб чиқариш цехлари ходимлари,композитор,костюмер,гримчи ва бошқа соҳа мутахассислари билан бўладиган иш жараёнида уларда ҳам ижодий кайфият ва ташаббускорликни вужудга келтира билишлик талаб қилинади.

### Ижодий тўсиқларни бартараф этиш

Ҳар бир ижодкор, у қайси соҳада фаолият юритмасин,ўзи муносабатга киришган объект қаршилигига учраши табиийдир.

Режиссёр санъатининг объекти актёрдир.Актёр қарама-қаршилигини енгиб ўтиш эса осон иш эмас.Баъзан у жуда ҳам қаттиқ қаршилик кўрсатиши мумкин. Кўпинча шундай ҳам бўлади.Режиссёр ўзига тегишли барча вазифаларини тўғри бажаради.Актёrlни, тимсол талқинидан келиб чиқиб, ижодий жараёнда тўғри изга тушириб юборади.Ҳаётий ва бадий ҳақиқат йўлини кўрсатиб беради.Ижодий тасаввурини уйғотади.Пиесадаги бошқа қаҳрамонлар билан муносабатларни тушинтиради.Мақсадга эришиш йўлидаги хатти-харакатларини белгилаб беради.Хатто саҳнага чиқиб, айрим ҳолатлардаги вазиятда қандай ҳаракат қилиш кераклигини кўрсатиб ҳам беради.Буларнинг ҳаммаси актёрдаги ижодий ташаббусни уйғотишга қаратилган бўлишига

қарамай,ижодий ташаббус кўзга кўринмайди.Нима қилиш керак?Объект қаттиқ қаршилик кўрсатмоқда.Уни қандай енгиш керак?

Агар актёр режиссёр кўрсатмаларига қўшилмаса бу кўп ҳам ҳавфли эмас.Бундай вазиятда режиссёр яна қайта тушинтириш,кўрсатиб бериши мумкин.Бу ҳам таъсир этмаса,энг сўнгги чора:”**менинг талабларим нотўғри бўлиб,кўрсатганларим қониқтирумаса ўзинг кўрсатиб бериб, бизни ишонтир”** дейиши мумкин.

Аммо актёр беихтиёрий равишда қаршилик кўрсата бошласа,режиссёрнинг талабларини тўғри қабул қилиб,уни бажаришга ҳар қанча ҳаракат қилгани билан бирон натижа чиқмаса,у ҳолда нима қилиш керак? Актёрда ижодий жараён бошланмаса бунинг қандай чораси бор?

-Сен ролга тўғри келмас экансан,- деб ролдан олиб ташлаш керакми?Бу нотўғри йўл.Актёр қобилиятли ва айнан шу ролга жуда ҳам тўғри келади.Бўлмаса нима қилиш керак?

Энг аввало актёрдаги ижодий жараён бошланишига тўсқинлик қилаётган ички қарама -қаршилик нимадан иборат эканлигини аниқлаш лозим.Агар ўша қарама-қаршилик манбани аниқланса,тўсиқни ўргадан кўтариб ташлаш осон кўчади.Бироқ халақит бераётган тўсиқни актёрдан қидиришдан аввал,режиссёрнинг ўзи актёрнинг ички сиқиқлигига сабабчи бўлган бирон-бир хатоликка йўл қўймадиммикан, деган фикрда ўз фаолиятини бирма-бир таҳлил чиқиши лозим.Кўпинча режиссёр мумкин бўлмаган нарсани талаб қилиб актёрни қийнаб қўяди.Андишли актёр,режиссёрнинг кўрсатмаларини сўзсиз бажаришга ҳаракат қиласи-ю бирон натижа чиқараолмайди.Дейлик, режиссёр берилган парчада актёрдан мураккаб вазифани талаб қиласи.Аммо бу вазифа актёр шу парчага қадар бажариб келган вазифадан мутлақо фарқ қилган , аввалги саҳна билан узвий боғлиқлиги йўқ,тимсолнинг психологиясидан келиб чиқмас ,натижада актёр бу вазифани бажариш имкониятидан маҳрум бўлиб , ноқулай аҳволга солиб қўйилган бўлади.

Ёки, режиссёр томонидан актёр олдига қўйилган вазифа,шу актёр имкониятидан ташқарида бўлиб, унинг жисмоний ва ифодавий имкониятлари бу вазифани бажаришдан ожизлик қилиши мумкин.

Демак, хатоликни актёрдан қидиришдан аввал, режиссёр хатоликни ўзидан қидириши керак экан.Бундай вазиятда дастлабки қўйилган вазифадан воз кечиб,актёрнинг имкониятидан келиб чиқиб вазифа белгиланиши ўринли бўлади.Бундан ташқари актёрга вазифа берилиши билан уни сўзсиз бажарилиши талаб қилинадиган бўлса,кутилган натижа чиқмайди.Актёр жонли ижро жараёни ўрнига ҳолатни кўрсатишга, акс этдиришга ўтиб кетади.

Агар ижодий сиқиқлик актёрнинг ўзида бўлса у ҳолда нима қилиш мумкин?

У ҳолда, ана шу тўсиқлик ва сиқиқлик сабабини қидириб топиш керак бўлади.

**1.Актёрни ўз партнёри ёки ўзини қуршаб турган мұхитга нисбатан диққат ва эътибори сустлиги.**

Юқорида кўриб ўтганларимиздан бизга маълумки, саҳнада турган актёр **ҳар дақиқа ўз диққатини бирон-бир объектга боғлаши лозим**.

Аксарият ҳолларда, саҳнада турган актёр ҳеч кимни кўрмайди,эшитмайди.Бундай вазиятда жонли ижро жараёни ўрнига бир

қолипдаги **холат** қайтарилади.Ижодий сиқиқлик вужудга келади.Сабаби актёрни саҳнада бўлиши жараёнида, унинг дикқатини узлуксиз ўзига қаратиб турадиган манба йўқлигига.Ижодий жараённинг энг катта тўсиқларидан бири шу ерда ётган бўлади.Гоҳо, шу кичкина тўсиқ олиб ташланиши билан ижодий жараён бошланиб кетади.Бунда режиссёр,актёр-тимсол кимга қулоқ солиши,нимани кўриши, кимга қарата гапиришини, йўл-йўлакай айтиб юбориши ҳам, актёрнинг ички ижодий фаолияти жонланиб кетишига сабаб бўлиши мумкин.Баъзан актёр, ролнинг энг масъулиятли саҳнасини хис-хаяжонга тўлиб тошиб,хаддан зиёд бўрттириб,**сезгиларини намойиш** этишга ўтиб кетади. Бирдан ўзини нотўғри ўйнаётганини сезиб қолиб,режиссёрга жаҳл қилади.Ролини улоқтириб саҳнадан чиқиб ҳам кетади.Шундай вақтларда режиссёр унга бақириш,таҳдид қилиш ўрнига уни ёнига чакириб тинчлантириши сўнгра саҳнага чиқариб шошилмай “**партнёрининг костюми қайси рангда,нечта тугмаси бор экан,сочининг ранги қанақа экан,шошилмай кўриб чиқинг-чи”**дейиши зарур.Актёр аста-секин дикқатини керакли манбага қаратганини ўзи ҳам сезмай қолади.Асаблари бўшашади.Ички сиқиқлик йўқолади.Ана шундан кейинингина”келинг репетицияни келган жойимиздан бошлайлик деб,ишонч ва ижодий муҳитни яратиши зарур бўлади.Қарабисизки, актёр саҳнада бошқача ҳаёт билан яшайбошлайди.Саҳна жонланади,қаҳрамон писса воқеалари доирасида ҳаракат қиласиб ўтади.Агар бунда ҳам бирон натижа чиқмаса,унда нима қилиш керак? Бундай вазиятда актёрга бошқа бирон нарса тўсиқлик қилаётган бўлади.

**2.Мушаклар таранглиги.**Актёр учун ижодий жараёнга тўсиқлик қиласиб ўтади.Ониллардан яна бири бу-мушаклар таранглиги ҳисобланади.

Бизга маълумки,актёр саҳнадаги вазифасидан келиб чиқиб,эътиборини маълум обьектга қаратиб, дикқатини ўша манбага тўпласа мушаклар таранглиги, ўз-ўзидан йўқолганини ҳам сезмай қолади.

Ёки,баданидаги бирон аъзосидаги мускуллар таранглини бартараф этаолса, ўз-ўзидан саҳнавий дикқат жонланиб ҳаётйлик, саҳнадаги бажараётган ишида мақсад ва қизиқиши пайдо бўлади. Айрим ҳолатларда режиссёр саҳнада ҳаракат қиласиб ўтади актёрга “**чап оёгингизни,бўйнингизни, елкангизни ва.х.к.зларни бўшатинг**” дея пастдан икки-уч оғиз сўз айтиб юборса,актёр дарҳол ўзини ўнглаб олиши мумкин.

**3.Саҳнада зарурий оқлашнинг (оправдание)бўлмаслиги.**Баъзан шундай ҳам бўлиши мумкин.Саҳнада ҳаракат қиласиб ўтади актёр, тимсол сифатида бажариши керак бўлган бирон ишни охиригача бажармай, иккинчи ишга ўтиб кетиши мумкин.Борингки бу иш унчалик муҳим бўлмаса ҳам актёр унга эътиборсизлик қилиши оқибатида тўғри йўлдан чалғиб кетиши, ўзини йўқотиб қўйиб, саҳнавий таранглик пайдо бўлиши мумкин.Мана шундай кезларда режиссёр, эътиборсизлик қилинган ўша иш ёки буюм нималигини актёрга айтиб юбориши,кўрсатиб бериши зарур.Актёр унитиб қолдирган нарсасини қайтадан тўғри бажариши натижасида,тимсолнинг узлуксиз ҳаракати топилади.

**4 Ижодий озуқанинг етишимаслиги.**Бундай сабаб ҳам ижодий тарангликка олиб келиши эҳтимолдан ҳоли эмас.Кўпинча бундай ҳолатлар,актёр томонидан ҳаётий кузатувлари,тўплаган билимларини олдинги репетицияларда ишлатиб

қўйганлиги,айни чоғдаги репетицияда эса захирасида ишлатишга арзигулик билими етишмаслиги оқибатида пайдо бўлади. Аммо ҳали репетициялар тугагани йўқ.Иш давом этиши керак.Дастлабки сухбатлар чоғида фойдаланган билимларини яна қайта фойдаланишнинг иложи йўқ.Оқибатда у,репетициялардан зерика бошлайди.Репетициялар бир жойидан силжимайди. Агар актёрда олдинга силжиш бўлмаса,демак у орқага кетади.Аввалги топган топилмаларини ҳам йўқотиб қўяди.

Бундай вазиятда режиссёр нима қилиши керак?Энг тўғри йўл, репетицияни тўхтатиб,актёрга ижодий озуқа бўладиган билим билан актёрни озуқлантиришга ўтгани маъқул.Актёр билан қаҳрамон хаётига таълуқли воқеа ва ходисаларни яна қайтадан кўз олдига келтириши,эсга тушириши керак.Хаёт биз ўйлаганимиздан кўра ранг-баранг ва бойроқ.Унда ҳамиша аввал кўрмаган, сезмаган эътибор бермаган нарсаларни исталганча топиш мумкин.Шунинг учун актёр билан биргаликда тасаввурни ишга тушириши,ҳаёлат оғушига шўнфиши лозим бўлади.Натижада янги фикр,янги сўз туғилади ва ижодий жараён қайтадан жонланиб кетади.

**5.Актёр томонидан ҳолатни қўрсатишига ўтиб кетиши.**Актёр ижодига тўскенилик қиласидан яна бир жиддий омил ,бу актёр ўзи кўз олдига келтириб қўйган тимсолнинг ҳолатини намойиш этишга ўтиб кетишидир.Агар актёрда шундай намойишкорлик пайдо бўлиб қолса режиссёр дарҳол уни тўхтатиб,тимсолнинг мақсади ва бажариши керак бўладиган ишни унинг ёдига тушириб репетицияни яна ижодий жараён томон буриши керак бўлади.

**6. Йўл қўйилган соҳталиқ.**Кўпинча шундай ҳам бўлиши мумкин.Актёр ташқаридан уйга киради.Устидаги ёмғир томчиларини сидириб ташлаб костюмини ечади ва саҳнадаги хал қилувчи вазифани бажаришга киришади.Лекин негадир актёр ҳаракатлари соҳта беўҳшов чиқади.Нега? Нима учун саҳнавий хақиқат ўрнига ишончсизлик,сунъийлик пайдо бўлиб қолди?Бунинг сабаби актёрнинг хонага кирган вақтида дастлабки йўл қўйган арзимас хатоси,катта хатоликни келтириб чиқарганида бўлди.

Шунинг учун режиссёр сунъийлик,соҳталиқ пайдо бўлиши биланоқ,унинг катта-кичиклигига қарамай дарҳол актёрни тўғри йўлга солиши зарур.Ўша бир томчи ёмғир сувини актёр кўриши,уни сидириб ташлаши керак, костюм тугмаларини бир-бир ечиши ва қозиқقا илиши,сўнгра енг шимариб ишга кириши керак.Бу оддий жисмоний ҳаракатларни тўғри ва аниқ бажарилиши.актёрни саҳнавий хақиқатдан четлашишига йўл қўймайди.Актёрнинг ҳар бир хатти-хракатини диққат билан назорат қилиб туриши керак бўлган режиссёр, кичик хатоликларни менсимай, эътиборсизлик қилиб, ўтқазиб юбориши оқибатда катта соҳталиқ,катта сунъийликни келтириб чиқаришини ҳамиша ёдда сақлаши зарур.

**Демак ,репетиция қилинаётган саҳнани хаққоний ва ишонарли тарзда мейёрига етказиб тайёрламай туриб,бошқа саҳнага ўтиб кетиши режиссёрнинг энг катта хатоси экан.**

Хатто арзимаган бир оғиз сўзибора,бир қарашни тўғри акс этдириш учун икки-уч репетиция бағишлисанса ҳам бадий ҳақиқатга эришмагунича бошқа саҳнани репетиция қилишга киришмаслик лозимдир.

Айрим режиссёрларга хос бўлган яна бир қусурли усул бу бўлажак спектаклнинг барча кўриниш ва саҳналарини аввалига мизансаҳналарини сочиб ташлаб, кейин ҳар бир кўриниш ва саҳнани **шошилмай мейёрига** етказаман деб, ҳаёл қилишдир. Бундай тарзда репетиция ўтқазиш, актёрни сохталик ва юзакичиликка одатлантириб қўяди. Натижада актёр, ролнинг ривожланиб бориш жараёнини эмас аксинча **тайёр натижасини** кўрсатишга ўрганади.

Ёки ,ҳали репетиция қилиниб, мейёрига етказилмаган кўриниш ёки саҳнани якуний натижа сифатида бир неча бор такрорлаб **мустахкамлаб олиш** ҳам ўта хатоликдир. Чунки кейинги репетицияларда айни шу саҳналарда ижодий жараён рўй бермайди. Актёр бир қолипга тушиб, мизансаҳна ва сўзларни механик тарзда такрорлашга ўтиб олади. Ана унда, актёрни қайтадан ижодий жараёнга ўтқазиш мумкин бўлмай қолади. Фақат тўғри йўналиш бўйича ҳаракат олиб борилаётган саҳналарнигина қайтариб олиш мумкин. Бу жараёнда баъзи нозик ҳаракат ва имо-ишоралар мейёрига етмаган бўлса ҳам кейинчалик улар репетиция жараёнларида бойитилиб, тўлдирилиши мумкин.

Актёрнинг дикқатини жамлаши, мушаклар эркинлиги, саҳнавий оқлаш, тассавурни фаоллиги ва хаётни яхши билиши, ҳаракатга чорловчи мақсадни яхши англаганлиги натижасида, партнёрлар билан ўз-аро тўғри муносабат ўрнатилиши, бадиий ҳақиқатни қарор топиши, буларнинг ҳаммаси актёрнинг ижодий кайфиятини белгиловчи омиллар ҳисобланади. Агар шу омиллардан биронтаси бўлмаса, ижодий жараён изидан чиқади.

### **Режиссёрнинг актёр билан ишлаши**

Театр соҳасидаги фаолият тўғрисида гап юритар эканмиз, режиссёр санъатини рўёбга чиқарадиган, уни кўрсатадиган асосий куч бу сўзсиз актёрдир. Агар актёрнинг қобилияти паст, укувсиз, фикрлай олмайдиган, ношуд ва дангаса бўлса режиссёрнинг барча саъии ҳаракатлари бехуда бўлиб, бирон-бир натижага эришиши мушкулдир. Шунинг учун режиссёр энг аввало актёрнинг ижодий жараёнини уйфота олиши керак. Актёрда мустақил ижод қилиш иштиёқини қўзғатмасдан туриб ижодий ишга қўл уриш бефойда ва самарасиз ишдир. Актёрдаги **ижодий иштиёқ учқунлари** пайдо бўлиши билан режиссёр шу оловни сўндиրмасликка, аксинча уни аниқ мақсад сари йўналтираолиши, бўлажак спектаклнинг ғоявий-бадиий нияти билан қизиқтираолиши зарур. Спектакль фақат биргина актёр билан саҳналаштирилмай, унда кўпчилик иштирок этишини ҳисобга оладиган бўлсак, барча иштирокчилар ҳамфикрлигига эришилган ҳолда, спектаклнинг бадиий-ғоявий яхлитлигини таъминлаш учун ҳаракат қилиши зарур. Бунинг учун эса, ишни саҳнадаги барча ҳаракатларни бадиий-ижодий ташкиллаштира билиши лозим.

Ҳар қандай ҳаракатнинг замерида, маълум қарама-қаршилик ётади. Қарама-қаршилик, зиддиятни келтириб чиқаради. Зиддият эса ўз навбатида тўқнашувлар сабабчиси. Тўқнашувлар эса иштирокчилар ўртасида вужудга келади. Режиссёрнинг вазифаси саҳнадаги қаҳрамонларнинг ўз-аро муносабатлари орқали зиддиятли вазиятлар ва қарама-қаршиликларни

келтириб чиқаришдан иборат.Бир сўз билан айтганда режиссёр,саҳнавий ҳатти-ҳаракатларни ижодий ташкилотчисидир.

Ҳар қандай санъатнинг асл вазифаси акс этдирилаётган ҳаётий воқеликнинг моҳиятини очиб бериш,воқеликни ҳаракатга келтирувчи ички мурвати-пружинасини топиш ва унинг ички қонуниятларини ихтиро қилишдан иборат бўлиши зарур.

Шунинг учун ҳам ҳақиқий ҳаётни яхши билишлик ижодий фаолиятнинг асосини ташкил этади.Ҳаётни яхши билмай туриб ижод билан шуғилланиш мумкин эмас.Бу гап режиссёр билан актёр фаолиятига ҳам таалуклидир.Ҳаётни яхши билган актёр, режиссёр томонидан берилган топшириғига ижодий ёндошган ҳолда, режиссёр ижодига ижобий таъсир ўтказади.Режиссёр актёрга навбатдаги топшириқни берар экан, аввалги берилган топшириқни актёр қанчалик ўзлаштирганига эътибор қаратади.Агар актёр ўзининг бутун оғирлигини режиссёр зиммасига юклаб қуйгувдай бўлса,режиссёр актёرنинг ижодий дояси бўлиш ўрнига унинг етаклаб юрувчи хизматкорига айланиб қолади.Режиссёр ўзи ишлаётган ижодий жамоада,ҳечқачон актёрларни ўз елкасига чиқариб қўймаслиги керак.Шунинг учун у, актёрдан ўз топшириқларини шунчаки бажришлиқни эмас,ҳар бир кўрсатма ва топшириқни ижодий ёндошган ҳолда бажаришлиғига эришмоғи зарур.Ҳақиқий режиссёр актёр учун на фавқат ўқитувчигина бўлиб қолмай, у ҳаётни ўргатувчи устоз ҳам бўлмоғи талаб қилинади.Режиссёр ўзи ишлаётган ижодий жамоанинг ташаббускори,илҳомлантирувчи,ҳамда тарбиячимси ҳамdir.

### **Актёрнинг саҳнавий фаолияти**

Режиссёрнинг асосий ва энг муҳим вазифаси актёрдаги ижодий ташаббускорликни уйғотиш, ва уни тўғри томонга йўналтира билишликдан иборат.Йўналиш эса спектаклнинг ғоявий ниятидан келиб чиқиб аниқланади.Асаддаги ҳар бир рол ана шу ғоявий ниятга бўйсундирилиши лозим.Ана шу ғоя ва талқин, актёрнинг қон-қонига сингиб кетиши керак.Лекин бу дегани режиссёр актёрнинг қўл-оёғини, фикрини боғлаб қўйиши дегани эмас.Аксинча режиссёр актёр эркинлигини сақлаш учун ҳаракат қилиши керак.Саҳнавий эркинлик ижодий жараённинг калитидир.Актёрнинг **саҳнада ўзини эркин тутими** деганда,саҳнавий ҳаётнинг турли вазиятларида ҳам у,ўзини айни асар қаҳрамони сифатида, вужудга келган шароитда қандай эркин-эмис ҳаракат қилиши, муносабат билдириши назарда тутилади. Шунингдек партнёрининг ҳар бир сўзи,ҳаракатига муносиб жавоб қайтариши,унга монанд ҳаёт тарзини акс этдира олиши керак.Саҳнадаги актёр, бу вазифани фақат режиссёр топширгани учунгина эмас,айни ҳаётий мажбурият деб қабул қилмоғи заар.Барча ҳаракатлар мутлақо эркин ва ихтиёрий бўлиши муҳимдир.Лекин бу эркинлик, саҳнада кўнгилга келган ишни қиласвериш мумкин, дегани эмас.Барча ҳатти-ҳаракатлар, режиссёр томонидан маълум мақсадлар сари йўналтирилган манзил томон интилиш бўлиб, у ишонарли ва тўғри бўлиши шарт.Бир сўз билан айтганда саҳнадаги актёрнинг барча

ҳаракатлари ҳам эркин ҳам тўғри бўлиши керак. Бу талаб анча оғир бўлиши билан бирга актёр ижодида бундан бошқа йўл ҳам йўқдир.

Дейлик ,актёрга саҳнада маълум мизансаҳна режиссёр томонидан кўрсатиб берилади. Актёр шу мизансаҳнани бажариши керак. Бу мизансаҳна ҳар сайдарғи репетиция чоғида ундан кейин эса спектаклда аниқ ва тўғри бажариши зарур бўлади. Кўрсатиб берилган мазкур мизансаҳна , ,песанинг умумий мақсадини очиб бериш учун, қаҳрамонни факат шундай ҳаракат қилиши кераклигини тақозо этганлиги сабабли, режиссёр томонидан аввалдан обдон ўйланиб топилган бўлади. Лекин режиссёр томонидан берилган мизансаҳнани актёр худди ҳаётй заруриятдек эркин бажара олиши керак. Актёр бу топшириқни ўзи яхши тушиниб, берилган шароитда, қаҳрамон зиммасидаги вазифани бажаришлик учун айни худди шундай ҳаракат қилиши кераклигини хис этса, англасса ,бу мизансаҳна ҳаётй ва эркин бўлиши аниқ. Дейлик актёр , режиссёр топшириқларини сўзсиз бажаришга ҳар қанча ҳаракат қилмасин, саҳнада сунъиilik яққол кўзга ташланиб туради. Режиссёр унга ҳар қанча тушинтиришга, кўрсатиб беришга уринмасин ҳеч бир натижади кўринмайди. Режиссёр ҳам “бор билганингча қилиб кўр дейди” Актёр саҳнада ўз ҳоҳишича ҳаракат қила бошлайди. Бироқ унинг ҳаракатлари, асарнинг мантиқий, ғоясига тўғри келмайди. Натижада ғоя бузилади., мақсаддан четга чиқиб кетилади. Бундан шундай хулоса чиқадики, актёр саҳнада эркин ҳаракат қилар экан, унинг хатти-ҳаракати асар мантиқидан ташқарида, умумий ғоя доирасида эмас, ўзининг шахсий ҳоҳиши ва ўз ихтиёридан келиб чиқиб ҳаракат қила бошлайди. Буни мутлақо ижодий жараён деб аташ мумкин эмас. Ижодий эркинлик ҳар қандай вазиятда ҳам ўз ҳаракатларини маълум мақсадларни амалга ошириш учун йўналтириш ва умумий ғояга бўйсундирилган ҳолда ҳаракат қилишликни тақозо этади.

Бунга қандай эришиш мумкин?

Биринчидан, катта сабр тоқат керак бўлади. Токим унинг ҳаракатлари табиий ва ўзига маъқул бўлиб, бу ҳаракатлардан ўзи ҳам роҳатлансин. Бунинг учун эса режиссёр актёрга тушинтириш билангина чекланиб қолмай, ўз мақсад ва ғояси билан актёрни ҳам қизиқтира олсин. Бу тушинтириш ва қизиқтириш орқали актёрнинг сезги ҳиссиёти ва тафаккурига таъсир ўтказа билиши керак. Актёр тасаввурини уйғотиши керак. Фақат шундай йўл билан ижодий муҳит яратилиши мумкин. Бу вазифанинг қийинлиги- спектакль бошланишидаги дастлабки сўз-иборадан бошлаб унинг ривожланиши, авжи ва якунига қадар актёрга олдиндан маълумлигидир. Актёр маҳоратининг сири , ўзи учун аввалдан маълум воқеа ҳодисаларни, хатто бир оғиз сўзни ҳам гўё ҳудди ҳозир, биринчи марта эшитаётгандек қабул қилиши керак .

Кимки бундай фаолиятга қодир бўлмаса актёрлик лаёқатига эга эмас.

**Демак, актёр саҳнада аввалдан ўзига маълум воқеа ва ҳодисалар доирасида ҳаракат қилар экан, ўзига кўрсатилаётган таъсир воситаларини, гўё ҳудди ҳозир, айни дақиқада, биринчи марта қабул қилаётгандек муносабат билдириши ва ўзини айнан шундай хис эта билиши шарт экан.**

Режиссёр,актёрдан айнан шундай эркин ҳаракатни талаб қилиши,уни шундай ҳиссиётлар томон етаклаши ва бундай ҳолатни қўллаб-қувватлаши зарур.Бунинг учун эса режиссёр актёрга таъсир ўтказиш восита ва усуllibарини билиши ва улардан ўрнида фойдалана олиши керак.Шунингдек режиссёр,актёрнинг саҳнада эркин ҳаракат қилишига ҳалақит берадиган омилларни билиши ва бу тўсиқларни бартараф этаолиш салоҳиятига эга бўлиши шарт.

Амалиётда эса кўпинча режиссёrlар,бундай тўсиқларни енгиб ўтишга ёрдам бериш ўрнига ўзларининг турли топшириқ ва ўринсиз талаблари билан актёрга ҳалақит берадилар.

Аслида саҳнадаги хоҳ катта,хоҳ кичик тафаккур махсули бўлмиш бадиийликнинг гарови,берилган майдон ва маконда ҳаракат қилаётган актёرنинг ўзини эркин ҳис этиши, ижодий мушоҳадаси ва нафис ижросига боғлиқдир.

Режиссёрнинг қайси усул ва воситалари актёрни саҳнада ижодий эркин ҳаракатига ёрдам беради-ю,қайси фаолиятлар унга ҳалақит қилиши мумкин?

### **Режиссёр топширигини амалга оширувчи қурол - ҳаракатдир**

Режиссёр фаолиятидаги энг заарли одатларидан бири, дарҳол актёрдан маълум натижаларни талаб қилабошлашдир.Актёр фаолиятининг натижаси эса, саҳнадаги ранг-баранглик,нафис ҳаракатлар,ифода воситаларининг шаклий кўринишида акс этади.Агар актёрдан дарҳол маълум ҳолатларни,сезги ва шаклларни талаб қилгувдек бўлсақ,демак биз натижа талаб қилаётган бўламиз.Актёр эса ўзининг табиати ва ҳаракат табиийлигига путур етқазиш ҳисобига бу талабни дарҳол бажармоқчи бўлади.

-“Худди шу ерда, кулишингиз керак “дейилади актёрга.Актёр эса ички қарама-қаршилигини енгиб, зўрма-зўраки кулишга уринади.Гарчанд бу кулги нотабиий,сохта,юзаки бўлса ҳам.

-“Худди шу ерда йиғлашингиз керак”,-дея навбатдаги талаб қўйилади.

Бечора актёр зўр бериб йиғлашга,қандай бўлмасин кўзидан ёш чиқаришга уринади.

Натижада ёлғондакам, сохта,йиги ўйналади. Бундан бошқача бўлиши ҳам мумкин эмас.Сезгилар ички ва ташқи ифода воситалари бўлишига қарамай ,тўғри йўлни топиб уларга эришиш учун маълум вақт ва жараёнлар ўтишлигини талаб қилади. Режиссёр эса ўз навбатида дарҳол натижани талаб қилиш ўрнига,тўғри йўлни топишда актёрга суюнчиқ бўлиши лозим.Агар актёр бошиданоқ тўғри йўлга тушиб олса,зарурий натижани ўзи топиб олади.

Режиссёр, актёрга сезги ёки шаклни эмас ана шу сезги ва шаклни угонишига ёрдам берадиган ички таъсир воситаларини ишга туширишга ёрдам бериши керак.Ҳар қандай ҳиссиёт ,сезги инсонни ташқи олам билан тўқнашувининг натижаси эканлиги тўғрисида эслатиб ўтган эдик.Агар актёр, саҳнадаги қаҳрамонининг айни вақтдаги мақсадини тўғри англаб етган бўлса,тўқима ҳақиқатни жиддий қабул қилса,ҳамда кўзлаган мақсадига эришиш учун маълум

ҳаракатларни түғри амалга оширса, зарурий сезгилаар ўз-ўзидан келиши мүмкин. Унинг барча акс таъсири эркин ва енгил кечади. Мақсадга яқин қолган сари ижобий таъсири кучайиб мамнунлик пайдо қиласди. Мақсадга эришиш йўлидаги тўсиқлар эса, салбий хиссиётларни қўзғатади. Ҳамма гап, актёр сахнада берилиб, мақсад сари ҳаракат қилишида. Бу муҳим аҳамиятга эга.

Драматургияда, умуман жаҳон драматургиясида доимо учрайдиган вазият-актёрнинг қаҳрамони севиб қолиши керак, дейлик. Агар актёр дарҳол “севги”ни ўйнай бошласа бу ишдан бирон натижа чиқиши мушкул. Хиссиётларни ўйнаш, намойиш қилиш актёрлик “қайтариқ” (штамп) лиқдан ўзга нарса эмаслиги маълум. Агар режиссёр ҳам актёрдан хиссиёт талаб қила бошласа ундан ҳам ёмон.

“Севиш керак”, “севаолмаяпсиз” деб режиссёр бақира бошласа, шўрлик актёр нима ҳам қила оларди.

Одатда, инсон табиати шундай эканки, биз қанчалик у ёки бу сезги ва ҳиссларни зўрлаб чиқаришга ҳаракат қилганимиз сайн улар биздан шунчалик узоклашар экан.

Агар актёр, режиссёр билан биргаликда сахнада оддий ҳаракатлар занжирини бир-бирига боғлаб чиқса (яъни севишган ёшларга хос бўлган оддий муносабат ва ҳаракатлар) ҳамда шу ҳаракатларни табиий равища бажаришга киришса, сезги ва ҳиссиёт ўз-ўзидан чиқиб келаверади.

Дейлик пиееса воқеаси, муаллиф томонидан берилган шарт-шароит, иштирокчининг тавсифи, ҳамда унинг сўzlари оддий одамларга хос ҳаракатлардан иборат бўлса қўйидагича ҳаракатлар занжирини (узлуксиз ҳаракатини) назарий ишлаб чиқиши мүмкин.

1. Ўзгаларга кулги бўлмаслик учун қизга (севгисини яшириб) нисбатан ўзини лоқайд қўрсатишга уринсак.

2. Қизнинг ҳар қандай истагини шу заҳоти муҳайё қилиш учун уни тинимсиз кузатсак.

3. Қулай вазият туғилди дегунча қизга яхши кўриниш учун қувноқ ҳангомалар, латифалар айтиб сўзамолликни намойиш эта бошласак.

4. Ўз рақибимдан олдин унга мулозамат қўрсатиб, кийим кийишига ёрдамлашаман.

5. Қарашларини пойлайман. Қилаётган ишларим унга ёққан-ёқмаганлигини билишига ҳаракат қиласман.

6. Унда рашик ўтини қўзгалиш учун бошқа қизлар билан, жўрттага тегажоғлик қилиб ҳазиллашаман.

7. Уни таъзирини бериб қўйиш учун, илтимосини жўрттага бажармай қўяман.

8. Ундан кечирим сўраш учун қулай пайт пойлайман.

9. Ўз изтиробларимни яшириш учун ундан юзимни бураман.

Ва шунга ўҳшаш бошқа ҳаракатлар...

Бундай олиб қаралса юқорида санаб ўтилган оддий ҳаракатларни бажариш кўп ҳам қийин иш эмас. *Ўзини қўрмаганга олиш, яшириш, ҳазил-мутойиба қилиши, сумка ёки ёмғир пўшини олиб бериш, қарашларини пойлаш, хушиомад қилиши, рад этиши, қулай фурсатни пойлаш, ойнага қараши...*

Бундан осон иш бор эканми?

Агар шу ҳаракатларни саҳнада бажарсангиз,томушабин сизни севиб қолганингизга ишонади.

### **Ҳаракат- сезгиларни қўзғатувчи қопқондир!**

Хатти-ҳаракат, ҳиссиёт ва сезгиларни илинтирувчи қармоқ.Шунинг учун ҳам режиссёр актёрдан ҳиссиёт ва ҳолатни эмас ,аниқ берилган вазифа бажаришликни талаб қилиши керак.У қайси вақтда қандай ҳаракатни амалга оширишликни айтиб туриши зарур.Агар актёр ўз билганини қилиб,ташқи ҳолат шаклини намойиш этишга ўтиб кетса,дарҳол уни тўхтатиш ва тўғри йўлга солиб қўйиш зарур.Актёрга нотўғри йўлдан қайтариш йўллари жуда кўп.Бир сафар унинг қилиқларини бўрттириб кўрсатиб берилса,бошқа сафар, унинг кўрсатганларини атайлаб масҳара қилиб,учинчи сафар эса актёрга кўрсатганларини ошириб-тошириб,кўпиртириб кўрсатиш орқали, уни нотўғри йўлдан қайтариш мумкин.

Демак режиссёрниң иш услуби ҳолатни эмас, актёрга тўғри ҳаракат чизигини, чизиб беришликдан иборат экан.

### **Режиссёр топшириғининг шакллари: кўрсатиб бериши,тушинтириши,айтиб туриши.**

Режиссёрниң ҳар қандай кўрсатмаси,сўз орқали тушинтириш ёки **кўрсатиб бериш** орқали бўлиши мумкин.**Сўз орқали тушинтириш** режиссёр кўрсатмасининг тўғри йўли ҳисобланади.Лекин бу билан ҳечқачон ва ҳеч бир шароитда “режиссёр **кўрсатиб бериши** мумкин эмас” деган янгиш хulosा чиқармаслик керак.Режиссёрниң бундай муҳим ижодий мулоқат шаклидан фойдаланиш керак ва зарур.Бироқ ҳамма гап шундаки,бу шаклни сустеъмол қилмасдан,ўта эҳтиёткорлик ва ўрнида фойдалана билиш зарур.Сабаби фақат кўрсатиб бериш орқали ишлаш жараёнда актёр шахсий фикри,шахсий изланиши ўтмаслашиб,тайёр кўрсатиб берилган саҳна муносабат ва ҳолатни механик тарзда такрорлашга одатланиб қолади.Режиссёр эса фақат ўзининг айтганини бажартиришга ўрганиб қолади.Аммо кўрсатиб беришдан унимли фойдаланса,режиссёрни актёр билан ижодий мўлоқати самарали бўлиши мумкин.**Кўрсатиб бериш** орқали,режиссёр ўз фикр-мулоҳазасини синтетик тарзда,яъни бир вақтнинг ўзида ҳам ҳаракатни,ҳам сўзни ҳам, оҳанг ва қочиримларни намойиш этади ва улардаги мутаносиблик ва ҳамоҳангликни акс этдириб беради.Бундан ташқари режиссёр кўрсатиб бериш орқали, актёр сезгиларини уйғотишга кўмаклашган бўлади.Гоҳида қуруқ тушинтириш билан иш битмайди.Актёрни қизиқтира билиш ҳам керак .Ва ниҳоят **кўрсатиб бериш** вақтни тежайди.Бир фикрни актёрга ипидан игнасигача тушинтиргунча, соатлаб вақт кетиши мумкин.Кўрсатиб берилганда эса актёр илғаб олиши учун бир неча дақиқаларнинг ўзи кифоя қиласи.Шунинг учун режиссёрниң бу муҳим қуролидан воз кечиш ўрнига, **жойида** ундан унумли фойдаланиш лозим.Хўш ,жойида деганда нималар назарда тутилади? Бу шундай вазиятка,актёр рол учун ,тимсолни яратиш учун ижодий томондан пишиб етилган бўлади.Айни шундай вазиятда актёр ,режиссёрниң кўрсатиб берганларини кўр-кўрона

қайтариш ўрнига,унинг ёрдамида ижодий имкониятларини янада кенгроқ қулоч ёйдиради.Агар актёр ижодий сиқиқлиқ исканжасида бўлса,кўрсатиб беришдан фойда йўқ.Аксинча режиссёр кўрсатганлари билан ўзи бажараётганлари орасидаги тафовутни кўриб сиқиқлиги яна ҳам ортади.Ёки режиссёр кўрсатиб берганларини қандай бўлса шундайлигича такрорлашга ўтиб олади.Шунинг учун қачон, қайси вақтларда режиссёр **кўрсатиб беришга** ўтиши мумкинлиги ҳақида бир оз тўхталиб ўтайлик.

Одатда кўрсатишга ўтишдан олдин,режиссёрнинг ўзида ижодий **илҳом** бўлиши керак.Иккинчидан, қайси саҳнани нима **мақсадда** кўрсатиб бериш кераклигини,олдиндан яхшилаб ўйлаб олиши керак.Учинчидан, кўрсатилиши зарур саҳнанинг **бадиий шаклини** ҳис эта билиши ва кўрсатилиши натижасида актёр тўғри йўлдан кетишига ишонч ҳосил қилган бўлиши лозим. **Уқувсиз** кўрсатишнинг фойдасидан кўра **зарари қўпроқ** бўлиб, актёрлар кўз ўнгиде режиссёрнинг обруси ва мавқеига путур етказиш мумкин.Агар режиссёр айни чоғда ўзига ишонмаса,яхшиси сўз орқали тушинтириб бергани маъкул.

Мақсад,берилган саҳнани қандай ўйнаш кераклигини кўрсатиб беришдангина иборат бўлиб қолмай,тимсолнинг бирон-бир қиррасини,ўзига хос томонларини қай йўсинда акс этдириш мумкинлигини ҳам намойиш этмоқ шарт.

Бунинг учун тимсолнинг, муаллиф томонидан писесада берилган саҳнаси ёки вазиятини эмас.пъесадан ташқарида кечиши мумкин бўлган ходиса ва воқеалар жараёнида ўзини қандай тутиши мумкинлигини кўрсатиб бериш фойдалироқ бўлади.Мисол учун”Ревизор” писесидаги Хлестаков,ўзини ошхонада,балиқхўрлик қилаётганлар рўпарасида,ёки қимор ўйнаб пулларини қандай ютқизаётган вақтда ўзини қандай тутишини кўрсатиб берилса,актёр уни кўчириб ололмайди,қолаверса тимсолнинг кўшимча хусусият ва ҳолатни ўзлаштириб олиш билан бирга шиддат ва мейёр,юриш туриши,муомиласи,ўзини тутишда қўл ҳаракатлари,қадам босишларини ҳам ўзлаштиришда режиссёр ёрдам берган бўлади

Айrim ҳолларда,тимсолнинг аниқ ҳарактерини,воқеалар тизимидағи бурилиш нуқталари,ролнинг моҳиятини ўзгартириб юборадиган ҳолатларини кўрсатиб бериш мумкин.Фақат бундай вақтларда актёр ижодий илҳоми жўш урган,режиссёрнинг кўрсатганларини кўчириб олмасдан,унга ижодий ёндошган ҳолда ,тимсолни яна ҳам бойитишига,қизиқарлироқ акс этдиришига,энг муҳими у, иқтидорли эканига ишонч бўлиши шарт.

Бундай вақтларда ёш режиссёrlарда учрайдиган,актёрга ўз айтганини қилдиришга,кўрсатиб берганларини айнан қайтаришига,овози,гапириш оҳангি,қадам ташлаши-ю,қўл силташигача фақат ўзи кўрсатиб бергандек такрорлашини талаб қилишдан заарлиси,бундан ёмони йўқ.

Яхши режиссёр ўзи кўрсатиб берганларини механик тарзда такрорланишидан ҳеч қачон қониқиш ҳосил қилмайди.Бундай вазиятда дарҳол ўзи кўрсатиб берганларини йўқка чиқариб,бошқача ижрони таклиф қилади.Шунингдек бундай режиссёrlар ҳеч қачон тимсолнинг хатти-ҳаракатини охиригача кўрсатиб бермай,қандай ҳаракат қилишлигининг бошланғич вазиятларини намойиш этиб беради ва бу билан тимсолнинг давомини шу йўналишда талқин қилиш керак, дейди.Актёрга қайси йўналишда изланишлар олиб боришлик

учун бир турткى беради холос.Шу йўналишда изланган актёр керакли сифат ва рангларни ўзи топиб олади.

Моҳир режиссёр ҳамиша ўзининг актёрик салоҳиятидан келиб чиқиб эмас, рол ижро этаётган актёрнинг имкониятларидан келиб чиқиб қўрсатади. Яъни шу ролни ўзи қандай ўйнаши мумкинлигини эмас, шу ролни қандай ўйналиши кераклигини қўрсатади. Саҳна оҳангларини ўзи учун эмас рол ижро этаётган актёр учун излаши керак. Шуни ҳам ёдда тутиш лозимки бир ролни бир неча актёр ижро этаётган бўлса ҳаммасига бир ҳилдаги ижрони эмас, ҳар бир актёрнинг имкониятларидан келиб чиқиб, ҳар бирига алоҳида-алоҳида ижрони кўрсатиши зарур. Ҳамиша актёрнинг қобилияти ва иқтидорини ҳисобга оладиган режиссёр, саҳнадаги актёр билан умумий тил топишаолади. Бунинг учун режиссёр ўзи билан ижодий ҳамкорлик қилаётган актёрнинг нозик томонлари, ижодий имконияти ва даражасини, қобилиятини, ички ва ташқи кўринишларини ҳам назардан қочирмаслиги лозим. Шунингдек кўрсатиб бериш, актёрга таъсир ўтказишининг ягона воситаси эмас. Агар кўрсатиб бериш кутилган натижани бермаса, режиссёр бошқа воситаларни ишга солиши, улардан ўрнида фойдаланишни яхши билиши шарт.

Режиссёр актёрдаги ички имкониятларни очишни, уларни ривожлантириш, бойитиши лозим.

Режиссёрда, актёрнинг айни саҳнада, айни шу дақиқада ичида нималар кечётганини **сезаолишилик** салоҳияти бўлиши зарур. Чунки фақат режиссёргина, актёрнинг ижодий шахс эканлигини тушинади. Ҳар бир актёр фақат ўзигагина хос бўлган **инжик ижодкор** эканлигини ҳам билади. Шу боисдан қайси актёрга қайси вақтда қандай ёрдам бериш кераклигини, нимани айтиш мумкин-у, нимани айтмаслик зарурлигини англайди. Режиссёр актёр ижодини ўзи учун зарур бўлган томонга йўналтириши, ижод учқунларини эҳтиёткорлик билан ривожлантириши мумкин.

## ТЕХНИКА (*Маҳорат*)

### 1.

Мазкур атамани режиссёрлик қасби юзасидан қаралса, "режиссёрнинг техникаси" дейишилик мантиқ жиҳатдан тўғри бўлади.

"Режиссёрликка ўргатиш мумкин эмас, аммо режиссёрликни ўрганиш мумкин", деган эди К. С. Станиславский.

Режиссёрнинг маҳорати хусусида гап бошлишдан аввал Режиссёр қасби доирасидаги вазифаларини аниқлаб кўрайлик.

Режиссёр ким? Ижодкор муаллифми ёки бошқа одам томонидан ёзилган бадий асар талқинчисими?

Бошқа соҳа ижодкорлари хусусида бундай савол туғилмаслиги мумкин. Шоир, драматург, ёзувчи, рассом, композитор — буларнинг муаллиф эканлиги ҳаммага аён.

Режиссёрчи?

Машҳур режиссёр Жан Вилар "Спектаклнинг муаллифи сўзсиз режиссёрдир", деган эди.

Муаллифлик режиссураси билан бошқа муаллифнинг асарини жонли ижросини таъминловчи режиссёр ўртасидаги фарқ нимадан иборат экан?

Кичик бир мисол.

Пъеса муаллифи иштирокчиларнинг барча хатти-ҳаракатларини, ипидан игнасигача аниқ тўлиқ ёзган дейлик. Мисол учун, чап тарафдаги эшикдан яшил кўйлакли қиз гул кўтариб чиқади. У икки қадам юриб, гулни столдаги гулдонга қўяди. Бир қадам ортга тисарилиб, яна гулга яқинлашиб, уни ҳидлайди. Ўша эшикдан оқ костюм-шим кийган йигит чиқиб келади. Унинг қўлида қизнинг рўмолчаси. У, эшик ёнида тўхтаб, қизни кузатади. Сўнгра, секин йўталади. Қиз ўтирилиб йигитга қарайди. Йигит рўмолчани лабига босади. Ўнг тарафдаги эшикдан қизил кўйлак кийган жувон киради. Унинг қўлида йўл жомадони. Йигит билан қиз уни кўришади. Жувон уларни кўриб тўхтайди. Ранги оқаради. Сўнгра, жомадонни кўтариб, жаҳл билан хонадан чиқади.

Муаллиф асарни сўнгти нуктасига қадар шу зайлда ёзиб чиқкан. Мазкур саҳнани бир режиссёр, айнан муаллиф кўрсатмасидан четга чиқмай актёrlарга ўргатади.

Иккинчи режиссёр эса ремаркани бир чеккага йиғишириб қўйиб, мазкур саҳна орқали муаллиф нима демоқчилиги ҳақида ўйлайди. Сўнгра, шу саҳна орқали "ҳиёнатни" қандай акс эттириш мумкинлиги тўғрисида бош қотиради. Мизансаҳналарни, қаҳрамонлар кийимини ўзгартиради. Бу энди бошқача кўриниш, бошқача саҳна, бошқача таасурот ҳосил қиласди. Демак, муаллифлик режиссураси деганимизда адабий асарни на фақат жонли тилга кўчиришилик, шу билан бирга асарни янгича талқин этиш орқали унга янгича ғоя ҳам бағишишламоқ керак экан.

Талқиний режиссура эса, адабий матнни ўша тил билан бошқачароқ, яъни турлича хатти-ҳаракатлар билан гапиришдан иборат экан.

Буни аниқлашнинг яна бир усули, мазкур спектаклни магнит лентасига ёзиб олиб, матнни қоғозга туширилганида, ўша-ўша сўзлар, ўша-ўша оҳанглар сақланиб қолган бўлса, бундай режиссура талқиний, агар матн ўзгариб, оҳанглар ўзгариб асар бошқача бадий қиймат касб этса, муаллифлик режиссураси бўлади.

Агар мужассамлаштироқ сўзини режиссура касбига татбиқ қилмокчи бўлсак, қофоздаги сўзлардан иборат тояни моддийлаштириш, яъни ҳаётий хақиқат тарзида акс эттиришдан иборатdir.

Режиссёр бу ишни уддасидан чиқа олмаса, яххиси, писесани безовта қилмагани маъқул. Чунки, пиееса воқеалари, қаҳрамонлар ўртасидаги қизгин мунозара, мусобақа ва муносабатлар ўқувчининг тасаввурнида гавдалангани маъқул. Негаки, ёмон режиссура ўша тасаввурга путур етказиши мумкин. Адабий маҳсулотни бошқа турдаги маҳсулотга айлантиришдан муддао, актёларнинг гавдаси-ю, чиройли либос ва декорацияларни намойиш этишдан иборатгина бўлиб қолмай, қаҳрамонларнинг ички руҳий дунёсини кўз ўнгимизда жонлантириш, маънавий борлиқ тарзида намоён этиш керак.

Театр кўпгина санъат турлари ҳамкорлигига яратилажак бадий маҳсулотdir. Шунинг учун саҳна, темир интизомни талаб қилишлигини ҳаммамиз биламиз. Лекин ижодий жараён эркинликни талаб қилишлигини ҳам ҳамма ҳар хил тушунади. Шунинг учун ҳам театр, саҳна санъаткорларнинг бир-бирига ён босувини талаб қиласидан санъатdir. Шу боисдан ҳам ҳар ким бошқа муаллифнинг хуқуқини суиистеъмол қилмаслиги учун авваламбор бир нарсага келишиб олишлари керак деб ўйлаймиз.

Ижодий жараён давомида барча муаммоларни ҳаммуалифликда ҳал этилиш керак бўлса, яқуний натижага учун бир киши жавобгар бўлади.

Бунинг учун ҳар кимнинг муаллифлик чегараларини белгилаб олиш лозим. Хўш, драматургнинг муаллифлик хуқуқи қайси босқичгача бўлиши керак?

Бир қарашда бундай савол пайдо бўлишининг ўзи ғайриоддий туюлиши мумкин.

Аввало, драматургнинг меросхўрлиги иштирокчиларнинг писесадаги сўзлари билан тугаши керак. Қолган вақтда муаллифнинг режиссёрга, рассомга, композиторга бўладиган эътиrozлари фақат ва фақат таклиф ва мулоҳазаси тарзида бўлиши мумкин. Шунингдек, эркин ижодий жараёнда муаллиф томонидан писесада кўрсатилган ремарка (тушунтириш сўзлари) таклиф тариқасида қабул қилинмоғи даркор. Аммо замонавий театр деганда, баҳайбат пирамиданинг устида ҳокими мутлақ бўлиб ўтирган режиссёрни кўз олдимизга келтирмаслигимиз керак. Режиссёр ўз ижодий ҳамфикрларининг қўли билан спектакль яратмайди. Уларнинг фикрини тўғри томонга йўналтиради, холос. Якка ҳокимликка даъвогарлик қилиб, ҳар бир масалада узил-кесил фикр билдириш кутилган натижаларга олиб бормайдиган йўлдир. Аксинча, режиссёр рассом билан ишлар экан, "шу манзарада, менинг назаримда қуёш у томондан эмас, бу томондан тушиб тургани мақсадга мувофиқ бўларди" ёки "қаҳрамоннинг костюми ҳаддан ташқари корайиб кетмаганмикан?" деган қабилида ёндошиб, рассомнинг ижодий тасаввурини қўзғатиши лозим. Композитор билан ишлаш жараёнида ҳам ҳамиша ўз фикр мулоҳазаларини таклиф тариқасида билдириган ҳолда, уларни ўзи

кўзлаган манзил томон йўналтириб туриши керак. Шундагина у билан ҳамкорликда спектакль устида ишлаётган рассом, композитор ўзи сезмаган ҳолда режиссёрнинг фикрини акс эттиришга ҳаракат қиласди.

Яна савол туғилади: Хўш, у ҳолда муаллифлик давосини қилмайдиган яна қандай хизмат қолди, — дейиш мумкин.

Режиссёрнинг мустақил майдони — мизансаҳнадир!

## 2.

Аслида муаллиф режиссёр ҳам, талқинчи режиссёр ҳам бир хил ишни бажаради. У, рол тақсимлайди, мизансаҳналарни белгилайди, актёр билан сўз устида ишлайди. Бир сўз билан айтганда, униси ҳам, буниси ҳам спектакль саҳналаштиради.

Фақат бу ишларни улар бир хилда бажармайди. Талқинчи режиссёр, агар муаллиф қаҳрамон шу сўздан кейин эшикни ёпиб чиқиб кетади, деб ёзиб қўйган бўлса, худди драматург ёзгандай актёрни эшикни ёпиб чиқиб кетказдиради. Лекин эшикни ёпиб чиқиб кетишининг саноқсиз йўллари ҳам мавжуд бўлиб, муаллиф- режиссёр актёр билан биргаликда шарт-шароит тақозаси билан эшикни қандай ёпиб чиқиб кетишилик устида бош қотиради. Эшикдан отилиб чиқиб кетиш мумкин, секин бориб, тез чиқиб кетиш мумкин. Эшикни қаттиқ ёпиб чиқиш мумкин. Ёки секин бориб, эшик олдида тўхтаб, орқасига ўтирилиб, сўнгра тез чиқиб кетиш мумкин. Эшикни очиб, тепиб, итариб чиқиш ҳам мумкин. Ҳамма гап қаҳрамоннинг билдиromoқчи бўлган фикрига боғлиқ. Бошқа бир режиссёр эса "эшикни ёпиб чиқиб кетади", деган тушунтириш сўзини ўзича талқин қиласди. Қаҳрамон қандай кайфиятда чиқиб кетади? Ҳафа бўлибми, хурсанд бўлибми? Ҳақоратланиб чиқиб кетадими? Бошқа бир режиссёр, умуман эшикдан фойдаланмаслиги ҳам мумкин. Балки ҳамсуҳбатига босиқлик билан таъзим қилиб чиқиб кетар. Орадан бироз фурсат ўтиб, чиқиб кетувчи қаттиқ ҳафа бўлиб чиқиб кетганлигини тушуниб етар.

## 3.

Муаллиф томонидан берилган матн, саҳнадаги шартли сўз бўлиб, унинг таг заминида қандай маъно борлигини аниқлаб, ўша мақсад ва ғояни очиб бериш режиссёрнинг асосий вазифаси эканлигини биринчи курсданоқ тушуниб келиняпти.

Туб маънони, тажриба тарзида бир неча воқеачаларга бўлиб, мизансаҳнада қандай ифода этилишини кўриб чиқайлик.

Пиеса матни:

Қиз хат ўқияпти.

*Йигит: Хўш?*

*Қиз: — Ҳеч нарса.*

*Йигит- Ёмғир ёғяпти.*

*Қиз: — Ҳа, ёғяпти.*

Бу ерда режиссёр бир нарсани ҳисобга олиши керак. Актёрга "мана шу ердан туриб, томоша залига қарайсан", дейишликнинг ўзи кифоя қилмайди. Кўриниши керак бўлган манзаранинг узоқ-яқинлигини эътиборга олган

холда, актёр қаерда туриши, қайси қатордаги қайси курсига тикилиши аниқ белгилаб берилиши шарт. Бунинг устига, ўша манзарага қарашга мажбур қылган омиллар ҳам аниқ бўлиши мақсадга мувофиқдир.

Иккинчи муҳим бир масала актёр томоша залига, кулисга (саҳнанинг икки ёнидан тушиб турадиган қатор пардалар) қарашининг ўзига хос, нозик томонини ҳам ҳисобга олиши зарур.

Хўш, бу нозиклик нималарда ўз аксини топади?

1. Кулисга чиқиб кетаётган актёр кўзини мутлақо пастга туширмаслиги керак. Негаки, кулис ортида яна хона, боғ, майдон борлиги дарҳол йўққа чиқади.

2. Ерга қаратилган кўз, томошабинда ижрочига нисбатан салбий таъсир кўрсатади. Шунинг учун томоша залига қаралганда ҳам кўзни сахна четига тушириб бўлмайди. Яхиси, тўртинчи, бешинчи қатордан бир нуқтани белгилаб, ўшанга тикилиш мақсадга мувофиқ.

3. Шунингдек, бошни юқорига кўтариш ҳам яхши таассурот туғдирмайди. Актёрнинг бутун юзи ялонғочланиб қолади. Томоша зали бўйлаб олисга тикилинаётганда бошни кўтармасдан кўзнинг ўзи билан қараш керак. Яъни энг охирги қаторда ўтирган томошабин бошидан озгина юқорига қараган маъқул.

4. Агар икки ёки уч киши бир манзарага қараши керак бўлса, уларнинг кўзи ҳар қаерда жовдирамаслиги учун актёрлар режиссёр ёрдамида аввалдан ҳаммаси қайси нуқтага қараши кераклиги тўғрисида келишиб олишлари лозим.

5. Агар актёрлар күш ёки самолётни, отилган коптокни кузатишлари керак бўлса, бир нуқтадан иккинчи нуқтага ўтишлиқ, қайси нуқтада тўхташлиқни ҳам аввалдан келишиб олган маъқул.

Саҳнанинг яна бир сирли сатҳи бўлиб, бу "тўртинчи девор"нинг ортидир. Яъни бевосита томоша зали. Сўнгти йилларда режиссёrlар бу макондан ҳам унумли фойдаланиш имкониятини кенгайтирмоқдалар. Тўғри, бундай ихтиrolар кўпроқ драматик ва болалар театрлари спектаклларида кўзга ташланмоқда.

Ўтган асрнинг 70йилларида Баходир Йўлдошев томонидан саҳналаштирилган "Рўйхатларда йўқ" номли спектаклда асар воқеаларининг кўпчилиги томоша залига кўчирилиб, томошабин саҳнага жойлаштирилган эди. Кейинчалик бундай усул бошқа спектаклларда қўлланилмаган бўлсада, аммо "тўртинчи девор" бузилган эди. Миллий театрнинг "Алишер Навоий" (режиссёр Турғун Азизов) спектаклида асар қаҳрамони спектакль сўнгтида "Мен халқимга, ижодимга кетдим", деган сўзлар билан саҳнадан томоша залига тушиб келар эди. Ҳозирда бу усул "Чимилдиқ", (реж. Т. Азизов) спектаклларида ҳам кенг қўлланилган.

Бундан кўзланган мақсад томошабинни спектакль воқеалари иштирокчисига айлантиришdir. Ҳақиқатан ҳам театр костюмидаги актёрни ёнингизда юриши, айрим ҳолларда бевосита сизга мурожат этиши қизиқ ва ғайри табиийдир. Ижтимоий публицистик жанрдаги "Инсонликка номзод" (М. Каримов асари) спектаклида камина ҳам бош қаҳрамони томоша залига туширган бўлиб, мақсад томошабинни мамлакатда рўй бераётган ижтимоий муаммолардаги иштирокини фаоллаштиришдан иборат бўлган. Бу, спектаклнинг бадиий қийматини, руҳий таъсирини ошириш учун мўлжалланган ҳаракатлар бўлиб, иккинчи томондан

спектаклнинг макондаги ҳаракат доирасини кенгайтириш учун ҳам унумли хизмат қилиши мумкин.

Мисол учун, бирон кимсани қутиб олиш, кузатиб қўйиш каби саҳналарни бевосита томоша зали, ёнбошдаги эшиклар орқали амалга оширилиши асар маъносини бойитади.

## ОММАВИЙ САҲНАЛАР

### 1.

**Муаллиф режиссёр билан талқинчи режиссёр** ўртасидаги фарқ кўпинча оммавий мизансаҳналарни ишлашда яққол кўзга ташланиши мумкин.

Саҳнага кўп одам чиқарилса, омма шунча кўпаяди, деган нотўғри тушунча мавжуд. Одатда, тақлидчи режиссёр, шу кунга қадар спектаклда бир неча киши иштирок этиб келганди, мана энди одам кўпайиши билан спектаклнинг ранг-баранглиги ошади, деб ўйлайди. Спектаклнинг биринчи намойиш-премъераси вақтида одам кўп бўлиб, ҳақиқатан ҳам саҳнани тўлдириб, томошабинни чалғитиши, саҳнада гўё ҳаёт қайнагандай бўлиб туюлиши мумкин. Аммо спектакль бир неча бор ўйналиши билан бу омма саҳнада ҳеч бир таассурот қолдирмайдиган оломонга айланиши турган гап. Худди шу ердан спектаклнинг парчаланиши бошланади. Умуман, оммавий саҳналар ўта нозик бўлиб, умри қисқа, иштирок этувчи актёрлар аксарият ҳолларда эътибордан четда қолади. Шунинг учун, омма билан боғлиқ саҳналарни бошиданоқ бир қолипга солиб олиш керак. Яъни, оммавий саҳнада иштирок этадиган ҳар бир қатнашчи учун алоҳида саҳна, ўйин майдони ва маконни пухта ўйлаб чиқилган режа асосида қатъиян белгилаб қўйиш зарур. Бундай саҳналарга ҳар сафар янги иштирокчи киритилганида, режиссёрнинг шаҳсан ўзи улар билан шуғулланиши лозим. Оммавий саҳнага янги иштирокчиларни қўшиш керак эмас. Агар зарурият юзасидан шундай вазият туғилса, янги қўшилган ҳар бир иштирокчининг ўрни, бажарадиган вазифаси аниқ кўрсатилиши зарур. Оммавий саҳнага чиқиши керак бўлган актёр саҳнага "куним ўтсин" учун чиқмаслиги, аксинча, шу спектаклнинг иштирокчиси, унинг бадиий қийматига ўз улушкини қўшувчи ижодкорга айланиши талаб этилади. У ҳам бошқалар каби асарнинг вақтий бирлигини ҳис этиши зарур.

Аммо бу иш режиссёрдан жуда кўп меҳнат талаб қиласи. Композиторчи? Унинг меҳнати камми? Ҳар бир кичик парчани созларга бўлиб, ҳар бирининг овоз имкониятларини ҳисобга олиши, вақт бирлигидаги товушининг узун-қисқалигини ёзиб чиқиши осон иш эмас.

Шунинг учун спектаклдаги ихтироиликни ёқтирмайдиган иш, оммавий саҳналар ҳисобланади. Бу ерда қатъий белгилаб қўйилган чегарадан четга чиқиши мумкин эмас.

Мисол тариқасида НемировичДанченконинг "Юлий Цезар" спектаклидаги оммавий саҳналарга бағишлиланган режиссёрлик планини кўздан кечириб кўрайлик.

Режиссёр бу саҳнада бешта майдончани йигирма олти нуқтага бўлиб чиқади:  
а) форумга кўтариладиган кўча (оммавий йиғин ўтадиган жой),

- б) палатинга                    элтүвчи                    кўча                    (палата),  
 в) капитолий,  
 г) палатин.  
 д)кўчанинг чап томонида кенг йўлак, ўнг тарафдаги тор йўлак .  
 1. Турли буюм ва китоблар сотиладиган дўкон.  
 2. Темир буюмларига ишлов берадиган устахона (дубулға, совут, қилич).  
 3. Мева сотадиган дўкон (олма, узум, ичимлик, қуруқ мева).  
 4. Сартарошхона.  
 а, б, в, г, д, е, ж — кўчада ётган тошлар ва ҳоказо. Шундан кейин режиссёр оммавий саҳнада қатнашадиган 150 иштирокчининг хунари, нима билан шуғулланиши, ўзи билан олиб юриши керак бўлган реквизитларни эринмай ёзиб чиқади.

### 1. Жуҳуд дўкондор.

Унинг дўконида қуидаги анжомлар бор. Актёрнинг ўнг томонида китоб ва уй-рўзғор буюмлари: шам, қурбонлик қиласидаги қўра, машъала ва бошқалар. Актёр қари жуҳуд. Ямоқ тушган эски ҳалат, бошида дўппи, оёғида чорик. Ўта эҳтиёткор ва сарамжон саришта, зикна.

Бу майда-чўйдалар уйиб ташланган токча. Токчанинг четига турли хил лампалар илиб ташланган. Ичкаридаги овоз кучайтиргич карнайлар томошабинга кўриниб турипти. Саҳна бошланишида дўкондор ўз хонасини йиғиштироқда. Унга ёш бола ёрдамлашмоқда. Қария "яхшилаб тозала", дея бақиради. Бола кўйлагининг этаги билан чангни артади.

### 2. Биринчи бола.

Сочлари қўнғироқ, сап-сарик, қўллари ифлос, оёқяланг, кўйлаги ҳам иркит, белини чарм тасма билан боғлаб олган. Тез-тез бурнини тортиб туради. Ташқарига, одамлар олдига чиққиси келиб турипти. Қария бошқа томонга ўтирилиши билан бола кўчага қарайди. Буни сезиб қолган қария унинг елкасига мушт туширади. Бола йиғлаб ичкарига ўтади.

3. Римлик аёл уйнинг айвонидаги деразаларни гулчамбар билан безамоқда.

Юқорида келтиргандаримиздан кўриниб турибдики, режиссёр сира эринмасдан, ҳар бир иштирокчи, унинг машғулотини аниқ белгилаб чиқсан. Лекин оммавий саҳналарни бирма-бир ёзиб чиқишнинг ўзи билангина саҳна муваффақиятли чиқади дейиш хато бўлур эди.

### 2.

Бундай саҳналарда ифода воситаларидан жуда тежамкорлик билан фойдаланиш зарур. Пала-партишилик, ҳар ким ўз билганини қилиши, харакатларни ҳаддан зиёд кўплиги, шовқин-сурон, мусика овози бош оғрифидан бошқа нарса эмас. Ҳамиша инсоннинг қабул қила олиш имкониятларини ҳисобга олиш керак бўлади. Оммавий саҳналарда ҳам худди оркестр каби ҳар бир соз ўз ўрнида, ўзига берилган куйни ижро этсагина маъно-мазмун пайдо бўлади.

Оммавий саҳналар зиммасидаги масъулият спектакль қийматига қанчалар таъсир кўрсатиши мумкинлигини тушунган режиссёр, бундай саҳналарда одамларни кўпайтириши керакми ёки йўқми ўйлаб қолади.

Халқда "Ишқ башқа, ҳавас башқа", деган нақл бор. Агар бу мақолни режиссёрлик касбига менгзайдиган бўлсақ, режиссёр спектакль саҳналаштиришга тушишдан олдин иштиёқи кучли бўлади. Аммо ҳаёт ва имконият ҳамиша ҳам биз ўйлаганчалик бўлавермайди. Шунинг учун режиссёр ўз хоҳиш ва истакларини вақтида жиловлай билиши ҳам муҳим.

Бундай жиловлаш икки принципиал аҳамиятга эга бўлиб:

- биринчидан, актёр эрталаб театрга келиб, иш режаси осиладиган тахтадаги буйруқда ўзини оммавий саҳнада чиқадиганлар рўйхатида кўрар экан, ўша заҳоти ҳафсаласи пир бўлиши турган гап. Агар у ўз фамилиясини пантомима саҳнасида қатнашадиган беш-тўрт иштирокчи рўйхатида кўрса, кайфияти бошқача бўлади. Мазкур саҳнада ўз қобилиятини намойиш қилиш имкониятлари ҳақида фикр юритади. Шунинг учун бу сафар театрга шунчаки рўйхатдан ўтиш учунгина келмаганлигини билади;
- иккинчидан, ижодий жамоа уюшқоқлиги масаласи ҳам назардан четда қолмаслиги керак.

Катта жамоаларда ишга келиб-кетувчилар кўп бўлади. Ҳар янги келган актёр билан эски саҳнани ишлаб жамоага қўшиш, ўша муҳитга уни олиб кириш мураккаб, кўп меҳнат талаб қиласидиган иш.

Аксарият оммавий саҳналар билан боғлиқ спектаклларни тўхтаб қолишига сабаб, кичик ёки сўзсиз саҳнага чиқувчи иштирокчининг йўқлигидан бўлиши мумкин. Бундай кезларда яна оғирлик ўша саҳналаштирувчи режиссёр зиммасига тушади.

Агар спектаклни оммавий саҳналарсиз ишлаш мумкин бўлмаса, бундай саҳналарни ҳар бир спектаклдан олдин репетиция қилиш зарур.

Режиссёр ўз спектаклининг тақдирига бефарқ бўлмаса, катта ролларга киритиладиган актёр билан режиссёр ассистенти репетиция қилиши мумкин, бироқ оммавий саҳналар репетициясини зинҳор бошқага ишониб бўлмайди. Фақат режиссёрнинг ўзи репетицияни бошқариши лозим, шундагина бу спектаклнинг умри узоқ бўлади.

### 3.

Оммавий саҳнада ҳам худди мусиқий асар каби асосий куй (бош қаҳрамон, қаҳрамонлар), ундан кейин иккинчи ва учинчи овозлар, қўшимча овозлар, ўткинчи оҳанг, шовқинлар ва ўзгаришлари бўлади. Бундай саҳналарни мизансаҳналаштиришда, худди мусиқий асар каби асосий куй билан бошқа оҳанглар ўрнини алмаштириб туриш керак. Масалан, қаҳрамонни кўзланган манзил сари интилиши ва унга қарама-қарши бўлган омманинг ҳаракатлари, куй ва оҳангларда бўлгани каби ҳар икки тарафнинг кўзлаган мақсад сари интилиши икки ўртадаги қарама-қаршиликни келтириб чиқаради. Мана шу ўзгаришлар жараёнида gox у ерда, gox бу ерда асосий қаҳрамонларнинг олға интилаётгани кўзга ташланиб туриши керак.

### 4.

Умуман оммавий саҳналарда қарама-қарши кучларнинг ҳаракати асар матнларида у қадар кўзга ташланмасада, саҳнада қарши кучлар мақсадини аниқлаб, уларни ҳаракатга келтириш жуда ҳам муҳим. Бу ўринда бадиий эҳтирос

билин спорт мусобақалари вақтидаги әхтиросни назардан қочирмаслик зарур. Омма иштирокида саҳнада рўй бераётган олишув ва тортишувлар вақтида томошабин эхтиросини қўзгата олиш жуда-жуда муҳим. Шунингдек, яна бир нарсани ёдда тутиш керак. Қарама-қарши томонларнинг кучи (қаҳрамонлар билан омма ўртасидаги куч) тенг бўлиши лозим. Акс ҳолда, воқеаларни қандай якунланиши томошабин учун олдиндан маълум бўлиб қолади ва қизиқиш йўқолади. Шунинг учун гоҳ бир томоннинг қўли баланд келса, гоҳ иккинчи томоннинг қўли баланд келиб, томошабин эхтиросини яна ҳам фаоллаштиради. Баъзан қаҳрамонларнинг мушкул ахволга тушиб қолишлари, уларнинг "оҳ-воҳ"каби изтиробларини кучайтириш учун оммавий саҳнадагилар ўзининг қаҳрамонларга нисбатан бўлган муносабати орқали томошанинг қизиқарли бўлишини таъминлайди.

## 5.

Агар режиссёр оммавий саҳнада иштирок этувчиларнинг ҳар бирiga алоҳида-алоҳида вазифа бериб, алоҳида мақсад сари ҳаракат қилиши кераклигини тушунтиrsa, бундай саҳна бошдан оёқ аралаш-қуралаш бўлиб кетади. Шунинг учун оммавий саҳна иштирокчиларини алоҳида-алоҳида гуруҳларга бўлиб, ҳар бир гуруҳнинг вазифа ва мақсади, ҳаракат қилиши керак бўлган майдон чегараси, уларнинг олдинма-кетинлигини уқтириши керак. Ҳар бир гуруҳ орасидан етакчи артистларни белгилаб қўйилиши, сўнгра уларнинг пластик ҳаракатлари нималардан иборатлигини тушунтириш зарур.

Агар оммавий саҳна иштирокчилари аниқ бир жисмоний иш билан машғул бўлишлари жоиз бўлса, ҳар бир гуруҳнинг орасидан ўз режиссёрини танлаб, мақсадни, майдон ва маконни қўрсатиш, гуруҳнинг ҳар бир иштирокчиси аниқ бир иш билан машғул бўлишлигини қўрсатиб бериш лозим. Бу гуруҳлар ҳаракатга келганидан кейин саҳналаштирувчи режиссоёр ҳар бир гуруҳнинг саҳнадаги ўрни, ҳаракатлар ҳамоҳанглигини, спектаклнинг умумий ғоясига бўйсундирилганлигини аниқлайди. Айрим ўринларни ва ишларни алмаштириши ҳам мумкин.

Оммавий саҳна иштирокчилари сонини қўпайтириш учун уларни бир неча гуруҳга бўлиб, саҳнадан ўтказиш керак. Аввалига уч, сўнгра беш, ундан кейин ўн киши. Ҳар бир гуруҳ саҳнадаги ҳаракати билан бошқа гуруҳга ўхшамаслиги керак. Турган гап, қўпинча оммавий саҳна иштирокчилари етишмайди. Бундай кезларда гуруҳларни навбатма-навбат саҳнага чиқариш ва ҳар сафар бошқача кийим-бош, бошқа машғулот билан банд бўлишлари керак. Яъни бир неча артистни бир неча бор саҳнага чиқариш ва ҳар сафар бошқа-бошқа кийимлар кийдириш мумкин.

Шу ўринда К. С. Станиславский "Оттело" спектаклидаги оммавий саҳналарни қандай ечимини топганлиги билан танишиб чиқсак фойдадан холи бўлмас.

"Халойик кўприк томон узлуксиз оқиб бормоқда.

Кўприк устидаги одамлар икки томонга қараб ҳаракат қиласди. Биринчилари пастга тушиб, кийимларидан кўзга яққол ташланадиганларини бир-бирлари билан

алмаштириб, яна саҳнага чиқиб келадилар. Шу зайл кўприкдаги одамларнинг оқими узилмайди."

## 6.

Албатта, биз келтирган мисол ҳозирча назариядир. Амалиётда эса унинг имкониятларини янада кенгайтириш мумкин. Бир спектаклни ўзида биз санаб ўтган мисолларнинг бир нечтасидан бир спектаклда фойдаланиш мумкин. Оммавий саҳналарни бадиий изга солиш, уларни амалга ошириш қизиқарли бўлиши билан бирга хавфли ҳамдир. Кичик спектаклларни саҳналаштириш учун чуқур ўйланган фикр зарур бўлса, оммавий саҳнлар билан боғлиқ спектаклларнинг кўлами ҳам, ҳаракат майдони ҳам кенгдир. Уч-тўртта актёр билан ишлаш учун ўта сезгирилик ва қатъият керак. Шунинг учун оммавий саҳналар билан ишлашда режиссёренинг қаттиқўллиги зарур. Бундай дамларда бирдан-бир тўғри йўл аввалига темир интизом зарурлигини тушунтириш, сўнgra катъий талабга ўтиш керак. Иш жараёнида актёрларнинг факат кўл-оёғи ва гавдасигина эмас, қалби ҳам ишлаши, умумий ишга наф келтириши лозим. Оммавий саҳнани ҳаракатга келтираётган режиссёр ҳар бир иштирокчини кўриб туриши шарт. Шунингдек, оммавий саҳналар билан ишлаётган вақтда макон ва майдон юзасида бўш жойнинг ўзи бўлмаслиги лозим.

## 7.

Японлар гуллаб турган биргина бутоқча орқали баҳор файзини, фазилатини, кайфиятини акс эттирадилар. Бизнинг рассомлар аксарият ҳолда гуллаб турган бутун бир боғ тасвирини чизишса ҳам ўша гуллаган бутоқчалик таассурот уйғотмайди. Бугунги кунда декорация ва буюмлар билан ҳаддан ташқари тўлдириб ташланган саҳна томошабинни ўзидан қочиришини ҳисобга олиш керак. Озгина нарса билан кўп маънони билдира олиш муҳим хислатдир. Каттакон сув ҳавзаси қирғоғига тўғон қурилиб, сув тақсимланмаса, ҳаммаёқни вайрон қилиши мумкин. Худди шунингдек, режиссёр тасаввурининг чеки-чегараси йўқ. Агар унинг тасаввури чегараланмаса, улар турли майда-чуйда, керак-керакмас ҳаракат ва буюмлар саҳнага чиқиб қолиши мумкин. Кичик бир саҳнани обдон ишлаб, қиёмига етказмай туриб, янги-янги ўйинларни актёрга таклиф қилиш ижодкор тафаккурини бўғиб қўяди. Яратиб берилган шароит, туғдирилган имконият доирасидан четга чиқмаслик энг оқилона ишдир. Имкониятлар даражасидан ташқаридаги нарсалардан иш бошланмасданоқ кечиш керак. Мисол учун, саҳналаштирилаётган спектаклни кичик саҳнага мўлжаллаш керакми ёки ваъда қилинган катта саҳнагами? Ваъда қилинган саҳнани сўнгги соатларда бермасликлари ҳам мумкин. Шунинг учун "Миннатли ошдан беминат тош яхши", деган мақолга амал қилиб, яхшиси кичик саҳнага мўлжаллаб спектакль саҳналаштирган мақул иш.

Техник қурилмалари мукаммал бўлган саҳнанинг ҳажмига таъсир кўрсатиши осонроқ. Шунинг учун режиссёр рассом билан бўлғувси спектаклнинг декорацияси устида ишлар экан, воқеа ўтиши керак бўлган хона ҳажмини кенгайтириши, торайтириши мумкин. Бунинг учун ён пардалар (кулис), падугалар (тепадаги пардалар)ни тушириш, кўтариш орқали исталган шароит муҳайё қилинади. Лекин спектаклни гастролда, қишлоқ клубларида ўйнашга тўғри келиб қолган тақдирда қандай йўл тутиш керак? Спектаклнинг барча

декорациясини саңнага киритилса, актёр ҳаракати учун жой қолмайди. Бундай шароитда бирдан-бир түгри йўл декорацияларнинг айрим қисмидан фойдаланишдир. Яхши рассом кичик бир бўлакча орқали бир бутун иншоотнинг таассуротини вужудга келтириши мумкин. Киночиларнинг асосий мезони битта кадрга кичик бир воқеликни сингдириш орқали, бутун бир ҳаётнинг рамзий ифодасини томошабинга етказа билишлиқдан иборатдир.

Кўп сонли суворийлар сафини кўз олдимиизга келтириб кўрайлик. Энди худди шу манзарани дераза орқали, маълум масофадан томоша қиласлиик. Ёки қатор турган уйлар оралиғидан кўрайлик. Гарчанд, суворийларнинг ҳаммасини кўрмасакда, уларнинг маълум қисмларини кўриш орқали бутун бир қўшин кўз олдимиизга келади. Худди шундай қишлоқ клубида кўрсатиладиган спектаклда ҳам декорацияларнинг маълум қисминигина кўрсатиш орқали яхлитликка эришиш мумкин экан.

#### МИСОЛ:

Мактаб ўқувчиларининг "хайрлашув кечаси" саҳнасини қандай ҳал этиш мумкин?

Байрам ўтаётган катта бинонинг ички кўриниши. Бундай ҳолатда режиссёр томошабин фикрини спектакль қатнашчиларининг ҳаммасига жалб қилиш ўрнига уларни гуруҳ-гуруҳларга бўлиб кўрсатгани мақсадга мувофиқдир. Бино ичида гаплашиб тушяпти. Бир неча одам ичкарироқда гаплашиб ўтирипти. Ўнг тарафдаги супада оркестр куй ижро этмоқда. Мана, рақс тугади. Ҳамма атрофга тарқалади. Асар қаҳрамонлари бўлмиш қиз билан йигит гаплашиб, саҳнанинг чап тарафидан олдинги қисмга чиқиб келяптилар. Улардан орқароқда бир неча гурухга бўлинган юқори синф ўқувчилари паст овозда гурунглашяпти. Лекин уларнинг кўзи қиз билан йигит турган томонда. Шунинг учун ҳам қаҳрамонлар холи қолиша олмайди. Улар ҳамманинг кўз ўнгиди. Қизнинг дугонаси эса бир четдан уларни қизиқиши билан кузатмоқда. Шунинг учун қиз билан йигит яширинишга жой топа олмайдилар.

Супага конферансъе чиқади. У ҳазил-хузул билан йигилганлар кайфиятини кўтаришга ҳаракат қилмоқда. Йигит билан қиз бироз унинг гапларига қулоқ солиб туришади-да, яна ўзлари билан ўзлари банд бўладилар. Кўп ўтмай улар жанжаллашиб қоли shadedi. Қаҳрамонлар икки томонга ажрашиб кети shadedi. Қолганлар ҳам икки гурухга бўлини shadedi. Қиз чап тарафдаги саҳна олдида. Новча йигитнинг хушомадига қулоқ солиб турипти. Йигит ўнг тарафдаги икки қиз билан гаплашяпти. Саҳна ўртасига ошиқ-мошиқларни кузатиб турган қиз чиқиб келади. У ҳар икки қаҳрамонни узлуксиз кузатиш орқали томошабин эътиборини ўзига қаратиб турипти. Бирдан куй бошланади. Шу пайт йигит қизни ўйқолиб қолганини сезиб қолади. Рақс тушаётганлар орасидан уни қидириб, ҳар томонга югуряди.

Энди худди шу саҳнани қишлоқ клубига кўчириб кўрайлик. Биргина созандаларнинг ўзи бутун саҳнани эгаллаб олиши мумкин. Шунинг учун режиссёр оркестрни қисқартириб, доирачи билан яна бир созандани саҳнага олиб чиқиши мумкин. Рақс давомида созандалар, томошабинга кўринмай турган ўз ҳамкаслари билан сухбатлашишлари мумкин. Шунингдек, орқароқда рақс

тushmanai турганлар учун бир-икки курси қўйиб қўйилса бўлади. Рақс тушаётганлар чап томондан чиқиб ўнг томонга, ўнг томондагилар чап томонга ўтиб туришипти. Мана, бизнинг қаҳрамонлар ҳам кўринишди. Гарчанд, улар гаплашмаётган бўлсаларда, ўрталарида муносабат тушунарли бўлиши керак. Улар ҳам қарши томонга ўтиб кетадилар. Кўп ўтмай, бояги қиз уларни кузатиб чиқади. Унинг нигоҳи кулисга қаратилган. Демак, қиз билан йигитни кузатяпти. Рақс тугайди. Ёшлар тарқалишади. Улардан икки киши гаплашиб ён томонга ўтса, бошқа томондан чиққанлар кулислар оралаб, гўё катта залга ўтиб кетади. Мана, конферансъе пайдо бўлади. (Унинг овози саҳна ортидан ҳам эшитилиши мумкин.) Шу пайт севишганлар ўртасида тортишув бошланиб кетади. Мана, улар икки томонга ажралишди. Йигит, ўнг томондаги учинчи кулисга кириб кетади. Қиз, чап тарафдан саҳнанинг олдига чиқади. Унинг ёнига новча йигит яқинлашади. Қиз у билан гаплашиб турган бўлса-да, кўзи йигит кириб кетган томондан узилмайди. Тез орада ўша томондан икки қиз билан ҳиринглашиб, кулишиб йигит чиқиб келади. Бирдан мусиқа янграйди. Яна ҳамма рақсга тушиб кетади. Рақс тушаётганлар йигит билан қизни тўсиб қўйишади. Олдин найнов бошқа қиз билан рақс тушиб чиқади. Унинг ортидан қизни қидириб, зир югуриб юрган йигит кўринади.

Юқоридагилардан шундай хулосага келиш мумкинки, ҳар қандай чегаралаш режиссёр учун кўшимча, яъни таъсир кучи аввалгисидан кам бўлмаган имкониятларни қидиришга, шу билан бирга асарнинг бадиий таъсир кучини оширишга хизмат қилдириши мумкин экан.

## МОНОЛОГ ВА МИЗАНСАҲНАЛАР

### 1.

**Монолог** грекча сўз бўлиб, асар иштирокчисининг ўзига ёки бошқа иштирокчиларни томошабинларга қаратади нутқ ирод этишдир.

Икки кишини (диалог) гаплаштириш, баҳс-мунозара олиб бориш учун мизансаҳна яратиш осонроқ. Монологда эса бир одам гапириши керак. Унда мумтоз асарлардаги Гамлет, Жамила, Фофир, Рустам, Брут, Отелло, Лир монологларини қандай қилиб олиб ташлаб бўлади? Бир ижрочига мўлжалланган писаларни нима қилиш керак? Мулоҳаза юритиб кўрилса, мумтоз писалардаги монологлар мутлақо эскирган эмас. Аксинча, монологлар билан боғлик саҳналарни талқин қилиш эскирган.

Монологлар хусусида иш бошлашдан аввал, уларни тўрт гурухга бўлиб олиш мақсадга мувофиқ.

Саҳнада қаҳрамоннинг бир ўзи ижро этадиган монолог.

Бу саҳна ҳам бошқа саҳналар каби руҳий ва жисмоний ҳаракатларга бой бўлиб, воқеалар томошабин кўз ўнгидаги кечади. Режиссёрнинг вазифаси, кўп сўзликдан қочиб, уни хатти-ҳаракатга бой саҳнага айлантиришдан иборат. Бу ерда ҳамроҳ (партнёр)дан бошқа барча унсурлар: декорация, мусиқа, чироқ ҳаммаси мавжуддир. Чироқ ўзгариб туриши мумкин. Театр костюми ҳам бор. Буларнинг ҳаммаси режиссёр ва ижрочи учун ҳамроҳ вазифасини ўтайди. Саҳнада этишмаган нарсаларнинг ўрнини тўлдириш учун режиссёр тасаввур ва тафаккурни

ишга солиши керак. Хўш, муносабатлар нима бўлади, деган табиий савол туғилиши мумкин. Муносабат эса Станиславский ибораси билан айтганда, *саҳнада актёрни қуришаб турган муҳит декорация, костюм ва жонсиз буюмлар орқали амалга оширилиши керак*. Бунга қўшимча равища, актёрнинг сезгиси, ички руҳий ҳолати ҳам киради. Демак, режиссёр ихтиёрида муносабат ўрнатиш учун зарур бўлган барча ашёлар муҳайё бўлиб, қуруқ сўзамоллика ўтиб кетилмаса бўлгани. Оммавий саҳналар хусусида гап юритганимизда режиссёрни ўз хоҳишини мумкин қадар чегаралашга чақирган эдик. Балки бу ерда ўша хоҳишлар жиловини қўйиб юбориш ўринли бўлар? Йўқ, бу ерда ҳам истак ва хоҳишларни яна ҳам жиловлашга тўғри келади. Тўғри, оммавий саҳналардаги шовқин-сурон, югуриш-елиш каби ҳаракатларни бу ерда ишлатиб бўлмайди. Томошабиннинг диққати кўпчиликка эмас бир одамга қаратилган бўлади. Монолог саҳнасининг асосий ифодавийлиги ҳам чегараланган ҳаракатлардан иборат бўлиши керак. Бир қадам, яrim қадам юриш, яrim бурилиш, ним бурилиш, бироз олдинга, ортга интилиш ва ҳоказо...

Якама-якка олишув чоғидек, чироқлар шуъласи остида турган якка одамдан томошабин нимадир кутиб турганлигини яхши биламиз. Демак, одамлар билан лиқ тўла залнинг бутун масъулияти ва оғирлиги якка актёр зиммасига тушади. Актёрнинг монологи дабдурустдан бошланмай, олдинги саҳнада кечган воқеалар давоми бўлиши керак. Техник нуқтайи назаридан бу саҳна шундай композицион қурилиши керакки, актёр ўзини барча воқеалар марказида эканлигини ҳис этиб турсин. Монолог- қалб тўрида яширган фикрларни ошкора гапиришdir.

Мисол тариқасида қуйидагича саҳнани олиб қўрайлик.

Тўй либосларига бурканган барно қиз, никоҳ маросимига тайёрланмоқда. Шу вақт қўзи бир чеккада ётган китобга тушиб қолади. Беихтиёр китобни варақлайди. Ундан бир гулнинг япроғи тушади. Қиз япроқни аста кўтариб, унга тикилади ва хаёл оғушига чўмади. Ёшлиги, илк севгидан нишона бу япроқ. Қиз ота-онанинг ихтиёри билан севган кишисига эмас, бошқа одамга турмушга берилмоқда. Беихтиёр қизнинг ички ҳис-туғулари, ўй-фикrlари ташқарига чиқади. Монолог бошланади. Бундай вақтда актриса нима қилиши, кимга ёки нимага мурожаат қилиши керак бўлади?

Албатта, томошабинга юзланиб, у билан мулоқотга киришиш. Қиз томошабинлар боши оша залнинг узоқ нуқтасига тикилади. Ҳаёлан ўша "севгida етим" қолаётган йигитни кўради. Унинг ҳаракатлари ниҳоятда тежамкор. Устидаги тўй кўйлаги, қўлидаги узук ва суюкли йигит тақдим этган гул япроғи. Боринг ана, муҳташам қилиб безатилган хона деворлари (декорациялар). Аҳён-аҳёнда қизнинг жовдираган кўзлари томоша залидан кимнидир қидириши, кимгадир мурожат қилиши мумкин.

## 2.

Монологнинг яна бир тури — **хикоя қилиб бериладиган монолог**.

Кундалик турмушда беихтиёр ўз-ўзимиз билан овоз чиқариб гаплашамиз, баҳслашамиз. Тасаввуримиздаги тингловчига нималарнидир тушунтирамиз, уқтирамиз, сухбатлашамиз.

Монологнинг бу кўриниши эстрада ижрочисига хосдир. Воизликнинг ўзига хос қонун-қоидалари бўлиб, уни назар-писанд қиласлик актёр санъатини камситиб қўяди.

Агар икки киши гаплашаётган бўлса, сухбатдоши унинг ҳамроҳи ҳисобланади. Томошабин эса беихтиёр шу сухбатнинг гувоҳига айланаб қолади. Воиз учун ҳам томошабин сухбатдош ҳамроҳга айланади. Ҳикоя тарзидаги монолог ижрочиси, факат томошабин билан доимий мулоқотда бўлиши шарт эмас. Кундалик ҳаётдагидай, ўз-ўзи билан ҳам гаплашиш мумкин ва зарур. Лекин ижрочи бирон-бир жисмоний ҳаракатни амалга ошираётган бўлиб, ичидан қайнаб чиқаётган сўзлар уни ишлатгани қўймаётгандай туюлиши керак.

Мазкур фикрдан келиб чиқадиган бўлсак, бундай саҳнанинг мизансаҳнаси ҳам ўта тежамкор бўлиши зарур. Агар режиссёр монологни бир жойда туриб айтишиликни зарур деб топса, актёр турган жойида гавдаси билан ҳаракат қилиши мумкин. Агар актёрга турган жойини ўзгаришилик таклиф этилса, бошқа нуқталарга ҳам ўтиши, бир-икки қадам юриши мумкин.

### 3.

Хўш, биз юқорида кўриб ўтган икки хилдаги монологларда актёрнинг бошқа қиёфада гавдаланиши қандай кечиши мумкин? Айниқса, иккинчи даражали монологда актёр бевосита томошабин билан мулоқотга киришади. Кўп сонли томошабин қўзига қараб туриб, "менинг назаримда бу иш ундоқ эмас, мана бундоқ", дейди.

Саҳнада фикр-мулоҳаза юритишилик ўта мураккаб иш.

Бундай монологларни ижро этиш вақтида, қаҳрамоннинг ички дунёси очилиши шу билан бирга ижодкор шаҳс сифатида ҳам намоён бўлиши керак. Шунинг учун ҳам ижодкор ташқи хатти-ҳаракатларга кўп ҳам урғу берилмаслиги тавсия этилади.

Масалан, Гамлет ролини ижро этаётган актёр ўз фикр-мулоҳазалари гирдобига томошабинни олиб кира билиши, уларни ўз ортидан эргаштира олиши лозим. Шунинг учун ҳам томошабинга буюк даҳонинг ички кечинмалари, ташқи қиёфаси ва ҳаракатларига нисбатан муҳимроқдир. Ижобий қаҳрамоннинг фикрлари шундай бўлиши мумкин. Биз уларга эргашамиз, унинг ҳолатига тушамиз, изтироб ва фикрларига шерик бўламиз. Энди инсонийлик қиёфасини йўқотган Ричард, Қодирқул мингбоши, Қози, Яго каби қаҳрамонларнинг фикр-мулоҳазаларига ҳам қўшилиш керакми? Асло! бу ерда муаллифнинг шундай қаҳрамонларга муносабати акс этган бўлиб, "мана бундай инсонларнинг ҳақиқий башарасини кўриб қўйинг", дегандай бўлади. Шунинг учун самимий ижрога берилиб, қаҳрамон ва муаллифнинг дунёқараashi бир эканда, деган тушунчага бормаслик керак. Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, ҳикоя тарзидаги монолог қаҳрамоннинг ички дунёқарашининг ифодаси экан.

Бундай саҳналарда актёр қаҳрамон билан биргаликда ўз ички дунёсини ҳам яланғочлашига тўғри келади. Демак, актёрнинг нафақат ташқи томони, балки ички руҳияти ҳам бошқача шаклга киради.

### 4.

Биз кўриб ўтган икки турдаги монолог асосийлари ҳисобланади. Яна икки турдаги монологлар бўлиб, уларнинг бири монолог тарзидаги ҳикоя ва ҳикоя тарзидаги монологдир.

Масалан, "Бой ила хизматчи" спектаклидаги Ғоғир монологи бошқа иштирокчилар орасидаги монологдир. Бундай саҳналардаги монолог шудақиқагача давом этиб келаётган воқеалар оқимининг давоми бўлиб, яна шу оқимнинг ривожланишига хизмат қилмоғи керак. Шунинг учун ҳам бошқа қатнашчилар иштирокида ижро этиладиган монологлар-монолог *саҳнаси* дейилади. Бундай кезларда, кўпинча бир одам гапиради-ю бошқалар қимир этмай эшитиб турадилар. Аслида бошқа гапирмайдиган қаҳрамонлар ҳам саҳнада кечаётган воқеаларга ўз муносабатларини билдириб, ҳаракатда бўлишлари керак. Ҳамзанинг "Бой ила хизматчи" асарида Ғоғирнинг монологи давомида бошқалар ҳам фаол ҳаракатини таъминлаши зарур. Шунингдек, режиссёр ҳам бундай монологлар билан боғлиқ саҳналарда қолган иштирокчиларни ҳам воқеанинг фаол қатнашчисига айлантира билиши лозим. Негаки, саҳна давомида биргина қаҳрамоннинг ўзи гапириб, бошқалар жим турган вақтда томошабинлардан кимдир, албатта, сўзсиз турган актёри кузатади. Мана шундай ҳолатларда ҳаётийлик ва саҳнавийлик бузилади.

## 5.

Кўпгина писсаларда ҳикоя тарзидаги монологлар учрайди. Мисол учун, қаҳрамон дўстлари даврасида ҳаяжонли сафар таассуротларини ҳикоя қилиб бермоқда. (Отелонинг сенатдаги "Дездемона севгиси" тўғрисидаги монологи) Қаҳрамоннинг гаплари кимга қаратилган бўлиши керак? Албатта, ўз ўртоқларига. Бундай кезларда режиссёр мизансаҳна қуарар экан, ҳикоя қилувчи ҳар бир иштирокчи билан навбатма-навбат кўз уриштириши, унга гапириши қераклигини ҳисобга олиши керак. Шундагина бу саҳна ҳаётийлик касб этади. Яна шунга ўхшаш бошқа бир спектаклда, яъни Умаржон Исмоиловнинг "Рустам" драмасида Рустамнинг "пул" ҳақидаги машҳур монологи бўлиб, қаҳрамон биринки иштирокчига эмас, кенг ҳалқ оммасига мурожат қиласиди. Бундай кезларда залдаги томошабин ҳалқ оммаси дея қабул қилиниши, ва ўшаларга қарата мурожаат қилишилик талаб этилади. Тингловчилар сонини ошириш учун актёр томошабин боши узра яна ҳам олисроққа қарата ҳайқириши, гапириши, мурожаат қилиши, саволига кўпчилиқдан жавоб излаши мумкин. Айрим ҳолларда қаҳрамонни томошабинга яна ҳам яқинлаштириш мақсадида режиссёр бошқа чироқларни • ўчириб, гапиравчуни ёлғиз нур остида қолдириши, шу орқали томошабин диққатини бошқа томонга чалғитмасликка интилиши ҳам мумкин. Лекин чироқлар спектаклда маълум юкни ўз зиммасига олиб, декорацияни, кенглик, макон, майдон ва вақтни билдиришга хизмат қилаётган чоғда бу чироқларни ўчириб қўйиш мутлақо ноўриндир.

## 6.

Саҳнадаги ҳамроҳлари иштирокида ижро этиладиган монологларни уч қисмга бўлиш мумкин:

а) томошабиннинг бутун диққат эътибори гапиравчидаги бўлиши керак. Бундай саҳнада уни қуршаб турганларнинг вазифаси қимирламай қулоқ солиб туриш билан гапиравчига ёрдам беришдир;

б) томошабиннинг диққати гапиравчи билан эшитувчилар ўртасида teng бўлиниши керак. "Бой ила хизматчи" писесасида

томушабиннинг диққати гоҳ Ғоғирда, гоҳ қози, гоҳ элликбоши, гоҳ Ҳолматда бўлиши керак. Бундай вазиятда режиссёр томошабиннинг диққатини бир қаҳрамонда узоқ ушлаб қолмаслик учун иштирокчиларни саҳнада аниқ жойлаштириши, энг муҳими гапирув чиларни саҳнанинг биринчи қисмига, иккинчи даражали гапларни саҳнанинг иккинчи ва учинчи қисмларига жойлаштироғи зарур;

в) монолог мазкур саҳнада муҳит яратишга хизмат қилмоғи керак. Яъни томошабиннинг диққати гапираётганда эмас, эшитувчиларда бўлиши керак. Яна ҳам аниқроқ бўлсин учун, гапираётганнинг гаплари эшитувчиларга қандай таъсир кўрсатаётганлигини кузатиши режиссёр учун асосий мақсад бўлиши мумкин. Масалан, Шекспирнинг "Отелло" трагедиясида Отелло Дездемонанинг кўнглига қандай йўл топганлигини ҳикоя қилиб беради. Бу ерда томошабин учун муҳими Отеллонинг гапи эмас, шу гапни сенаторларга қандай таъсир ўтказаётганлигидир. Аммо эшитувчилар бундай саҳналарда зинҳор кескин ҳаракат қилмаслиги, ялтир-юлтур кийимларини кўз-кўз қилишга ўтмаслиги керак. Бундай ҳолда монологнинг моҳияти йўқолади.

Яна бир фикр. Агар гапиравчининг гаплари томошабинга таъсир кўрсатиб, уни ҳаяжонга солса, бирон-бир муносабат билдиришга олиб келса, албатта, томошабин эҳтиросига биринчи ўринни бериш, томоша зали тинчиганидан кейин ундан илҳомланган актёр сўзини давом эттириши мумкин.

## УМУМИЙ МАНЗАРА ВА АЛОҲИДА КЎРИНИШ

(Общий рисунок и индивидуальная пластика)

### 1.

Мизансаҳна саҳнадаги актёрнинг саҳнадаги жойлашуви билан бирга ҳаракат чизиқлари ва ўтиш йўлларини ҳам белгилайди.

Мисол учун, ҳасса таянган одам билан қоп орқалаган одам бир жойдан ўтиши турлича ҳолатни, ғояни, мақсадни англатиши мумкин. Ёки чопиб бораётган икки киши. Уларнинг бири қочяпти, иккинчиси қувляпти. Аммо иккаласининг ҳаракати бир-бирини такрорлаш ўрнига бошқа-бошқа мақсадларни акс эттироқда.

Келинг, амалий машғулот тариқасида қўйидагича воқеани тасаввур қилиб кўрайлик:

Унча катта бўлмаган темир йўл станцияси. Ярим кеча. Воқеа содир бўладиган саҳна яхши ёритилган. Йўлакда икки киши. Улар тунги поездни кутишмоқда. Парда очилганда иккаласи ҳам поездни бир соатга кечикиши ҳақидаги хабарни тик турган ҳолда эшитади. Хўш, бу одамларнинг ташки кўриниши бир-биридан нимаси билан фарқ қиласди?

Биринчидан, табиий кўриниши билан.

Уларнинг биринчиси тик қомат, хушбичим. Иккинчиси озғин, оёқлари калта, қўллари узун, букчайган. Яна, уларни бир-биридан фарқи, устидаги кийимларида.

Биринчиси пўстин, қундуз телпак, иссиқ этиқда. Иккинчисида эскириб, оҳори тўкилган палто, бошида ёзги шапка, ғижимланган шим, пошнаси едирилиб кетган эски туфли. Демак, ичкиликка ружу қўйган. Лекин ҳозир ичмаган.

Инсоннинг устидаги кийими, унинг ташқи қиёфасини белгилайди. Шунинг учун биринчи одам тугмаларини ечиб, ёқасини очиб юрса, иккинчиси совқотган, қалтираяпти. Ҳозирча қимир этмай бир жойда туришгани учун уларнинг ташқи кўриниши бошқа-бошқа ҳолатни акс эттириб турипти.

Ташқи кўриниш деганда нимани тушуниш керак?

Киши қоматининг маълум шароитда муаллақ туришидир. Бу муаллақлик нимани билдиради? Кишининг жисмоний ҳолати, имкониятларини кўрсатади.

## 2.

Овоз чиқараётган карнай кўринмайди. Биринчиси, гавдасини бироз орқага ташлаган ҳолда, иккинчиси эса оёғи остига тикилганича овозга қулоқ соляпти. Бундай ҳолатда инсон танасининг мувозанати унинг ички дунёсини англатади.

Ҳар бир одам тик турганида гавдасининг оғирлик тушган нуқтаси турли жойида бўлади. Бир тоифа одамнинг оғирлик маркази худди ернинг марказида тургандек туюлиб, инсон мукаммалигини билдиради. Бошқа одамнинг оғирлик маркази оёқларида бўлиб, унинг қадам босиши оғирроқ кўчади. Аёлларда эса оғирлик маркази белидан қуйироқда, баъзисида оғирлик маркази, курагида бўлиб, ўзини орқага ташлаб юради. Айримларда оғирлик маркази, гарданида бўлиб, бошини қимирлатмай юради. Оғирлик маркази пешанасида бўлса, мудом олдинга энгашиб юради. Семиз одамлар қорнини осилтириб юрса, кўкраги катта аёллар уни олдинга чиқариб юради.

Ҳар бир тимсол устида иш олиб борилаётганда ана шу мувозанатни топишга ҳаракат қилиш зарур.

Биз юқорида кузатаётган қаҳрамонларимизнинг бирида оғирлик маркази бели ва курагида бўлганлиги учун бошини хиёл орқага ташлаб олган. Иккинчисининг эса оғирлик маркази пешанасидан ҳам олдинда бўлгани учун эгилиб олган. Биринчи одам хабарни эшитиб, кўп ҳам хавотирга тушгани йўқ. Шунинг учун унинг ҳолатида сезиларли ўзгариш бўлмади. Иккинчиси эса хабарни эшитиб, яна ҳам букчайиб қолади.

Мана ниҳоят ташқаридан келаётган овоз тинади. Биринчи қўлинин силтаб, ўтиришга жой қарайди. Иккинчиси уни кузатиб турипти. Биринчи одам чироқ тагидаги ўриндиқقا бориб ўтириди-да, газета вараглай бошлади. Иккинчи одам эса ёқасини кўтариб, қўлинин чўнтағига солади ва биринчининг кўзига ташланмаслик учун ундан нарироқда, у ён бу ён юра бошлайди. Биринчи, уни танимаслиги сезилиб турипти.

## 3.

Энди уларни навбатма навбат ҳаракат қилишларини кўриб чиқайлик. Бир одамни тик туриши, ёки бир ҳолатда қолиши, ўз-ўзидан уни қўзғалмас объектга айлантириб, иккинчиси унинг атрофида ҳаракат қилиши керак бўлади. Биринчи ўтириб газета ўқир экан, иккинчининг ҳаракати тўхтамайди. У қадамини goҳ секинлатса, goҳ асабийлашиб, қадамини теззатади. У кўпроқ орқа қисмда, яъни биринчининг ортида ҳаракат қиласи. Баъзида биринчини, унга эътибор бермаётганлигидан фойдаланиб, жўрттага унинг олдидан ҳам ўтиб қўяди. Демак, иккинчини қаердан, қандай юришига қараб биринчининг қиёфаси goҳ катталашиб,

гоҳ кичраяди. Энди шу ҳолатни саҳнага кўчирилса, режиссёр ихтиёрида юрган одамнинг қадам тезлиги, қаердан, қачон, қанча вақтда ўтиши, қаерда тўхтаб, қандай ҳаракат бажариши аниқ чизиб берилади.

Ўз навбатида, пўстинли киши ҳам ўтиришини ўзгартириши, газетани варағлаши мумкин. Шу тақлид, саҳнадаги ҳолатини ўзгартирап экан, иккинчининг ҳаракатларига қўшимча тарзда, саҳнадаги вақт бирлиги ўзгаради. Композиция бойитилади. Бундай кезларда актёр кўлидаги реквизит ҳам катта ўрин тутади. Кўлидаги шунчаки бир буюм, айни ҳолатда муҳим обьектга айланади. Мана, иккинчи юришдан чарчаб, симёғочга суяниди. Демак, тиргак пайдо бўлади. Симёғоч, дараҳт, девор ва яна бошқа нарсаларга суяниш ҳам саҳнада қўшимча маконни вужудга келтиради ва актёрнинг жисмоний ҳолатига таъсири қўрсатади. Биринчи эса ўтиришдан зерикиб, ўрнидан туриб, юра бошлади. Лекин унинг қадам ташлаши бошқача.

#### 4.

Бу аснода иккинчи, ер остидан биринчини кузата бошлайди. Биринчи буни сезмай иложи йўқ. Демак, иккинчи уни ёқтирмаётганлигини сезиб қолади. Мана, бир-бирини хуш кўрмайдиган икки одам, мизансаҳна ҳам худди марказдан чекинадиган физик куч хусусиятига ўхшаб кетади. Шу ерда бир нарсани эслатиб ўтмоқ жойиз. Мизансаҳналар, кўпинча, икки хил қўринишда бўлади. Биринчиси "*марказга томон интилиши, иккинчиси марказдан қочиши*". Марказга интилишда кўпчилик бир-бирига интилади. Марказдан қочишида эса бир-биридан узоқлашади. Яна бир ҳолат бор. Бунда саҳнадаги одамлар хаёлан ташқарига, кенгликка интилади. Бундай вазиятни "проекция" дейилиб, саҳна композицияси яхлитлигича бошқа маконга интилаётгандек туюлади.

Бизнинг қаҳрамонларимиз ҳам ваъда қилинган бир соат ўтиб бораётганлиги сабабли тоқатсизланишади. Дамбадам "поезд яқинлашиб қолдимикан", дегандек бизга кўринмас томонга тикилиб қўйишади. Яъни саҳнадаги одамлар, гарчанд ўzlари шу ерда бўлса ҳам, хаёлан олисга, поезд келаётган томонга интилишади.

Бири юрса, иккинчиси тўхтаб қулоқ солади. Иккинчиси юрса, биринчиси тўхтаб қулоқ солади. Худди босқичма-босқич югуриладиган эстафетага ўхшайди. Одатда, сўзга нисбатан ҳаракатнинг таъсири кучи кўпdir. Худди шу тамойилга асосан томошабин диққатини бир манбадан, иккинчисига навбатма-навбат кўчириб туриш мумкин экан. Томошабиннинг диққати асосан ҳаракат қилаётган одамда бўлади. Тўхтаб турган одам тўлдирувчи сифатида қабул қилинади.

Поезд бир соатдан кўпроқ кечикяпти. Иккаласи ҳам буни ҳис қилиб турипти, иккаласи ҳам асабийлашади. Энди кўз ўнгимизда баравар ҳаракат қилаётган икки киши... Лекин ҳар иккисининг гавдаси, қадам ташлаши, ўзини тутиши турлича. Мана, улар бир хил тезликда саҳнанинг турли қисмида ҳаракат қилмоқдалар. Баъзан юриш йўлаклари ўзгаради. Биринчининг ўрнини иккинчи эгаллайди. Яъни биринчи қисмда қадам ташлаётган энди иккинчининг орқасидан юрса, иккинчиси олдинга ўтиб, қадам ташлайди. Биринчи букланган газетани асабий ўйнай бошласа, иккинчи кўзига тушаётган чироқдан пана қилиш учун пешанасига қўлинни қўйиб, олисдаги яшил чироқ томонга тикилади. Кутаётганда

вақтнинг ўтиши ҳам чўзилади. Бундан киши асабийлашади. Қаҳрамонларимизнинг ҳар иккиси ҳам айни фурсатда асабийлашган. Уларнинг асабий ҳолатларини, навбатма-навбат ошкор қилиб турилади. Бундан саҳнанинг ички суръати ва ҳарорати ўзгаради. Вакти-вақти билан улар соатга қаравади. Биринчи кўл соатига, иккинчи узоқдаги вокзал осма соатига қаравади. Ҳар иккиси учун алоҳида-алоҳида ҳаракат манбаи ва диққат доираси ҳосил бўлади.

**Иккинчи оёқ кийимининг боғлаш учун эгилади. Кичик доирадаги диққат маркази.** Сўнgra, ҳар иккиси олисдаги яшил чироқ ёниши керак бўлган томонга тикилади. **Катта доирадаги диққат маркази.** Иккаласи ҳам юра бошлади. Лекин улар рўпарадаги симёғоч ва курсига урилиб кетмасликка ҳаракат қилишади. **Ўрта доирадаги диққат маркази.** Уч тоифадаги диққат маркази бўлгани каби уч тоифадаги ҳаракат маркази ҳам мавжуд.

Иккинчи вақтни қандай ўтказишни билмай, ёнидан танга олиб, юқорига отади. Демак, унинг боши ҳам танга йўналиши бўйича ҳаракат қилиб, кичик ҳаракат марказини яратади. Бирдан танга ерга тушиб кетади. Эгилиб тангани қидиради. Гавдаси билан чап-ўнг тарафга бурилади. **Ўрта ҳаракат доираси.** Тангани топа олмай тиззалаб ўтиради. Бир қўли билан ерга тиralганича ерда судралиб, тангани қидира бошлайди. **Катта ҳаракат доираси.** Демак, актёр ва режиссёр ихтиёрида учта диққат маркази ва учта ҳаракат майдони бўлиб, ундан унумли ва таъсирчан фойдаланиш ҳар иккисининг тасаввур доирасини кенглигига боғлиқ.

## 5.

Қаҳрамонларимиз хаётда очик мулоқотга киришмаган бўлишсада, чегараланган майдонда ҳаракат қилаётган икки киши, гап-сўзсиз мулоқот қилишга мажбурдир. Ҳар иккиси ҳам кўз қири билан бир-бирини кузатади. Бири кўрмаганда иккинчиси кўпроқ эътибор қиласи. Товуш орқали ҳам мулоқотга киришиш мумкин. Улар ўртасидаги масофа узоқ бўлишига қарамай, ҳар иккиси бир-бирини эшитади. Нихоят, уларнинг кўзи тўқнаш келади. Биринчи уни кимлигини таҳминан фаҳмлайди. Лекин худди шу дақиқада узоқдан яқинлашиб келаётган поезднинг овози эшитилиб қолади. Уларнинг нигоҳи бараварига ўша томонга ўгирилади. Биринчи темир излар ёнига ошиқади. Иккинчиси эса аксинча, ортга чекинади. Фаросатли режиссёр бу ҳолатни ҳам назарда тутиши керак.

Биринчининг ёниқ кўзлари ва чехрасида, тобора яқинлашиб келаётган поезднинг тезлик ритми акс этади. Унинг ички ҳаяжони борган сари ўсиб бормоқда. Томирлари тортилиб, юзи буришмайди. Аъзойи бадани худди учишга шайланган қушдек енгил.

Иккинчи эса орқа қисмда, сояда. Унинг чехрасида ҳам изтироб, ҳам шодлик ўрин алмашиб турипти. Бир лаҳза келаётган поезд томон интилса, иккинчи лаҳзада кўзга кўринмас жойга яширингиси келади.

## 6.

Нихоят бирин-кетин вагонлар ўта бошлади. Биринчи ўзига керакли вагонни қидириб, у ёқдан бу ёққа югуради. Иккинчи бўлса яшириниш учун жой қидирад экан, симёғоч панасига ўтиб, ўша ердан вагонларни кузата бошлайди. Ҳозирча поездагилар чукур уйкуда бўлганидан, вагондан тушган ғира-шира нур, кутиб оловчиларни ёритиб турипти. Нихоят, поезд тўхтаб, вагоннинг эшиги очилади.

Симёғоч ортига яширинган одамнинг юзига чироқ тушади. Йўлакда спорт сумкасини кўтарган аёл пайдо бўлади. Кўринишидан кайфияти чоғ. Унинг нигоҳи симёғоч ортидаги кимсага тушади. Аёл қўрқиб кетгандек ўзини ичкарига олади. Гўё "**Бу ерда сен нима қилиб юрибсан?**" дегандек бўлади. Иккинчи эса гўё ўзини ҳимоя қилгандек, шундай ўзим, демоқчи бўлиб, иккала қўлинни бирини юқори бирини пастроқ кўтаради.

Гарчанд, бир оғиз сўз айтилмаса ҳам биз уни эшитамиз. Бу ерда актёрнинг энг зўр қуроли ишора орқали гапирилган гапнинг ифодасини кўришимиз мумкин. "**Ха**", "**йўқ**", "**бilmадim**", "**хеч қачон**" каби сўзларни гавда, кўз, елка ишораси орқали томошибинга жуда аниқ ва таъсири қилиб етказиш мумкин экан. Бошқача сўзларни ҳам шу зайл ифода этиш мумкин. Бундай имо-ишоралар актёр ва режиссёр қўлида ниҳоятда ўткир қуролдир. Баъзан, бундай ифода орқали гапирилган гапларнинг таъсир кучи сўзга нисбатан ўн чандон кучли бўлиши мумкин. Шунинг учун айрим режиссёrlар, бир-икки оғиз гап билан билдирадиган фикрларини сўз билан эмас, имо-ишора орқали баён қилишга интиладилар.

## 7.

Вақт кутиб турмайди. Улар нигоҳи тўқнашиб турган вақтда пўстинли киши ҳам етиб келади. Биз сезган нарсани у ҳам сезиб қолади. Уни кўрган аёл аввалига қўрқиб кетиб, кўз қири билан иккинchi томонга ўғринча қараб қўяди. Гўё у шу билан "**Уни танидингми? Қандай даҳшат!**" дегандай бўлади. Ҳар учаласи ҳам ноқулай аҳволга тушиб, туриб қолишади. Бундай вазиятда биз энг аввало, нимани кўрамиз? Шу вақтга қадар бизнинг кўз ўнгимизда икки эркак ҳаракат қилаётган эди. Мана, уларга яна бир киши-аёл қўшилди. Аммо аёл кишининг имо-ишораси, юз мимикаси, кўз қаравлари эркакларнидан тамоман бошқача бўлсада, билдириладиган фикр ўзгармайди. Иккинчи киши аёлнинг қўрқиб қарашига жавобан, ўзини бу ерда айби йўқлигини ва аёлнинг ваҳимасидан таажубга тушганлигини билдирадиган ҳаракат қиласида. Шу аснода эркакларнинг кўзи тўқнашади. Биринчининг кўзларидан "**Бу ерда нима қилиб юрибсан?**" деган савол аломати пайдо бўлади. Унга жавобан иккинчининг кўзида "**Бу менинг ишим**", деган кескин ифода пайдо бўлади. Сўнгра, "**Менга хеч нарса керак эмас**", дегандек кўзини яширади. Ўртадаги ноқулай аҳволни аёл бартараф этишга ҳаракат қиласида. У елкасидаги сумкасини тўғрилаб, сакраб пастга тушади. Сўнгра, биринчини ёнига келиб, "**Юр кетдик, орқангга қарама**", дегандек унинг кўлтиғидан олиб, майда қадамлар билан юриб кетади. Сахнада эркакнинг қилиғи эркакча, аёлнинг қилиғи аёлларга хос бўлиши керак. Аёл билан эркак чиқиб кетишади. Иккинчи енги билан кўзини артади. Оҳиста ўриндиқقا ўтиради. Елкаси силкиниб, йиғлаб юборади. Иродаси бўш одам! Аммо, жон-дилидан севувчи одам.

### **Биласанми ҳаёт долғасин, Кўрганмисан эркак йиғисин?**

У поездни юриб кетганини ҳам сезмади. Кўллари билан юзини беркитганича узоқ ўтириб қолди. Ниҳоят, атрофга қараб, ўрнидан туради. Уст-бошини тўғрилаб, ўзига қарайди. Сўнгра, атрофига ўгирилади (катта диққат доираси).

Негадир бу ердан дарров кетгиси келмайди (муаллақ мизансаҳна). Чўнтагининг аллақаерига тушиб кетган папирос қолдигини топиб (кичик доирадаги диққат) ёндиради (буом билан муносабатга киришиш), юпқа палтосининг ёқасини кўтаради (палто билан муносабат). Сўнгра, бир-бир босиб, чиқиб кетади (оғирлик маркази).

## 8.

Ёдингизда бўлса, поезд эндиғина келиб тўхтаган чоғда биринчи одам, гарчанд, асабийдек кўринган бўлсада, ички аъзолари, юз пайлари ўта эркин, худди парвозга шайланган қушдек эди. Бунга қандай эришиш мумкин? Шундай ҳолатда бўлишлик муҳимми?

К. С. Станиславский таълимотининг асосий бўлимларидан бири **мушаклар эркинлиги**, деб аталади.

*"Инсон танасининг ҳаддан ташқари таранглашуви, чангак бўлиб қолиши, ижодий жараённинг энг ашааддий душмани ҳисобланади"*, деган эди театр санъатининг буюк қашфиётчиси. Инсон табиатига хос бўлган омиллардан бири қўпчилик сенга тикилиб турган чоғда, маҳсус тайёргарликсиз ўз танасини бўш, эркин ҳаракат қилиши қобилиятини таъминлай олмайди. Шунингдек, режиссёр томонидан актёрга эркин ҳаракатини таъминламайдиган мизансаҳна қўпол ва беўхшов чиқади.

Савол туғилиши мумкин. Хўш, у ҳолда, оғир юк кўтарадиган, жисмоний куч талаб қилинадиган саҳналарчи? Агар одамнинг чеккасига тўппонча тираб турган бўлсаларчи? Унда актёр нима қилиши керак?

Ҳар бир спектаклда жисмоний ҳаракат талаб қиласидиган саҳналар бўлиши табиийдир. Бундай ҳолатларни икки гурухга ажратиш мумкин.

**Биринчиси**, саҳнадаги техник вазиятдан келиб чиқиб, жон-жаҳди билан баҳслашиш лозим бўлган саҳналар. Югур-югурлари кўп саҳналар. Бир вақтнинг ўзида қўшиқ айтиб, рақс тушиш талаб қилинадиган саҳналар ва ҳоказо.

Бундай вазиятда, энг аввало, жисмоний ҳаракат қилинадиган саҳналар билан актёрга имкониятларини солиштириб **кўриш зарур**. *"Қийин ишини енгиллаштириши, одатланиб қолинган ишини енгил, енгил ҳаракатни эса жозибали бажарши керак"*, деган эди К. С. Станиславский.

Бирдан бир тўғри йўл ҳам шудир. Акс ҳолда, саҳнада жон-жаҳди билан ҳаракат қилаётган актёр бир зумда терлаб-пишиб кетади. Нафас олиши тезлашиб, бўғила бошлайди. Минг ҳаракат қилмасин ўзини нақадар таранглашганини, пайларини бўртиб кетганини томошабиндан яшира олмайди. Бир таранг ҳолатдан, иккинчи таранг ҳолатга тушади. Ҳарсиллаб зиналардан сакраётган одамдек жонсараклигини ошкор қилиб қўяди.

Бундай вазиятда режиссёр актёрга жисмоний куч талаб қилинадиган саҳналардан озод қилиши керакми? Асло! Актёр жисмоний ҳаракат ва машаққатли меҳнат устидан ғалаба қилиши керак. Мушаклар таранглигини, юздаги асабийликни енгиб, бор куч-гайратини инсон руҳиятининг тантанасини акс эттиришга сафарбар этиш лозим.

**Иккинчи** ҳолатга қуидагилар киради: жисмоний имкониятларини намойиш этадиган ҳаракатлар. Чунончи, оғирликни кўтариш, рўпарадаги катта тўсиқдан ошиб ўтиш, табиат қийинчиликларини енгиш, оғриқни намойиш этиш, жисмоний оғир вазиятни билдириш, турли шаклдаги ўлим билан боғлиқ ҳолатлар шулар жумласидандир.

## 9.

Саҳнада ҳақиқий йифини кўрсатиш мумкинми, деган саволга Станиславский "йўқ", деб жавоб берган. Унинг таъкидлашича, иккиламчи эҳтиросга ўрин бериш мумкин экан. Ҳақиқатан ҳам ҳаётда даҳшатли воқеаларни бошдан кечириб, уларни енгиб ўтган матонатли одам йифидан жазавага тушиб, ўзини ҳар томонга урган одамга нисбатан устунлик қиласи. Бундайлар, иззат-хурматга лойиқ инсонлар сирасига киради. Лекин оғир дард билан жароҳатланган қалбнинг аламли фарёди кўз ёш бўлиб оқса ҳам ташқаридан кўрган одамнинг унга раҳми келади, изтиробига шерик бўлишга интилади.

Турган гап, кўл ёки ошқозони оғриётган одам дардининг, санъатга алоқаси йўқдир. Худди шунингдек, одам танасининг жисмоний ўлимини ҳам санъатга алоқаси йўқдир. Буюк инсоннинг ҳам, иблис одамнинг ўлими ҳам бир физиологик ҳолатдир. Бироқ саҳнада ҳар икки ўлимни бир хилда кўрсатиш мумкинми?

Иблис ва ярамас одамнинг ўлим саҳнаси нимаси билан қизиқ? Бу дунёда ҳеч ким ажал чангалидан қоча олмайди. Барибир адолат қарор топади. Томошабин учун уни шундай оддий ўлим топиб кетиши қизиқми ёки ўлими олдидан руҳий ўзгариш рўй бериб, кўзи очилиб, бутун умри инсонларга ёмонлик қилиб яшаганидан афсус-надоматлар чекиб ўлиши афзалми? Ёки матонатли инсоннинг ўлимида биз учун энг қизиғи, уни ҳам оддий ўлим топиб кетишими ёки оғриқ ва ўлим талвасасини мардларча енгиб, энг сўнгги нафасида ҳам ўзининг одамийлигини йўқотмаган кишининг ўлими қизиқроқми? Мана шу икки ҳолатдан қайси бири биз учун муҳим эканлигини аниқлаб олганимизда, мизансаҳна, актёрнинг ўзига ҳос бўлган пластик ҳолати аниқ бўлиши мумкин.

Рассом олд қисмдаги тасвирининг таъсирчанлигини ошириш учун ортдаги манзарани ҳиралаштиради.

Режиссер ҳам қаҳрамон **ўлимини** эмас, **қаҳрамоннинг** ўлимини бўрттириб кўрсатиш учун томошабин ва ижрочи диққатини асосий ҳолатга, яъни ақл ва идрок, ирова ва тафаккурни танадан устун эканлигига эътибор қаратиши керак. Бунинг учун режиссер актёрдан жисмоний сифатларни намойиш этмасликни талаб қилиши зарур.

Техник жиҳатдан ташқи ифода воситалари ҳисобланмиш жисмоний оғриқ ва жон талвасасини кескин камайтириш талаб қилинади.

Ўлим саҳнасидаги бадиййликни ташкил этадиган ҳаракатлар, яъни юзларни буриштирмаслик, оғриқ изтиробларини жисмоний ҳаракатлар орқали кўрсатмасликка интилиш лозим.

## 10.

Хозирги ёшлар орасида қўлларини ҳаддан ташқари силтаб гаплашиш, бўйни билан ёқасини тўғрилаш, қоқ йўлнинг ўртасида чўкка тушиб ўтириб олиб, икки

оёғининг ўртасига тупуриб, жўжахўrozга ўхшаб қиқирлаб қулиш, елкаси билан костюмини тўғрилаш, тирсаги билан шимини тузатиш, сухбатдошига ниқтаб гапириш, яхши таниш бўлмаган одамни елкасиға қоқиб гапириш, қиқирлаб қулиб ҳамманинг эътиборини ўзига қаратиш каби ярамас қилиқларни кузатиш мумкин.

Эстетик нуқтайи назардан унинг "хурмача қилиқлари" бизга ботмайди. Бундан жамият учун ҳазм қилиш мумкин бўлган ҳар қандай қилиқ, хатти-ҳаракатлар жозибали ва кўркам бўлиши керак, деган хулоса чиқариш мумкинми?

Агар қаҳрамоннинг савияси юксак, олийжаноб, маданиятли инсон тимсоли бўлса, унинг ҳаракатларини жозибадор дея қабул қилиш мумкин. Агар қаҳрамонимизнинг кимлиги (ўтган асрда яшаганми, замондошимизми) биз учун бефарқ бўлса, унда бошқа гап. Агар замонавий эстетик мезонларга таққослагандা бизни ўзига ром этаолса, бундай сифат гўзалдир. Агар бизни ўзидан қочирса, демак, ярамасдир. Кишиларнинг замонавий пластик сифатларидан энг муҳими ҳар қандай шароитда ўзни тутабилишликдир. Саҳнада ҳам, ҳаётда ҳам ҳар бир одамга айтиладиган гап — **ортиқча ҳаракат қилманг!** Кундалик турмушимизда бундай хатти-ҳаракатлар кишиларни толиқтиради, ундан бирон бир маъно топмайсиз. Саҳнада эса бундай хатти-ҳаракатларнинг ҳар бир ишорати бадиий ахборот бўлиб, яна ҳам беўхшов ва бесўнақай туюлади.

## 11.

Тасаввур қилиб кўрайлик:

**Поездамиз.** Қаршимизда икки гўзал қиз. Ҳаво ҳаддан ташқари иссиқ. Қизлардан бири тоқатсизланиб, тез-тез бошини ушлайди, пешанасини ишқалайди, ҳали дугонасининг елкасиға, ҳали вагон суюнчиғига бошини қўйиб бехаловат бўлади. Унинг юzlари буришиб-тиришиб, оғзи қийшайиб кетган. Иккинчи қиз эса худди чўртанбалиққа ўхшаб каппа-каппа оғзини очиб нафас оларкан, ўзини қўярга жой тополмай қийналиб кетяпти. Тез-тез уст кийимининг этаги билан елпинади.

Табиийки, бундай ҳолатда ҳар икки гўзалнинг эстетик сифати, чиройига ўз-ўзидан путур етади. Ҳаётда ҳам, саҳнада ҳам бундайлардан дарров ҳафсалангиз пир бўлади. Нега шундай? Инсон танаси билан боғлиқ ҳар қандай жисмоний оғриқ натижасидаги хатти-ҳаракатлар устидан инсон онгининг ғалабасини саҳнадан туриб кўрсата билишлик санъатнинг энг муҳим вазифасидир. Шунинг учун ҳам тасвир этилаётган вазиятда жисмоний хатти-ҳаракатлар қанчалик шартли бўлса, шунчалик унинг бадиий таъсир кучи ортади.

Шартли деганда ёлғондакам оғриқни тушунмаслик керак.

Биз юқорида тилга олган иккала қизни саҳнага олиб чиқсан нимани акс эттиришимиз керак? Бу ерда инсонни ҳар қандай жисмоний қийинчиликларга бардош бериб, уларни енгиб ўтиш жараёни акс этган бўлиши зарур.

Хўш, бундай шароитда руҳий ва жисмоний ҳолатнинг шартлилигини белгиловчи мезон қандай бўлиши керак? Буни энди саҳналаштирувчи режиссёр билан ижрочи актёр ўзаро ҳал этишлари лозим.

Юқорида акс эттирилган саҳнада юмордан фойдаланиш ўринли деб ўйлаймиз. Кулги кўп ҳолларда ҳал этилиши мушкул бўлган шароитлардан чиқиб кетиш учун осон йўлларни ўзи кўрсатиб беради.

Шунинг учун, агар ўша қизлар ҳолатини саҳнада акс эттироқчи бўлсак, биринчи навбатда, улар чехрасидан жисмоний изтироб аломатларини олиб ташлаш зарур. Иссик, қизлар сабр-тоқати устидан ғалаба қилди ҳам дейлик. Бироқ иссиқ дарҳол қизлар бардошини емириб ташлади деган гап эмас. Режиссёр иссиқликка ургу берар экан, уни инсон сабр-бардошидан ҳам кучлироқ эканлигини акс эттириши, аниқроқ қилиб айтадиган бўлсак, ҳароратни инсон қудратидан устун келаётган иштирокчига айлантириш керак. Қизлар эса шу иссиқни енгиб ўтиш учун турли-туман хатти-ҳаракатлар ўйлаб топиши, тасаввурда дейлик саҳнага учинчи бир шахс — йигитни олиб кириши керак. Нихоятда келишган йигит олдида қизлар аёллик шаънини ерга урмаслик учун иссиқка бардош беришга ҳаракат қилишади. Ўз-ўзидан қизлар чехрасидаги таранглик йўқолади, ҳаракатлари сараланиб, бадиий таъсири ортади.

## 12.

Агар биз акс эттироқчи бўлган инсонлар тоифаси қизларнига нисбатан қарама-қарши бўлиб, ташқи кўриниши биз учун бефарқ бўлсанчи?

Мисол учун, коптоқдек юм-юмалоқ семиз кимса хизматкори ёки ўзига тобе бир киши билан иссиқдан димиқиб гаплашиб ўтирипти.

**Хизматкор:** Ҳа, бой ота, чидай олмаяпсизми?

**Семиз:** — Ҳечқиси йўқ, ҳечқиси йўқ. Ўтири, ўтири. Фақат мендан узокроқ ўтири, нафасим бўғилиб кетяпти.

**Хизматкор:** Исиб кетаётган бўлсангиз муздеккина айрон келтирайми, анча совутади.

**Семиз:** — Совутгани қурсин, бадтар чанқатади.

Кўриб турибмизки, бақалоқни ҳайвондан фарқи йўқ. Шунинг учун иссиқка қарши курашда, ўзига ҳос бўлган ҳаракатлар топиш керак. Бунинг устига у кўпчилик орасида эмас, ёлғиз хизматкор билан бирга. Демак, ижрочилар билан режиссёр ихтиёрида турли-туман усуллардан фойдаланиш имконияти мавжуд. Аммо, ҳар нарсанинг чегараси бўлиб, ундан чиқиб кетмаган яхши.

Саҳнада нима учун бизнинг тасаввуримиздаги иродаси кучли, қўрқмас, бақувват одам қиёғасини яратишга, уни ўрганишга ҳаракат қиласиз? Негаки, ўзимиз ҳаётда мана шундай одамларни орзу қилиб, уларга эргашиб яшаймиз.

Тўғри, нур борки соя ҳам бўлади. Шунинг учун ҳам жамиятга ёт унсурлар устидан кулиш, масхаралаш мақсадида улар саҳнага олиб чиқилади. Бу деганимиз, саҳнада ярамас иллатли кишини эмас, унинг ярамас қилиқларини санъат даражасида акс эттириш керак. Бундай ҳолатни саҳнада кўрсатиш вақтида, худди ҳаётда қандай бўлса шундайлигича кўрсатиш мутлақо шарт эмас. Гўё шундай одамларнинг ярамас қилиқларини тарбия кўрган, одоб чегарасидан чиқмайдиган одам ҳикоя қилиб бераётгандай, санъаткорона тарзда акс эттириш лозим.

### 13.

Бадиий жиҳатдан қабул қилиш ва қабул қилиб бўлмайдиган шаклларнинг чегарасини қандай қилиб аниқлаш мумкин, деган савол туғилиши мумкин.

Ҳар бир давр учун ,ўша давр яратган ижтимоий тартиб-қоидалари бўлади. Ҳар бир шароит учун ҳам ўзининг мумкин ва мумкин бўлмаган муомала ва юриш-туриш қолиллари бор. Мисол учун, саёҳат даврида мумкин бўлган нарсалар, меҳмондорчиликда мумкин эмас. Санъатнинг ҳам ҳар бир жанрига хос **мумкин** ва **мумкин бўлмаган** хусусиятлари мавжуддир. Бундай хулқ-одоб чегараларини жамиятнинг ўзи, унда яшовчи инсонлар белгилаб қўяди. Ижодкор ўз даврининг айrim жиҳатларига қулоқ тутиши, уларни илғаб олиши ва замон талабларини сезиб туриши муҳимдир.

### 14.

Ҳар бир спектаклда режиссёр асарнинг ҳиссий ва фикрий юкини томошабин билан ижрочи ўртасида тенг тақсимлаши керак. Мисол тариқасида мана шу нозик томонга эътибор бермаган режиссёр спектаклини кўриб чиқайлик.

Асар қаҳрамони учун барча мизансаҳналар биринчи даражали қилиб қурилган. Уч соат давомида, бизнинг қаҳрамон саҳнанинг биринчи қисмида фикр ва ҳиссий юкни томошабинга етказиб бераман деб, ҳолдан тойиб қолади. Томошабин унинг аҳволини кўриб, кузатиб туриши қай даражада оғир эканлигини бир тасаввур қилиб кўринг.

Шунинг учун саҳнада биринчи даражали, иккинчи даражали ва учинчи даражали, фаол ва суст бўлган саҳналарни аниқлаб, актёр учун хотиржам ҳаракат майдони ва шароит туғдириб бериш зарур. Ҳар бир саҳнада ҳужумга ўтувчи ҳамда мудофаа қилувчи иштирокчини аниқлаб олиб, иштирокчилар ўртасидаги сарф этиладиган қувват мувозанатини сақлаб туришлик лозим. Бу деганимиз, ўзаро тортишув шунчаки "ўйин", иштирокчиларнинг жўрттага бир-бири билан ёлғондакам олишуви бўлиб қолмаслиги керак. Бироқ бу ҳолатнинг ҳам ўз қонун-қоидаси мавжуд. Агар саҳналар аввалдан бўлакчаларга бўлиниб, ҳар бир иштирокчининг ўрни белгилаб қўйилмаса, иккала иштирокчи ҳам зўр бериб ҳаракат қилиши оқибатида бўғилиб, толиқиб қолишлари мумкин.

Чунки сарф этилиши керак бўлган қувват меъёридан ортиб кетган бўлади.

Актёр ҳар доим ҳам саҳнада қувватли бўлиши мумкин. Баъзан қувват ўрнига кучаниш рўй беради. Бундай ҳолат санъатга қарама-қаршидир. Қувват ва куч саҳнадан қанчалик мафтункор бўлиб туюлса, зўр бериб кучаниш, шунчалик хунук ва кўнгил оздирадиган бўлиб туюлиши мумкин. Бир актёр маълум саҳнада қуввати тўлиб-тошган, овозлари жарангдор бўлиб кўринса, иккинчи бир саҳнада бўғилиб, овози хириллаб, кучаниб ҳаракат қилиши мумкин.

Бунинг сабаби нимада?

Аввало спектакль енгил, хушчақчақ тарздаги ечимга эгами ёки йўқми, шуни аниқлаб олиш керак. Иккинчидан, агар вазият шуни тақозо этса, мизансаҳна ва декорациялар бу муҳим омилни ҳисобга олган бўлиши шарт. Акс ҳолда, спектакль оғир қабул қилиниши мумкин.

Ҳар бир ижодий маҳсулотнинг натижаси енгил ва маънавий эҳтиёжни қондириш учун хизмат қилиши лозим.

Агар бажарилган ишнинг натижаси оғир карvon бўлиб, юракда ҳам ғашлик пайдо қиласа, ижодий изланишлар ярим йўлда тўхтаб қолган бўлади. Ижодий иш деганда, оғир юк ва инсонга хос ожизликни енгиб ўтиш жараёни назарда тутилади. Ҳақиқий санъат ҳамиша енгил ва қабул қилиниши осон бўлмоғи шарт. Бу талаблар оғир ва енгил пластик ҳаракатларга ҳам тааллуклидир.

Режиссёрлик касбида икки тоифа мизансаҳна яратиш услуби мавжуддир.

Биринчиси эркин бўлиб, унда актёр белгиланган маконда **эркин** ҳаракат қилиш имкониятига эга.

Иккинчисида эса аввалдан чегараланган маконда **қатъий** белгилаб қўйилган ҳаракатларни амалга ошириши керак бўлади. Лекин буларнинг ҳар иккиси ҳам соғ ҳолатда кам учрайдиган услублардир. Шунинг учун режиссёр ҳар бир сахна учун ечим қидирар экан, ҳамиша ўз-ўзини назорат қилиб бориши керак. Мазкур сахна шу жанрга мосми, актёр учун ҳаракат қилиш майдони мавжудми, томошабин уни қандай қабул қиласи?

Ушбу ҳолатни мусиқага таққослайдиган бўлсак, мусиқада ритм темир панжара бўлса, оҳанг ана шу панжаралар орасидан оқиб чиқиб, атрофга таралаётган наволарнинг жонли маҳсулидир.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, актёрнинг пластик ҳаракатларини мизансаҳнанинг темир ритмига мослаштирган ҳолда, вақт бирлиги орасида актёрга эркин ҳаракат қилиш имкониятини яратиб **беришлиқ ҳар** бир режиссёрнинг муқаддас бурчидир.

## МИЗАНСАҲНА ҚАНДАЙ БЎЛИШИ КЕРАК?

### 1.

Мана, мизансаҳнанинг бир бутун яхлитлиги ва унинг ички ва ташқи имкониятлари ҳамда бир-бирига мутаносиблигини кўриб чиқиш фурсати келди.

Ижронинг юзакилиги ёки чуқурлиги режиссёрни актёр билан саёз ёки чуқур руҳий чизгилар топганлигининг натижасига боғлиқ эканлигини ҳаммамиз биламиз. Ички органикани издан чиқиши актёр пластикадан нотўғри фойдаланиши туфайли ҳамда режиссёрнинг ноаниқ кўрсатмасини бажариш билан боғлиқ бўлиши мумкин.

Ёки аксинча, бир вазиятда сахна воқеаларини ҳаракатга келтирувчи чуқур ва аниқ таҳлил, берилган рол инсон руҳиятининг ҳаётийлигига боғлиқ бўлса, бошқа бир ҳолатида таклиф этилган мизансаҳнанинг қатъий чегараланиши ва шу чегаралар орасида актёрнинг ижодий имкониятларини тўлақонли намойиш эта олишига боғлиқдир.

Яхши ёки ёмон мизансаҳнани белгиловчи мезонларни қандай аниқлаш мумкин?

Бунинг учун мисолларга мурожаат қиласи.

Кўз олдимизда "A" спектаклдан олинган "B" мизансаҳна. Уни "B" ёзган, "D" сахналаштирган, "E" рассом. Хўш, бундай мизансаҳнани яхши-ёмонлигини билдирадиган сифатлари нималарга боғлиқ бўлиши мумкин? Уларнинг асосийлари нималардан иборат?

Тўғри, мусиқада товушларнинг ҳамоҳанглиги, тасвирий санъатда бўёқларнинг уйғуналигини ҳар ким ўзича тушуниши мумкин бўлганидек, тирик одамлар орқали тасвирланадиган мизансаҳнани ҳам ҳар ким ўзича баҳолаши мумкин. Шунга қарамай, ҳар бир нарсанинг ижобий ва салбий томонлари яққол кўзга ташланиб туради.

## 2.

Ҳар қандай мизансаҳнанинг тўғрилигини белгиловчи омил, бу **бириччи навбатда, унинг хаёт ҳақиқатига монандлигидир**.

Иккинчидан, мизансаҳнанинг ҳаракатчанлиги, ифодавийлиги.

Баъзан режиссёр актёрга қараб: "Ҳаракат қилинг, ҳаракат кам бўляпти, яна қандай ҳаракат қилишни ўйлаб қўринг, ҳозир туриб қоляпсиз", дейди.

Ҳаракат қилиш учун актёрга мизансаҳна бериш керак. Берилганда ҳам у шундай бўлиши керакки, берилган мизансаҳнада актёр ҳаракат қиласдан тура олмасин. Яъни уни ўз-ўзидан ҳаракатга соладиган куч бўлиши керак. Мизансаҳнанинг ўзида, ҳар бир иштирокчи учун алоҳида жисмоний ҳаракатлар чизиги аниқ белгилаб қўйилган бўлмоғи зарур.

Хўш, ана шу кўзга қўринмас пружинани қандай қилиб мизансаҳна ичига жойлаштириш мумкин?

Бириччи навбатда, ортиқча ҳаракатга мутлақо йўл қўйиб бўлмайди. **Саҳнадаги энг яхши ҳаракат — камроқ ҳаракат қилишдир**.

Тажриба тариқасида қулочкашаб шапалоқ уриш ўрнига кескин тарсаки уриб қўрингчи. Беш қадам юриш ўрнига икки қадамда мақсадни амалга ошириб қўрингчи, шу заҳоти мизансаҳнанинг ўзгарганлигини, ташқаридан чиройли кўринишга эга бўлиб қолганини сезасиз. Саҳнадаги ҳар бир ўринсиз ҳаракат, қадам ташлаш, қўл силташ ортиқча ҳаракатлигини яхши тушуниб олишимиз керак. Бундай ортиқчалик спектакль суратини пасайтиради.

Томошабин кўз ўнгидаги бажарилиши керак бўлган энг кичик жисмоний ва руҳий ҳаракат қаҳрамоннинг ўта зарур ички эҳтиёжини қондиришга хизмат қилмоғи лозим. Ички эҳтиёж актёрни ёндириши, қувват бериши, ҳаракатга чорлаши шарт. Мана шу ҳаракат қилиш иштиёқи актёрни бутун спектакль давомида тинч қўймаслиги керак экан. Акс ҳолда сохта эркинлик, сохта ҳаракатларга сабабчи бўлади.

Кўпчилик актёрлар саҳнада қанчалик кўп ўтириб-турса, қанчалик бир ҳолатдан бошқа ҳолатга ўтса, тез-тез юриб турса мизансаҳна шунчалик қизиқ ва ҳаққоний бўлади, деб ўйлашади. Ҳаётда эса ҳолатлар тез-тез ўзгармайди! Кўпинча бир жойда узок ўтириб қолинади. Ёки тик турилади. Шароит ўзгармагунча ҳолат ҳам ўзгармайди. Саҳнада эса ҳаётдагига нисбатан камроқ ҳаракат қилиш керак. Чунки, саҳнадаги ҳар бир хатти-ҳаракат тасодифлардан тозаланиши, арзимаган ҳаракатлардан холи бўлиши керак. Акс ҳолда, ҳаракатнинг қиймати тушиб кетади.

## 3.

Яна бир муҳим нарса. Саҳнадаги хоҳ катта, хоҳ кичик бўлсин ҳар бир ҳаракат маълум тўсиқни енгиб ўтиш учун хизмат қилиши шарт. Ҳар бир ҳаракатни

амалга оширишдаги мураккаблик, жисмоний түсиқни ошиб ўтиш жараёни актёр ҳаракатини фаоллаштиради, мизансаҳна суратини оширади.

Масалан, саҳнадаги маълум бир ҳаракатни амалга оширишда уни тезда ҳал этишга шошилмаслик керак. Аксинча, ўша ҳаракатни амалга ошириш йўлига қатор түсиқлар қўйиб чиқиб, ўша түсиқларни енгиб ўтиш орқали ҳаракат амалга ошиши керак. Буни **ҳаракат түсиқлари** дейиш мумкин.

Масалан: Аёл эридан бутунлай ажрашиш мақсадида, уйдан бош олиб чиқиб кетмоқчи. У шу мақсадда буюмларини йиғишиштиряпти.

**Бир режиссёр** унга қуидагича топшириқ беради:

—Сиз хона ичидасиз. Шкафдан кийимларингизни, хат ва тақин чоқлар солинган кутичани, ҳамда палтоингизни олинг. Сўнgra, қўлингиздагиларни жомадонга солингда, хонадан чиқиб кетинг.

**Иккинчи режиссёр** худди шу саҳна ижроисига бошқача топшириқ беради:

—Буюмларингизни йиғиширига олмаяпсиз. Кўплари жомадон га сифмайди. Унинг устига, нимани олиб, нимани ташлаб кетишни билмайсиз. Телефоннинг узлуксиз қўнғироқлари сизга халақит беряпти. Ҳар сафар қўнғироқ бўлганида унга яқин бормаслик учун ўз ўзингиз билан олишасиз. Бир қисм хатларни йиртиб ташлашга қарор қиласиз, аммо қайсанисини? Энг зарур бўлган нарсангизни топа олмаяпсиз. Кийинаман деб, бўйнингиздаги мунчоқларни узиб юборгансиз ва ҳоказо.

Энди шу саҳнани руҳий түсиқлар ёрдамида кўриб чиқайлик. Яна ўша аёл. Севикли эрининг уйидан ҳеч нарса олмасдан чиқиб кетмоқчи. Уйдан бош олиб чиқиб кетиш фикри энди туғиляпти. Аёл ўз хаёллари билан шу қадар бандки, ҳатто хонада айлана шаклида юрганини ҳам сезмайди. Бирдан тўхтаб қолади. **"Хозир чиқиб кетсамчи?"** Шу заҳоти фикри ўзгариб, ўтириб қолади. **"Бўлмайди. Олдин ҳаммасини яхшилаб ўйла б олиши керак"**. Яна чуқур хаёлга толади. Мана, ниҳоят ўрнидан туриб, эшик томон бир неча қадам ташлайди. Яна тўхтаб қолади. Кўзга кўринмас бир сеҳр уни шу хонага боғлаб қўйгандай. Яна жойига ўтиради. Фикрини жамлашга интилади. Яна ўрнидан туриб бир-икки қадам ташлаб тўхтайди. Бу ҳаракат бир неча бор такрорланади. Яна тўхтайди. Ўзини чалғитиши учун бошқа нарса тўғрисида ўйламоқчи бўлиб, қандайдир қўшиқни хиргойи қиласи. Шу тақлид руҳий түсиқдан ошиб ўтади.

Демак, ҳар бир саҳнада хоҳ жисмоний, хоҳ руҳий бўлсин, режиссёр ва актёр томонидан яратилган сунъий түсиқ, ижодкор-актёр имкониятини кенгайтиришга хизмат қиласи.

#### 4.

Биз юқорида кўриб ўтган түсиқлар сабаб, ҳар бир ҳаракатнинг таъсир кучи ва шиддаткорлиги ошади. Гўё қирғоқлари, темир бетон билан қопланган дарё ўзини ҳар томонга уриб, ҳайқириб оқишига ўхшайди. Саҳнадаги ҳаракат майдонини чеклаб қўйишлик ҳам ҳаракатнинг шиддаткорлигини оширади. Қаҳрамон бирон-бир жасорат кўрсатиш учун жон-жаҳди билан ҳаракат қиласи-

ю, аммо уни амалга оширишнинг имкониятлари чегаралаб қўйилганидан ўзини қафасга тушган йўлбарсдек ҳис қалади. Айниқса, бир декорация билан ҳаракат чегараланган майдонда, бир неча саҳналар ўйналиши керак бўлган спектаклларда бу усул самарали натижа беради. Саҳнадаги майдон чегарасини чироқлар ёрдамида ҳам бажариши мумкин. Мисол учун, воқелар бир-бирига ўхшаш хоначаларда навбатма-навбат ўтадиган бўлса, биринчи хонада чироқни тепадан, иккинчисида стол устидан, учинчи хонада эса бурчакдан ёруғлик берилса, хонадаги бир хиллик йўқолади. Ижрода ҳам рангбарангликка эришилади.

## 5.

*"Мен боғдан келсан, сен тоғдан келасан"*, деган гап бор. Бу ибора кўпинча, мантиққа зид ҳаракатларга нисбатан ишлатилади. Яна **англашилмовчилик** деган ибора ҳам бор. Яъни ўзи сезмаган ҳолда, беихтиёр ножӯя иш қилиб қўйилганида шундай дейилади.

Кундалик турмушимизда бундай вазиятларни қўплаб учратиш мумкин. Мисол учун, ёш олимга қиз қўп ойлик тажрибалар натижасида янги бир модда кашф қиласди. Эртага эрталаб уни илмий кенгаш эътиборига ҳавола этиши керак. Кенгаш аъзолари чақирилган. Янги модда тайёр. Қиз сабрсизланиб, қандай тонг оттиришни билмайди. Дам-бадам ўзи ихтиро қилган ягона нусхадаги моддани қўлига олиб, томоша қиласди. Навбатдаги томоша вақтида ноёб модда бирдан қўлидан тушиб сочилиб кетади. Бир неча ойлик меҳнат ҳайф бўлади. Унинг ҳақиқий олимлигини тасдиқлайдиган далил энди йўқ! Сезгининг инерцион ҳаракат ҳолатини сақланиши қизни фалокат содир этишга олиб келди.

Инерция туфайли сезгининг турғун ҳолати. Жумлани бундай тузилиши ғалати туюлиши мумкин. Лекин унинг маъносига эътибор берилса, кўпгина мизансаҳна жумбокларига калит топилади. Яъни инсон табиатининг кутилмаган ғайритабиий жабҳалари саҳнада мутлақо бошқача ҳал этилиши мумкин. Кутилмаган учрашув, кутилмаган янгилик, кутилмаган гап, кутилмаган севги... ва ҳоказо. Ҳаётнинг ҳар бир жабҳасида умумий ривожланиш қонунияти мавжуд. Режиссёр ана шу қонуниятга асосланиб, бирор саҳнадаги ҳаракатни тасдиқлаб, яна уни инкор этиши мумкин. Тасдиқланган ҳолат тўғрисида мунозара юритиши, жисмоний ва руҳий ҳаракатларни саҳнада ишлатиши ҳам мумкин экан.

## 6. Ҳатти-ҳаракатнинг кескин ўзгариши

Мисол учун, жаҳл чиқиб турган вақтда қизишиб кетиб, ўз севгилисига қўпол гапириши, ёки ўта хушчакчақ одам маълум бир вазиятда ҳомуш ва камгап бўлиб қолиши, кутилмаган саҳнавий ечимлар топишга ёрдам беради.

Театр санъатидан кескин бурилиш ва ўзгаришларни олиб қўйилса, унинг таъсир кучи йўқолади.

Тез, суст, кескин, оҳиста, секин, қаттиқ каби фарқланишлар сўз ва мусиқада бир хил аҳамият касб этади. Соя билан нурни, юмалоқ билан қирраларни геометрик шаклларни архитектура, рассомчилик санъатнинг фусункорлигини ташкил этадиган сифатлари ҳисобланади. Лекин театрдан бошқа жойда бундай ўзгаришлар ҳаддан ташқари қўпол тарзда қўлланилмаса керак. Театрдаги

"такиқланган" усуллар айни мана шу кескин ўзгаришлар асосига қурилган бўлиб, томошибиннинг фикр ва ҳиссиёти ўрнига асабига таъсир этиш мақсади кўзланади.

Саҳнадаги нурларни кескин алмашинуви, осойишта давом этаётган ҳаракатни бирдан шиддатли тус олиши, нафис оҳанглар ортидан қулоқни қоматга келтирувчи қаттиқ товушлар инсонга кучли таъсир қўрсатади. **Ҳар қандай кескин ўзгаришлар таъсирли бўлиши мумкин, аммо бадий жихатан таъсирчан эмас.**

Бадий ўзгаришлар сирасига қисман, кескин бўлмаган ўзгаришларни киритиш мумкин. Улар, гарчанд, кўзга яққол ташланмаса-да, бадий таассуроти кучли ва чуқур бўлади. Агар бунга қўшимча қилиб, ғайритабии ўзгаришларни бирлаштиrsак, уларнинг таъсир кучи яна ҳам ортади.

## 7.

Ўз ҳиссиётларини мунтазам чегаралаб туришлик, замонавий тараққий топган жамият одамларига хос бўлган хислатдир. Бундай шахслар эҳтирослар қанчалик қайнаб тошмасин (агар у ҳақиқий эҳтирос бўлса) уни жиловлашга, одамларга кўз-кўз қилмасликка интиладилар.

Келинг, яххиси ана шу тоифадаги икки кишининг баҳслашувини тинглаб кўрайлик.

- *Мени кечирасизу оғайни, дилимдагини айтмай иложим йўқ.*
- *Марҳамат, аммо огоҳлантириб қўяй, мен ҳам дилимдагини айтаман.*
- *Сен дўстим, нолойиқ раҳбарсан!*
- *Сен ҳам яхши хизматчи эмассан.*
- Бир варақ қоғоз топиладими?*
- Ариза ёзишгами? Сен учун топилади!*

Уларнинг биронтаси ақлдан озмаган бўлса, ичида "нима қиляпман, ахир ҳаммасини расво қилишим мумкин-ку", дея такрорлаши муқарар.

Ҳаётда одамлар қанчалик асабий бўлмасинлар, ўзини кўлга олишга, асабларини жиловлашга интилишади.

Саҳнадачи?

Мана, саҳнада рол ижро этаётган актёрга хос бўлган ҳолат:

-*"Назаримда, сустроқ ҳаракат қилаётгандекман. Ахир бу эҳтиросли саҳнaku! Ҳамроҳим мендан устун келяптими? Энди ўзидан кўрсин! Қандай гапиришини ҳозир унга кўрсатиб қўяман".*

Актёр ўз эҳтиросларини жиловлаш ўрнига, ҳаво шарини пуфлаётган одамдек кучаниб, овозга зўр беради.

Бундай ҳолат ҳиссиётларни ўтмаслашувига олиб келади.

## 8

Ҳақиқий ижодкорни эҳтиросига қараб баҳолайдилар.

Атрофимизни қуршаб турган муҳитга нисбатан фаол муносабат, телбаларча севиши, ич-ичидан ёмон кўриб қолиш, кескин қарор ва ҳаракатлар сари етаклайди.

Агар мизансаҳнани режиссёрнинг саҳнавий тафаккури, бадиий тўқимасининг нозик иплари дея қабул қилсак, унинг ҳар бир саҳнавий ечими композициянинг пухталиги билан баҳоланади. Ўз-ўзида бадиий жасоратни тарбиялашлик, дадил саҳнавий ечимлар топишга имкон туғдиради. Шу билан бирга ҳар қандай ижодкор, биринчи навбатда, камтариликни қўлдан бой бермаслиги зарур.

Мизансаҳналар ечимида ҳам режиссёр камтарин бўлиши лозим. Агар у саҳнадаги ҳаракатларни:- у ёқдан бу ёққа юришни, тўхташни, ўгирилишни томошабин эшитсин, сезсин, кўрсин учунгина бажарилишини талаб қилса, ясамалик, нотабийлик пайдо бўлади.

## 9.

Ҳар қандай жисмоний ҳаракат шу аснода гапираётган кишига нисбатан кутилмаган ҳодиса саналади. Бундай кутилмаган ҳаракат **контрапункт** кутилмаган ҳаракат, кутилмаган ҳолат кутилмаган воқелик дейилади. Саҳнанинг биринчи қисмида бажарилаётган жисмоний ҳаракатга нисбатан айтилган сўз устувор бўлиб, контрапункт ҳисобланади.

**Контрапункт** ўзаро мулоқотда ҳам бўлиши мумкин.

Контрапунктни бошқа томондан қараб кўрайлик:

- а) рўпарамизда тобут ёнида мусибат чекиб турган оила аъзолари тасвирланган расм;
- б) шаҳарлик оила далада, майсалар устида ўтириб, тушлик қилишаётган расм;
- в) шаҳарликлар қандайдир муҳим хабар ёзилган варақани қўлдан қўлга узатишмоқда.

Агар биз юқорида қўриб чиққан ҳолатлардаги расмларга ўйинчоқ ўйнаб ўтирган болакайнинг расми ҳам қўшилса, манзара тамоман ўзгаради. Макон кенгайиб, тасвирни яна ҳам жонлантириб юборади. Демак, ерда ўйнаб ўтирган болакай **контрапункт** сифатида тасвирга киритилганлиги сабабидан расмнинг таъсирчанлиги ҳамда унинг жанри ўзгарган.

Худди шунингдек, саҳнадаги икки киши ҳамиша томошабинга қараб гаплашиши, лекин гапларининг ҳаммаси ёлғон эканлигини тезда фош қилиб қўйиши ҳам мумкин. Кундалик ҳаётимизда ҳам одамлар билан мулоқот қилар эканмиз, сухбатдошнинг рўпарасига келиб, кўзига тикилиб гапирадиган гапларимиз кам бўлади. Аҳёна-ҳёндагина сухбатдош билан тўғридан-тўғри мулоқот юритамиз. Агар режиссёр мизансаҳна тузиш вақтида сухбатдошларнинг мулоқотини ёндан туриб, орқа ўгириб, бошқа томонга юзланиб, ўтириб-туриб сухбатлашиш кераклигини эътиборга олса, ҳаракат доираси кенгайиб, ранг-баранглик ортади.

Контрапунктнинг яна бир фойдали томони: бажарилаётган ҳаракатларни сўз ёки бошқа бир ҳаракат таъсири, остида бот-бот бўлинниб туришидир.

Бундай ҳолатни **жисмоний мувозанатни** бузилиб туриши дейилади. Спектаклнинг айрим мизансаҳналарини шу услубдан фойдаланган ҳолда қуриш унинг саҳнавий жозибадорлигини оширади.

Мисол тариқасида Н.В.Гогольнинг “УЙЛАНИШ” комедиясиға мурожат қилиб кўрайлик.

Пъесада Дуняша исимли хизматқор қиз тимсоли бор.У.саҳнада бор-йўғи икки марта кўринади.

Биринчи сафар Дуняша меҳмонларга кираверинг уйдалар дейди.

Иккинчи сафар эса кетдодилар

*Агар Дуняша, Подкалесинни бир қўришидаёқ севиб қолган бўлсачи. Вокеалар музмуни ўзгармаган ҳолда томошавийлик ошиади. Дуняша саҳнага чиқиб келганда Подкалёсинга сукданиб боқади. Уни кузатади. (сўзсиз саҳна)*

*Подкалёсин қочиб кетганидан кейин ўзида йўқ хурсанд бўлиб раксга тушиади. Боишқалар учун қуёвнинг қочиб кетиши фожса бўлса Дуняша учун байрам. Ҳар икки воеа ҳам бир вактнинг ўзида акс этдирилади. Аммо қаҳрамонларнинг унга муносабати турлича бўлади.*

## 10.

Саҳна композициясининг барча қизиқарли томонларини бирма-бир санаб ўтишликнинг имконияти йўқ. Лекин ҳар бир мизансаҳна ҳикматли сўз каби таъсирчан бўлиши керак. Яъни ҳар бир ҳаракатнинг нафис ҳикматини топа билиш режиссёр қобилиятининг мезони ҳисобланади. Театр санъатининг замонавий кўриниши томошабинни ҳар сония ҳайратга сола билишликдан иборат.

## Б. БРЕХТ ТАЪЛИМОТИ

Брехтнинг эстетик таълимоти, Станиславский таълимотининг тадрижий ривожидир.

У, санъатни икки кўринища талқин қиласи. Яъни Станиславскийнинг **Перевоплащение — қиёфага кириш ва кузатиб мушоҳада** юритиш.

Агар масалани соддароқ қилиб тушунтирадиган бўлсак, актёр икки яrim соат давом этадиган спектакль жараёнида, узлуксиз равишда ўзи ижро этаётган қаҳрамоннинг қиёфасидан чиқмай яшashi мумкинми? Актёр жуда нари борса қиёфага ўхшаброқ кетиши мумкин. Лекин бутунлай бошқа қиёфадаги одам бўла олмайди. Бунинг сабаблари беҳисоб. Қаҳрамоннинг ташқи қиёфаси актёрнинг тасаввурига тўғри келмаслиги, қаҳрамоннинг дунёқаралиши актёрнидан ўзгачалиги, яратилаётган қиёфага муносабати, бутун спектакль давомида ўз имкониятларини тўғри тақсимлаш зарурлиги ва ҳоказо.

Брехт ўз таълимотини яратишида Хитой халқ театри анъаналаридан келиб чиқади. Хитойлик актёр Мей Ланфан тажрибасидан фойдаланади.

Биринчидан, дейди Брехт, — хитойлик актёр ўзини қуршаб турган уч девордан ташқари тўртинчи девор ҳам борлигини тасаввур қилмайди. Томошабинда ҳам бундай таассурот туғилмайди. У, спектакль бошиданоқ томошабин ўзига қараб турганлигини билади. Шунинг учун актёр ўзини бошқа одамнинг қиёфасини акс эттираётганини томошабиндан яширмайди. Саҳнада

бажарилаётган ҳар бир ижро -ўйин эканлигини томошабиндан сир тутишга интилмайди ҳам.

Демак, актёр билан яратилаётган қиёфа ўртасида ихтилоф — уйғунлашмаслик вужудга келади. Натижада, актёр ўзи яраталётган қиёфадан фикран четлашади. Маълум муддатга қиёфанинг хис-ҳаяжони ундан узоқлашади.

Режиссёрнинг ҳар бир мизансаҳнаси, актёр учун ўзи яраталётган қиёфага кириши имкониятини туғдириши керак. Спектаклнинг умумий кўриниши режиссёр дунёқарашини акс эттиради. Режиссёр кўрсатмалари актёрни ўзлигидан чиқиб, айни дақиқада қиёфага кириш учун қулай имконият яратади. Брехтнинг қиёфадан **бегоналашув таълимотига** асосланган мизансаҳна **Брехт устқурмаси** дейилади. Бунда актёрнинг спектакль давомида қиёфадан - образдан ташқарида турган ҳолати назарда тутилади.

## 2.

Брехтнинг "бегоналашув таълимоти" мизансаҳна яратишда режиссёрга қўл келиши мумкин.

Брехт диққатимизни муҳим бир нарсага қаратмоқчи бўлади.

Яъни актёр, саҳнада қанчалик ҳаракат қилмасин драматург томонидан берилган матндан ташқарига чиқиб кета олмайди. Асар ва қаҳрамоннинг тақдири, нима билан якун топиши, режиссёр учун ҳам, актёр учун ҳам аввалдан маълум.

Агар К. С. Станиславский таълимотидан келиб чиқадиган бўлсак, актёрнинг саҳнадаги барча хатти-ҳаракатлари (эҳтирос, кўз ёши, кулиш, муштлашув, ўлим) ясама ҳолат, тақлид, ўхшатишдан бошқа нарса эмас. Шунинг учун актёр саҳнада ҳеч қачон ҳақиқий ҳаётни акс эттира олмайди, балки ҳаётийликка яқинлаштиришга интилади. Демак, актёр саҳнада айни қаҳрамоннинг ўзини эмас, унга ўхшашликка интилади.

Савол туғилиши мумкин:

Агар ҳамма нарса олдиндан ҳал этиб қўйилган бўлса, актёрни саҳнада оҳвож чекиши, дод-фарёд кўтаришини нима кераги бор экан?

Ҳамма гап шундаки, актёр саҳнада маълум бир вазиятда, маълум бир хатти-ҳаракатларни амалга оширап экан, у яраталётган тимсол ўз-ўзидан иккига бўлинади. Бир томонда яратилаётган тимсол, иккинчи томонда актёрнинг ўзи. Хўш, актёр бу саҳнавий вазиятда қандай ўрин тутади?

У, рол ўйнаш билан бир вақтда ўзини-ўзи кузатиб туради. "Мен берилган шароитда мана бундай ҳаракатларни бажараман, қалай, бу сизга маъқулми дегандай, ички ботиний кўз билан ўзининг бутун хатти-ҳаракатини назорат қилиб туради. Бу ҳолатни Брехт **отчуждение -"бегоналашув"**, деб атайди.

Ҳамзанинг "Бой ила хизматчи" асарида Жамила заҳар ичиб ўлаётган бўлсада, у ўлмоқчи эмас. Ўлим билан олишади. Унга қаршилик кўрсатишга ҳаракат қиласи. Бўлмаса, шунча монологни нима кераги бор эди? Актриса ўлим билан олишув жараёнида яшаш учун курашади. Ана шу кураш жараёнида актриса ўзи ифодалаётган ички ҳиссиятларни томошабинга етиб бораётганлигини ёки аксини ҳам назорат қиласи. Демак, у вақти-вақти билан тимсолдан бегоналашади.

Шунинг учун Брехт *бу бегоналашувдан ҳижсолат чекиши ўрнига ундан бадиийлик даражасини ошириши учун фойдаланиши керак*, дейди.

### 3.

Демак, Жамила ролини ижро этаётган актриса мунтазам равиша "хозир ўлмаслигим керак", "ажал хозир келмасин", деб сўнгти дақиқагача қаршилик кўрсатиши шарт экан.

Шу асардан яна бошқа бир саҳнани олиб кўрайлик.

Ҳоким тўра саҳнасида Ғофир билан Жамиланинг видолашув саҳнаси бор. Жамила ҳокимдан Ғофирга раҳм қилишини, уни сургун қилмасликни илтижо қила бошлади. Ғофир эса Жамила билан сўнгти бор видолашувни хоҳлади. Икки иштирокчининг вазифаси икки хил. Кўпинча, режиссёrlар Жамила билан Ғофирни битта мизансаҳнага кўйишиди. Негаки, уларнинг мулоқот қилиши ўнғай туюлади. Агар Брехт таълимотидан келиб чиқадиган бўлсак, Жамила Ғофирдан хозир умрбод ажralиб қолаётганини билади. Лекин ишонгиси келмайди. Ана шу ҳолатни ифода этиш учун актриса ахён-ахёнда Ғофирга қараб қўйиши, бир сония тўхтаб қолиши мумкин экан. Ғофир эса Жамила билан хайрлашмоқчи, Жамила бўлса ҳали ҳокимнинг оёғига йиқилади, ҳали бойга ёлворади, яъни саҳнада парвонадек ўзини ҳар томонга уради. Натижада, саҳнада ички туғён билан бирга жисмоний тўпалон ҳам пайдо бўлади. Режиссёрнинг вазифаси, саҳнадаги "бегоналашув" сонияларини топишда актёрга қулай мизансаҳна яратиб беришдан иборат. Бу эса ўз навбатида томошабин учун мутлақо қутилмаган ҳаракатларни пайдо бўлишига имконият яратади. Масалан, она ўз боласини уйғотиши керак. Бола эса маза қилиб ухляяпти. Она дам-бадам унинг тепасига келади. Ҳатто қўли билан бошини силаб ҳам қўяди. Томошабин она ҳар сафар унинг тепасига келганида "хозир уйғотади. хозир уйғотади", деб қутиб туради. Она эса сўнгти бор унинг тепасига келади. Қутилмаганда кўрпача ёзиб, боласининг ёнига чўзилади. Демак, томошабин учун мутлақо қутилмаган мизансаҳна пайдо бўлади. Ҳар сафар режиссёр мизансаҳна устида ишлар экан, доимо муқобил ечим топишга интилиши керак.

## УСУЛНИНГ ЎЗИ НИМА?

(приём)

### 1.

Саҳнада қотиб турган актёрларнинг жонланишидан бошланиб кетадиган спектакллар ҳам бор. Буни саҳна тили билан айтганда "стоп кадр" дейилади.(Бу жараённи иккинчи курс бошланишида расмларни жонлантириш машқларида кўриб ўтган эдик) Худди тошга ўйиб ишланган ҳайкалга бирдан жон битиб, кўз ўнгимизда ҳаракатга келгандек. Бундай саҳналарда, режиссёр учун тасаввурни ишлатиш чекисиз имкониятлар очиб беради. Шу усул билан саҳна композициясини истаганча бойитиш мумкин. Бироқ янгилик экан деб, спектаклга ҳар қанақа усулни тиқишириш ҳам мумкин эмас. Мисол учун, спектакль давом этяпти. Асар воқеалари бир-бир кўз ўнгимиздан ўтар экан, спектаклнинг услуби, жанри, ижро шаклига кўникиш пайдо бўлади. Лекин тўсатдан спектаклнинг ўртасида "стоп кадр" усули ишлатилади. Нима учун? Балким

пиеса воқеасида кутилмаган бурилиш рўй бердимикан? Ёки асарнинг жанри ўзгардими? Йўқ. Саҳналаштирувчи режиссёр янгилик яратмоқчи бўлиб, "стоп кадр" ишлатсан, асар қизиқроқ бўлармикан деб ўйлади. Бу энди, худди балет спектаклининг ўртасида раққосалар таққа тўхтаб, муносабатларини сўз орқали ифода этишга ўтиб кетгандек гап. Шунинг учун режиссёргининг маданиятини белгилайдиган шартлардан бири ҳар бир усулни танлашда "етти ўлчаб бир кесиш" керак. Ҳар бир асар учун танланган усул бутун спектакль давомида қатъий сақланиши шарт.

## 2.

Рассом бўлажак спектаклнинг эскизи (ҳомаки тасвир )ни тақдим этади. Эскизни кўрибоқ рассомга **қойил, тасанно** деб юборгинг келади. Тасвирда асарнинг ғояси, режиссёр фикрлари тўла ҳисобга олинган. Ниҳоят эскиз асосида ясалган декорация саҳнага ўрнатилади. Эскиздаги нафис чизгилар, товланиб турган ранглар жилоси ўрнида қўпол ва бесўнақай ишланган латта деворлар, расмдаги мусаффо осмон ўрнида матога чизилган манзаранамо кўриниш осиб қўйилган. Олисдан кўзга ташланиб турган улкан тош ўрнида ҳали елими ва ранги қуrimаган кутига ўхшаш алланарса. Бир сўз билан айтганда, декорацияларнинг пала-партишлиги яққол кўзга ташланиб турипти. Саҳна сатҳи ҳам бўғилиб қолгандек.

Нега бундай ҳол рўй берди, деган савол туғилади.

Сабаби, рассом спектакль устида ишлар экан, саҳнага жойлашиши керак бўладиган буюмларни мутлақо кўз олдига келтириб кўрмаган. Оқ қофозда ҳамма нарсани чиройли қилиб чизган қўйган. Шундай вазият билан бир неча бор тўқнашган режиссёр иккинчи марта қофозга чизилган чиройли эскизни қабул қиласликка қасам ичади. Энди у спектакль декорациясининг ҳажми кичрайтирилган макетини талаб қиласди. Саҳна майдони, замон ва макон, унинг сатҳи, жиҳозлар, декорациянинг умумий кўриниши ҳисобга олинган ҳолда мазкур макетда акс этиши шарт. Зарур вақтда, зарур нуқтани ёритиш мумкин. Аммо энг аниқ ишланган макет билан тайёр декорация орасида ҳам тафовут бўлиши мумкин.

Балким рассомнинг ҳисоб-китобларида ноаниқликка йўл қўйилганмикан? Ёки декорация тайёрловчилар эътиборсиз бўлишганми? Ҳаммаси бўлиши мумкин. Шунинг учун ҳам саҳнага қуриб қўйилган декорация билан макет ўртасидаги тафовутдан қочиб қутилиб бўлмайди.

Ёки бошқа мисол. Спектаклни мусиқий безаги устида иш олиб бораётган мутахассис турли шовқинларни магнит тасмасига туширади. Мана, кўчадан катта тезликда ўтиб бораётган машинанинг радиоприёмнигидан мусиқа овози эшитилади. Демак, керакли мусиқа топилди. Яна ҳайвонлар овози ҳам бор. Кўшимча равишда йиртқич бўрининг овози ҳам ёзилган. Ниҳоят ёзувлар тайёр бўлади. Энди бемалол эшитиб қўриш мумкин. Бироқ ёзувлар ниҳоятда сифатсиз. Ташқаридан бегона овозлар қўшилиб қолганлиги маълум бўлади.

Энди режиссёрги ишни қандай бошқаришини қараб күрайлик. Репетиция бошланиб кетган. Сахналаштирувчи ўз фикрларини актёрларга ишонарли ва тушунарли қилиб етказиб беради. Образлар ҳам бир-бирига ўхшамайди.

Сахнада ўтмишдан хикоя қилувчи воқеани икки киши репетиция қилмоқда. Хаёлан орқага қайтиш керак. Бугунги кунда кўп ҳам аҳамиятли бўлмаган гапсўзлар ва воқеалар. Шунинг учун режиссёр актёрларга ўтган воқеаларни бутунги кун назари билан ўйнашликни топширади.

Мана, спектакль тайёр бўлиб, томошабин ҳукмига ҳавола этилади. Лекин актёрлар сахнада жуда суст ҳаракат қилмоқда. Балким ҳаддан ташқари чарчаган бўлиши мумкин?

Йўқ... режиссёр ўтмишни бугунги кун назари билан ўйнашликни талаб қилган. Сахнада уларнинг ўйини худди жўрттага секинлаштирилганга ўхшайди. Шунинг учун уларнинг ижроси ташқаридан қараганда суст ва ғайритабиий туюлади.

Бошқа бир мисол. Сахнада спектакль давом этяпти. Актёрлардан бири ўз монологини ижро этиш учун сахнанинг биринчи қисмига олдингга чиқади ва томошабинга юзма-юз туриб гапира бошлайди. Тепадан тушаётган чироқ унинг юзини ёритиш ўрнига орқасидан уриб, томошабинни кўзига тушмоқда. Режиссёр ва рассомдан нима учун чироқ актёрнинг орқасидан тушиб турипти, деб сўрасангиз, "биз инсонни рентген нури орқали кўрсатмоқчимиз", деб жавоб беради. Аммо инсоннинг ички аъзоларини оддий чироқ нури билан кўрсатиб бўлмайди-ку. Бунинг устига чироқ тўғридан-тўғри томошабиннинг кўзига тушиб турипти. Бундай мисолларни келтиришдан мақсад, сахна ҳар бир икир-чикир, майда-чуйдаларни ҳам бўрттирниб, яққол кўзга кўрсатиб турадиган кафтдек майдон эканлигини яна бир карра эслатишидир. Сахнадаги макет, чироқ, мусиқа, декорациялар актёрларнинг ижроси, режиссёр ғоя ва мақсадини, томошабинга кўрсатиладиган таъсирига қараб, **ёлғон ёки** ростлигини кўзгудаги акси каби кўрсатиб беради.

Театрда ишлаётган ҳар бир ижодкор, макет, чироқ, мусиқа, ёруғликка қараб эмас, сахнадан айтилиши керак бўлган фикр ва ғоянинг якуний хулосаси учун меҳнат қилиши керак. Агар аввал бошда режалаштирилган ният ва фикрлар амалга ошмас экан, демак, ишни бошланишиданоқ нотўғри йўл тутилган. Бир спектаклда далиллар ҳисобга олинмаган бўлса, иккинчисида макетга нисбатан декорацияларнинг бир неча баробар катта бўлишилиги ҳисобга олинмаган. Бошқа бир ҳолатда воқеаларни акс эттиришда унга ижодий ёндошув нотўғри йўналишда бўлган. Мусиқа борасида ҳам шундай фикр айтиш мумкин. Шовқинларнинг қўчадаги жарангига билан сахнадан жарангига бошқа-бошқа. Шунинг учун ҳам режиссёрда режиссёрлик қўзи ва режиссёрлик эшитиш қобилияти бўлиши лозим.

### 3.

Ҳар бир ижодкор янглишиш, адашишдан кафолатланмаган. Режиссёрги ҳам янглишмоғи табиий ҳол. Уни таваккал қилмасликка ундашлик роҳатбаҳш лаҳзалар баҳшида этувчи ижодий жараёндан маҳрум этиш билан tengdir.

Муштлашиш учун рингта чиққан боксчи ҳам таваккал қиласи. Аммо у ҳар сафар майдонга күтариilar экан, "албатта, ғалаба қиласи", дея қатый ишонади.

Режиссёр ғалаба қозониш санъатига эга бўлмаса, уни боксчи муштлаб машқ ўтказадиган қопдан фарқи қолмайди. Режиссёр янглишиши мумкин. Лекин бошқа томондан, ишлаб чиқарилган маҳсулот — спектакль барбод бўлади.

Негаки, режиссёрнинг ҳар қандай хоҳиши, театр деб аталмиш механизмни ишга тушириб юборади. Унинг ҳар қандай фалсафий, ғоявий истаги, моддийликка айланади. Қанчадан-қанча маблағ сарф бўлади, ҳисоб-китоблар, таъминот ишлари, беҳуда сарфланган иш соати ва ҳайф кетган ишчи кучи булярнинг ҳаммаси маблағ туради.

Мана шу сабабларга кўра, янги спектакль устида иш бошлаган режиссёр, ўз фикрини амалга ошириш йўлида иккиланишга, хомхаёл бўлишга, пишиб етилмаган фикрни ҳаракатга келтиришга ҳаққи йўқ. Режиссёрнинг ўзи бошлаган ишнинг муваффақиятли яқунланишига ишончи кучли бўлиб, "бўлажак спектакль ҳақидаги менинг фикримни амалга ошириш йўлида иккиланишга ўрин йўқ", дея қатый қарорга келиши лозим. Бунинг учун у кўзланган манзилни тўғри танлай билиши керак.

Бироқ ҳамиша ҳам кўзланган марра аниқ ва бехато бўлишлигига ҳеч ким кафолат бера олмайди. Ҳамма гап шу хатоликларни мумкин қадар камайтира билишликда.

Халқимизда "Етти ўлчаб, бир кес"- деган гап бор. Бу мақолни айни режиссура соҳасига ҳам таалукли томони бор. Чунки, режиссёр саҳнага кўйиладиган реквизитдан тортиб, актёрнинг у ёки бу саҳнани қандай ижро этишию, қайси вактда мусиқа янграши кераклигигача пухта ўйлаб иш тутмас экан, бу унинг фикри тиник эмаслигини кўрсатади, хатоларига сабаб бўлади. Шунинг учун режиссёр спектакль устида иш олиб борар экан, ахён-ахёнда ўз ишига **ҳам қораловчи, ҳам оқловчи, ҳам ҳакамлик** қилиши керак бўлади. Негаки, олиб борилаётган ижодий изланишлар маълум бир нуқтага етганда **қораловчи режиссёр**: "Бу саҳнада актёр нима сабабдан ўхтин-ўхтин тўхтаб, тик турганича, шошилмасдан гапириши керак?" дея мазкур саҳнанинг пластик ечимини қораласа, **оқловчи режиссёр** бу саҳнани оқлашга тушади: "Шунинг учунки, спектакль тарихий воқеаларни акс эттиради. Актёрларнинг устидаги кийимлар ҳам тарихий бўлиб, ҳозиргина музейдан тушиб келган-у, сиз-у биз билан мулоқотга киришган".

Ёки сатирик жанрдаги спектаклларда кўпроқ, аччиқ кулгига сабаб бўладиган саҳналар, актёрларнинг қилиқлари ҳажвчи рассомнинг қалами остидан чиқиб келяпти. Ҳакам-режиссёр-томушабин экан ҳар икки томоннинг даъво ва далилларини тинглаб, ҳукм чиқариши керак бўлади.

### 3.

Яна бир гап. Яхши ёзувчи, композитор, ҳеч қачон қандай асар устида ишлаётганлигини олдиндан айтмайди. Ёзмоқчи бўлган асарини гапириб ҳам бермайди. Нега шундай?

Лев Толстой: "**Ўйлаганимда яхши эди, ёзилганидан кейин ўзимга ёқмай қолди**", деган экан. Ҳақиқатан ҳам бирон-бир спектакль устида иш бошланмасдан аввал жуда кўп нарсаларни ўйлаймиз, хаёл қиласиз, ёрқин ечимларни кўз олдимизга келтирамиз. Аммо спектакль тайёр бўлганида ўйлаган нарсаларимизнинг кўпчилиги хаёллигича қолиб кетганини кўрамиз.

Бир актёрдан ҳозир қандай роллар устида ишляяпсиз, ижодий услугбиятларингиз қандай? деб сўралганида актёр ижодий услугбиятларимни сўз билан ифодалаб бўлмайди деб, жавоб берган экан.

Айрим театрларнинг **Бадиий кенгашида** ёш режиссёрдан бўлажак спектаклнинг хомаки лойиҳасини гапириб беришликни талаб қилишади. Бундай иш тутиш ижодий жараённи бўғиб қўйишдан бошқа нарса эмас. Чунки, айни кезларда ўзи хаёл қилган нарсаларни ҳеч кимга, ҳатто ўз устозига ҳам ипидан игнасигача тушунтириб бериш қийин. Ўйлаган нарсаларингизни ишонарли қилиб гапириб бера олмасангиз, уларни тўғри эканлигига ўзингиз ҳам гумонсираб қоласиз. Бордию яхшилаб гапириб берган тақдирингизда ҳам сиз ўйлаган нарсалар "гапга" айланиб қолади ва уни режиссёр сифатида сезиш, хис қилиш қисман йўқолади.

Шундай қилиб, ҳар бир спектаклнинг пластик ечими онгли равища амалга оширилиши керак бўлса, иккинчи томондан ижодкорнинг бадиий тасаввури ички сезгилар ёрдамида саҳнада гавдалангани маъкул.

### 4.

Ижодий йўлнинг бошланишида бир-иккита қизиқарли спектакль саҳналаштириш, бир иккита қизиқарли рол яратиш учун кўп ҳам маҳорат, иқтидор керак эмас. Режиссёр ва актёр учун алоҳида техника кейинроқ зарур болади.

Сигир сутидан қаймоқ олишнинг иккита йўли бор. Биринчиси жуда содда бўлиб, кечқурун косага қуиб қўйилган сутнинг қаймоғини эрталаб сузиб олиш мумкин. Иккинчи йўли сепараторга сут қуиб, қаймоғини ажратиб олишлиkdir. Бунда қаймоқ техника ёрдамида ажратиб олинади.

Санъат маҳсулоти ҳам худди қаймоқка ўхшайди.

Кўпдан бери шу касбга жон-жаҳди билан қизиқиб юрган одам дастлабки қадамларни ўта енгиллик билан босиб ўтади. Сабаби, санъатга янги кириб келган одам узоқ йиллар давомида орзиқиб кутган орзусига етишганида худди косадан сузиб олинган қаймоқ мисол муваффақиятга эришади. Бора-бора бу жараённинг тер тўкиб, машаққатли меҳнат қилиш керак бўладиган фасли бошланади. Ижодий меҳнат — янгилишувлар, ижодий меҳнат — ҳафсаланинг пир бўлиши, ижодий меҳнат мисқоллаб эришилган ютуқ.

Бу жараёнлар навбати билан ижодий йўлингиздаги тўсик ва ғовлардир. Шу ерда йўл иккига бўлинади. Биринчиси, анча кўзи пишган мутахассис сифатида кунларни тунларга, тунларни кунларга улаб тинимсиз олиб бориладиган

изланишлар натижаси ўлароқ ўз касбининг моҳир устасига айланиш. Иккинчиси эса бора-бора саҳналаштирилган спектакллари ҳаваскорлик даражасига тушиб қолганига қарамай ўз ўзини алдаш, таскин бериш, "ҳали мен ўзимни нималарга қодир эканлигимни кўрсатиб қўяман", деган хомхаёллар оғушида ўзини алдаб, вақт ўтган сайин назардан тушиб қолишиликдир.

Ёзувчиларада **графомания** деган ибора бор. Графомания ўлиб-қутилиб самарасиз ёзув-чизув билан шуғулланадиган касаллиқдир. Яъни қилинаётган ишнинг натижасидан қатъий назар, нима бўлса ҳам жон куйдириб қоғоз қораланса бўлгани. Режиссурадаги графомания эса бошқалар фикри билан ҳисоблашмасдан ҳамма нарсани ўз қаричи билан ўлчашликка ўхшаган гап. Бундай ишда ҳар қандай мизансаҳна- мизансаҳна учун, ҳар қандай янгилик :- янгилик учун шиор бўлиб қолади. Бундай режиссёрлар актёrlарни чиройли кийинтиришни, уларни ўртага чиқариб, чиройли гапиртиришни, ранг-баранг чироқларни ёқиб-ўчириб зўр таассурот пайдо қилишни ёқтирадилар. Бунинг устига-устак ўз ишларидан ўзлари маҳлиё бўладилар. Бошқаларга **гап** бермайдилар. Аммо спектаклнинг ғояси, айтилмоқчи бўлган янги гап, янги фикрлар ундаллар учун иккинчи даражали иш ҳисобланади. Бундай ҳолат туппа-тузук режиссёрларда ҳам учраб туради. Хўш, салбий ҳолатлар билан курашишнинг иложи борми? Агар бўлса қандай?

Биринчи навбатда, ҳар қандай бажарилган ижодий маҳсулотга танқидий кўз билан қарашликка ўрганиш! Ҳар бир ижодкор ўз ишида **амалга ошмаган, ўхшамаган** томонларини яхши билиши керак. **Нимани яна ҳам яхшироқ** амалга ошириш мумкин эканлигини сезиб, ҳис қилишга одатланиш зарур.

Яхши деган баҳони билиш учун, аввало, камчиликларни кўрабилиши, агар шу камчиликлар бўлмаганида унинг ижодий маҳсули яна ҳам яхши бўлишилигини билмоғи шарт.

Иккинчи муҳим масала, ҳеч қачон мен оламшумул ишни амалга ошираман демаслик керак. Чунки бундай баландпарвоз сўзларни гапириш, орзу қилиш ҳамиша сезгиларни ўтмаслашувига олиб келади. Ҳали амалга ошмаган орзудаги хаёлий фикрларни ижобат бўлди, дея қабул қилишга одатланиб қолинади.

Бальзакнинг "Сирли дурдона" номли ҳикояси бор. Унда ёзилишича, бир рассом шу вақтга қадар ҳеч ким кўриб, эшитмаган ноёб бир расм чизишига қарор қиласди. Одамлардан яширин равишда асар устида у жуда узоқ ишлайди. Узоқ йиллар ўтиб, у асарни намойиш қиласди. Аммо орзудаги буюк дурдона асар ўрнида нималиги мавҳум, турли бурчаклар йигиндиси шаклида тасвир чизилганлиги аён бўлади.

Нега шундай бўлди? Чунки, аввал мақсаднинг ўзи пуч бўлган. Натижада, ижодий маҳсулот ҳам икки пулга қиммат бўлиб чиқкан.

"Устоз отангдан улуғ, унга эргашгин, аммо олдига тушиб олишни мақсад қилиб қўйма ", дейилади ҳалқ орасида. Хом-хәёлдан иборат орзу-ҳавас билан ҳеч қачон бирорни ажаблантириб ҳам, ҳайратга солиб ҳам бўлмайди.

## 5.

Ижодий камолот- ҳақиқий ижодкор учун ўз ишига ҳамиша танқидий ёндошмоқлик билан, ўзи қилган ишдан мунтазам кўнгли тўлмаслиги ва тўхтамасдан изланишни давом эттириш билан қўлга киритиладиган ютуқдир.

Биз юқорида тилга олган "суд" тўғрисидаги мисол режиссёрнинг доимий ҳамроҳи бўлиши керак. Агар қораловчи: **бу усулни қўллаган эдинг-ку**, — деса, оқловчи: **қачон?** — деб сўрайди. **Фалон вақтда, фалон спектаклда!** — дейди қораловчи. **Бу усулдан фойдаланганимга жуда кўп вақт бўлди. Унинг устига, бу усул шу спектаклда ўринли фойдаланилган**, — жавоб қиласди оқловчи. Ҳакам эса: **ўринлими, ўринли эмасми, бир марта ишлатилганми, тамом-вассалом, бекор қилинсин!** — деган одилона ҳукм чиқаради.

Савол туғилиши мумкин. Агар бу усул қачонлардир ишлатилган бўлса, ҳозир вақт бошқа, томошабин ҳам ўзгарган-ку!?

Ҳамма гап шундаки, бир ишлатилган усулдан иккинчи марта фойдаланилдими, демак, ишлатилган усул ҳисобланади. Бир тимсол учун топилган ноёб усул иккинчи тимсол учун сўзсиз қайтариқ бўлади. Бу гап режиссёрларга ҳам тааллуқли.

Саҳнадаги ҳар бир қайтариқ аллақачон сўниб бўлган юлдуздир. Кўрилавериб меъдага тегиб кетган ҳар бир усул қачонлардир янгилик бўлганлиги аниқ, аммо илҳом келганда ундан қайта-қайта фойдаланишлик бир қолипга тушиб қолишлик билан баробар. Санъатнинг қонуни шундай.

Қаттиқ ҳаяжонланганидан қизиб кетган одам енгил нафас олиш мақсадида кўйлагининг тугмасини ечиб юборади. Кимдир буни сезиб, дарҳол саҳнага олиб чиқади ва тўғри қиласди. Чунки, ўша вақтда бу усул ишонарли чиқсан бўлиши мумкин. Аммо ўшандан бери саҳнада ҳаяжонланган одамни кўрсатиш зарур бўлса, дарров ёқа тугмасини ёчишнинг хожати йўқ.

Саҳнада **кутиш воқеаси** репетиция қилиняпти.

— Хоҳлаганингизни қилинг, — дейди режиссёр.

Актёр соатига қарайди. Сўнгра, ўтириб чека бошлайди.

— Бўлмайди, — дейди режиссёр.

— Нима учун? Агар мен бировни кутсам шундай қиласман, — дейди актёр.

— Бу қайтариқ, — дейди куюниб режиссёр.

— Бундан чиқди, саҳнада соатга қарашиб ҳам, чекишиб ҳам мумкин эмасми? — сўрайди аламзадалик актёр.

— Нега энди? Мумкин! Фақат қайтариқликдан қочиб, янгича бадиий шакл топиш керак.

Нафис қайтариқлар жуда ҳам кўп. Ҳар бир актёр, режиссёрнинг спектаклларида бундай мисолларни кўплаб топиш мумкин.

Режиссёрлик қайтариқлари шундан иборатки, бир спектакль учун кашф этилган янгилик иккинчисига, иккинчисидан учинчисига кўчиб ўта бошлайди.

Саҳна бўйлаб чопиб бораётган актёр ҳаяжондан қоқилиб йиқилиб тушишини кашф этган режиссёр суюниб кетади. Лекин орадан хийла вақт ўтиб, шу усулни бошқа бир спектаклда ҳам қўллаганлигини ўзи ҳам сезмай қолади.

## 6.

Биз сұхбатимиз аввалида актёрнинг "түғри чизик, доира, ярим айлана, қиялаб юриши мүмкін бўлган йўлларини белгилаб қўйган эдик. Юқоридаги фикрлар бунга зид эмасми,- деган савол туғилиши табиий.

Ҳамма гап шундаки, биз юқоридаги гапимизда **усул** эмас, **унсурларни** назарда тутган эдик.

Айрим ҳарф ёки айрим овознинг ўзи яхлит жумла ёки куйни ташкил этмайди. Улар маълум куй ёки жумла тузиш унсури ҳисобланади. Шу боисдан ҳам режиссёр ҳамиша зийракликни қўлдан бой бермасдан, топган топилмалари спектаклни бойитиш ўрнига эски қолипдаги усуллар билан ифлосланиб кетмасдан, янги-янги унсурлар билан мунтазам бойиб бориши, спектаклнинг ранг-баранглигини оширишга хизмат қилиши керак. Хўш, бунга қандай қилиб эришиш мүмкин?

Аввало, умумийликдан алоҳидаликни ажратса олиш керак.

Ёки алоҳида унсурдан умумий манзарани тасаввур қила билиш керак.

**Дейлик: чопиши ва йиқилиши.**

Ношуд ошиқ ўзи севиб қолган аёлни кўриб қолиб, унга пешвоз чиқиш учун югуриб кетди. Аёлга етай деганда қоқилиб йиқилиб тушди. Йиқилганда ҳам қорни билан тушди...

Бошқа сафар, бошқа спектакль саханлаштирилаётганида режиссёр яна ўша манзарани такрорлайди. Ошиқ йигит севгилиси томон интилар экан, қоқилиб, қизнинг оёғи остида йиқилиб тушади. Демак, бир режиссёрнинг иккала спектаклида ҳам бир хил усулдан фойдаланилган. Режиссёр ўз фаолияти жараёнида ҳар қандай шартли сезгилардан ўзини тиябилмаса, ундей режиссёрни **қотиб қолган режиссёр**, деса ҳам бўлади.

Агар режиссёр аввалги спектаклида ўринли ишлатилган усулни такрорлашдан ўзини тийиб, ўз-ўзига савол берса:

—Югуришнинг ўзи нима?

—Тезлашган ҳаракат.

—Йиқилишчи?

—Инқироз, янглишиш, ютқизиқнинг пластик ифодаси.

—Борди-ю қаҳрамоннинг инқирозини билдирадиган бўлсак, бу икки тушунча, **югуриш ва йиқилиш** тартибида бажарилиши керак. Бундай шакл маълум бир фоя учун хизмат қилган бўлади.

Уларнинг тартиби бузилиб, аввал **йиқилиш**, сўнгра **югуриш** усули қўлланилса, унда қарама-қаршиликдан довонни ошиб ўтиш ғоясини илгари суриш учун фойдаланган бўламиз. Бу деганимиз саҳнада фақат шу икки усулдан бошқа усул йўқ, деган гап эмас. Масалан, бошқа бир спектаклда қаҳрамон ғазабдан жунбушга келиб, шахт билан югуриб боратуриб йиқилиб тушади, аммо ўша заҳоти яна сакраб туриб, югуришда давом этади. Бу усулда: **қаҳрамоннинг ўзи танлаган йўлдан қайтмаслиги, жасоратли ва метин ирода эгаси эканлиги** кўриниб турипти.

Ёки бошқа бир мисол. Ўз севгилиси истиқболига ошиқаётган йигит чопиб бора туриб, бир тиззасига йиқилади, аммо ўша заҳоти оғриқни енгиб, ўрнидан

тура солиб, қизнинг қўлини ўпди. Бу усул эса бошқача ғояни талқин этади. Булар майда-чуйда қайтариқлар, аммо катта-катта қайтариқлардан қандай муҳофазаланиш керак?

Агар ҳар сафарги спектаклда актёр бошқача эҳтирос, бошқача рух билан ўз ролини ижро эта олса, томошабин қайтариқни сезмайди, сезишга вақти ҳам бўлмайди.

## 7.

Санъатдаги ҳар бир янгилик бир-бирини тақоррламайди.

Санъатни илҳомсиз, эҳтиорсиз, тафаккурсиз тасаввур этиб бўлмайди. Табиатда ҳар бир нарса бир-бири билан уйғунлашиб кетганлигининг гувоҳи бўламиз. Санъатда ҳам мана шу уйғунлашув бизга илҳом беради. Уйғунлашувдан ҳосил бўлган таассурот тасаввуримизни янгилайди, қайтариқлардан муҳофаза қиласди.

## 8.

Режиссёр учун бошқа санъат турларининг таъсири ҳам беқиёсdir. Рассом учун табиат гўзаллигини идрок қила билиш қанчалик муҳим аҳамиятга эга эканлигини ҳеч ким инкор эта олмайди. У, қуёшнинг заррин нурларини зуҳу кўзи билан кўриб, шуурида уни яна қайта яратиб, ранглар жилоси орқали тасаввуримизда янгича бир кўриниш ҳосил қиласди. Борлиқ узра етти хил рангда тараалаётган камалак ёғдуси, шуълалар жилоси, мусиқа ва архитектура орқали акс этар экан, руҳимиз ва қайфиятимизга ўзгача таъсир кўрсатади.

Ҳар бир янги спектаклни саҳналаштиришга киришишдан олдин кўҳна осори-атиқалар, ёдгорликлар мажмуаси акс эттирилган расмларни кўздан кечириб чиқсангиз, улардаги ранглар жилоси, кошинларнинг ўйноқилиги, устунлар, сарров ва вассаларнинг бетакрорлиги, бинолар пештоқидаги ажиб манзаралар бўлажак асарнинг айrim кўринишлари, замон ва макон ҳақидаги тасаввурингиз нақадар кенгайганини ҳис қила бошлайсиз. Янги спектаклнинг ечимини топишда мусиқанинг ўрнини ҳеч бир нарсага тенглаштириб бўлмайди. "Шашмақом" куйларининг тарихий асарлар саҳналаштиришда қанчалик таъсир этишини, Шекспир асарларига Бетховен ва Паганини асарларининг таъсири, хинд ва япон мумтоз мусиқа асарлари режиссёр тасаввурини нақадар бойитиши тўғрисида кўп гапирилган. Ҳар бир спектаклнинг пластик ечимини топиш, уни умумий ғояга бўйсундириш ҳамда бадиий тарзда талқин қилиш кўп қиррали билим, тушунча, тафаккур ва тасаввурни талаб қиласди. Ҳар бир режиссёр ўзида шу қобилиятни мужассамлаштира олганида унинг асарлари театр санъати қонунларига мос тушади.

Одатда, ҳар бир спектаклда тез-шиддатли ва оҳиста, шошилмай ўтадиган саҳналар бўлади. Ана шундай саҳналарда қандай ҳарорат, ритм, нафис ҳаракатлар зарурлигини эътиборга олиб, уларни мизансаҳна орқали тўғри ифода эта олиш ижрочининг ички ҳис-ҳаяжонларини тўғри талқин қилишга ёрдам беради. Ҳар қандай санъат асари табиатнинг ажралмас бир қисмидир. Фақат ижодкор уларни танлаб, ўрни-ўрнига қўя билиши керак, холос.

## ТҮРТИНЧИ БОСҚИЧ АМАЛИЁТ

Бундан аввалги сұхбатимизда мизансаңнани фан сифатида күриб чиққан әдик. Бу қисмда эса ана шу мизансаңна яратиш жараёни хусусида сўз юритамиз. Режиссёрлик касбини ёзувчиникига ўхшашлиги ҳақида гапирилған әди. Агар адабиёттә энди кириб келаётган ёш ҳаваскордан "адабиётнинг ўзи нима?" ёки "сўз нимадан иборат?", "ёзувчилик касби қандай касб?", деб сўраладиган бўлса, ҳаваскор ёзувчи уни ўзича тушунтиришга ҳаракат қиласи. Саволларнинг ҳар бирига узундан узоқ изоҳлар келтиради. Шунингдек, ёзувчиликнинг айрим техник томонларини ҳам мисол тариқасида келтириб ўтиши мумкин.

Аммо ёш ёзувчи устоз ёзувчига "мени ҳам ўзингизга ўхшаб ёзишга ўргатинг" ёки "жумла тузишни ўргатиб қўйинг", "қарама-қаршиликларни қандай вужудга келтиришликни ўргатинг", дегудек бўлса, ўз-ўзидан "буни сизга нима кераги бор?" деган савол берилиши табиий.

Мен, ўз касбим ҳақида билганиларим билан ўртоқлашишим мумкин, аммо бирорнинг сиру -асорини билишнинг нима кераги бор?

Ўзганинг техникаси ўша одам учун яхши. Сиз эса ўз техникангизни, ўз сирли оламингизни яратинг. Чунки, бирорга тақлид қилиш ҳеч қачон шухрат келтирмайди.

### ШАКЛ ВА МОХИЯТ

#### 1.

Пьеса билан дастлабки танишувни Станиславский қиз билан йигитнинг гўшангадаги жуфтлашувига қиёслайди. Пьесани айрим сахналарга бўлиб ўқимаслик керак. Чунки, биринчи танишувдаги таассуротни кейин ҳеч нарса билан ўрнини босиб бўлмайди. Пьесани ёки кўпчилик бўлиб, ёки сокинлик ҳукм сурган хонага қамалиб олиб ўқиш керак. Тўғри, пьеса билан илк танишувга ғайритабиий аҳамият бериш ҳам тўғри келмайди. Негаки, инсонлар ўртасидаги севги ҳамиша ҳам бир кўришдаёқ пайдо бўлмаслиги мумкин. Табиий, айниқса, бизнинг мусулмончилик удумимизга қўра, умр бўйи бирга яшашликка маҳкум этилган йигит билан қизнинг аввал бошда бир-бирига кўнгли бўлмаслиги, ҳатто бири иккинчисини ёқтирмаслиги ҳам мумкин. Аммо бора-бора улар бир-бирига кўнишиб, ҳатто суюниб қоладилар.

Станиславский ўз кундалигига қуидагиларни ёзади: "Ўша вақтларда кўпчилик А. П. Чеховнинг "Чайка" пъесасини яхши тушунмаган әди. Менинг назаримда у мутлақо сахнабоп эмасдай, жуда ҳам зерикарли ва воқеалар бир маромда кечарди. Аммо Немирович Данъченко уни биринчи ўқишидаёқ асар ғалати ва бошқача эканлигига мени ишонтиришига ҳаракат қила бошлади. Данъченко "Чайка" хусусида гапираётганида асар менга ёққандай бўларди. Лекин ёлғиз қолиб, пъесани қўлга

*олишиим билан яна зерика бошлардим. Ваҳоланки, мен асар учун мизансаҳна ёзишиим, саҳна ва спектакль лойиҳасини ишлаб чиқишиим керак эди..."*

Қарангки, мана шу асар вақт ўтиши билан Москва бадиий театрининг фахрига айланиб қолади.

## 2.

Асар билан илк танишув чоғида унинг мизансаҳналари тасаввурда қай даражада ифодаланиши керак?

Станиславский ибораси билан айтганда: **Режиссёр — энг аъло даражадаги томошабиндир.**

Агар режиссёр **энг яхши томошабин** бўладиган бўлса, демак, у энг яхши тингловчи ҳамdir. Шунинг учун асар билан илк танишув чоғидаёқ режиссёр кўз олдига дарров айrim мизансаҳналарни келтириши, ғоясини аниқлашдек мақсадни қўймаслиги керак. Энг аввало, асар илк дафъа ўқилаётганда худди эртак тинглаётгандек, маҳлиё бўлиб эшитишга ҳаракат қилиш зарур. Драматик асар серқирра бўлади. Айrim ҳолларда ундаги пластик шакллар, яққол сезилиб қолади. Шундай кезларда ўз-ўзидан мўжиза рўй бериб, мизансаҳнанинг айrim кўринишлари аста-секин хаёлимизда пайдо бўла бошлайди. Режиссёрнинг кўз ўнгида айrim қаҳрамонларнинг баъзи ҳаракатлари, уларнинг муносабатлари, шароитларнинг алмашинуви, бир ҳолатдан иккинчисига ўтиш онлари, ҳатто асар матнида бўлмаган сифатлар бирин-кетин кўрина бошлайди. Демак, асарни ёлғиз ўзи ёки кўпчилик билан ўқиши жараёнида режиссёрнинг кўз ўнгида бўлажак спектаклнинг лойиҳаси намоён бўла бошлайди. Бошқа бир асар ўқилганида, ундаги нафис ҳаракатлар эмас, асарнинг тили, ишитирокчиларнинг хусусият ва хислатлари, ўзаро муносабатлари бир-бир кўз ўнгимизда гавдалана бошлайди. Лекин асарнинг бу жиҳатлари остида яна бошқа кирралари ҳам яшириниб ётган бўлса, режиссёр учун бўлажак спектаклнинг пластик ечимиға калит топилган бўлади. Зоро, асар билан илк танишув даврида қатор мизансаҳналар кўринса, яна ҳам дуруст бўлади. Агарда бу мизансаҳналар яхлитлигича кўринса, нур устига аъло нур.

Ҳали бўлажак спектаклнинг декорациялари йўқ, ҳали давр, замон, одамлар, уларнинг қатламлари ўрганилмаган. Лекин асар учун ечим топиш, унда кўтарилиган муаммоларни ўрганиш жараёнида бу нарсалар ҳам аста-секинлик билан жой-жойига туша бошлайди. Яъни дарё, ўз ўзанини топиб олади. Мана шу асар билан илк танишув вақтида топилган айrim унсурлар, бўлғувси спектаклда ўз ижобатини топади. Эркин талқин — импровизациянинг аҳамиятини мутлақо инкор этмаган ҳолда, бўлғувси спектаклни саҳналаштириш учун пухта тайёргалик кўрилмаса (бу ерда репетиция учун ҳам тайёргарлик назарда тутилади), янги спектакль ҳаваскорлик даражасидан нарига ўта олмайди. Режиссёр асар устида ёлғиз ўзи ишлар экан, импровизация қилишдан олдин импровизация қилиш доирасини, қаердан қайси жойгача импровизация қилиш мумкинлигини қатъий белгилаб олиши керак. Акс ҳолда, бошдан оёқ импровизация қилиш оқибатида асарни мутлақо ўзига мослаштириб олиши мумкин.

### 3.

Минг афсуслар бўлсинким, режиссёр етарли тайёргарлик кўриш учун ҳамиша ҳам етарли вақт ва имкониятга эга бўла олмайди. Борди-ю шундай бўш вақт топилган тақдирда, ундан унумли фойдаланиб, ўз билимини оширишга интилса, фойдадан холи бўлмайди.

Ташқаридан қарагандা, режиссёрнинг қундалик турмуш тарзи ўзгармагандай туюлиши мумкин. Бироқ аслида, янги асар устида иш бошлаган қунданоқ ўзини қуршаб турган муҳит, табиатнинг сирли китобига диққат билан тикилар экан, бўлажак асар учун нималардан, қайси шакл ва сифатлардан фойдаланиш мумкинлигини тафаккур ҳазинасига жамлай бошлайди. Худди шу кундан бошлаб ўзининг маънавий оламига саёхат қиласи.

Қаҳрамонимнинг эҳтирослари менга нотаниш бўлса-да, ҳаётимда худди шунга ўхшаган одамни қўрганман, дея ўзича белгилаб қўяди режиссёр.

Бу одамнинг ҳиссий туйғуларига ўхшаган ҳолатни ўзим ҳам бошимдан ўтказганман, дея ўйлайди бошқа бир сафар.

Пиесада гап кетаётган ҳолатлар ҳозирги менинг шароитимга ўхшамаса-да, ҳаётимда бошдан кечирган баъзи жиҳатларини ишлатиш мумкин, хаёл қиласи яна бошқа бир шароитда.

Бугун мен бошимдан кечираётган воқеа ва ҳодисалар худди пиесадагига ўхшар экан. Шунинг учун ўз дарду ҳасратларимни қаҳрамон тили билан изҳор этишга ҳаракат қиласи. Аммо ботиний кайфиятга берилиб кетмаслик ва пиеса воқеларидан ташқарига чиқиб кетмаслик учун ўз-ўзимни назорат қилиб туришим керак бўлади.

### 4.

Муаллиф томонидан берилган шарт-шароитни ўрганиш учун репетициялар бошлангунга қадар режиссёр, бир қатор саволларга жавоб топиши лозим.

Агар пиеса классик - мумтоз асар бўлса, кўплаб саволлар пайдо бўлиши табиий. Ўша давр одамлари ўзларини қандай тутишган, қандай саломлашишган, устки кийимларни қандай кийишган, қандай уй-жиҳоз буюмларидан фойдаланганлар, қандай урф-одатлар, диний қарашларга эга бўлишган, турли маросимлар қандай амалга оширишган?

Ўша даврда яхши ва ёмон, гўзаллик ва хунуклик, жамоа ўртасида ўзни тута билишлиқ ва тута билмаслиқ, одоб-ахлоқ қоидаларига нималар кирган, замоннинг етук тимсоли қандай ва қайси кўринишга эга бўлган?

Агар асар бошқа ҳалқлар ҳаётидан олинган бўлса, миллий ҳиссиётлар, урф-одатлар тарихда ва ҳозирги кунда қандайлигини ўрганиш зарур. Асар бугунги кун ҳаётини акс эттирган тақдирда ҳам муаллиф бугунги ҳаётнинг қайси қиррасини кўрсатмоқчи бўлганлигини билиш шарт.

### 5.

Орадан маълум тайёргарлик ишлари ўтгач, асар-жанрини аниқлаш мумкин бўлади. Бугунги кунга келиб, жанрлар тушунчаси кенгайиб, ихтисослашганини ҳам хисобга олиш керак. Баъзан муаллиф пъесанинг аниқ жанрини белгилаб қўйган бўлади. Лекин кўпинча улар ўз асарларини умумий жанр билан ҳам белгилайдилар. Масалан, саҳналар, кўринишлар, болалар учун эртак қабилида.

Бундай кезларда асар жанрини аниқ белгилаб олиш шарт. “Комедия”, “драма” деб белгиланганига қарамай, режиссёр қандай **комедия**, қандай **драма** деган саволларга аниқ жавоб топиши керак.

## 6.

Бу даврга келиб, мизансахна түғрисида ўйлашга ҳали эрта бўлсада, унинг имкониятлари түғрисида аниқ тасаввур ҳосил бўлади. Пиесани қисмларга ажратиб, қайта-қайта ўқиш, китобларга мурожат қилиш, тасвирий санъат асарлари билан танишиш, у ёки бу саҳнани тасаввур қилиш мумкин. Бундай ишлар кўпинча, суст тарзда кечади. Уларни фаоллаштириш мумкинми?

Бунинг бирдан-бир йўли ён дафтар тутиб ёки қоғоз парчаларига ҳар бир янги фикр, мулоҳаза, иккиланиш, аниқ тасаввур ва дафъатан келган ечимларни ёзиб бориш керак. Токи, саҳнага чиқилган вақтда, улардан фойдаланиш мумкин бўлсин. Ёзганда ҳам эркин тарзда, кўнгилга келган фикрни, узуқ-юлуқ ибора, шартли белгилар билан ёзиб қўявериш лозим. Саҳналаштириш даврида эса улар орасидан кераклилари ажратиб олинади. Асарни саҳналаштиришга туртки бўладиган омиллар, композиция, мавзу, фоялар, хулласи калом, қанча кўп ёзилса, шунчалик танлаб олиш имконияти кўп бўлади.

Ёзувни нимадан бошлишни билмасангиз, асарнинг мавзуси, қатнашувчилар, жанри номидан бошлиш керак. Ҳатто пъесанинг ҳошиясига ҳам фикрларни ёзиб қўйса бўлади.

Хўш, мана пиеса хусусида деярли ҳамма нарса аниқ бўлди ҳам дейлик. Яна нима қилиш мумкин? Ўша муаллифнинг бошқа асарлари билан ҳам танишиб чиқиш мумкинми? Қаранг, бу ерда ҳам қанчадан-қанча янгиликлар бор экан. Композициялар тузилиши, қарама-қаршиликларни ясаш, тимсолларни яратиш, ҳарорат ва ранглар тасвири, уларнинг уйғунлиги ва ҳоказо. Энди асар воқеаси кечадиган даврда яшаган рассомнинг ишларини кўздан кечирамиз. Уй -жиҳозлари қандай жойлаштирилган? Балки, бирон мизансахна учун тайёр кўриниш топилиб қолар. Ҳатто оёқ остига қўйиладиган курси ҳам бор экан. Ўрни келганда ундан ҳам фойдаланиш мумкин. Мана, хизматкорнинг қўлида чанг тозалаш учун парранда патидан ясалган супурги. У ҳам керак бўлиб қолиши мумкин.

Энди кўчага чиқиб, бир айланиб келса ҳам бўлади. Қаранг, икки киши бир томонга оқсаб боряпти. Қизик пластик ечим ва ҳоказо.

Етар энди, бошқа иш билан шуғулланиш керак. Энди рассомни ишга солиш вақти келди. Чунки, шу вақтга қадар ён дафтарга талай маълумотлар ёзилди. Шунинг учун энди рассомга буюртма берса ҳам бўлади. Бу бир томондан, иккинчи томондан шу вақтга қадар ёлғиз ўзи иш олиб борган бўлса, эндиликда аравани баравар тортишадиган ҳамроҳ зарур бўлиб қолди.

## ДЕКОРАЦИЯ ВА МИЗАНСАҲНА

### 1.

Йигирманчи асрга қадар декорациялар мукаммал ишланган бўлиб, агар уйнинг ичини кўрсатиш зарур бўлса, учта девор, эшик ва деразалар, ҳатто уйнинг шипи ҳам ишланган ва саҳнага қўйилган. Спектакль кўринишлари ўртасида юқоридан пардалар тушиб, чиқиб турган. Москва бадиий театри биринчи марта ён томонга очиладиган парда ишлатган. Томошабин парда

ёпилганидан кейин бир декорация ўрнига бошқа декорация ўрнатилишини сабротқат билан кутиб ўтирган. Йигирманчи асрнинг ўнинчи йилларида саҳнада астасекин шартлилик пайдо бўла бошлайди. Архитектурада қўпроқ мазмундан кўра шаклга эътибор бериш одати саҳнага ҳам кўчади. Ўттизинчи ва қирқинчи йилларга яна саҳнада мукаммал декорация қуриш усулига қайтилади. Ўзбек миллий театрлари саҳнасида яратилган" Равшан ва Зулхумор", "Фарҳод ва Ширин", "Бой ила хизматчи", "Холисхон", "Алишер Навоий", "Алпомиш", "Рустам", "Отелло", "Гамлет" каби спектаклларда декорациялар хар бир саҳнада алмаштирилар, ва хақиқийга яқинлаштиришга ҳаракат қилинар эди. Эллигинчи йиллардан бошлаб, саҳнага шартлилик кириб кела бошлайди. Ҳозирги кунда эса рассом учун бутунлай эркинлик яратилган бўлиб, декорацияларнинг етишмаган қисмини томошабин ўзи тасаввур қилиб олиши керак бўлиб қолди. Саҳна пардаси декорациянинг бошқа қисмлари каби спектакль бадиийлигига хизмат қила бошлади. Бир сўз билан айтганда театр турли чироқлар, пардалар ва бошқа жиҳозларини томошабиндан яширмай ҳам қўйди. Ҳамма нарса пьесанинг ғояси ва тимсолнинг турли қиралларини кўрсатишга сафарбар этилди.

Ҳозирги асосий янгилик декорация ўрнини босадиган айрим унсурлардан кенг ва унумли фойдаланиш ёки декорацияларнинг ўрнини бошқа шаклдаги қурилмалар билан тўлдиришдан иборат бўлиб қолди. Худди Шекспир даври театри каби саҳнадаги барча нарсалар (боғ, уй, кўча, майдон, тоғ) шартли равишда ифодаланадиган бўлди. Бир декорация билан бутун бир спектакль воқеаларини акс эттириш мумкин. Янгича тимсолий ечим вужудга келди. Натижада, декорациялар ўрнига актёр учун пластик ҳаракатлар, томошабин учун эса тасаввурни қўзғатадиган саҳнавий муҳит-сценография пайдо бўлади.

Шундай қилиб, режиссёр билан рассом бўлажак спектаклнинг ҳамижодкорига айланадилар. Улар ўртасида ижодий иттифоқ пайдо бўлади. Ижодкорлар ўртасида юзага келадиган ҳар бир иттифоқ ўзича бетакрордир. Агар спектакль саҳналаштирилиши ва безалиши жиҳатидан яхши чиқса, ҳар иккиси ҳам яхши меҳнат қилиб, кўнгилга тугилган ишни тўлалигича рўёбга чиқара олган бўладилар.

"Ҳақиқат баҳсада аён бўлади", дейдилар. Лекин режиссёр ва актёр, режиссёр ва рассом иттифоқликда ишласалар бир ғоя, бир маслак билан меҳнат қилсалар бора-бора, бир-бирларини ярим оғиз сўздан тушунадиган бўлиб кетишади. Агар тортишув юзага келса, ҳақиқат йўналишдан четга чиқиб кетиши мумкин. Режиссёр учун ўз рассомини топиш катта баҳтдир. Борди-ю топа олмасачи? Бундай вазиятда нима қилиш керак? Янги рассом билан қай тарзда техник мулоқотни ўрнатиш мумкин?

Бундай вазиятда режиссёр ўзига нима кераклигини яхши билиши керак. Чизгиларни қандай бажаришлиқ рассомнинг иши. Бироқ режиссёр ўз фикр мулоҳазаларини аниқ ва лўнда ифода эта билиши шарт. Бундай шароитда саҳналаштириш нуқтайи назаридан ҳамма нарса — ранглар, майдон ва макон, саҳнага чиқиши керак бўлган анжомларгача аниқ-тўлиқ келишиб олиш керак. Декорациянинг эшик деразаларини, уйнинг ичига қўйилиши керак бўлган жавонлардан тортиб, курси-ю столларгача рассомга ишониб топшириб қўйиш хатолик бўлади.

Режиссёр лойиҳалаштирувчи муҳандисга нисбатан қўйиладиган талабларни рассом олдига қўйиши керак бўлади. Чунки, саҳналардаги айрим декорацияларнинг эни ва бўйи ҳам бўлажак спектаклда катта ўрин тутади. Аммо шу билан бирга рассомни ҳам "лом-мим" демайдиган ижрочига айлантириб юбориш мумкин эмас. Айрим ҳолатларда баъзи саҳналарни жиҳозлаш, ранглар танлашда рассом режиссёрга ёрдам берибина қолмай, тўғри ва таъсирчан йўл кўрсатиши мумкин. Рассом режиссёрдан аниқ кўрсатмалар олгач, ўзини эркин ижодкор сифатида ҳис қила бошлайди.

Рассомнинг иш натижаси режиссёр ечимига, ўй-фикрига қарама-карши бўлиши ҳам мумкинми? Бўлиши мумкин. Аммо вазифа аниқ белгиланган бўлса, натижа ўртасидаги фарқ катта бўлмайди.

Саҳнани оппоқ қоғозга қиёслашади. Агар рассом ўз ишининг устаси бўлса, қоғоз ҳам бошқа ранглар билан уйғунлашиб, ўз жойини топади. Саҳна ҳам ҳали декорация қўйилмасидан олдин оқ қоғозга ўхшайди. Шунинг учун саҳнада кенглик қанча қўп бўлса, шунча яхши дейиш мумкин. Бунинг устига спектакль учун яхлит декорация қўйилса, кенгликнинг фойдали томони яна ҳам ортади.

Саҳнада, энг аввало, биринчи қисм ва саҳна олдини бўш қолдиришликни эътибордан қочирмаслик керак. Чунки, бу майдондаги бўшлиқнинг ҳар бир қаричи муҳим аҳамиятга эга бўлишилиги билан бирга нафис ҳаракатларни намойиш этиш имконини ҳам беради.

Кейинги навбатда ҳажм ва баландлик масаласи туради. Гапирилганда "қаттиқ", "секин" деган ибораларни ишлатганимиз каби, "катта-кичик", "баланд-паст" деган тушунчалар саҳнада нисбатан катта ўрин тутади.

Саҳнадаги ўлчов бирлиги **одамнинг бўйи баробаринда** деб қабул қилинган. Демак, баланд-пастлик, кенглик ва торлик мана шу мезондан келиб чиқмоғи керак. Одамнинг бўйидан баланд бўлган нарсаларни баланд, паст бўлган нарсаларни паст дейиш керак.

Шунинг учун ҳам саҳнада одамнинг бўйидан паст декорацияни камдан-кам (агар лилипутлар тўғрисидабўлмаса) кўриш мумкин. Шу жумладан, одамнинг товушидан баланд ёзилган овозлар томошабиннинг асабига тегади. Демак, бўлажак мизансаҳналар табиий чиқиши учун декорациялар ҳам одам бўйига нисбатан табиий бўлмоғи шарт экан.

Рассомнинг ишини қабул қилиш чоғида саҳна қоидасининг шу томонларини ҳам ҳисобга олиш зарур. Шунингдек, дераза ва эшиклар ҳажми ҳам муҳим ўрин тутади. Биринчидан, улар актёрларнинг кириб-чиқиши учун қулай бўлса, иккинчидан, бадиий мақсадга бўйсундирилган бўлмоғи . лозим. Улар бир вазиятда одамнинг декорацияларга нисбатан устунлигини ифодаласа, иккинчи вазиятда декорацияларни одамга нисбатан устунлигини кўрсатиб туриши муҳим аҳамиятга эга. Декорациялар билан боғлиқ яна бир масалага эътибор қаратиш керак. Декорациялар саҳнада актёрларнинг овозини бўғиб қўймайдими? Овозни томошабинга етказишида ёрдам берадими ёки халақит қиласидими?

Ҳар қандай вазиятда ҳам актёрнинг юзи томошабинга кўриниб туриши керак. Агар декорация унинг юзини тўсиб қўядиган бўлса, у ҳолда декорацияни буриш керак бўлади.

Станиславский декорацияда ижро нұқталари бўлиши керак, деган иборани ишлатган.

**Ижро нұқталари** деганда нималар назарда тутилади?

Бу — композиция маркази бўлиб, мизансаҳналарни лойиҳалаштиришда муҳим ўрин тутади. Иккинчидан, декорацияларни ҳаракатланувчи ижрочига айлантиради.

Хонага қўйиладиган ҳар қандай жиҳознинг бўлғувси спектаклдаги ўрни каттадир. Томошабиндан жуда узоқда жойлашган жиҳозлар ижро нұқталарини ҳам томошабин кўзидан узоқлаштиради. Аммо жиҳозларни биринчи қисмга қўйиш ҳам мантиққа зиддир. Бу бир томондан бўлса, иккинчи томондан жиҳоз билан ёнма-ён турган одамнинг бўйини кесиб қўяди. Гўё жиҳоз олдида турган одамнинг елкасидан пасти кўринмайди. Биринчи қисмдаги ижро нұқталарига ҳаракат вақтида зарур бўлган курси ва шунга ўхшаш кўп жойни эгалламайдиган майда жиҳозлар қўйилиши мумкин.

3.

Демак, рассом билан биринчи учрашувдан кейин (яна бир неча бор учрашиш мумкин), дастлабки қорамаларни кўриб, репетиция учун айрим жиҳозларни саҳнага ўрнатиш мумкинлиги аён бўлади.

Пиесани яна бир карра биргаликда ўқиб чиқиб, реквизит, бутафорияга оид унсурларни ёзиб олинади. Қайси бирини ясаш керак, қайси бирини сотиб олиш керак. Бундай вақтда рассом билан театр омборхонасини кўздан кечириб чиқиш фойдадан холи бўлмайди. Бошқа спектаклларда фойдаланилмаган жавон, жомадон, курси, костумлар янги спектакль талқинида ишлатилиши мумкинми? Агар топилмалардан айримлари бўлғувси спектаклнинг бадиий талқинига ёрдам берса уларни дархол рўйхатга киритиш керак. Бундай иш спектаклнинг ишлаб чиқариши билан боғлиқ юмушларини камайтириш билан бирга ортиқча сарф-харажатларни тежаб қолади. Бунинг устига режиссор учун илк репетициялардан бошлабоқ саҳнада зарур бўлган буюмлардан фойдаланиш имкони туғилади.

## САҲНАЧАЛАР

1.

Рассом макет тайёрлашга киришди дейлик. Хўш, бу вақтда режиссёр нима билан машғул бўлади? Режиссёр ҳали ижрочилар билан учрашгани йўқ. Мизансаҳна лойиҳасини ёзиб чиқишга ҳам улгурмаган... Ҳали макет тайёр эмас... Одамнинг бўйини ўлчамасдан камзул тикиш мумкин эмас... Демак, тайёргарлик ишлари билан машғул бўлиш керак экан.

Улар нималардан иборат?

Яхиси, пиесанинг пластик хусусиятларини майда саҳначаларга бўлиб чиққан маъқул. Бу ишни пиесани, саҳналарни, кўринишларни майда бўлакчаларга бўлиб, уларга шартли белги қўйиб чиқишдан бошлаган маъқул. Бу ишда режиссёр ҳар бир иштирокчининг пластик имкониятларини ақл тарозисига солиб чиқади. Уларнинг ҳаракат йўналиши, ҳарорати, ритми, қайси вазиятда қаерда

турганлиги, жисмоний ҳаракатларининг йўналиши ва мақсадлари батафсил ёзилиши зарур. Ҳар бир саҳнчадаги жумла ёки бир неча сўзини ёзиш ёки тўхташ жойи белгиланади. Бу ёзувлар бўлажак спектаклнинг ҳаракат партитураси дейилади. Демак, ҳаракат йўналишларини чизгилар орқали эмас, сўз билан белгиланиши тахминий йўналишни аниқлашга ёрдам беради.

Мисол учун, "Н" номли писедан биринчи саҳнасини кўриб чиқайлик.

Катта пешайвон, ярим тун. Ойнинг шуъласи айвон устунига тушиб туритти. Парда очилганида соchlари тўзғиган "А" қизил рўмолини елкасига ташлаганча айвон устунига суянган ҳолда ойга тикилиб туритти. Тун сукунатига қулоқ тутганича оҳиста юриб, боғ томонга чиқади.

Кетмон дастасига суянган "Б" саҳна ўртасида томошабинга орқа ўгириб туритти. Унинг бу ҳолати кўпдан бери хаёл суреб турганини билдиради. Бирордан кейин саҳна ичкарисига қиялаб кириб кетади. Орадан бир неча сония ўтиб, ичкаридан ёш боланинг йиғиси эшитилади. Боланинг йиғисига қарши ўлароқ хўрзанинг қичқириғи эшитилади.

Саҳнага югуриб "А" киради. "*Ҳозир..., мана кетяпман*". Ичкарига ўтади. Ойнинг нури девордан мўралаб турган. одам башарасини ёритади. У кўздан йўқолади. Бирордан кейин у девор устида пайдо бўлади... ва ҳоказо.

## 2.

Шундай қилиб, тайёргарлик жараёни ниҳоясига яқинлашиб қолади. Агар репетиция бошлаш учун ҳали бироз вақт бўлса, асардан **совиб қолмаслик** учун писани яна бир карра ўқиб чиқсан маъқул. Сўнгра, ўзининг ёзувларини кўздан кечириб, писага солиштириб чиқса зарар қилмайди. Ёрдамчи манбаларга мурожат қилиш мумкин. Эски расмлар, осориатиқа буюмларни кўриш, мусиқа эшитиш зарур.

Ҳар бир режиссёр спектакль саҳналаштиришга киришишдан олдин театр маъмуриятидан тайёргарлик ишларини олиб бориш учун маълум муҳлат талаб қилишга ҳақлидир.

## РЕЖАЛАШТИРИШ ВА ЭРКИН ИЖРО (импровизация или моделирование)

### 1.

Режиссёри актёrlар ва писеса билан стол атрофидаги илк учрашуви бўлажак спектаклнинг тақдирини ҳал этишда катта аҳамиятга эга.

Мазкур учрашув чоғида хаёлий спектаклни воқеликка айлантириш юзасидан илк фикрлар, тимсолий аломатлар пайдо бўлади. Жумладан, ташқи кўриниш, юз, қўз, овоз, шижаот, хислат ва хусусиятлар. Актёрнинг имкониятлари, унинг ҳаётдаги ва бошқа роллардаги ютуқ ва камчиликлари бир-бир таҳлил қилинади. Стол атрофидаги мана шундай бир неча учрашувлардан кейин бўлажак спектаклнинг чизгиларини топишга киришиш мумкин, деб ўйлаймиз.

Баъзи режиссёrlардан репетицияга тайёрланиб ўтирмайман, актёrsиз нима ҳам қилиб бўларди, деган гапларни эшитиш мумкин. Шуни унутмаслик керакки, режиссёр худди композиторга ўхшайди. Факат у саҳнанинг композитори ҳисобланади. Модомики шундай экан, композитор ўз асарини мусиқий

асбобларга бўлиб, ҳар бир асбоб учун алоҳида ноталар кўчириб, созларнинг овози, жаранги, уларни эшитувчига кўрсатадиган таъсир кучини ҳамда умумий оҳангдошликни вужудга келтирадиган партитурани тайёрламасдан туриб, оркестр олдига чиқиши мумкинми? Ахир ҳар бир асбобнинг ўзига хос бўлган ҳарорати, ритми, ижро йўли борку. Режиссёр ҳам худди композитор каби бўлажак спектаклнинг саҳнавий партитурасини ёзмай туриб, актёrlар олдига чиқмаслиги керак.

## 2.

Айрим полшалик режиссёrlар бўлажак спектаклнинг макетини саҳначаларга тақсимаб чиқиш билан бирга саҳна сатҳини ҳам қисмларга бўлиб чиқишиади.

—Фалончи қатнашчининг фалон сўзи Ф2 квадратда айтилади.

—Фалончи иштирокчи Ф5 квадратда тўхтайди. Ф8 квадратга ўтиб, ҳамроҳига жавоб қайтаради.

Худди шахмат ўйинига ўхшайди.

— Бу иш, расмиятчиликка ўхшайди-ку, — дейишингиз мумкин. Тўғри, шундай бўлиши эҳтимолдан холи эмас.

Лекин репетиция вақтида режиссёр актёрга:

— Мана бу эшиқдан кирасиз, ўтирилиб қарайсиз, сўнгра стол даги китобни олиб вараклайсиз, — қабилида топшириқ бериши ҳам расмиятчиликка кирадими?

Агар бу топшириқ иштирокчининг изчил ҳаракатига зид бўлса, асарнинг табиийлигига путур етказади. Агар режиссёр ҳар бир иштирокчининг изчил ҳаракат йўналишини, бир-бирига мантиқий уйғунлаштиришга эришса, режиссёрнинг аниқ топшириғи асардаги табиийликни янада оширади. Актёрнинг эркин ҳаракати учун шароит яратади.

Ишнинг бошланиш жараёнида эркин ҳаракат қилиш миёси қанчалик чегараланган бўлса, берилган вазиятдаги изланиш самарадорлиги шунчалик ошади. Умуман актёрларни икки гурухга бўлиш мумкин.

Актёр режиссёрдан аниқ кўрсатмалар ва топшириқни талаб қилса, демак, у изланувчан ва меҳнатдан қочмайдиган актёрдир. Борди-ю актёр режиссёрнинг кўрсатма ва топшириқлариiga нисбатан норозилик билдириб, сиз менинг эркин ижод қилиш имкониятимни бўғиб қўйяпсиз, деса билингки бу актёр ишёқмас ва дангасадир. Негаки, ёзилиш жиҳатидан мураккаб бўлган писанинг пластик ечимини топиш, агар воқеалар ўтган асрда кечса, унинг устига оммавий саҳналар билан боғлиқ бўлса, бундай саҳналарни репетиция жараёнида тезда ҳал этишнинг сира ҳам иложи йўқ. Тўғри, бадиий ва ғоявий жиҳатдан бўш писаларни аввалдан тайёргарчилик кўрмай ҳам бошлаш мумкин. Лекин ҳар бир яхши писе ўта мураккаб бўлиб унинг саҳнвий ечимини топиш осон иш эмас.

Шунинг учун асосий репетициялар бошланишидан олдин, албатта, мизансаҳналарни ишлаб чиқиши зарур. Лекин бу дегани репетицияда эркин ҳаракат қилишнинг мутлақо имконияти бўлмайди, деган гап эмас. Аввалдан ишлаб чиқилган мизансаҳнани ипидан игнасигача оғишмай бажариш мумкин

эмаслигини яхши биламиз. Чунки, аввалдан белгилаб қўйилган қолипнинг ичидатуриб, эркин ижод қилиш имконияти ниҳоятда чегараланган бўлади.

Мизансаҳнани уй шароитида пухта ишлаб келиб, репетицияда фақат шундан ташқарига чиқмай ишлайдиган режиссёр гапириладиган гапни уйда ёд олиб келиб, эшитувчилар олдига чиқиб олиб, худди тўтига ўхшаб сайрайдиган нотиқقا ўхшайди.

Уйда маълум тайёргарлик кўрмай келиб, репетиция ўтказадиган режиссёр эса ҳеч бир тайёргарликсиз нутқ ирод қилаётган нотиқقا ўхшайди. Уйда пухта ҳозирлик кўриб, эшитувчилар олдига чиқсан нотиқ гапирадиган гапларини яхши билганидан қоғозга қарамай ҳам эшитувчиларни ўз оғзига қаратиб қўя олади. У исталган вақтда ўзи уйда чизиб олган чизикдан ташқарига чиқиши, зарур вақтда яна ўша чизиқ доирасига кириб олиши мумкин. Демак, уйда аввалдан тайёргарлик кўриб, сўнгра репетиция ўтказадиган режиссёр ҳам худди мана шу нотиқقا ўхшайди.

Бугун репетициянгиз сиз ўйлаган мизансаҳна доирасида силлиқ ўтиши мумкин. Эртага эса актёр томонидан топилган яхши бир ҳаракат сиз уйда ишлаб келган мизансаҳнани кенгайтириб, қисман ўзгартирган ҳолда уни бойитиши ва умумий мақсад ва гояга хизмат қилиши мумкин.

## МАКЕТ ҚАРШИСИДА

### 1.

Бир режиссёр: — *Кичик шаклар ёрдамида ҳар бир саҳнани макет устида ўйнаб чиқиб, сўнгра репетицияга кириши ўзига ишонмаган режиссёрларнинг иши*, — деб айтган экан. Эҳтимол, тафаккури ва тасаввuri кучли режиссёр макетга қараб туриб, бўлажак спектаклнинг катта-катта парчаларини хаёлан ўйнаб чиқиши мумкиндири. Лекин ҳақиқий саҳна майдони, моддийлашган лойиҳани талаб қиласи. Ёдингизда бўлса "Чапаев" кинофильмида бўлажак жанг олдидан унинг барча тафсилотлари картошка ёрдамида стол устида репетиция қилинади.

Яхши рассом ҳам ўзининг кучли тасаввурига ишониб, лойиҳанинг ўзи билан кифояланиб қолмайди. Кўп вақт сарфласа ҳам сира эринмай, бўлажак декорациянинг кичик ҳажмдаги нусхасини (макетини) ишлаб чиқади. Режиссёр ҳам худди шундай, бўлажак спектаклнинг амалий нусхасини иш бошланмасдан аввалдан маълум бир қолипга солиб чиқиши керак. Албатта, макет ёрдамида қўғирчоқлар билан бутун спектаклни бошидан охирига қадар ўйнаб чиқиш қийин. Чунки, қўғирчоқларнинг ўзи ўтириб, ўзи турмайди, ўзи юрмайди, ётмайди. Бироқ саҳнадаги ўрин алмашинувлар, вазиятлардан келиб чиқадиган ўзгаришларни тахминий белгилаб олиш мумкин. Шундай қилинса, бўлажак спектаклнинг пластик ўзгаришлари, жой алмашинув нуқталари топилади. Бир сўз билан айтганда, спектаклнинг андозаси олиниб, кийим бичилади.

## 2.

Имконияти бўлса, рассомдан саҳналаштирилажак спектаклнинг макетини ишлаб беришни илтимос қилиш ва иштирокчилар сонига тенг қўғирчоқлар билан ҳар бир саҳна ва кўринишни ўйнаб чиқиш керак. Бунда писани бир бошдан бошлаб ишлаб чиқиш шарт эмас. Қайсики саҳналар ёрқинроқ бўлиб, тасаввурни қўзғатса ўша саҳналарни ўйнаш керак. Яхши ёзувчилар ҳар қуни куннинг маълум вақтида ишга ўтириб, маълум варақ ёзишга одатланган бўлади. Режиссёрнинг ҳам уй иши мана шундай событқадамликни талаб қиласди. Лекин режиссёрнинг ишлаш тартиби бошқачароқ бўлиши ҳам мумкин. Аксарият ҳолларда, репетициялар бошланишидан олдин бир-икки ҳафта, ҳатто бир-икки кун бўш вақт топилади. Шундай вазият пайдо бўлди дегунча, эрталаб икки-уч соатга хонани ичидан беркитиб, писана билан ёлғиз қолган ҳолда, ўша муҳитга кириб ишлаш зарур. Кўпинча, бундай ишни репетициялар билан ёнма-ён олиб боришига тўғри ҳам келади. Токи писани бошдан оёқ макетда кўриб чиқилмагунча ҳар қуни, камида икки-уч соат вақтни шу ишга ажратиш керак. Энг муҳими ҳар қанча қийинчилик ва тўсиклар пайдо бўлмасин, ярим йўлда тўхтаб қолмасдан, бошланган ишни охирига етказиш зарур. Бугунги чекилган машаққат эртанги кунги муваффақиятнинг гаровидир. "Роҳат мешаққат остидадир", деган гап бекорга айтилмаган.

## 3.

Хўш, эндиgi навбатда ишни нимадан бошламоқ керак?

Ишни аввалги саҳначалар тўғрисида ён дафтарчада қайд этилган ёзувларни бир бошдан кўздан кечириб чиқишдан бошлаш керак.

Сўнгра, яна бир карра, мумкин бўлса овоз чиқариб, писани ўқиб чиқиш лозим. Ана шундан кейин макет рўпарасига ўтириш мумкин.

Олдимизда маълум бир кўринишнинг бошланиш нуқтаси. Саҳна бошланишида иштирокчилар шу вазиятда. Уларнинг орасида кимдир бошқа жойга ўтаётган бўлиши мумкин. Сўнгра, кимдир ўз жойини алмаштиради, кимдир эшик тагига, кимдир деразадан нарироқ боради. Кимдир курсининг устига чиқади, шу пайт деразадан қизнинг юзи кўринади. Курсидаги одам йиқилиб тушди, деразадаги қиз йўқолди. Эшикдан чиқиб кетаётган одам тўхтаб, ўтирилди. Шу пайт югуриб кирган қиз уни туртиб юборди. У одам гандираклаб бориб, курсига ўтириб қолди. Демак, одамнинг курсига ўтириб қолиши шу саҳнанинг энг юқори чўққиси бўлиб, кейинги ҳаракат билан бошқа саҳна бошланади ва қиз йиқилган одамни ўрнидан турғизиши кейинги саҳнанинг бошланиш нуқтаси бўлади.

Худди шу зайл ҳар бир саҳнани макетда юзаки, яъни ўтиш, бурилиш, кириш-чиқиш нуқталарини белгилаган ҳолда, бир неча марта ўйнаб чиқиш мумкин. Шундай қилинганда мазкур саҳнанинг энг таъсирчан ечими топилади ва спектакль тайёр бўлгунга қадар ўзгармайди.

#### 4.

Шаклчаларнинг (қўғирчоқлар) ҳаракатини тез ва секинлаштириб, мазкур саҳнани бир неча бор қайтаришга, бу ҳаракатларни қоғозга тушириб қўйиш керак.

Кўшимча равищда мазкур амалиётни писса варағининг хошиясига сонлар билан белгилаб қўйилади. Сўнгра, тоза қоғозга ҳар бир саҳначанинг кўриниши тахминий кўрсаткичлар ва рақамлар билан белгилаб чиқилади. Бу белгилар қандай бўлишидан қатъий назар режиссёрнинг ўзи тушунса кифоя.

### ВАҚТНИНГ ҚИЙМАТИ

#### 1.

Режиссёр учун энг масъулиятли палла ҳисобланмиш, репетицияларни бошлашдан аввал, икки жабҳани аниқ белгилаб олиш зарур. Булар нималардан иборат?

**Биринчиси-** репетиция жараёни бўлиб, унда спектаклнинг мизансаҳналари ишланиб, спектакль ҳолига келтириш.

**Иккинчиси-** ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган жараён. Бунда спектакль учун зарур бўлган декорация, кийимлар ва бутафорлик ишлари тайёрланади.

Ҳар бир режиссёр учун макон ва замон деган тушунча қанчалик муҳим аҳамиятта эга эканлигини тушунтириб ўтиришнинг ҳожати бўлмаса керак. Айрим театр жамоаларида спектаклни тайёрлаш жараёнини уч-тўрт ойлаб ортга чўзиш мумкиндири. Аммо вилоят театрларида, ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитини ҳисобга олинадиган бўлса, спектаклни қисқа муддатларда тайёрлаш зарурияти, вақтнинг тифизлиги доимо сезилиб туради. Кўп йиллик тажрибадан шу нарса маълумки, репетиция учун ажратилган ҳар бир кундан унумли фойдаланиш мақсадида вақти-вақти билан спектаклни тайёрлаш жадвалига қараб туриш керак экан.

Ишлаб чиқариш бўлимларининг иш суръати билан қизиқиб туришлик яхши, албатта. Аммо режиссёрнинг ўз иш суръати қандай боряпти? Бу саволга ҳар куни, ўз-ўзига жавоб бериб бориш зарур.

“Вақт етганича, кўнглимга сиққанича репетиция қилишим мумкин”, дейишлик билан иш битмайди. Ижодий жамоага ҳам бундай иш услуги маъқул келмаслиги мумкин. Бироқ спектакль саҳнапаштириш учун икки, икки ярим ой муҳлат талаб қилинса, театр маъмурияти, ижодий жамоа ҳам бундай шартни қабул қиласиди.

#### 2.

Одатда, режиссёrlар вақтдан унумли фойдаланишда хатоликка йўл қўядилар. Шунинг учун репетицияларни бошлашдан олдин, аниқ иш режасини тузуб чиқиши зарур.

Масалан:

— стол атрофида ўтириб ишлаш учун бир ҳафтадан уч ҳафтагача актёrlарни кунига бир-икки марта репетицияга чакириб, ишни жадаллаштириш

ва кўрсатилган муддатда ҳамма нарсани саҳнага олиб чиқишига таппа-тахт қилиб улгуриш керак;

саҳнада кунига 3-4(уч тўрт) соатдан репетиция қилинса бир кунда уч-тўрт саҳифа матнни ўзлаштириш мумкин. Демак, бир соатда бир саҳифа матн ўзлаштирилади. Агар ишни бундан ҳам тезлаштирилса, ўтилган саҳналарни қайтаришга ва берилган вазифаларни актёрлар ўзлаштириб улгурмайдилар. Иш, шу тартибда олиб борилса, бир ойда бўлажак спектаклнинг умумий кўриниши тайёр бўлади. Эндиги иш асар кўринишларини тозалаш, ўзгартиришлар киритиш, тимсоллар устида ишлаш, иштирокчиларнинг ўзаро муносабатларини сайқаллаштириш, спектаклни бошдан оёқ тўхтатмай кўриб чиқиш ва энг муҳим репетицияларни ўтказиш учун яна бир-икки ҳафта вақт қолади.

Бунинг учун стол атрофидаги ишлар бошланиси билан спектаклни чиқариш режасини тузиб чиқиш керак.

Спектаклни топширишдан олдин ҳар эҳтимолга қарши бир неча репетиция кунини заҳирада сақлаб туришлик зарар қилмайди. Буни театр раҳбариятидан бошқа одам билмаслиги керак.

Шундан кейин чироқ, костюм, грим билан ўтказилиши лозим бўлган репетиция учун, 3—4 кун вақт керак. Аммо унга қадар фақат декорацияларни ёритиш ва чироқ ўрнатиш учун ҳам 5—6 соат керак бўлади. Ундан ҳам олдин саҳнадаги узлуксиз (прогон) репетициялар учун 5—8 кун, ундан ҳам олдин умумий репетициялар учун яна 10—15 кун ажратиш мақсадга мувофиқдир.

### 3.

Режиссёrlарнинг "саҳнага чиққунча декорациялар тайёр бўлади", деган орзулари ҳеч қачон амалга ошмаган. Декорацияни сўнгги ҳал қилувчи репетициялар вақтида тайёр қилиб беришса ҳам катта гап.

Ҳали репетиция бошланмасидан, нега энди декорациялар ҳақида гап бошланаб қолди, дейишингиз мумкин. Чунки, айнан худди шу репетициялар бошланмасидан олдин, ижодий жараён билан ишлаб чиқариш жараёни ёнма-ён олиб борилиши керак. Театрда "**ишлаб чиқариш цехларини иш билан таъминлаш**", деган ибора бор. Буни ижодий жараёнга, репетицияларга алоқаси борми? Бор! Чунки, мизансаҳна билан декорация бир-бирига узвий боғлиқ. Сабаби, репетициянинг илк дамларида декорациянинг қайси қисмлари керак, қайси қисмлари эса кейинроқ зарур бўлишлигини режиссёр ўзининг "Спектаклни чиқариш" тўғрисидаги иш режасига киритиб қўйиши шарт. Мисол учун, 1-нчи кунига зинапояли супача керак, 5-нчи кунига хонадаги юмшоқ курси билан ёзув столи керак, 10-нчи кунига темир қурилмалар, симёоч билан темир панжара, 15-нчи кунига эса пардалар, сочик, дастурхонлар ёнғинга қарши кимёвий қоришмага тўйинтирилган ҳолда керак бўлади.

Бу жадвални, эҳтиёт шарт, бир неча кун қўшимчаси билан театр маъмурияти ва ишлаб чиқариш бўлими бошлиғи билан келишилган ҳолда тузиб чиқилади. Шундан сўнг директор, ишлаб чиқариш бўлими бошлиғи, рассом ва режиссёр бу жадвалнинг остига имзо қўйишади.

Гарчанд, бу иш расмиятчиликка кирса ҳам кейинги иш жараёнида катта аҳамиятга эга бўлади. Айни шундай расмиятчиликдан кейин ҳар ким ўз зиммасидаги масъулиятни ҳис этган ҳолда ишга киришади. Мазкур жадвалдан

бир-икки кун ортда қолинса ёки белгиланган муддатда керакли декорация тайёр бўлмаса, режиссёр билан рассом дарҳол ёзма равищда эътиroz билдиришади.

Стол атрофидаги репетициялар бошланиши биланоқ рассом, маъмурият ва ишлаб чиқариш ўртасидаги ишчанлик муносабати яққол кўзга ташланиб қолади. Режиссёр ўзи белгилаган жадвалга қатъий риоя қилган ҳолда, ишлаб чиқариш билан боғлиқ ишларни мунтазам назорат қилиб бориши лозим. Шунинг учун ҳам кундалик иш жадвалини олдиндан тузиб, тасдиқлатиб олиши зарурӣ эҳтиёждир.

#### 4.

Е. Б. Вахтанговнинг таъкидлашича, репетицияни писанинг бир бошидан эмас, аксинча, энг қизиқарли бўлиб туюлган саҳнадан бошлаган маъқул. Негаки, режиссёр мазкур асарни саҳналаштиришга узоқ тайёргарлик кўргани сабабли, у дастлабки репетицияни сабрсизлик билан кутади ва бор куч-ғайрати, тасаввур ва тафаккурини дастлабки саҳналарга сарфлайди. Натижада, қолган саҳналар биринчисига нисбатан кучсизроқ бўлади. Шу боисдан энг қизиқарли, энг ҳаяжонли саҳна писанинг қайси қисмида бўлишидан қатъий назар, репетицияни ана ўша кўринишдан бошлаш мақсадга мувофиқдир. Бу бир томондан.

Иккинчи томондан режиссёр билан актёр ўрталаридағи муносабат илк учрашувдаёқ шаклланиб, то спектакл чиққунга қадар ижодий ҳамкорлик давом этиши керак. Энг ҳаяжонли, энг қизиқарли саҳналарни репетиция қилишдан актёр завқ олади, асарга қизиқиши ортади, оқибатда, режиссёр билан актёр ўртасида дўстона ижодий ҳамкорлик йўлга қўйилади.

Ана ундан кейин энг қийин ва мураккаб мизансаҳналар, руҳий озиқа талаб қиласиган саҳналарни репетиция қилиш керак. Ва ниҳоят, писанинг бошланиши ва якуний финал қисмини репетиция қилган маъқул. Бунинг яна бир муҳим томони шундаки, узоқ давом этадиган репетициялар даврида узлуксиз ҳаракат йўқолиб қолмайди. Аксинча, айрим саҳначалар бир-бирига уланганида, узлуксиз ҳаракат аста-секин кўзга ташланиб қолади. Актёр ва режиссёр учун ҳам узлуксиз ҳаракатнинг яққол кўзга ташланиб қолганлиги кутилмаган янгиликдай қабул қилинади.

Иш жадвалини тузиш вақтида актёрнинг шахсий вақтини ҳам ҳисобга олиш зарур. Айниқса, репетициянинг дастлабки вақтларида актёр репетицияга чақирилсаю эрталаб ишга келиб, орадан икки соат ўтса ҳамки саҳнага таклиф этилмаса ёки вақт тугаб, репетиция қилмай қайтиб кетса, у шунга қўнинади ва ишдан совийди.

Иш жадвали режиссёрнинг бир кунда бажариши лозим бўлган иш ҳажмидан келиб чиқиб тузилади. Шундай экан, айрим саҳнадаги актёрларни репетициянинг биринчи ярмига чақирилса, бошқа саҳнадаги актёрларни танаффусдан кейин, яъни куннинг иккинчи ярмига чақириш керак. Шундай қилинганида иш унуми бир неча баробар ошади. Натижада, иш вақтининг биринчи ярмида энг мураккаб бўлган саҳна, иккинчи ярмида эса нисбатан осонроқ саҳна репетиция қилинади.

Иш жадвали одатда, бир неча кун олдин чиқарилиши керак. Агар узрли сабабларга кўра иш жадвали ўзгарса, бу ҳақда камида репетициядан 14 соат олдин ёзиб қўйилиши керак.

## 5.

Завод ёки фабрикада ишчиларнинг иш вақти олдиндан белгиланган бўлиб, бу меъёр ўзгармайди. Актёр учун ҳам етти соатлик иш куни белгиланган. Аммо репетициянинг бошланиш, тугаш вақтини режиссёр белгилайди. Бу тартиб шу писесада қатнашадиган ҳар бир актёр учун қонун даражасида бўлиши керак. Демак, режиссёр маълум муддатгача ўзининг ва бошқаларнинг "иш вақти" хўжайинига айланади. Шунга яраша бу ишнинг маънавий масъулияти ҳам бор. Режиссёр актёрга куннинг қайси вақтида ишга чақиришидан қатъий назар, ўзи актёрдан ўн беш дақиқа олдин иш жойида бўлиши шарт!

### ЭРТАНГИ РЕПЕТИЦИЯ УЧУН ҲАММА НАРСА ТАХТМИ?

#### 1.

Саҳнага чиқишдан олдин ҳал этилиши шарт бўлган айрим тайёргарлик ишлари борки, уларсиз репетиция ўтмайди.

Реквизит ва шартли айрим декорация унсурларисиз (выгородка) репетиция бошлаб бўлмайди. Шунинг учун саҳнага чиқишдан икки-уч кун олдин, режиссёр ассисентига уларнинг лойиҳасини бериши ва қайси буюм қаерда туриши керак, қайси қисм қандай ҳажмда бўлиши кераклигини батафсил тушунтириб бериши зарур. Тахминий декорацияда (выгородка) ҳамма нарсани акс эттириш мумкинми?

Мисол учун, эшик, дераза, стол, курси, девор, дарвоза, тўнка, тепалик, қудук, қайик, пароходнинг усти, автомобилнинг ичи, замонавий уй, ҳужра, ғор ва ҳоказо. Репетиция ўтказиладиган хонага жуда оддий нарсалардан ихтиро қилинган тахминий декорацияни ўрнатиш мумкин. Тахта супа, курси, нарвон, зинапоя ёрдамида репетиция учун тахминий майдонни қуриш қийин иш эмас. Аслида бу иш билан спектакль рассоми шуғулланиши керак. Театр ишлаб чиқариш бўлими бошлиғи саҳна устаси билан театр омборхонасини қидириб, фойдаланиш мумкин бўлган буюм ва жиҳозларни топиши ва репетиция хонасига ўрнатиши лозим. Аммо баъзан рассомнинг йўқлиги сабабли бу ишлар билан режиссёр ёрдамчиси ёки режиссёрнинг ўзи шуғулланишига тўғри келади. Бундай тўсиқни саҳнага ўрнатиш мумкин. Лекин иккинчи қават, чукурлик, тепалик, юқорига кўтариладиган зиналарни қандай яратиш мумкин? Албатта, шартли равишда. Иккинчи қаватдан гапириб пастга тушадиган ёки аксинча, иккинчи қаватга кўтариладиган саҳналарда актёрга репетициядан олдин батафсил тушунтириш лозим бўлади. Масалан, мана шу жумлани юқорига кўтарилигунча гапириб чиқасиз, хонага кирганингиздан кейин бу жумлани гапирасиз... ёки бу сўзни қудуқнинг тепасида гапириб, шу сўзни тугатмай қудуққа туша бошлайсиз.

Лекин актёр ҳозирча шартли равишда тахта супаларни иккинчи қават, зинани нарвон дея фараз қилиб, репетиция ўтказади. Худди шундай қудук, тепалик, дарахтнинг устидаги саҳналарни ҳам репетиция қилиш мумкин. Агар режиссёр ёрдамчисига аниқ чизмаларни бериб, яхшилаб тушунтирилса,

саҳнадаги тўсиқлар қурилиши кўлни ушламайди. Албатта, бу ишлар репетиция бошланишига ўн дақиқа қолганда тугатилиши шарт.

## 2.

Кўпчилик режиссёrlар репетиция даврида реквизитга унчалик эътибор беришмайди. Бундай вазиятда режиссёр ва актёр куруқ кўл билан саҳнага чиқишига тўғри келади.

Ана ундан кейин реквизитга "уни олиб кел, буни олиб кел", деб кўрсатма бериш бошланади.

Макет қаршисида, мизансаҳнани ишлаётган вақтда, режиссёр ўз-ўзига, актёр бу ерда нима иш билан шуғулланади, деган савол бериши керак. Факат "у томондан бу томонга ўтиш" билан иш битмайди-ку. Демак, жисмоний ҳаракат зарур, уни биронта буюм билан бажариш керак. Яъни реквизит билан. Демак, саҳнадаги ҳар бир ҳаракат кутилмаган ўзгаришлар билан тўлдирилган бўлиши шарт. Репетицияга келган актёр ўзига керакли буюмларни жой-жойида кўриши ва ундан эҳтиёжга қараб фойдаланиши мумкин бўлсин. Актёрнинг хусусияти шундай. Саҳнада биронта буюм кўрдими, албатта, уни ушлаб кўришга ҳаракат қиласди.

## 3.

Репетиция бошлаш учун яна нима етишмайди?

Ишчи кийим. Кўпинча бусиз репетиция қилиб бўлмайди. Шунинг учун режиссёр **иш жадвалини** тузар экан, албатта, актёрлар ишчи кийимида бўлишилигини кўрсатиб ўтиши шарт. Ишчи кийими деганда спорт костюми ёки саҳнада ишлаш учун қулай бўлган бошқа кийимлар назарда тутилади. Энди айрим ҳолларда ролнинг ўзига хос хусусиятлари алоҳида костюм билан боғлиқ бўлиши ҳам мумкин. Бундай вазиятда ишчи кийимининг ўзи етарли бўлмайди. Шунинг учун алоҳида костюм билан боғлиқ саҳналар учун зарур устбош репетицияда ҳозир қилиниши талаб этилади. Бунда костюмлар тахминий бўлиши ҳам мумкин. Чунки, спектакль учун тикиладиган маҳсус костюмлар асар чиқишига яқин тайёр бўлса ҳам хурсанд бўлиш керак. Яна муҳим бир нарса. Рассом билан костюмлар хусусида гаплашилганда, уларнинг рангини ҳам ҳисобга олиш керак. Жуда ҳам нафис, кўзга яққол ташланадиган костюмлар бир-икки спектаклдан кейин кир бўлиб, доғ-дуғлари кўриниб қолади. Албатта, режиссёр билан рассом масаланинг шу томонларини ҳисобга олиб костюм танлаши, ялтир-юлтур, нафис ранглардан қочгани маъқул.

## 4.

Спектаклнинг мусиқаси ҳамиша унинг ичидаги бўлишига ҳаракат қилиш керак. Спектакль тайёр бўлишига яқин мусиқа қидиришга тушилса, худди зираворсиз лағмонга ўхшаб қолади.

Агар спектакль жонли мусиқада ижро этилса, репетициянинг дастлабки куниданоқ бир-икки чолғувчини, жуда бўлмагандаги пианино билан чолғувчини репетиция жадвалига қўшиш керак. Шундай қилинганида мусиқа спектаклнинг тўқимасига сингиб, пластик ечимлар билан бирга, бадиий бир бутунликни ташкил қиласди. Агар спектаклда магнит тасмасидан фойдаланилса, ҳар бир саҳна учун

тахминан, уч-тўрт турдаги мусиқалар олдинма-кетин тасмага туширилади ва репетиция давомида маъқул келгани қолдирилиб, бошқаси олиб ташланади. Натижада, репетиция нусхаси асосида спектаклнинг ягона мусиқаси пайдо бўлади.

## СПЕКТАКЛНИ ТУҒИЛИШИ

### 1.

Ниҳоят кўпдан кутилган репетиция дақиқалари ҳам етиб келди. Ижодий жамоа жамулжам. Актёрлар режиссёр атрофини ўраб ўтиришипти. Ҳамма унинг оғзига тикилади. Барча ҳаяжонда. Бу яхши, албатта. Хаддан ташқари ўзига ишониш ҳам яхши оқибатларга олиб келмайди. Лекин ҳамма сукутда. Бу сукунатни биринчи бўлиб, албатта, режиссёр бузади. Негаки, репетиция жараёнининг тўлиқ хўжайини режиссёр бўлиб, актёрлар унинг меҳмонлари ҳисобланади. Ҳўш, бундай вазиятда режиссёр нима қилиши керак? Албатта, эзмачиликка берилиб кетиш мумкин эмас. Бор йўғи икки-уч оғиз гап кифоя қилади. Шундан сўнг дарҳол саҳнага кўтарилиб, иштирокчиларни ҳам таклиф қилиш керак. Шундай қилинганида режиссёр меҳмонларни худди ўз уйи билан танишираётгандек: эшик ва деразаларни, кириб чиқиш йўлларини актёрларга тушунтириб беради. Шунингдек, зарур реквизитларни кўлига тутқазади ва уларни қаерда, қачон, ишлатиш кераклигини тушунтиради. Шундай қилинганида ҳамма бир зумда ўз иши билан банд бўлиб қолади. Саҳнадаги декорация тўғрисида тушунтириш ишларига ҳам икки-уч дақиқа кифоя қилади. Шундан сўнг режиссёр актёрларни томоша залига ўтқизиб, ўзининг бўлажак спектакль ҳақидаги тасаввурини, кўзланган мақсад, уларга эришиш йўллари, мизансаҳнанинг умумий кўриниши ҳақида гапириб, айрим жойларини кўрсатиб беради.

Агар актёрлар орасида тажрибасизлари бўлса, унда шошилмасдан ҳар бир парчанинг вазифаси, актёрнинг айни жойда бажариши керак бўлган ҳаракатларини батафсил тушунтириб бериши лозим. Борди-ю актёрлар тажрибали бўлса, умумий манзарани чизиб беришнинг ўзи кифоя қилади. Чунки, кўп гаплар стол атрофида ўтириб ишлаш жараёнида аниқланган бўлиши керак. Режиссёр актёр учун ўйлаш, эркин ҳаракат қилиш имкониятини яратиб бермаса, тезда кўпчиликнинг меъдасига тегиб қолиши мумкин.

— Ҳозир нима қиляпсиз? Бу ердаги ҳаракатингиз қандай эди? Нега ундей, нега бундай? Мана бу курсини кўриб қўй, бу эса ҳасса, мана бу хокандоз, — деб актёрни эркин ижод қилишига ҳалақит бермаслик керак.

### 2.

Кўрсатиб берган маъқулми ёки гапириб берганми?

Гапириб, тушунтириб бериш осонроқ бўлсада, кўп гапиришликни талаб қилади. Унинг устига аниқ бўлмайди. Ҳамма гапни ҳам гапириб, тушунтириб бериш қийин, албатта. Кўрсатиб бериш яхши, аммо хафвли. Унинг натижаси тезроқ кўринсада, актёрларни режиссёрга тақлид қилишга ўргатиб қўйиши мумкин.

Умуман олиб қараганда, режиссёрнинг тез-тез кўрсатиб бериши яхшими, ёмонми?

Саҳнада актёрчасига кўрсатиб бериш, бу актёр учун тақлид қилиш билан баробар. Кўрсатиб беришнинг бундай усули маъқул эмас, албатта. Агар режиссёр яхши кўрсатиб бера олмаса, ўз обрўсини тўкиб қўяди. Актёрларни ишонтириши қийин бўлади. Агар яхши кўрсатиб бергудек бўлса, актёрни шаштидан тушириб қўяди. "Албатта, мен бундай даражада ўйнай олмайман", дейди ичида. Шунинг учун ҳозиргина сиз кўрсатиб берган саҳнани ҳеч бир иштиёқсиз қайтаришга тушади. Шунинг учун актёрчасига кўрсатиб бериш мумкин. Фақат тарбиявий мақсадни кўзлаб кўрсатиш керак. Бундай кўрсатиш дангаса актёрни мудроқ ҳолатдан уйғотиб, озгина ташаббусини қўзғатиш учун фойдали бўлади. Мисол учун, саҳнада рақс билан боғлик парча репетиция қилиняпти. Сиз актёрдан айрим нарсаларга риоя этишликни талаб қиласиз:

—Шу жойда рақс тушишдан тўхтамаган ҳолда, гаплаша туриб, томошабинга ўгирилиш керак, ҳамроҳингизни томошабинга ўгирилиши учун имкон яратиб беринг.

—Мен бундай қила олмаяпман.

—Яна бир ҳаракат қилиб кўринг.

Актёр яна репетиция қилади, бироқ топшириқни бажара олмайди. Сиз яна тушунтирасиз.

-Ўзингиз кўп юрмасдан, бир жойда оёғингизни ўзини ўйнатиб туинг. Ҳамроҳингиз сўзи келиши билан томошабинга орқа қилиб туриб олсангиз, унинг юзи томошабинга кўринади.

Аслида у қадар мураккаб бўлмаган ҳаракатни бажариш қийин иш эмас. Аммо актёрнинг қайсарлиги тутиб, бу ҳаракатни бажариш учун ўзини қийнагиси келмаса-си?!

— Мен рақкос эмас актёрман, кўряпсизку чиқмаяпти,  
— дея баҳона қидиради у.

— Бу ерда рақкос бўлиш шарт эмас,  
қараб туинг.

Режиссёр, ҳозиргина ўзи тушунтирган ҳаракатни, саҳнага чиқиб кўрсатиб беради.

Савол туғилиши мумкин: *Режиссёр ўзи талаб қилган ҳаракатни, ўзи кўрсатиб бериши керакми?*

Албатта!

Лекин ҳамиша ҳам эмас. Ўта зарур бўлган вазиятлардагина, кўрсатиб бериши мумкин.

Баъзаи актёрлар, режиссёрни синаш учун жўрттага :

— *Шу жойини ўзингиз кўрсатиб беринг*, — деб туриб олишади.

Бундай вазиятда сира иккиланмай саҳнага чиқиб кўрсатиб бериш шарт. Режиссёрнинг, кўрқмасдан саҳнага отилиб чиқиб, ўзи талаба қилган ҳаракатларни кўрсатиб бераолиши, унинг катта ютуғидир. Лекин зинҳор актёрлар томонидан ўзини калака қилинишига йўл қўймаслиги зарур. Бир-икки сафар актёрларнинг бундай муғомбирликларига жавобан, саҳнага

чиқиши мумкин. Лекин бир-икки сафардан кейин "асалнинг ҳам ози яхши" қабилида иш тутиши мақсадга мувофиқдир. Менинг вазифам сизларга топшириқ бериш, сизнинг вазифангиз уни бажариш, дея талаб қилишлик билан ишни давом эттириш керак.

**Актёрчасига қўрсатиш** — бу қандай тимсолни, саҳнани, муносабатни қандай ўйнаш кераклигини қўрсатиб беришдан иборат.

**Режиссёрчасига қўрсатиш** эса мазкур парчада қандай вазифани бажариш кераклигини қўрсатиб беришдан иборат.

Шунинг учун режиссёрчасига қўрсатиб беришдан сира чўчимаслик керак. Чунки, бу вазиятда режиссёр актёрнинг олдиги қўйилган вазифасини қисқа ва лўнда қилиб намойиш этиши зарур. Режиссёр, гарчанд катта ёшдаги машҳур актёrlар унга қараб турган бўлса ҳам, сира истиҳола қилиб ўтирай ўз вазифасини бажариши зарур. Негаки, саҳнада ҳар кимнинг бажариши мажбурий бўлган аниқ вазифаси бор бўлиб, режиссёрнинг вазифаси эса актёrlарни тўғри йўлга солиб туришликдан иборат.

Хўш, у ҳолда тушунтириш, гапириб бериш нима бўлади?

### 3.

Ҳам тушунтириб, ҳам қўрсатиб бериш режиссёрлик қобилиятини намойиш қилишлик билан баробар. У саҳнага чиқиб, писадаги рол матнини бошдан-оёқ гапириб бериши шарт эмас.

Режиссёр саҳнага чиққанида актёр томоша залига тушиб ўтириб олмай, бир-икки қадам нарига бориб туриши ва режиссёрдан кейин дархол репетицияни давом эттириб кетиши лозим. Афсуски, айrim режиссёрлар кўпинча актёрчасига қўрсатиб беришга берилиб кетишади. Албатта, бу актёрнинг ҳамиятига салбий таъсири қўрсатмай қолмайди. Шунинг учун баъзан актёrlар, режиссёр энди қўрсатмоқчи бўлиб турганида: — **Бўлди тушундим, ҳозир ўзим ҳаракат қилиб қўраман,** — дейди.

Ҳар бир нарса ўз мейёрида бўлгани маъқул.

## КИМ КИМНИ?

### 1.

Актёр режиссёр топшириғини қанчалик аниқлик билан бажариши керак?

Агар техник жиҳатдан қаралса, аниқ бажариши керак. Чунки, режиссёр ўзи қўрсатиб берган ҳаракатни тахминий бажарилишини ва ниҳоят актёрнинг дангасалигига тоқат қилиб туриши керак эмас. Лекин актёр кўрсатилган ҳаракатни ёки топшириқни бошқачароқ шаклда кўрсатса, бу бошқа гап.

Бироқ актёрнинг ҳам эътиroz билдиришга, ўзи тасаввур қилган сифатларни асарга киритишга ҳаққи бўлганидек, режиссёрнинг ҳам спектаклни тўлақонли эгаси сифатида уни қабул қилиш ва қилмаслик хуқуқи тартибга солинган бўлиши шарт.

Тартибга солиш уч кўринишда бўлиши мумкин: Масалан, актёр ва режиссёрнинг ижодий иш жараёнидаги муносабатларини уч кўринишдан келиб чиқиб қабул қилиш мумкин бўлган ҳаракатларни, спектаклнинг йўналиши ва

жанридан келиб чиқиб, қабул қилиб бўлмайдиган таклифларни белгилаб олиш мумкин.

**Биринчи шакл** — режиссёр таклиф этади, актёр бажаради.

**Иккинчи шакл** — режиссёр таклиф этади, актёр ўз фикрини билдиради, режиссёр қабул қиласди.

**Учинчи шакл** -режиссёр таклиф қиласди, актёр ўз фикрини билдиради.

Режиссёр бу фикрни қабул қилмайди. Актёр, режиссёрнинг айтганини қиласди.

Шундай режиссёrlар борки, улар фақат биринчи шакл билан ишлашни ёқтиришади. Бундай йўл билан улар актёрнинг асарга бўлган қизиқишини, уни яратишда ўзининг ҳам ҳиссаси борлигидан фахрланиб юришдек имкониятидан маҳрум қилиб, бутун ижодий жамоа меҳнати, асарни дунёга келишидан манфаатдорлигини йўққа чиқариб қўяди.

Бошқа бир режиссёр актёрнинг ҳар қандай таклифига қарши боришни ўзига эп кўрмай, унинг таклифлари орасида йўқ бўлиб кетади. Бундай шаклда ишлашда репетиция жараёни ҳам, спектакли ҳам "бозор" бўлиб кетади.

Бизнинг назаримизда, юқорида кўрсатиб ўтилган шаклларнинг биронтаси ҳам репетицияда ҳақиқий ишчанлик шароитини вужудга келтириш учун халақит бермайди. Фақат ҳар уччаласидан ўз ўрнида, мулоҳаза юритиб фойдаланиш зарур.

Энди учинчи шаклини олиб кўрайлик.

Режиссёр актёрнинг таклифини қабул қилмаганидан кейин савол бериши мумкин.

— *Нега менинг таклифим тўғри келмайди?*  
ёки

— *Сизнинг айтганингиз нимаси билан тўғри ва яхши?*

Режиссёр эса унга жавобан жаҳл билан,- чунки буни мен айтдим, сенга қараганда мен нима қилишни яхши биламан, дейди.

Шундан кейин актёр ўзидаги ички эътирозни бостириш ўрнига режиссёр айтганларини ҳеч бир хоҳиҳсиз бажаришга тушади.

Энди бошқа шаклини олиб кўрайлик:

Режиссёрнинг кескин сўзларидан кейин актёр ҳам ўзининг ҳақлигини исботлашга тушади:

*-Ахир сиз ҳам янглишишингиз мумкинку!*  
ёки

*—Биз актёрлар қўғирчоқ эмасмиз, шунинг учун ҳақ эканлигинизни исботлаб беринг.*

Шундан кейин режиссёр актёрга дўқ-пўписа қиласди ёки узундан-узоқ тушунтиришга киришиб кетади. Натижада, репетициядан кўзланган мақсаднинг ярмига ҳам эришиб бўлмайди.

## 2.

Биз юқорида режиссёrlар фаолиятининг айrim жихатларини кўриб чиқдик. Келинг, энди актёрларни ҳам кўриб чиқайлик.

Шундай актёрлар борки, улар режиссёр билан умуман баҳлашиб ўтирайдилар. Улар ҳам иккига бўлинадилар.

Булардан биринчилари "*олма пиши, оғзимга туши*" деб, режиссёр нима деса шуни сўзиз бажарадиган, ташаббусиз бўлиб, ўзларини тамоман режиссёр ихтиёрига топшириб қўядилар. Бундай актёрларда ташаббусни уйғотиш учун уларни кўпроқ мустақил фикрлашга даъват қилиш, эртага мана буни ўйлаб бир нарса топиб келинг; дея қизиқтириш керак.

Иккинчи бир актёр ҳам режиссёр билан баҳлашиб ўтираймай, унинг топширикларини бажаришга дарҳол киришади. У режиссёрдан қандай топшириқ олмасин, дарҳол уни ўзиники қилиб олишга, қизиқарли ижро этишга, режиссёрнинг кўрсатмаларини ҳар томонлама бойитишга ҳаракат қиласидилар. Бундай актёрлар энг олийжаноб санъаткор ҳисобланадилар. Бундай актёрлар билан ишлаган режиссёрларнинг иши унумли, қизиқарли, ҳеч бир асабийлашишга ўрин қолдирмайдиган ижодий шароит вужудга келади.

Баъзи актёрлар эса бўлар-бўлмасга баҳлашишни ёқтирадиган, қандай бўлмасин ўзиникини “маъқуллашга” мойил бўлишади. Ишнинг умумий натижаси зарарига ишласа ҳам майли, лекин фақат унинг айтгани бўлиши керак. Ундалар билан ишлаш қийин. Шунинг учун бундай актёрлар билан кўпроқ алоҳида ишлашлик, бўлар-бўлмасга баҳлашавериш ҳеч қандай натижа чиқармаслигини тушунтира бориш керак. Агар бундай актёрлар бир неча бор режиссёр топшириғини бажариб бўлганидан кейин ҳам ўзиникини маъқуллаб турса, унинг таклифини ҳам кўриш керак. Шунда ҳам актёр тушунтира бошлиши билан уни дарҳол тўхтатиб, *марҳамат, кўрсатиб беринг* дейиш фойдали бўлади. Унинг таклифларидан ролнинг сифати ошса, сахнадаги ҳамроҳига ёрдам берса, бундай таклифидан юз ўгирмаслик керак.

Актёр эса ўзининг таклифи қабул қилинмаса сира хафа бўлмай, режиссёрнинг кўрсатмасини бажаришга киришиб кетади. Бунинг учун режиссёр ҳам, ўзининг топшириғига нисбатан актёрнинг таклифи қизиқарли бўлса, уни дарҳол қабул қилиш керак. Натижада, икки ўртада ижодий ҳамкорликни янада мустаҳкам изга солиб олиши учун шароит яратилади.

### 3.

В.Маяковский актёрларни "катта болалар", деган экан. Ҳақиқатан ҳам бу гапда жон борми?

Репетиция жараёнида актёр билан режиссёр ўртасидаги муносабатлар турлича бўлиши мумкин. Бир шароитда улар икки мамлакатнинг элчиларига ўхшаб кетишиса, бошқа бир ҳолатда самимий дўстга ўхшайдилар. Яна бошқа бир ҳолатда оталар ва болаларга ўхшаб кетадилар. Ота ва она ўз фарзандлари олдида обруларини туширмаслик учун нима қилишлари керак?

Биринчи навбатда, ёши катта одам бир поғона юқорида туриши керак. Қандай қилиб?

Ўз сўзига эгалик қилиш, ўз эътиқодига садоқати орқали эришилади. Агар қонунчиликда бири қонун чиқарувчи, иккинчиси фақат унга бўйсунувчи бўлса, қонун чиқарувчи учун ҳам, ўзи риоя этиши керак бўладиган қонун зарур. Агар режиссёр репетицияга кечикканлар ишга қўйилмайди деса, биринчи навбатда,

бу тартибга ўзи риоя этиши лозим. Репетиция муддатини белгилаган режиссёр, белгиланган вақтда ўз иш жойида ўтирган бўлиши шарт. Шунингдек, бир гапни айтдими, сўзининг устидан чиқиши шарт. Агар *бугун тўхтатмасдан спектаклни бошидан охиригача кўрамиз* деса, айтганини бажариши лозим. Негаки, актёрнинг ички ҳиссиёт ва сезгилари тайёр ҳолда шунга мослашган бўлади. Актёр саҳнага чиқиб, бир оғиз гапни гапириши билан пастдан туриб "*тўхтанг*", деб бақирилса ва яна ишни майдалаб кўришдан бошланса, актёрнинг дарров энсаси қотади. Кўнгли ишдан совийди. Ёки режиссёр "*палон парчадан, палон парчагача ишлаймиз, сўнгра танаффус қиласиз*" деса, сўзида турмоғи керак. Қонун ҳамма учун баробар бўлишлиги икки ўртадаги келишмовчилик, ҳар турли мунозара ва баҳсларга ўрин қолдирмайди.

## РЕЖИССЁР – ХАТОТ !

### 1.

**Актёрлик кўрсатуви** да режиссёр нимани ўргатиши керак?

Энг аввало, ижрочи қаерда нима иш қилишини.

Яъни мизансаҳна ва жисмоний ҳаракатни. Баъзан буни режиссёрнинг чизмаси ҳам дейилади. Гўё рассом тоза қоғозга бўлажак асарнинг қораламасини чизгандек.

Одатда, режиссёрлик чизмасининг уч кўриниши аҳамиятлидир.

- **йўналиш бўйича;**
- **муҳим нуқталар;**
- **жисмоний ҳаракат бўйича йўналиш**

Йўналиш бўйича актёрларни жойлаштиришда кўпроқ таъсирчан ҳаракатлар бажарилиши керак бўлган саҳналар назарда тутилади. Бу ерда ҳаракатнинг сифати муҳимдир.

Иккинчи турдаги кўрсатишда мизансаҳна бўйлаб муҳим бўлган нуқталар белгиланади.

Масалан:

“Буратино” асаридағи якуний саҳнада Карабас билан Буратино тарафдорлари ўртасидаги тўқнашув асосий аҳамиятга эга.

“Олтин калит” учун улар ўртасида жанг бўлиши керак.

Шунинг учун, тўқнашув, олишув, худди баскетбол ўйинидаги копток учун курашга ўхшайди.

Карабас олтин калит билан Буратинонинг жигига тегишга ҳаракат қиласи. Буратино одамлари эса жойидан қўзгалмайди. Карабас калитни Базилиога ирғитади. У калитни ушлаганича саҳнанинг ўртасига келиб, Буратино билан Пьерони мазах қила бошлайди. Пьеролар эса саҳнанинг бошқа бурчагига ўтиб олади. Пьеро мушукни чалғитади. Вақтдан фойдаланган Буратино калитни Мушукнинг қўлидан олиб қочади. Қаердандир пайдо бўлиб қолган Тулки калитни Буратинодан олиб, Карабасга ирғитади. Лекин калитни Мальвина илиб олиб, бурчакка туриб олади. Буратино дўстлари билан бостириб келаётган Карабаснинг йўлинин тўсадилар. Гуруҳлар яна жойларини ўзгартиришади...

Мазкур мизансаҳнада ҳаракатлар сифати эмас, аниқ шакли, бориб тўхтадиган ёки ҳаракат бошланадиган нуқталар муҳимdir. Мақсад- зарур вақтда энг қисқа йўл билан ўзи учун белгиланган жойга етиб олиш ва ўша ерда туришиликдир. Актёрлар ўз жойларини яхши билиб олишгач, мизансаҳна ва уни ишлаш, яъни бадиий бўёқ бериш навбати келади. Бундай иш усулида, саҳнада кўпчилик бўлса-ю уларнинг фаолияти узлуксиз ҳаракат билан боғлиқ бўлса, кичик саҳначаларга бўлиб ишланади. Учинчи йўл — бу жисмоний ҳаракат йўналиши бўлиб, кўпроқ майший мавзудаги асарларда қўл келади. Ҳар бир иштирокчининг ўз йўналиши ва уларнинг бир-бири билан боғлаб турадиган ҳаракатлар чизиги белгиланади.

Яна муҳим бир масала, агар репетиция кичик хонада ўтказилаётган бўлса, сира ҳам эринмай ҳамма мизансаҳналарни шу жойда ишлаб олиш керак.

— Бундай саҳналарни эртага декорация тайёр бўлганида ишлайман, дейилса катта хатолик бўлади. Чунки, декорациялар тайёр бўлганида майдачуда саҳначаларни ишлашга вақт етмайди. Ҳамма икир-чикирларни эринмай, репетиция вақтида ишлаб тахт қилиб қўйилса, саҳнага чиқилганида умумий манзаралар, умумий саҳналарни бир-бирига боғлаш осон кўчади. Иш унумли бўлади.

## МУВОФИҚЛАШТИРИШ (синтез) 1.

Санъатда таҳлил билан шуғулланиш, мушоҳада юритиш, кўп қизиқарли юмуш. Айниқса, энди санъат оламига кириб келаётган режиссёр, агар у илмий изланишлар олиб бораётган бўлса, яна ҳам жозибали бўлиши аниқ. У пъесанинг ичига чукурроқ кириб бориб, воқеалар, тимсоллар, драматургнинг маҳорати, услубини қанчалик кўп мушоҳада қилишга ҳаракат қилса, шунчалик унинг билим бойлиги кенгайиб бораверади. Аммо кунлар ўтаверади, пъесани ишлаб топшириш вақти тобора яқинлашиб келади. Гарчанд, пъесани бўлак-бўлакларга бўлиб, дастурхонга териб қўйилгандек туюлса ҳам уни йиғишириб, бир-бирига боғлаб яхлит спектакль ҳолига келтириш учун вақт қолмайди. Бунинг устига стол атрофида ўтириб ишлаш жараёни учун ҳаддан ташқари кўп вақт сарфлаб қўйган. Энди нима бўлса бўлди деб, наридан бери спектаклни йиғишишга, парчаларни бирлаштиришга киришиб кетилади.

Афсуски, шошлиңчда энг муҳим қисмлар, ҳолатлар ёддан кўтарилиб кетади.

Бир неча спектакллар саҳналаштирилганидан кейин бу режиссёр анча ақлини пешлаб олган бўлиб, спектакль чиқишига бир-икки ҳафта қолганида пъесани таҳлил қилишни йиғишириб қўйиб, асарни тўхтатмасдан репетиция қилишга киришади. Тўхтатмай репетиция қилиш жараёнида шу нарса аён бўладики, асар устида олиб борган илмий изланишлар, пъесанинг таҳлили натижасидаги хulosалар спектаклда ўз аксини топмаган бўлади. Режиссёр эса "актёрнинг маҳорати етмаган", деган хulosага келиб, ўзининг изланишларидан кўнгли жойига тушади. Аммо асосий сабаб, бу ерда режиссёрнинг техникаси етишмаганлигидадир.

Муқояса ( назарияда ёзилганлари билан амалда акс этганларни бир-бирига солиштириб, қиёслаш) қилиш фақат саҳна қурилишлари, тўхтовсиз репетициядан иборат эмаслигини режиссёр бора-бора тушуниб етади. Профессионал театрда

муқояса учун 70 фоиз вақт сарф бўлади. Муқояса ҳам ижодий жараён бўлиб, аввалдан пъесани таҳлил этишга нисбатан ҳам қизиқарлироқдир. Чунки, муқояса профессионал театрлада бўлади. Худди фото қоғозга қизил чироқ ёрдамида туширилган расм каби, аста-секин, бўлғувси санъат асарининг айрим қирралари секинлик билан кўрина бошлайди. Шунинг учун бу синоатни тушуниб етган режиссёр асарни таҳлил қилишдан кейин муқояса қилмай, аксинча, таҳлил билан баробар муқояса ҳам қилиб боради. Ҳозирги замон театр санъатида таҳлил, репетиция ва муқоясани алоҳида-алоҳида эмас, биргаликда қўшиб олиб борилади. Ҳар бир жараённи қўшиб олиб борилганида, режиссёрнинг барча ижодий хужайралари баробарига ишга тушади. Пиесанинг маълум қисмини саҳнага жойлаштириб бўлгач, бир сидра бажарилган ишни мустаҳкамлаш мақсадида, таҳлил қилинган назарий билим билан бажарилган амалий ишни бир-бирига солиштириб, чиқиш зарур. Бир саҳнани репетиция қилинаётган вақтда олдинда келадиган воқеа ва саҳналарни мутлақо назардан четга чиқармаслик керак.

Репетиция ибтидосида назарий томондан ишланган режиссёрнинг чизгилари билан амалда эришилган натижаларни ҳамиша муқояса қилиб боришлик мухим хислатдир.

Ҳар бир репетицияда, маълум юки бор саҳналарни тақсимлаш ва ўша саҳнани бир-икки қайтариб, актёrlар онгида мустаҳкам ўрнашиб олишини назорат қилиш керак. Шу билан бирга бу саҳна умумий қўринишга мос тушяптими йўқми, режиссёрнинг умумий таҳлилига солиштириб, таққослаб бориш лозим. Демак, ҳар бир репетицияда режиссёр асардаги жумлалар сонига қараб эмас, ўзи томонидан тузиб чиқилган пиеса партитурасидан келиб чиқиши мухимдир. Репетицияни тўхташида, репетиция қилинаётган саҳнадан кўзланган фикр якун топиши ёки матн катта бўлса, ўзи хоҳлаган жойида тўхтатиши мумкин. Бу ерда энг мухими, актёр учун бундан ортиқ нафис ҳаракатларни бажариш оғирлик қилиши мумкин бўлган ҳолатни сезиш билан ишни тўхтатиш фойдалидир. Одатда, актёrlар бир репетиция давомида тўрт-беш, кичик парчалардаги ҳаракатларни қабул қилишлари ва ўзлаштира олишлари мумкин. Шундан сўнг бажарилган ишни мустаҳкамлаб олиш керак. Яъни репетиция қилинган саҳнани уч-тўрт марта қайтариш мумкин. Кўпинча репетицияни ярмига борилганда, актёrlар "танаффус қилиб олайлик", деб қолишади. Шунда режиссёр, гўё уларнинг таклифини қабул қилгандек бўлиб, "ҳозир ўтганларимизни қайтариб олайлик, кейин танаффус қиласиз", деса актёrlар дарров кўнишади. Лекин режиссёр қайтариш ўрнига яна бир бошдан тушунтириб кетса, бир жойини қайта-қайта такрорлайверса, сўзсиз актёrlар норозилигини келтириб чиқаради. Репетициянинг иккинчи, танаффусдан кейинги қисмида ишни шундай олиб бориш керакки, ҳозир бажарилган иш билан эрталабдан бери ўтилганларни ҳам бир-икки қайтариб олишга вақт қолиши керак.

Одатда, ўтилганларни қайtарилган вақтда, ҳар қанақа вазият бўлишидан катъий назар, актёrlарни тўхтатмасликка ҳаракат қилиш керак. Ҳатто пъесадаги матнлар тушиб қолган тақдирда ҳам.

Репетициянинг яна бир мухим томони шундан иборатки, асардаги кичик бир парчани ишлашга жуда кўп вақт сарфлаб, қолган саҳналарни "кейинроқ тақсимлаб чиқаман" дейиш ўта хатоликдир. Ўша "кейинчалик" ҳеч қачон

бўлмайди. Ёки асарни бошдан-оёқ сочиб олиб, кейин бир бошдан қайтараман дейилса, сочилган саҳналар тезда актёрларнинг хотирасидан кўтарилиб кетган бўлади. Шунинг учун саҳналаштиришга ажратилган вақтнинг ҳар дақиқасидан унумли фойдаланиб, саҳналарни тақсимлаш ҳам, ўтилганларни қайтариш ҳам керак. Бунинг устига ҳамма саҳналарни тақсимлаб улгuriш ҳам зарур.

## 2.

Репетициялар бошланишида ҳамма нарса режиссёрга аниқ-равshan бўлиб, ишнинг ўртасида ноаниқликлар пайдо бўлса, ишнинг ниҳоясида яна ҳамма нарса аниқ-равshan кўрина бошласа, демак, иш тўғри режалаштирилган ва аниқ йўналиш бўйича боряпти.

Агар репетиция қилинган сайин қўп нарсалар тушунарсиз кўринса, ҳали олдинда қилинмаган ишлар ошиб-тошиб ётгандек туюлса ҳам режиссёр сира ўзини йўқотиб қўймаслик керак. Чунки, бундай ҳолатни юзага келиши табиий бир ҳолдир. Бундай кезларда "**қани нималар қилганимизни бир қўриб қўяйлик**", деб асарни спектакль ҳолатига келтириш учун уриниш ўта хатолик ҳисобланади. Негаки, асарни биринчи марта бошидан қайтариш, ҳеч қачон кутилган натижани бермайди. Бу иш худди наридан-бери, пала-партиш елимланган қофоз парчалари йифиндисига ўхшаб кетади. Бундай кезларда режиссёр мутлақо ўзини йўқотиб қўймасдан актёрларга яхши гапириши, уларнинг кайфиятини кўтариши, ўрни билан ҳазил-хузул қилиши, шу йўл билан улардаги ишончни сўндириш ўрнига яна ҳам кўтаришга интилмоғи тавсия этилади.

Театр шароитида шундай вазиятлар ҳам бўладики, олдинроқ ишга тушган асар ўз вақтида чиқмай қолиб, саҳна бўшамаслиги мумкин. Бундай кезларда саҳнага чиқишига шошилмаслик керак. Аксинча, бошқалар назарида ҳали репетиция хонасида қилинадиган ишлар ошиб-тошиб ётгандек бўлиб туюлиши керак. Албатта, бундай вазифани режиссёрдан бошқа ким ҳам ўз зиммасига оларди. Шунинг учун режиссёр хотиржамлик билан репетицияларни яна бир бошдан шошилмай қўриб чиқишига киришмоғи керак. Бунда барча иштирокчиларни, ишга чақирмай, айрим саҳналардаги актёрларни ўзини чақириб, ўшалар билан ўтилган саҳналарни яна ҳам мустаҳкамлашга, улар ўртасидаги муносабатларни чуқурроқ таҳлил қилишига, бошқа саҳналар билан муқояса қилишига киришиш кўп фойдалидир. Лекин зинхор бундай репетициялар даврида аввалги ишларни инкор этиб, бошқа мизансаҳналар яратишга киришмаслик керак. Чунки, актёр бир зумда ўзгариб қоладиган қўғирчоқ эмас. Факат ўтилганларни яна ҳам мустаҳкамлаш, берилган шарт-шароитдаги мақсадларни яна ҳам изчил амалга ошириш йўлларини қидириш, ранг-баранг йўллар топиш устида биргаликда ижод қилиш керак. Вужудга келган вазиятдан фойдаланиб, писани бошдан оёқ яна бир карра кўриб чиқилганидан кейин унга тегмаслик керак. Эндиғи иш факат саҳнада давом этиши мумкин.

## **НАВБАТДАГИ ДОВОН**

1.

Асосан кичик бир хонада репетиция қилиб, бирдан катта саҳнага чиқилганида, ҳар қандай режиссёрда ҳам ҳаяжонланиш бўлади. Сабаби, бу ердаги имконият ва шароит мутлақо бошқачадир. Биринчидан, маконнинг кенглиги, майдоннинг чексизлиги, баландлик, ён томондаги пардалар (кулислар) ортидаги бўшлик, устига-устак, бўш бўлса ҳам томоша залининг борлиги ҳаяжонга сабабдир. Ҳали учишга қодир бўлмаган "темир қанот" асар бу чексиз майдонда ўзини қандай кўрсата оларкин. Щунинг учун Г. А. Товстоногов асосий репетицияларни ҳамиша кичик хонада ўтказган. Агар режалаштирилган ишлар ниҳоясига етмай қолса, бўш бўлса ҳам асосий саҳнага чиқишига шошилманг. Лекин асар парчалари мустаҳкам ишланган бўлиб, вазифалар аниқ бажарилишига эришилган бўлса, албатта, асосий саҳнага чиқиш керак.

2.

Асосий саҳнага чиқиш бу мутлақо янгича, бошқа ижодий жараён эканлигини режиссёр ёдда тувиши керак. Бу навбатдаги янги **довондир**.

Режиссёр саҳнага чиқибоқ кичик хонада ўтказган репетицияларини қайта кўришга тушиб кетса, иш оғир кўчади. Чунки, бу бир довондан ошиб ўтмай туриб, олдинда кутиб турган бошқа довонга қўтарилиши керак бўлган одамга ўхшайди. Лекин сени олдинда нималар кутаётганини аниқ билсанг, шунга қараб куч сарф қиласан. Тажрибасиз режиссёrlар ижодий иш бир томонда қолиб, боши билан ишлаб чиқариш ишларига киришиб кетади. Бир томондан репетициялар учун ажратилган вақт қисқариб борса, ҳали саҳнага қўйилмаган декорация қисмлари, реквизитлар уни мутлақо ижодий издан чиқариб юборади. Тажрибали режиссёр ишлаб чиқариш ишлари билан ён-маён энг асосий иши репетиция эканлигини яхши билади. Кичик хонада сочиб ташланган спектакль бўлакларини жамлаш, уларни спектакль ҳолига, бадиий асар даражасига қўтариш учун асосий эътиборини спектаклга қаратади. Режиссёrlик касби юрагини ҳовучлаб ишлайдиганлар учун эмас. Бундай вақтларда театрдагиларнинг камдан-ками бўлажак спектаклни муваффақиятли чиқишига ишонади. Бу ҳам камлик қилгандай атрофда турли-туман ғийбат, миш-миш, истехзоли кулгилар кўпайгандан кўпайиб боради. Аммо ўз кучи, билимiga ишонган режиссёр уларнинг биронтасига эътибор бермай, бошлаган ишини сабот билан давом эттираверади. Матонат, қатъият, сабр-тоқат билан ишни давом эттириш керак, тамом вассалом! Режиссёр шундай иш тутсагина ҳамма тўсиқларни енгиб ўтади.

3.

Бундай вақтларда репетицияларни тўғри йўлга қўябилишлик катта аҳамиятга эга.

Тасаввур қилиб кўрайлик. Актёр эрта билан барвақт туриб ювиниб, тараниб, соқолларини олиб, тоза усти бош кийиб, ховлиқиб эрталабки репетицияга етиб келади. Келганда ҳам ўн-ўн беш дақиқа олдин келиб, репетиция кийимларини кийиб, саҳнага чиқишига тахт бўлиб турипти. Лекин репетиция негадир бошланмайди. Гримхонасига кириб, сигарета чекади. Қарта ўйнайди. Овози бўғилган режиссёр эса репетиция учун ҳали у нарса, ҳали бу нарса йўқлигидан жиги бийрони чиқади. Ниҳоят, аллақанча вақт ўтиб, саҳнага чақирилади. Сўзини

такрорлайди. Режиссёр эса турли-туман техник камчиликларни бартараф этиш билан овора. Бу ҳам камлик қылғандай, бот-бот залга одам кириб чықади. Саңнага нималарнидир ўрнатган, тузатган бўлади. Йўлакда кимдир бирорга бақиради. Мана шундай вазиятда қандай қилиб унумли репетиция қилиш мумкин?

Энди бошқа бир шароитни қўрайлик.

Ўша актёр саҳнада бўладиган биринчи репетицияга келяпти.

Аввалги сафар эрта келиб қўйиб таъзирини егани учун роппа-роса ўн бирда эшикдан кириб келади. Лекин эшикдан кириши билан олдига "**Секин гапиринг, репетиция бўляпти**", деган катта ёзувни қўйиб олган навбатчи аёл театр ичидагимликни сақлаб ўтирипти.

Наҳотки репетиция бошланишига қўнғироқ бўлди?

—**Бу иккинчи қўнғироқ, учинчисига улгурасиз, тезроқ бўлинг!**

У секин саңнага мўралайди. Кўрадики, саҳнадаги декорация қисмлари жой - жойида. Режиссёр эса кўлини орқасига қилиб олганича хотиржамлик билан у ёқдан бу ёққа юриб турипти.

"**Мана буни иш деса бўлади**", дейдию кийингани шошилади. У ўз хонасига югуриб борар экан, "**Эртага барвақт келишга тўғри келади**" деб, ўз-ўзига танбех беради.

Биз эшик тагида ўтирган навбатчи аёлни бекорга тилга олмадик.

Репетиция бошланган кундан спектакль чиққунга қадар ҳеч қандай қўнғироқ, эълон, чироқ эшик тагида ўтирган мана шу **навбатчи аёл** ўрнини боса олмайди.

Хўш, репетиция вақтида режиссёр томоша залининг қайси қаторида ўтириши керак? Одатда, режиссёrlар биринчи қаторда ўтиришни ёқтиришади. Бу, албаттаги нотўғири!

Чунки, спектакль кўпчилик томошабин учун саҳналаштирилади. Демак, саҳнада акс эттирилаётган воқеалар томоша залининг исталган жойидан кўриниши ва яхши эшитилиши керак. Биринчи қаторда ўзимизни улкан тоғниниг остида тургандек ҳис қиласиз. Саҳнадаги ҳамма нарса йирик бўлиб кўринади. Камчиликлар ҳам дарҳол кўзга ташланиб, кишини чалғитади. Шунинг учун спектаклни бошдан оёқ тўхтатмай репетиция қилинганида режиссёр, камида ўнинчи қаторда ўтириши керак. Оммавий саҳналар ишланганида эса энг қулай жой залнинг охири ёки иккинчи қаватдан туриб кузатган фойдалироқ. Сабаби, актёр ҳам ўзини анча эркин тутади, иккинчидан, спектаклнинг умумий кўриниши, яхлитлигини текшириш, муқояса қилиш мумкин.

#### 4.

Шу ўринда микрофон хусусида ҳам тўхталиб ўтиш жоиздир. Юқорида биз театрда ҳар бир нарсани одамнинг имкониятлари даражасида ўлчаш керак, деган эдик. Жонли овоз билан гапираётган актёр ва микрофон орқали гапираётган режиссёр ўртасида номутаносиблик пайдо бўлиши табиийдир. Лекин иштирокчилар кўп, режиссёр эса битта. Демак режиссёр, микрофонсиз саҳнадаги кўпчилик қархисида ёлғизланиб қолар экан. Нима қилиш керак? Албатта, микро-

фон ёрдамида овозни икки-уч баробар баландлатиш керак экан. Фақат икки-уч баробар, холос. Микрофондан гапирайтган режиссёр одоб чегарасидан чиқиб кетмаслиги керак. Ҳамма гапни микрофон орқали гапириш шартми? Бундай муносабат актёрларни чарчатиб қўймайдими? Балки айрим гапларни тўғридан-тўғри сахнага чиқиб, актёрнинг ўзига тушунтириб қўйган таъсирироқ бўлмасмикан? Яна бир гап. Репетиция жараёнида албатта, режиссёр ўз фикр мулоҳазаларини билдириб боради. Аммо техник ходимлар:- ёритувчи, радиист ва актёр учун бир турдаги фикр мулоҳаза билдириш ярамайди. Техник мутахассисларнинг ҳар бирига алоҳида алоҳида фикр билдириш лозим. Имкони бўлса, электр ёритувчи ва радиист билан боғланадиган алоҳида қўшимча микрофон қўйилса нур устига аъло нур бўлади.

## 5.

Саҳнадаги репетициянинг биринчи куни асарни бошдан-оёқ қўриқдан ўтказиш билан шуғулланмаган маъқул . Чунки репетиция хонасида топилган мизансаҳналар, бутунлай бошқа жуғрофий шароитга тушиб қолган бўлади. Актёр биринчи навбатда сахнадаги шароитни ўзлаштириб олиши керак. Дастребки репетицияда актёрнинг бутун диққат эътибори, ўтиш жойлари, парча ўйналадиган нуқталарни ўрганиш билан банд бўлади. Энг яххиси, сахнадаги дастребки репетиция вақтида актёрлар ҳамма сўзларни гапириб ўтирасдан ҳамроҳига(партнёр) сўз бериб ўтиладиган, гапириладиган, юрадиган, ўтирадиган жойларни бир сидра кўриб олиши керак.

- Чапроқка бориб тўхтайсиз. Сиз эса олдинроққа чиқинг. Ҳозир тўғри турибсиз, сиз эса хоним сал орқароққа ўтинг, бу ерини ўзгартиришга тўғри келади. Иккинчи пардада чиқиб чап тарафга, биринчи қисмга келиб тўхтайсиз ва ҳоказо...

- *Мен бу жойда қаердан чиқаман?*

- *Ўша жойда йўлак бўлади.* Ҳозирча тўғрига юриб, ўнгга буриласиз ва тахта супанинг устига чиқасиз.

Бир сахна, ундаги буюмлар, тахта супа ва дераза, эшикларни ўзлаштириш учун битта репетиция кифоя қиласди.

Шундан кейин техник жиҳатдан ўзлаштирилган сахнани репетиция қилиш мумкин. Биринчи репетициянинг мухим жиҳатларидан яна бири шуки, бу репетицияда актёрларни у ёқдан, бу ёққа юришига, қуруқ жой алмаштириш каби қайтариқлардан ушлаб туриш зарур бўлади.

## 6.

Спектаклнинг макети ишланаётган даврда сахнанинг эни, баландлиги, сахна олдидағи майдон аниқ ҳисоб қилинган бўлса, декорацияни сахнага ўрнатишда кутилмаган ҳолатлар рўй бермайди. Шунга қарамай, дастлаб пайдо бўлган фикрий ечимни бадиий ҳолга келтириш жараёнида, бизнинг хоҳишимиздан қатъий назар, кутилмаган ҳолатлар, шароитлар бўлиши табиий бир ҳолдир. Айрим вақтларда сахнага қўйилган декорация бошқача манзарани экс этдириши ҳам мумкин.

Режиссёр бундай вазиятларда учта йўлдан бирини танлашига тўғри келади:

—“*Нима бўлса бўлди*” деб, ўхшамаган декорацияга қўл силташ ва ишни

давом эттириш. Шундай қилинса, спектаклнинг эстетик кўринишига путур етади.

**ЁКИ** --Декорацияни ўзгартириш керак. Чунки, рассом, ишлаб чиқариш цехлари ёки саҳна қурувчилари томонидан қўпол хатоликларга йўл қўйилган бўлади. Шунинг учун йўл қўйилган хатоликни дарҳол бартараф этиш талаб қилинади.

**ЁКИ-** техник сабабларга кўра, декорациядаги ўзгаришлар макетдагидан фарқ қиласа, "*ox-box*" қилиб ўтирасдан, йўл-йўлакай, мавжуд декорацияга мослашиш керак. Чунки, режиссёрнинг тасаввури бошқаларникига қараганда кучли бўлиши керак.

—7.

Режиссёр учун маконни ҳис қилиш муҳим аҳамиятга эга. Бундай хусусият ҳайкалтарош ва манзаралар тасвирловчи рассомларда ривожланган бўлади. Рассом ўзи чизаётган расмидан узоқлашмай туриб, томошабин расмни қандай қабул қилишини, манзаралар жойлашган маконни ҳис қила олади. Масалан, "Алишер Навоий" ҳайкалини томошабин тўрт томонини айланиб кўриши мумкин. Театрда эса томошабин спектаклни уч томонидан, (ўртадан, чапдан ва ўнгдан) кўради. Шунингдек, саҳнадаги мизансаҳна тепаликдан, яъни болохонадан ҳам аниқ тўлиқ кўриниши керак. Ўзингизни синаб кўриш учун "Амир Темур" ҳайкалини шошилмай айланиб чиқинг. Гарчанд, ҳайкалнинг умумий кўриниши мукаммал бўлсада, турли тарафдан кўриниши турлича таассурот қолдиради. Ҳаммага бирдек яхши кўриниб, бирдек таъсир этадиган мизансаҳна қуришнинг мутлақо иложи йўқ. Демак, бундай шароитда актёрни, томоша залидаги барча курсиларни ҳис қилиб туришликка ўргатиш керак.

Кино санъатида "**монтаж**"нинг аҳамиятини ҳамма тушунади. Театрда ҳам "монтаж" қилишни ўрганиш керак. Айрим ҳолларда асосий воқеалар бошлангунга қадар кўп гап сўзлар ўтиши керак бўлади. Шундай вақтда ортиқча бўлиб туюлган парчани олиб ташлаб, воқеани мусиқа билан бошлаб юборишнинг ўзи спектаклнинг таъсир кучини бир неча баробар ошириб юбориши мумкин. Бундай ишларни спектаклни топшириш кунлари яқин қолганда амалга ошириш керак. Айниқса, саҳнага декорациялар тўлиқ ўрнатилиб, чироклар туширилиб, мусиқа янграган вақтда асарни чўзилган жойлари, кемтик томонлари кўзга яққол ташланади. "Монтаж" ишларини айни шу даврда бажариш лозим.

8.

Бир рассом подшоҳга: — **Мен ўз санъатимни тақомиллаштириши учун саҳрога чиқиб кетаман**, — дебти.

Орадан қирқ йил ўтиб, ўлим тўшагида ётган подшоҳнинг олдига ўша рассом қайтиб келипти.

— **Хўши шунча йил ичида нималарга эришдинг?** — сўрабди подшоҳ.

— **Мен хўрозни бешта чизик ёрдамида тасвирлашни ўргандим**, — дебти рассом ва мўйқаламни бўёққа ботириб, тоза тахтача устига бешта чизик

тортипти. Тахтача устидан шохга қараб турган хўрзанинг жони борга ўхшар эмиш.

—*Яхши, вақтни беҳуда ўтказмасан, сен санъатда энг муҳим нарсага эришишсан*, — деган экан шоҳ.

Режиссёрнинг ишида ҳам мана шундай жараён кўриниши керак Ҳар қандай санъат асарининг ўзига хос сиртқи кўриниши ҳам бўлиши лозим. Театрда мизансахна ва пластик фактуранинг кўзга ташланиб туриши, бажарилган ишнинг ижобийлигидан далолатdir. Саҳнадаги мизансахна томошабинга кўринибгина қолмай, сезилиши ҳам керак.

## 9.

Спектаклни бошдан оёқ қўриқдан ўтказиш вақтида актёрларни бўлар бўлмасга тўхтатавериш энг катта хатоликлардан бири ҳисобланади. Чунки, бундай ишлаш жараёнида актёр ўз ролининг узлуксиз ҳаракатини, ролнинг яхлитлигини, спектаклнинг бир бутунлигини сеза олмайди.

Хўш режиссёр бундай кезларда нима қилиши керак?

Йўл-йўлакай бўлаётган камчиликларга қўз юмиб қўя қолиш керакми? Агар шундай қилинса, спектаклнинг бадиийлигига путур етади. Ҳамма нарса тахминий бўлиб, ҳақиқий санъат асаридан жуда кам нарса сақланиб қолади.

Ўша камчиликларни, йўл-йўлакай ёзиб бориб, эртасига актёрларни йиғиб сухбатлашиш керакми? Кўпчилик режиссёrlар шундай қилади. Бу ҳам бир йўл. Аммо кўп ҳам тўғри йўл эмас. Сабаби, режиссёр камчиликни ёзиб олгунича, ундан ўн баробар кўп камчиликларни кўрмай қолиши мумкин. Иккинчидан, эрталабки бўладиган сухбат кам деганда бир соат вақт олади.

Бизнинг назаримизда бунинг энг унумли ва энг қулай йўли, ёзма тузатишлардир.

Режиссёр ўзи ёзмай, саҳнани кузатиб бориши керак.

Режиссёрнинг ёнида ассистент ўтириши лозим. Унинг олдида ҳар бир актёрнинг, ишлаб чиқариш бўлимларининг, ёритиш ва радио бўлим бошлиқларининг исми шарифи ёзилган тоза қофоз бўлиши лозим. Репетиция давомида режиссёр секингина камчиликларни айтиб қўйиши, ассистент эса унинг гапларини кимга ва қайси бўлимга тегишли бўлса, батафсил ёзиб бориши керак. Агар камчиликлар маҳсус босмахона қофозига ёзиб борилса нур устига аъло нур бўлади.

Намуна

*Муҳтарам жаноб \_\_\_\_\_ Спектаклни кўриши  
жараёнида \_\_\_\_\_ Режиссёр \_\_\_\_\_ Сиздан қуйидаги кам  
чиликларни эътиборга олишингизни илтимос қилади ва ҳоказо.*

**Хурмат билан режиссёр ассистенти:**

Актёр репетиция тугаши билан мана шундай қофозни қўлига олмай уйга кетмаслиги керак.

Оғзаки тушунтириладиган камчиликларни оммавий саҳна иштирокчилари учун эртанги бўладиган репетиция олдидан энг кўпи билан беш дақиқа ичида тушунтирилиши керак.

Техник ходимлар учун ёзилган камчилик қоғозларини репетициядан кейин асистент эга-эгаларига тарқатади. Шундагина ўзаро муносабатлар бир маромда давом этади. Актёрларнинг вақти тежалади. Режиссёрга асаби эҳтиёт қилинади.

Ҳар қандай ижодий ишга ҳам якуний нуқта қўйиш вақти келади. Режиссёр ҳам ўзининг спектаклига якуний нуқта қўйиши, чизгиларни амалга ошириши керак. Бунинг учун ҳамма ижодий жамоани ушлаб, эртадан кечгача шу иш билан шуғулланиш шарт эмас. Ўша саҳнада иштирок этувчиларнинг ўзи билан якуний мизансаҳнани ишлаб, эртасига охирги репетицияда спектаклга қўшиб юбориш мақсадга мувофиқдир.

Саҳнадаги умумий декорациядан ташқари уларнинг алоҳида бўлаклари ҳам бўлиб, мизансаҳналарнинг таъсирчанилиги ўша қисмлар билан узвий боғланган. Масалан, эшик, зина, дераза, пардалар, курси ва юмшоқ курсилар... ва ҳоказо. Бу қисмларнинг ҳар бири саҳнага қўйилганида, улар учун маҳсус репетиция вақти ажратишнинг ҳожати йўқ. Репетициядан олдин, танаффус вақтида ўша қисм билан ишлайдиган актёрнинг ўзига бири-икки дақиқа тушунтириб қўйилса кифоя. Агар спектаклда жанг, кураш, олишув, акробатика каби кўринишлар бўлса, иштирокчиларни репетициядан беш ўн дақиқа олдин чақириб, ўша саҳналарни кўриб олиш ва спектаклга қўшиб юбориш тавсия этилади.

## МИЗАНСАҲНА ВА УНИ ЁРИТИШ

### 1.

Репетициялар ниҳоясига етиши арафасилда яна бир унсур қўшилади. Бу саҳна чироқлари. Саҳнага чироқ туширишни режиссёр тамоман бошқа одам ихтиёрига топшириб қўйиши керак эмас. Айрим режиссёrlар саҳнани ёритиш ишларини актёрлар билан бирга репетиция вақтида олиб боради. Актёрларни ҳар дақиқа тўхтатиб, чироқларни тушириш, уларни бошқа жойга кўчириш билан боғлиқ ишлар актёрлар асабига таъсир этади. Бу ҳам етмаганидек, унумли иш бўлмайди ва энг зарур бўлган асосий прогонлардан уч-тўрттаси қурбон бўлади. Шунинг учун чироқ туширишни, репетициядан кейин ўтказиш мақсадга мувофиқдир. Лекин чироқ, аввало мизансаҳналарни ёритиши керак. Демак, бўш саҳнага чироқ тушириб бўлмас экан.

Бунинг учун рассом ва чироқ устаси бир неча репетицияларни залда режиссёрга ёнида ўтириб кўриши керак.

Репетиция жараёнида қаерлар ёритилиши, қайси нуқтага қандай нур кераклиги, қаерда нурлар хира, қаерда ёрқин бўлишлигини режиссёр тушунтириб боради. Чироқ устаси эса ёзиб олади ёки эсда саклаб қолади. Шунингдек, чироқ устаси ҳар бир саҳнанинг ўтиш жойини, воқеаларга қараб, нурлар ўзгаришини ёзиб олади. Шундан сўнггина, чироқ билан боғлиқ репетиция белгиланади. Саҳнада тўлиқ декорация бўлиши шарт.

Чироқ устаси билан унинг ёрдамчилари, репетиция вақтидаги ёзувлар асосида, ўзлари спектаклни ёритадилар. Сўнгра, режиссёрни таклиф этади.

Агар мана шундай чироқ ўрнатиш бўйича репетицияга режиссёр ассистентидан ташқари бир иккита ёш актёрлар ҳам таклиф этилса яхши бўлади. Чироқ ўрнатиш жараёнида актёр ранг баранг нурлар соясида қолиб кетмаслиги учун ҳам бу актёрларнинг ёрдами керак бўлади. Декорацияларни бир марта ёритиш билан кифояланмаслик керак. Актёрлар билан ҳам бир неча бор декорацияларни ёритиб, репетиция ўтказиб кўриш зарур. Шундан сўнггина эртанги бўладиган асосий репетицияга чироқ, мусика қўшилади. Чироқлар билан репетиция ўтказиш даврида актёрларни юзига чироқ тушириш, чироқ тушмай қолган жойларни ёритиш учун ҳам бир икки марта асосий репетицияни тўхтатиш мумкин. Шунингдек, актёр ҳам нурни ҳис этишга ўрганиши керак.

## СПЕКТАКЛНИ ПИШИБ ЕТИЛИШИ

1.

Театр санъати учликдан: драматик маҳсулот — актёр — томошабиндан иборат. Режиссёрчи, деб сўраб қолиш мумкин. Режиссёр спектаклнинг муаллифи сифатида драматург билан бир сафда туради.

Кино санъатига қандай қараш керак?

Кино санъатида ҳам, драматик маҳсулот бор, томошабин бор. Аммо актёр йўқ. Унинг суръати бор, холос. Демак, кино санъатида актёр бевосита томошабин билан юзма юз туриб, жонли мuloқот ўрната олмайди. Демак, бу санъат театр эмас.

Айрим режиссёрлар газетадаги ҳабарни ҳам спектакль қилиб қўйиб ташлайман, дея мақтанишни яхши кўришади.

Аммо бу санъат эмас. Фоявий, бадиий жиҳатдан бўш, характерлари йўқ, воқеалари ясама писесадан, бошданоқ, воз кечган маъқул.

2.

Яхши режиссёра, яхши драматик асар бўлса-ю ижодий жамоа ўта **бўш** бўлса нима қилиш керак?

Шунингдек, яхши декорация ҳам ёмон спектаклни ҳимоя қила олмайди. Декорациянинг ўзи алоҳида санъат асари бўлиши мумкин.

Қуруқ мизансаҳнанинг ўзи спектакль сифатини белгилаб бера олмайди. У фақат актёрнинг моҳирона ижроси орқалигина кўзга кўриниши мумкин.

Лекин режиссёр ёмон асарга нисбатан бўлган салбий муносабатини актёрларга кўрсатмаслиги керак. Кўпни кўрган тажрибали археолог аста -секин юзадаги тупроқ қатламларини олиб ташлаб, асосий хазинага етиб боргани каби, жамоа ўртасида ижодий муҳитни яратса олиш орқали актёрлар ишончини қозониш мумкин. Кўп вақт чўзиладиган ишсизлик, театрдаги майда чуйда гаплар, талабчанликнинг йўқлиги актёрни театрдан бутунлай совитиб юбориши мумкин. Бундай театрлар "ўлик"театр, деб аталади. Актёрлар бошқа хизматчилар каби ишга **кун ўтсин** учун келишади. Ойлик маошлар, худди нафақага ўхшаб вақтида бериб турилса бўлгани. Демак, бундай жамоада спектакль саҳналаштириш учун келган режиссёр, биринчи навбатда

масъулиятни ҳис этиб, талабчанликни йўлга қўйиши, бу ишни, аввало, ўзидан бошлиши шарт. Актёр ҳамкаслари олдида унинг камчилигини бетига гапиришни ёқтирамайди. Дарров кўнглига ботади. Шунинг учун актёрларнинг камчилиг-у нуқсонлари ҳақидаги гап сўзларни ҳеч ким эшитмайдиган жойда, фақат ижрочининг ўзига гапиришга одатланиши керак, Шу йўл билан тушкунликка тушиб қолган жамоани, эҳтиёткорлик билан оёққа турғазиб олиш мумкин. Ахир ҳар бир актёрнинг қалбида ўзи орзу қилган спектакллари, роллари бўлади. Режиссёр, ҳар бир актёр билан алоҳида ишлаши, сұхбат ўтказиши орқали унинг ишончини қозониши, ундаги сўниб бораётган умид учқунларини қайта ёндира билиши керак.

### 3.

Биз драматургия ҳақида гаплашдик. Актёрлар ҳақида сўз юритдик. Эндиги навбат томошабинга.

Машҳур режиссёrlардан бири театрни "уч қиррали" пирамидага ўхшатган эди.

Агар биз "мизансахналар яхши эдик-у, аммо томошабиннинг мазаси йўқ экан" десак инсофдан бўлмайди. Чунки, томошабин бир спектаклни ҳар турли нуқтайи назардан кўради. Борди-ю, **тайёр томошабин ёки тайёр бўлмаган томошабин** десак, ҳақиқатга яқинлашган бўламиз.

Масалага бошқа томондан ёндошадиган бўлсак, писес билан мизансахна, мизансахна билан актёр, репетициялар давом этар экан, ҳар куни учрашади. Репетицияларга сўнгги нуқта қўйилиб, спектакль тайёр ҳолига келтирилгач, мизансахна томошабин билан юзма-юз бўлади. Яъни, ишнинг якуний қисмида учрашади. Бундай вақтларда спектаклни ўзгартиришнинг мутлақо иложи бўлмайди.

Театр санъати ўқитувчиларининг кўп йиллик тажрибасидан шу нарса аёнки, институтда яхши ва аъло баҳоларга ўқиган талабаларнинг ҳаммаси ҳам яхши режиссёр, яхши актёр бўлиб қолмайди.

Гапга уста бўлиб, кўпчиликни ўз оғзига қаратиб юрадиган талаба, бу қобилиятини институт дарсхонаси ва йўлакларида намойиш этиши мумкин. Театр ва томошабин бошқа гап.

Масалан, режиссёр бир писеси репетиция қилишга киришади. Бу асар қачон ўз маромига этиши мумкин? Энг сўнгги якунловчи репетициядами ёки эртароқми? Ҳамма гап мана шу саволга жавоб топишиликда. Ҳеч бир иморат учта асосий унсурсиз (*пойдевор, девор, том*) битган ҳисобланмайди. Демак, спектакль ҳам **драматург, актёр ва томошабинсиз** спектакль ҳисобланмас экан.

Айрим ҳолларда, жамоатчилик ва танқидчилар спектаклни олқишлиб қабул қилиб кетадилар. Аммо, асар бир-икки ўйналиши билан ўз-ўзидан сўниб, йўқ бўлиб кетади. Ёки аксинча бўлиши мумкин. Мутахассислар уни қулоғидан чўзиб қабул қилишади ёки умуман қабул қилишмайди. Спектакль эса ойлар, йиллар давомида томошабин томонидан қизиқиб кўрилади. Шунинг учун улуғ

режиссёрлардан бири *спектаклни аввал маромига етказиб сўнгра томошабинга ўйнаш керак*, деган эди.

Хўш, "ўйнаш керак" дегандага нималар назарда тутилади?

Бу — томошабин учун *ижро этишлик* демакдир.

Бунинг учун нима қилмоқ керак, деган савол туғилади.

Спектакль лойиҳаси ишланаётган вақтдаёқ учинчи қисм бўлган томошабинни, назардан қочирмаслик керак. Бошқача сўз билан тушунтирадиган бўлсак, репетициялар вақтидаёқ томошабинни ҳис қилиб ишламоқ керак. У ёки бу мизансаҳнани лойиҳалаштирас экансиз, ички сезги билан томошабиннинг шу саҳнага, шу мизансаҳнага бўлган муносабатини кўриб туринг. Ҳатто унинг овозини эшишишга ҳаракат қилинг. **"Мана, томошабин шу жойда қулиб юборди, бу ерда қарсак чалиб юборди. Ёки бирбири билан гаплашяпти, демак, бу мизансаҳна зерикарли чиқяпти".**

Агар режиссёрда шундай "*ички қулоқ*" бўлмаса демак, у ҳақийқий режиссёр эмас.

Яна бир гап. Агар спектакль асосий ва яқуний репетицияда аъло даражада ижро этилса ҳам, у ҳали хом. Негаки, уни ҳали томошабин кўргани йўқ.

Яхши спектакль, ўн-ўнбеш марта ўйналганидан кейин пишиб етилади. Шунинг учун спектакль чиққанидан кейин бир неча ой тез-тез ўйнаб туриш спектаклни сайқаллаштиради. Ҳар бир спектаклдан сўнг режиссёр айрим жузъий ўзгартиришлар киритиб бориши, ҳар бир спектаклдан кейин актёрлар билан ўз таассуротлари ҳақида қисқа сұхбат ўтказиб бориши шарт.

## СПЕКТАКЛ НАФОСАТИ

### 1.

Театр санъатига бўлган фидоийлик фақат яхши спектакль саҳналаштириш билангина тугамайди. Уни ҳар куни, ҳар соат севиш, ардоқлаш, кундалик спектаклларни асраб -авайлаш, ўзгартиришлар киритиш, янги ижрочилар билан репетиция қилиб спектаклга қўшиш, эскириб қолган спектаклларни тиклаш, гастроллар вақтида спектаклни янги саҳналарга мослаштириб, қайта кўриб чиқиши буларнинг ҳаммаси режиссёрнинг кундалик ишига айланиши керак. Кема капитани, кема аъзоларини тўхтовсиз назорат қилиб, улар билан бирга яшаб, бирга кема покизалигини сақлаб турмаса, уни хас-чўплар ўраб, кўзланган манзилга ҳеч қачон етиб бора олмайди. Бошқа соҳаларга қараганда театрдаги ҳар кунги оддий ҳаёт байрам бўлиши лозим. Спектаклнинг *покизалиги ва нафосати* деганимизда, биринчи навбатда, уни тўхтовсиз назорат қилиб туришни тушуниш керак. Режиссёrsиз ўйналадиган спектакль бошсиз чавандозга ўхшайди. Дерижёrsиз симфоник оркестрни тасаввур қилиб бўлмаганидек, режиссёrsиз спектаклни ҳам тасаввур қилиб бўлмайди.

Бугунги спектакль тўғрисидаги ҳаққоний гапни, режиссёрдан бошқа одам гапирмайди. Ўйналган спектаклни эса томоша залидан ўтириб кўрилганида барча ютуқ ва камчиликлари аён бўлиши мумкин. Ўзи саҳналаштирган спектаклни қўришлик, камдан-кам ҳолларда қувонч келтиради. Сабабаи,

спектаклда йўл қўйилаётган камчиликлар, актёрларни ошириб юборишлари, сўзларнинг эсдан чиқариб қолдирилган жойларни режиссёрдан бошқа ҳеч ким сезмаслиги мумкин. Шунинг учун ҳар бир режиссёр, айниқса, ёш режиссёр ўз спектаклини 80 фоизини кўриб бориши керак ва зарур.

## 2.

Биз юқорида асосий репетиция вақтида ассистент томонидан актёрлар, бўлим бошлиқларига мўлжалланган режиссёр кўрсатмаларини ёзиб боришлик ҳақида айтган эдик. Энди спектакль вақтида ҳам худди ана шундай ёзув олиб бориши керак бўлади. Аммо спектакль тўғрисидаги ёзувда кўпроқ режиссёрганинг хоҳиш-истаги, актёрнинг ютуғи, яхши ижро этилган саҳна тўғрисида ҳам ёзиш керак бўлиб, ижро чиларнинг айрим ўйинларини мақтаб қўйиш ҳам фойдадан холи бўлмайди. Хўш, бундай ёзувлар ёзилган варақалар қачон тарқатилиши керак? Ассистент, режиссёрганинг бўш вақти бўлганидами?

Мутлақо! Фақат навбатдаги спектакль бўладиган қун тарқатилиши керак. Саҳна қурувчиларига декорациялар ўрнатишдан олдин, хизмат кўрсатувчи бўлимларга спектакль бошланишидан бир соат олдин, ижро чиларга эса бир соат, кирқ дақиқа олдин топширилиши керак.

## 3.

Иккита бир хил саҳна бўлмаганидек, иккита бир хил томоша зали ҳам бўлиши мумкин эмас. Шунинг учун гастролда ўтказиладиган ҳар бир спектаклни тўлиқ репетиция қилиш шарт. Шундай қилинса, спектаклни тўлақонли ўтишига кафолат бўлади. Иккинчи томондан режиссёрганинг тасаввурини чархлади. Топқирлик ва ҳозиржавоблик қобилиятини ўстиради.

Импровизация ва кулгили вазиятлар билан боғлиқ саҳналарни, мумкин қадар асосий саҳнада қандай ўйналган бўлса, шундай ҳолда сақлаб қолишига интилиш зарур. Бу спектаклни жонли ва ҳаяжонли ўтишини таъминлайди. Агар спектаклни бошдан-оёқ репетиция қилишнинг имконияти топилмаса, асосий иштирокчиларни спектакль бошланишидан бир соат олдин ишга чакириб, декорация ва мизансаҳналарда рўй берган ўзгаришлар билан таништириш, воқеаларни бир-бирига боғловчи асосий нуқталарни, сўзсиз бўлса ҳам, кўриб чиқиши зарур.

Гастрол сафаридан қайтиб келингач, спектаклни, албатта, театр саҳнасида бир неча бор репетиция қилиб, ҳар бир саҳна ва воқеаларни, ҳар бир хатти - ҳаракатни жой-жойига қўйиш шарт.

## 4.

Ҳозирги кунда одат тусига кириб қолган, бир ролни икки кишига топшириш аслида яхши эмас. Товстоноговдан "бир спектаклни икки таркибда ўйналишига қандай қарайсиз", деб сўрашганида, "бу — санъатга алоқаси йўқ иш" деб айтган экан. Имконияти бўлса, спектаклни бир таркиб билан ишлаган мақсадга мувофиқдир. Лекин ҳар эҳтимолга қарши иккита таркиб билан ишланадиган бўлса, саҳнадаги актёрларнинг жисмоний, интеллектуал маҳоратига қараб рол тақсимлаш зарур. Аммо, театрда иқтидорли, маҳорати устун, ўз устида ишлайдиган, изланувчан, билимдон актёрлар, асосий таркибда ишлаши лозим.

## 5.

Айрим ҳолларда спектаклдаги актёрнинг ишдан кетиши ёки баҳтсиз ҳодиса, тасодифлар туфайли унинг ролини бошқа актёрга топширишга түғри келиб қолса нима қилиш керак? Бу, ишлаб чиқариш шароитидан келиб чиқадиган заруриятдир.

Бундай шароитда спектаклга янги киритилаётган актёрдан, муқаддам ўйнаган ижрочининг ҳаракатларини айнан қайтаришликни талаб қилиш ўринсиз. Шунинг учун, спектаклдаги у ижро этаётган тимсолнинг хислат ва хусусиятлари, мақсад ва ҳаракат йўналишлари, узлуксиз ҳаракатларини, спектаклдаги мизансаҳнага боғлаб тушунтириш керак. Ана шу берилган шароитда, спектаклга янги киритилаётган актёр учун эркин ҳаракат қилиш, изланишлари, ўзига ҳос томонларини топишда ёрдам бериш орқалигина спектаклнинг бадиий савиясига путур етказмаслик мумкин. Режиссёр янги актёр билан ишлаш жараёнида унга мазкур спектаклдан муносиб ўрин эгаллашига ёрдам бериши керак бўлади. Янги актёр билан репетиция қилиш жараёнида унинг мавқенини кўтариш учун бошқа ижрочиларга ҳам талабчанликни бўшаштирмаслик, лозим топган ўринларда уларнинг ҳам камчиликларини кўрсатиб туриш, тўғрилаш, зарур бўлса, танбех ҳам бериш зарап қилмайди.

Битта фарзанд икки марта дунёга келмайди. Шунинг учун спектаклни янгилашда иккита йўл бор. Биринчиси, эски спектаклни мутлақо унутиб, қайтадан саҳналаштириш. Иккинчиси, аввалги саҳналаштирилган спектаклни тўлалигича қайта тиклаш. Бошқа йўл йўқ.

## САҲНА МАДАНИЯТИ

*"Бу театрнинг маданияти юксак, лекин бу спектаклда, маданият деган нарса ўйқ".*

Шундай дейилганда асосан нималар назарда тутилади?

Театрнинг маданияти нималарда кўринади? Бу тушунчаларни яхшироқ англаш учун бир тажриба ўтказиб кўрайлик.

Биз театрга боряпмиз. Театр биноси яшил либосларга бурканган гулзорнинг охирида савлат тўкиб турипти. Бинога яқинлашар эканмиз, уни кўпдан бери таъмирланмаганлигини сезамиз. Афишалар ёпиштириладиган тахтадаги актёрларнинг грим билан тушган расмларини ёмғир сувлари доғ-дуғ қилиб ташлаган. Бино деворининг ҳар ер, ҳар ерига турли туман, катта-кичик ҳарфларда наридан бери ёзилган шиорлар қоқиб қўйилган. Ҳали эшикдан ичкарига кирмасимииздан биз учун театр бошланди. Асосий дарвоза нима учундир михлаб ташланган. Томошибинлар уриниб-туртиниб, ёнбошдаги тор эшикдан ичкарига киришмоқда.

Театрнинг ичкарисига кирамиз. Фойедаги деворнинг бир бурчагига актёрларнинг расмлари осиб қўйилган. Одамлар бир-бирини туртиб-суртиб

расмларга яқинроқ боришга ҳаракат қилишади. Расмдаги актёрлар ўзларига бино қўйиб, такаббурлик билан суратга тушишган. Айрим расмларнинг остига қінғир қийшиқ ҳарфлар билан увонлар ёзиб қўйилган. Фойеда эса бугунги спектаклдаги бош қаҳрамон ролини ўйнайдиган таниш актёр театр костюми ва гринда қизлар даврасида чақ-чақлашиб, кимнидир кутмоқда. Томоша залига кириб, жойимизга ўтирамиз. Агар бўлса қўлимиздаги спектакль дастурини очамиз. Агар бир ролга, икки киши ёзилган бўлса, иккала фамилиянинг ўртасига белги қўйилган. Демак, бугун қайси актёр ўйнашлиги номаълум. Саҳна пардаси очик. Декорацияни кўздан кечирамиз. Деворнинг (декорация) бир томони қийшайиб, тепадаги бурчаги йиртилиб, ёғочи кўриниб турипти. Ерга тўшалган шолчанинг бир неча жойига ямоқ солинган. Негадир спектаклнинг бошланиши кечикяпти. Саҳна ортидан болғанинг дўқиллаши, кимнингдир жаҳл билан гапириши шундоққина эшитилиб турипти. Ниҳоят мусиқа янграйди. Чироқ аста секинлик билан эмас, шарақлаб ўчирилади. Шу пайт ўтирганларни туртиб суртиб, кечиккан томошабинлар қоронғида ўз жойларини қидира бошлайдилар. Чипта йиртувчи хотин аллақаёқдан курсилар олиб кириб, йўлакларга одамларни ўтқазмоқда. Биз ўтирган жойдан саҳнага чиқишга тайёрланиб турган икки актёрни бир бири билан гаплашиб, хиринглаб кулишиб тургани bemalol кўриняпти. Мана, ниҳоят қинғир қийшиқ темир издан зўрға бораётган асори атика трамвайга, ўхшаб спектакл бошланади.

## 2.

Спектаклнинг биринчи қисми ҳам тугади. Бугунги спектаклдаги актёрлик, режиссёрлик, ишлаб чиқариш бўлимларининг маданияти қандай бўлиши мумкин? Режиссёр тўғрисида гапирмаса ҳам бўлади. У аллақачон спектаклни топшириб, бошқа шаҳарга кетган ёки уйида мазза қилиб телевизор кўриб, чой ичиб ўтирипти. Мазкур асарнинг на жанрини на услубини аниқлаб бўлади. Бир кўриниш мусиқали комедияга ўхашшиб кетса, бошқа кўриниш детективга ўхшайди. Учинчи кўриниш эса мунгли драмани эслатади. Мизансаҳналар ҳам ўлда-жўлда ишланган.

Актёрнинг талаффузи унинг маданиятини белгилайди, дейдиган бўлсак, режиссёрнинг талаффузи мизансаҳнадир. Гарчанд, спектакль костюмлари даврга мос бўлсада, актёрлар кийиниши, юриш туриш, ўзни тутишни билишмайди. Айниқса, уларнинг саҳнага кириб чиқиши кишини гашини келтиради. Иккинчи даражали рол ижрочилари умуман беписандлик билан саҳнага кириб-чиқиб юрептилар. Иштирокчиларнинг юзидан саҳна ташқарисидаги суҳбат, воқеаларнинг таъсири шундоққина сезилиб турипти. Саҳнага кириб чиқиш қоидасига ҳеч ким эътибор ҳам бераётгани йўқ. Бош ролни ижро этувчилар эса томошабинга ўйнашаётгани шундоққина сезилиб турипти. Уларнинг ҳар бир кириб чиқишига қарсаклар чалинади. Лекин бу қарсаклар ролнинг ижроси учун эмас, актёрларнинг моҳирона қиликлари, ўзлигини намойиш этаётганлиги учун чалинаётган қарсаклар. Хизматкор ролини ўйнаётган актёр томошабинни кулдириш учун ўлиб-тирилиб ҳаракат қиласи. Уни рол билан, саҳнада бажариши керак бўлган вазифаси билан мутлақо иши йўқ. Саҳнадаги иштирокчилардан бири кичик бир жисмоний

ҳаракатни ижро этиши билан, чанг кўтарилиб кетди. Кимнингдир йўтали тутиб қолди.

### 3.

Мана, ниҳоят спектакль ҳам тугади. Енгил нафас олдик.

Спектакль ўйнаш ниҳоятда мушкул иш эканлигини мутахассисларгина билишади. Баланд қубба остида, муракқаб трюк ижро этиб пастга тушган цирк артистининг кулгиси қанчалар қиммат туришини цирк артистларининг ўзи яхши билади. Ҳар бир актёр ҳам спектакл сўнгидаги ана шундай баланд қуббадан ерга тушади. Гарчанд, театр актёри ҳаётини хавф остига қўйиб рол ижро этмасада, рол ўйнаш қанчалик қийин ва масъулиятли эканлигини яхши тушунишади. Мана, актёрлар таъзимга чиқиши. Гарчанд, бу спектаклнинг якуний қисми бўлмасада, уни ҳам саҳналаштириш керак экан. Худди рассомнинг гулдаста ясагани каби режиссёр ҳам саломга чиқувчиларни тартибга сола билиши керак. Спектаклнинг жанридан келиб чиқиб, саломни саҳналаштириш лозим. Айрим актёрлар калласини эгиб қўя қолади, айримлари гавдасини эгади. Айримлари олдин белини букиб, кейин калласи ва елкасини букади. Бу ҳам алоҳида техникани талаб қиласиган санъатдир. Қарсак бўлганидан кейин эгилиб салом бериш зарур. Салом берганда ҳам ҳозиргина ўзи ўйнаган ролдан чиқмаган ҳолда салом бериш керак. У яратган тимсол томошабин кўз ўнгига хазондек сочилиб кетмаслиги керак. Томошабинга ҳар жиҳатдан эҳтиром кўрсатиш актёр одобининг гултожи ҳисобланади. Айрим театрларда томошабин актёрнинг меҳнатини қадрлаб қарсак чалади. Унга гул беради. Актёр эса томошабиннинг гулини яна ўзига қайтаради. Бу одобизлик белгиси. Режиссёр саҳнага таклиф этилсагина чиқиши керак. Лекин томошабин кўз ўнгига актёрларга ўз ҳурматини билдириб, уларни бирма-бир табриклиши, қучоқлаб ўпиши мутлақо ортиқчадир. Энг яхшиси, спектакль тугаганидан кейин саҳнага чиқиб келган режиссёр ярим доира ясад ўртага келиши ва спектакль тугаганигини эълон қилиши керак. Сўнгра, ҳамма биргаликда олдинга чиқиб, қўл ушлашган ҳолда, томошабинга қуллуқ қилиши керак.

Сўнгги сўз ўрнида К.С. Станиславскийнинг сўзини яна бир карра эслатиб ўтмоқчимиз: **«РЕЖИССЁРЛИККА ЎРГАТИБ БЎЛМАЙДИ РЕЖИССЁРЛИК КАСБНИ ШУРГАНИШ МУМКИН».**

## МУНДАРИЖА

Кириш.....	2
Асосий қисм	
<b>I БОБ.....</b>	
<b>Биринчи босқич - “Режиссёр қобилиятини тарбиялаш”.....</b>	<b>7</b>
Кузатувчанлик, тасаввур, фантазиянинг касбий ахамияти.....	8
Кузатув машқлари.....	14
Режиссёрга тасаввур ва фантазияни ўстириш машқлари.....	17
Жанр билан боғлиқ машқлар.....	25
Сўзсиз ҳатти – харакат учун машқлар .....	27
Саҳнавий диққат учун машқлар.....	29
Саҳнавий эркинликни тарбиялаш.....	37
Саҳнавий ишончни тарбиялаш.....	40
Муносабатлар ва рўй берган воқеликни баҳолаш.....	42
<b>II БОБ.....</b>	
<b>Иккинчи босқич – Режиссёрнинг адабий манба ва пьеса устида ишлаши”.....</b>	<b>47</b>
Адабий манба, пьесанинг мавзуси, гоя ва олий мақсадини аниқлаш.....	50
Режиссёр ва мизансаҳна .....	54
Оддий мизансаҳна ва кузатиш бурчаги.....	56
Ракурс.....	61
Мизансаҳна ва тасаввурдаги қиёслаш.....	65
Томоша ва товуш.....	73
Вақт, макон, маром.....	76
Сўзсиз харакат.....	79
<b>III БОБ .....</b>	
<b>Учинчи босқич - Спектакл устида ишлашнинг дастлабки жараёни.....</b>	<b>85</b>
Бўлажак спектакл хусусида режиссёрнинг ўй фикрлари (замысел).....	87
Пьеса ва спектаклнинг жанри	
Мазмун, шакл ва маҳорат.....	88
Режиссёрлик санъатида мода ва янгилик.....	89
Хатти – харакат тахлили	
Маҳоратнинг шартлилиги ва хақиқийга монандлиги.....	90
Актёрнинг ижрочилик услуги – режиссёр ниятининг технологик муаммоси.....	91
Спектаклнинг ташқи безаги, режиссёр ва актёр.....	92
Режиссёрнинг мизансаҳна устида ишлаши.....	96
Ижодий тўсиқларни бартараф этиш.....	98
Режиссёрнинг актёр билан ишлаши.....	102

Режиссёр топширигини амалга оширувчи қурол - ҳаракатдир.....	105
Ҳаракат – сезгиларни қўзғатувчи қопқондир.....	107
Техника (маҳорат).....	110
Оммавий саҳналар.....	114
Монолог ва мизансаҳналар.....	120
Умумий манзара ва алоҳида кўринишлар.....	124
Мизансаҳна қандай бўлиши керак?.....	134
Б.Брехт таълимоти.....	140
Усулнинг ўзи нима?.....	142
IV БОБ.....	
<b>Тўртинчи босқич – Амалиёт .....</b>	<b>151</b>
Шакл ва мохият.....	
Декорация ва мизансаҳна.....	154
Саҳначалар.....	157
Режалаштириш ва эркин ижро .....	158
Макет қархисида.....	160
Вақтнинг қиймати .....	162
Эрганги репитиция учун ҳамма нарса тахтми?.....	165
Спектаклнинг туғилиши.....	167
Ким – кимни?.....	169
Режиссёр – хаттот.....	172
Мувофиқлаштириш (синтез).....	173
Навбатдаги довон.....	176
Мизансаҳна ва уни ёритиш.....	181
Спектаклнинг пишиб етилиши.....	182
Спектакл нафосати.....	184
Саҳна маданияти.....	186

## АННОТАЦИЯ

“Режиссёрлик маҳорати асослари”номли дарслик китоби Олий,ўрта маҳсус санъат билим даргоҳларидағи ўқитувчи ва талабаларга мўлжалланган бўлиб,китобда режиссёрлик касбининг ўзига хос нозик томонлари,бу соҳани эгалламоқчи бўлган талабалардан лаёқат ва кенг кўламли билимлар талаб қилиниши,шу билан бирга бўлажак режиссёр сабр матонатли,фалсафий мушоҳада юритишга қодир бўлиши кераклиги мисоллар билан кўрсатиб ўтилган.

Дарслик,режиссурага бағишлиланган илк китоб эканлиги,муаллифларнинг бу соҳадаги изланишлари жараёнида хато ва камчиликлар бўлиши табиий бир ҳолдир.Ана шундай камчиликларни кўрсатиб ўтмоқчи бўлган ҳамфикаирларга аввалдан миннатдорчилик изҳор қиласиз.